

67.991238

к.24

Й. КАРАКЕТОВ
М. УСМОНАЛИЕВ

**Жиноятчиликка
қарши
курашнинг
криминологик
чоралари**

„УЗБЕНИСТОН“

Й. М. КАРАКЕТОВ, М. У. УСМОНАЛИЕВ

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЧОРАЛАРИ

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
ҳуқуқшунослик олий ўқув юртлари талабалари учун
ўқув қўлланмаси сифатида тавсия этган*

ТОШКЕНТ
"ЎЗБЕКИСТОН"
1995

67.99(2)8

К 24

Масъул муҳаррир:
Юридик фанлари доктори, профессор
Г. А. АҲМЕДОВ

Муҳаррир: Муҳиддин ОМОН

Тақризчилар:
Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди — З. Ю. МУҚИМОВ
Ҳуқуқшунослик фанлари номзоди — К. У. УМАРОВА



ISBN 5-640-01318-4

К $\frac{1201000000-26}{М 351 (04) 95}$ 95

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1995

Криминология нимани ўрганади?

Жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги жаҳондаги кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида кенг аҳоли оммасида жиддий ташвиш туғдирмоқда. Ўзбекистон Республикасида кейинги пайтда кўрилган кескин чоралар туфайли айрим турдаги жиноятларнинг ўсишини тўхтатишга муваффақ бўлинди. Аммо айрим турдаги жиноятлар ўсишининг давом этаётганлиги жиноятчиликка қарши курашни янада кучайтиришни ва бу вазифани илмий асосланган тартибда ташкил қилинишини тақозо қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, — "Қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса,.."¹ бу вазифани бажаришнинг иложи бўлмайди.

Жиноятчиликка қарши кураш ишининг илдишлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Буюк давлат арбоби ва лашкарбоши Амир Темур "Темур Тузуқлари"да "Амр этдимки, ўғри ва қароқчиларни "Ёсо" асосида жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар," — деган эди².

Жиноятчиликка қарши кураш бошқа ҳар қандай социал фаолият каби илмий асосланган бўлиши керак. Жиноятчиликка қарши курашнинг юридик йўналишини, яъни содир этилган жиноятни аниқлаш, айбдорларни фош қилиш ва жазога ҳукм қилиш билан боғлиқ бўлган

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992 й., 17-бет.

² Темур тузуқлари. Тошкент, "Ғафур Ғулом", 1991 й., 94-бет.

муносабатларни жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқи, ахлоқ тузатиш меҳнат ҳуқуқи ва криминалистика фанлари ўрганади. Жиноятчиликка қарши кураш ишини, яъни жиноятчилик деган социал ҳодисанинг содир бўлиши ва моҳиятини, унинг мавжуд бўлиши ва сабабларини, жиноятчиликнинг олдини олиш воситалари ва йўлларини ҳамда жиноят содир қилувчи кишиларнинг шахсини криминология фани ўрганади.

Криминология фанини ўрганиш олдидан бу фаннинг ўрганадиган соҳаси нима, вазифаси қандай, у қандай ижтимоий ҳодисаларни тадқиқ қилади деган саволларга жавоб бермоқ лозим бўлади.

Криминология сўзи латинча "Crimen", ўзбекча "жиноят" ва грекча "logos", ўзбекча "таълимот" (ўқиш, ўрганиш) сўзларининг бирикишидан ҳосил бўлган.

Криминология сўзини ўзбек тилига айнан таржима қилганда "Жиноятчилик ҳақидаги таълимот" деган маънодан иборат бўлади. Бунда жиноят тушунчаси аниқ бир жиноятни эмас, балки жиноятчиликни назарда тутати. Жиноятчиликни ўрганувчи ушбу фан XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланади ва криминология деган номни олади. Айрим вақтларда бу фанни жиноят социологияси, жиноят биологияси деб ҳам атаганлар. Бундай деб ишлатиш кўпроқ фаннинг қайси тармоқ мутахассиси томонидан ўрганилганлигига боғлиқ бўлган.

1885 йили италиялик олимлар Топинард ва Гарофалолар ўз монографияларини нашр қилиб, жиноятчиликни ўрганувчи мустақил фан соҳасини — криминология деб атаган эдилар.

Криминология сўзи XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлган бўлса-да, жиноятчилик ҳақидаги фан анча олдин пайдо бўлган эди. Жуда қадим замонлардаёқ "нима сабабдан одамлар жиноят содир қилади?" — деган масала инсониятнинг энг илғор қисмини ҳар доим ҳам уйлантириб келган. Бу соҳадаги назарий масалалар ҳатто Платон ва Аристотелларнинг асарларида ҳам учрайди. XVIII аср мутафаккирлари Беккария, Вольтер, Дидро, Монтескье ва бошқалар ижодида жиноятчилик масаласини ўрганишга катта аҳамият берилган, айрим олимлар бу фаннинг пайдо бўлишини италиялик юрист олим Чезаре Беккария (1738—1794) номи билан боғлайдилар.

Беккария жиноятчиликни идеалистик позициядан туриб тушунтиришга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, одамларни ахлоқий ва сиёсий бошқаришнинг учта асосий манбаи бўлиб, булар: худонинг иродаси, тиббий қонуниятлар ва ижтимоий-ихтиёрий келишувлар. Инсон атроф муҳит таъсирида яхши ва ёмон ҳаракатлар қилиши мумкин. Жиний қилмиш ҳам ёмон ҳаракатларга киради. Беккария жинийни умумий манфаатга (эзгуликка) ҳилоф ҳаракатдир, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, жинийчиликка қарши кураш ва янги жинийлар содир бўлишининг олдини олиш чоралари ичида жазолаш асосий ўринда туради.

Агарда криминология фанининг шаклланиши ва ривожланишини умумлаштириб ифода этадиган бўлсак, у асосан икки йўналишда ривожланади. Ана шу икки йўналиш ўртасидаги кураш таъсирида криминология фан сифатида шаклланади. Биринчи йўналиш вакиллари — жинийчилик социал ҳолиса, у жинийда содир бўладиган қарама-қаршиликнинг маҳсулидир деб ҳисоблайдилар. Иккинчи йўналиш вакиллари эса жинийчиликни биологик ҳолиса (жиний содир этишга биологик мойиллиги бўлган шахснинг қисматидир) деган йўналишда турадилар. Ана шу иккита йўналишни сунъий равишда бирлаштириб тушунтиришга ҳаракат қилувчи оқимлар ҳам бор. Бундай оқимлар у ёки бу оқимни илмий асосда исботлаб бера олмаслик натижасида вужудга келгандир. Одатда бундай йўналишда турган олимларнинг фикрлари ўта чигал ва қарама-қарши бўлади.

Буржуа криминологиясининг тараққиётида жиний ҳуқуқидаги антропологик йўналиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишнинг фалсафий асоси социал дарвинизм ғоялари ва вульгар материализмдан иборатдир. Криминология мустақил фандир. Яъни унда бошқа фанларда ўрганилмайдиган, фақат шу фanning тадқиқот объекти ҳисобланган ижтимоий объект мавжуддир. Лекин айрим юридик адабиётларда бошқача нуқтаи назарлар ҳам баён қилинган.

Кўпчилик олимларнинг таъкидлашига кўра криминология социология ва ҳуқуқ фанлари ўртасидаги фандир. П. И. Гришаев "криминология синфий жамиятда нисбатан

оммавий равишда социал ҳодиса сифатида жиноятчиликнинг мавжудлиги муносабати билан вужудга келадиган ижтимоий тадқиқот соҳасига эга фандир" — деб ёзган эди¹. Г. А. Аванесовнинг таъкидлашича "криминология билимлар тизимининг нисбатан мустақил соҳаси бўлиши билан бирга, умуман, фанлар тизимининг бир элементи бўлиб, жиноятчиликни социал ҳуқуқий ҳодиса сифатида ундаги ўзгаришлар ва қонунларни (ўтмиш, мавжуд даврга ва келажакка хос бўлган) жиноятчиликнинг сабабларини, жиноятчининг шахсини ўрганишга, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашнинг назарий ва оммавий қойдаларини ривожлантиришга мўлжалланган олимлар ва илмий муассасаларни бирлаштирувчи кишилар фаолиятининг махсус формасидир". Бунда криминология тўғрисида айтилган гаплар умуман тўғри, лекин уларни криминология учун берилган батафсил таъриф деб бўлмади.

Криминология дарслигида "Совет криминологияси бу жиноятчининг шахси, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитлари, жамиятимизда унинг олдини олиш йўллари урганувчи социал ҳуқуқий фандир" — деб таъриф берилган². Ана шу таърифдан кўриниб турибдики, криминология ўз мазмунига кўра тўртта асосий қисмдан иборат бўлган социал ҳодисаларни ўрганади. Булар: а) жиноятчилик; б) жиноятчиликнинг шароит ва сабаблари; в) жиноятчининг шахси; г) жиноятчиликнинг олдини олиш.

а) Жиноятчилик криминология предметининг асосий элементларидан биридир. Бунда жиноятчиликни социал ҳодиса сифатида тушуниш, унинг моҳиятини ва мазмунини, жиноятчиликнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва йўқ бўлиши каби масалалар қамраб олинади. Жиноятчилик бу синфий жамиятда мавжуд бўлган, давлатда маълум вақт мобайнида содир қилинган барча жиноятлар системасидан иборат тарихий, ўзгарувчан ва ўсувчан социал ҳуқуқий ҳодисалардир. Жумладан, 1990 йили собиқ Иттифоқда 2 млн 787 мингдан кўпроқ жиноят

¹ Аванесов Г. А. Советская криминология, прогностика управление. Горький. 1975, с. 14.

² Криминология. М., юрид. лит-ра, 1988, с. 3.

рўйхатга олинган. Ўзбекистонимиз ҳудудида шу муддат мобайнида 88,2 минг жиноят рўйхатга олинган. Жиноятчилик жиноятларнинг оддий йиғиндисидангина иборат бўлмай, балки алоҳида жиноятлар учун муҳим бўлган қонуниятларни ўзида мужассамлаштиради.

Жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ва умуман келажакда фақат жиноят сиёсатининг ўзи билан жиноятчиликни бартараф қилишнинг иложи бўлмаса керак. Яна шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, то ҳозиргача жиноят содир этилмаган бирон бир жамият, мамлакат ёки давлат бўлган эмас. Шунинг учун жиноят сиёсатининг мақсади — жиноятчиликни келтириб чиқарувчи шароит ва сабабларни бартараф қилиб бориш ва унинг воситаси сифатида — жиноят, жиноят процессуал, ахлоқ тузатиш — меҳнат ҳуқуқи ва профилактика чораларидан фойдаланиш керак деган қоида баҳслидир¹.

Жиноят сиёсатининг воситалари фақат субъектив ва энг яқин вақт ичидаги объектив сабабларга ва жиноятчиликнинг шароитларига таъсир қилиши мумкин холос. Шунинг учун жиноят сиёсатига бажаришнинг иложи бўлмаган иқтисодиёт, маданият, ижтимоий онг, турмуш маданияти, жамият аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш каби жамиятни социал ривожлантиришни бошқариб турувчи ягона восита деб қаралмаслиги керак. Жиноят сиёсатининг асосий мақсади жамиятда жиноятчиликни энг кам миқдорга тушуришдан иборат бўлиши керак.

Жиноятчилик — анча чуқур, мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У қандайдир бир системанинг маҳсули ҳам эмас, ҳеч қандай "... измлар" билан ҳам боғлиқ эмас, балки у жамият ва кишилар ўртасидаги алоқаларнинг маҳсули ва улар ўртасидаги доимий ва ўзгарувчан қарама-қаршиликларнинг натижасидир².

Жиноятчиликнинг ҳолати структураси ва динамикаси сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгариб боради.

Жиноятчилик ва алоҳида жиноятлар ўртасидаги муносабат анча мураккабдир ва бу борада турли-туман фикрлар билдирилган. Бизнингча бу саволни ҳал қилиш учун қуйидаги қоидаларга асосланиш керак.

¹ Коробеев А. И., УСС А. В., Голик Ю. В. Уголовно-правовая политика. Изд-во Красноярского Университета, 1991 г., с. 7.

² Лунеев В. В. Преступность в СССР. Основные тенденции и закономерности. "Советское государство и право". 1991 г., № 8, с. 93.

Жиноятчилик социал (антисоциал) хулқнинг алоҳида тури бўлиб, алоҳида жиноий тажовузларнинг йиғиндисидан иборат. Лекин, жиноятчиликни умумсоциал ҳодиса сифатида алоҳида жиноятчиларга хос бўлган хусусиятларнинг ўзи билан ифодалаш етарли бўлмайди. Жиноятчилик ҳар бир алоҳида жиноий қилмишнинг барча белгиларини ўзида акс эттира олмайди, балки ушбу ҳодисанинг моҳиятини, ижтимоий хавфлилигини, социал хилоф ҳодиса эканлигини ўзида ифода қилади холос. Айни пайтда жиноятчилик жиноят содир қилувчи шахсларнинг социал таркиби ва социал демографик характеристикаси, айрим гуруҳлар ва алоҳида шахслар томонидан содир қилинишининг нисбати, биринчи марта содир қилинганлиги ёки рецидив жиноий хулқ ва ҳоказолар билан ҳам характерланади. Бундай ҳолат алоҳида турдаги жиноятларга нисбатан эмас, балки умуман жиноятчилик учун хосдир. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг умумий тушунчаси криминология предметининг элементи сифатида ўз мазмунига кўра алоҳида жиноят тушунчасидан анча кенг тушунчадир. Маълумки, алоҳида жиноятлар бир-бири билан ҳаммаша ҳам боғлиқ бўлмайди, ҳар бир алоҳида жиноятнинг ўзига хос белгилари бор. Жиноятчилик эса алоҳида жиноятлар йиғиндисидан ташкил топган мустақил социал ҳодисадир. Аммо алоҳида жиноятлар билан жиноятчилик ўртасида маълум даражада боғлиқлик бор. Масалан, безорилик ҳаракатлари кўп ҳолда зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳолда содир қилинадиган жиноятдир. Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар катта ёшдагилар томонидан содир қилинаётган жиноятлар билан боғлиқ ва ҳоказо...

б) Жиноятчиликнинг шароит ва сабаблари криминология предметининг асосий қисмларидан биридир. Жиноятчиликнинг шароит ва сабаблари масаласи криминологиянинг энг мураккаб муаммоларидан саналади. Илгарилари социалистик тузум жиноятчиликнинг ички сабабларини тўла бартараф қилади деб ҳисобланар, жиноятчиликнинг социалистик жамият билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, жиноятчилик ўтмиш қолдиғи, деб ҳисоблаб келинар эди. Шу сабабли, социалистик давлат шароитида жиноятчилик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади, деган фикр ҳукмрон эди. Ҳатто жиноятчиликни тугатиш муддатларини амалда белгилаш тўғрисидаги тушунчалар ҳам йўқ эмас эди. Криминологиянинг кейинги йиллардаги та-

раққиёти, жиноятчиликни, унинг шароит ва сабабларини, уларнинг олдини олишни содда тасаввур қилиш нотўғрилигини, социалистик жамиятда ҳам жиноятчилик социал ҳодиса сифатида мавжуд бўлишини назарий жиҳатдан асослаб берди. Шунинг учун жиноятчиликка қарши курашни содда тасаввур қилиб жиноятчиликни ижтимоий иллат сифатида дарҳол тузатишни талаб қилиш тўғри бўлмайди. Лекин шунга қарамасдан, жиноятчиликка қарши курашнинг муаммоларини аниқ тасаввур қилган ҳолда унинг келажакдаги ҳолатидаги ўзгаришларни кўра билиш, унга қарши курашнинг энг самарали чораларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва ҳуқуқни татбиқ этувчи органларнинг бутун фаолиятини яхшилаш лозим. Криминология, энг аввало, жиноятчиликнинг шароит ва сабабларини ўрганиш билан шуғулланади, лекин айти пайтда у жиноятнинг сабабларини тор доирада, масалаи, айрим ҳудудлар миқёсида йилнинг турли мавсум ва вақтларида содир қилинишини, алоҳида турдаги жиноятлар ёки жиноят қонуни билан жазоланадиган қилмишларнинг шароит ва сабабларини ҳам ўрганади. Жиноятчиликнинг шароит ва сабаблари иқтисодий, ғоявий, социал, руҳий ҳодисалар ва ташкилий бошқарувчилик фаолиятидаги камчиликлар туфайли вужудга келадиган салбий социал ҳодисалар йиғиндисидан иборатдир. Жиноятчиликнинг шароит ва сабаблари ўз мазмуни ва моҳиятига кўра турли-тумандир. Шунинг учун умумий жиноятчиликнинг алоҳида гуруҳдаги жиноятларнинг содир бўлишига таъсир қилиш шароити ва сабаблари турли даражада ва миқёсда ўрганилади.

Алоҳида турдаги жиноятларнинг сабаблари билан умуман жиноятчиликнинг сабаблари ўртасидаги боғлиқлик у ёки бу тарзда умумийдир. Ҳар қандай умумий жиноят алоҳида жиноятнинг бир қисми, моҳиятидир.

Криминология алоҳида жиний хулқларнинг сабаблари ичидан барча жиноятлар учун характерли бўлган сабабларни ажратиб олиши керак бўлади.

Жиноятчининг шахси ҳам криминология предметининг ажралмас қисмидир. Криминология жиноятчининг шахси масаласини социал демографик нуқтаи назардан, жиноятчининг ижтимоий ролини эса жиноятнинг субъекти сифатида социал руҳий хусусиятлар жиҳатидан ўрганади. Жиноятнинг субъекти сифатидаги кишининг шахсини характерловчи хусусиятларни алоҳида жиноятлар нуқтаи назаридан ва умумлаштириб ўрганиш жиноятчиликнинг

сабаблари тўғрисида муҳим маълумотлар беради. Шунингдек, жиноятчининг шахсини ўрганиш унинг яна янги жиноятлар содир қилиши мумкинлигини ҳам (рецидив жиноятни) кишининг шахси сифатида ўрганади. Жиноятчининг шахси дейилганда турли алоқалар, муносабатлар ва ҳолатларнинг таъсирида феъл-атворида салбий хусусиятлар шаклланиб қолган ва жиноят қонуни билан тақиқланувчи, жиноят деб ҳисобланган ҳаракатни содир қилишда айбдор бўлган кишининг шахси тушунилади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳам криминологиянинг тадқиқот объектларидан бири бўлиб, жиноятчилик сабаблари ва жиноятчининг шахсини ўрганиш айнан ана шу мақсадга қаратилади. Криминология жиноят содир бўлишига олиб келадиган ижтимоий ҳодисаларни ўрганишнинг илмий усуллари ишлаб чиқади ва амалда қўлланиш учун тавсия қилади. Шунинг учун криминологиянинг предметида жиноятчиликнинг олдини олиш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳам киради. Криминология умуман жиноятчиликни тадқиқ қилар экан, жиноятчиликка қарши курашда фақат ҳуқуқий чоралар билан чекланиб қолмасдан, балки жиноятчиликни олдини олишнинг иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ҳуқуқий ва бошқа чораларини ҳам қамраб олади. Қисқа қилиб айтганда, криминология жиноятчиликнинг олдини олишнинг умумдавлат йўллари ва воситаларини ўрганади. Кейинги вақтларда жиноятчиликни прогноз қилишнинг истиқболлини, динамикаси ва структурасида бўладиган ўзгаришларни аниқлашга жиддий аҳамият берилмоқда. Жиноятчиликни прогноз қилиш, жиноятчиликнинг келажакдаги ўсишига қарши, унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни олдиндан ишлаб чиқиш имконини беради. Лекин жиноятчиликни прогноз қилиш ғоят мураккаб иш бўлиб, мамлакатнинг келажакдаги иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларининг аҳволини илмий асосда аниқ ўрганиш билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам прогноз қилишнинг криминологиянинг жиноятчиликни олдини олиш қисмига киритилиши ва криминология объектининг элементларидан бири сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Жиноятчиликни прогноз қилиш асосан жиноятчилик динамикаси ва структурасига таъсир қиладиган омилларни ўрганиш орқали амалга оширилади. Илмий асосланган прогноз криминологиянинг назарий қоидаларини асосий ва пухта эканли-

гини асослабгина қолмасдан, балки жиноятчиликнинг олдини олишнинг пухта амалий чораларини ҳам ишлаб чиқиш имконини беради. Жиноятчиликка қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноятчиликка қарши курашнинг илмий асосланган, пухта ишланган ва самарали чораларини қўлланмасдан туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Юқорида айтилганларга асосланиб, криминология тушунчасига таъриф бериш мумкин: "Криминология — бу жиноятчилик, жиноятчининг шахси, жиноятчиликнинг шароит ва сабабларини аниқлаб ҳамда уни прогноз қилиш асосида жиноятчиликнинг олдини олишнинг йўллари ва воситаларини ишлаб чиқишни ўрганувчи ижтимоий-ҳуқуқий фандир".

Жиноятчиликка қарши кураш масаласида "Жамиятга илмий қизиқувчанлик эҳтиёжини қондириш учун эмас, балки, жиноятчиликнинг камайишига таъсир қила оладиган илмий асосланган базаси ва стратегияси ишлаб чиқилиши керак" — деб ёзганда, Т. Э. Караев ҳақдир¹.

Кейинги йилларда жиноятчиликка қарши курашга янгича муносабатда бўлинмоқда. 1988 йилдан бошлаб жиноятчиликка қарши курашнинг қиймати масаласи фуқаролар ва мутахассисларни ўзига жалб қилмоқда. Жиноятчилик натижасида келтирилган зарарни ҳисоблашда бевосита жинойи фаолият туфайли келтирилган зарар ва унинг оқибатида келтирилган зарарни қўшиб ҳисоблаш масаласи қўйилмоқда. Маълумки, жиноятчиликка қарши кураш ишида жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, судда кўриш ва жазони ижро этишда қилинадиган харажатлар, ана шу соҳада ишлайдиган давлат органи ходимларининг моддий таъминоти, жиноятчиликка қарши курашиш учун мўлжалланган воситалар билан таъминланган харажатлари жуда катта миқдорни ташкил қилади. Аммо жиноятчиликка қарши кураш харажатлари ана шуларнинг ўзи билангина чекланиб қолмасдан, жиноятчиликка қарши курашнинг тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш учун кетадиган харажатларни ҳам қамраб олиши керак.

Бундан ташқари, шахснинг жазони ўтаётган даврда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг пастлиги, оддий

1

Қаранг: *Караев Т. Э. Проблемы изучения преступности в современных условиях.* Баку — Элм, 1992, с. 7.

ишлаб чиқариш муҳитидан ажратиб қўйилганлиги, ўзининг қобилиятини амалда кўрсатишининг имкониятларидан маҳрум бўлганлиги ҳам жиноят содир қилганликнинг оқибатидир.

Жазони ўташ вақтида болаларини тарбиялаш имкониятларидан маҳрум бўлганлиги, қари ота-онани, ногирон оила аъзосини боқшдан, уларга ғамхўрлик қилишдан ва ҳоказолардан маҳрум этилганлик ва ҳоказолар ҳам жиноят содир қилишнинг зарарли оқибатларига киради.

Юқорида айтилганларнинг барчаси жамият учун жиддий зарар келтиради ва катта миқдорда маблағ сарф қилишни талаб этади. Жиноятчиликнинг бундай оқибатларини жиноятчиликнинг ўзини олдини олмасдан туриб камайтиришнинг иложи бўлмайди. Шунинг учун фавқулодда ёки эҳтиётсизликдан биринчи марта жиноят содир қилиб қўйган шахсларга жинорий репрессия чораларини қўллашга нисбатан инсоний муносабатда бўлиш анча фойдалироқдир.

"Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, армия, мактаб, ишлаб чиқариш жамиятнинг ажралмас бир бўлаги сифатида интизомсизлик муҳитида интизомни зўрға сақлаб турмоқда" — деб ёзганда К. Мирзажонов ҳақдир¹.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК, ЗАҲАРВАНДЛИК, ГИЁҲВАНДЛИК ВА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

Алкоголизм ва гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфлилиги

Кўп йиллардан бери тадқиқотчилар томонидан ичкиликбозликнинг миқёсини фақат камайтириб кўрсатишнинг ўзи билангина чекланиб қолмасдан, балки, унинг социал, иқтисодий, демографик, ахлоқий ва бошқа салбий оқибатларига етарли баҳо берилмади.

1

Қаранг: *Мирзажонов К.* Амнистия и помилование в советской уголовной политике. Ташкент, "ФАН", 1991, с. 40.

Ичкиликбозликка қарши кураш соҳасидаги ташвиқот ишлари ҳам аксарият ҳолларда кўр-кўрона, юзаки, ҳатто баъзан энг ўткир масалаларни четлаб ўтиб, олиб борилди. Алкоголизм ва гиёҳвандликнинг зарарли оқибатларига деярли аҳамият берилмади. Ҳатто унинг зарарли социал оқибатлари ҳақида кўпчилик кишилар мутлақо ҳеч нарса билишмас эди ҳам. Айниқса ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка тегишли маълумотлар қаттиқ сир сақланар, бу соҳада ҳеч қандай тадқиқот ишлари олиб борилмасди. Инсоният ўртасида бундай социал иллатнинг тарқалишини айрим узук-юлуқ маълумотлар орқалигина, бирон бир ҳодиса юз берган пайтларда билиш мумкин бўлар эди. Лекин шунга қарамай, бу иллатга қарши кураш ҳақида қонунлар, қарорлар қабул қилинаверарди. Аммо бу қонун ва қарорларни амалга ошириш ярим-ёрти ҳолда қолиб кетаверар эди. Оқибатда жамиятимизда ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик йўқ бўлмади. Аксинча, борган сари кенгроқ тарқалиб, тарихан ичкилик ичиш одат бўлмаган жойларга ҳам тарқалиб кетди. Ҳатто вояга етмаганлар ва аёллар ўртасида ҳам кенг тарқалди. Ичкилик ичишни суиистеъмол қилиш кўп ҳолларда ноахлоқий ва ижтимоий хавфли ҳодиса деб баҳоланмади ва унга қарши қонун ва жамоатчиликнинг кучидан етарли фойдаланилмади.

Ичкиликбозлик ва наркотик воситаларни истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқадиган салбий ҳодисаларга қарши кураш ишида фақатгина ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар томонидан олиб бориладиган кураш етарли эмас. Буни кўп йиллик тажриба исботлади. Бу органларнинг мазкур соҳадаги иш фаолиятини изчил йўлга қўйиш билан бирга бутун жамоатчиликни ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка қарши қўзғатиш керак. Кенг жамоатчилик оммаси бу социал иллатга қарши кўтарилмаас экан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар фаолияти кўзланган натижани бермайди.

Ичкиликбозлик, алкоголизм ва гиёҳвандликка қарши кураш жамиятимизни ривожлантириш ишининг ажралмас қисми бўлиб, бу ишларни бўшаштириш ёки ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Кўча-куйда ичкилик ичиб юрган киши на жамоат тартиб-қондасига, на ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилади. Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг туб сабаблари қаерда? Бу борада тадқиқотчилар ва амалиётчилар томонидан турли-туман фикрлар билдирилмоқда. Бизнинг фикри-

мизча, бу иллатларнинг кенг тарқалиб кетганлигининг туб сабаби, кейинги йилларда жамиятимизда шаклланиб қолган турмуш тарзи бўлди. Аслида ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг илдизи кишилик ҳаётининг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Баъзан ичкиликбозликни аҳолининг бир қисми томонидан қўллаш, бу одатни маъқуллаш юз берса, баъзан бу иллатга қарши кескин кураш олиб борилди. Лекин ҳозиргача бу ҳаракатлар жиддий муваффақиятга олиб келгани йўқ.

Ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик жамиятдаги хавфли иллат бўлиб, ҳеч бир жамият бу касаллик билан келиша олмайди. Бундай номатлуб одатлар ҳуқуқий онга ҳам, кишиларнинг турмуш тарзига ҳам мутлақо зиддир.

Тадқиқотлар шуни тасдиқламоқдаки, тарихда кайф қиладиган воситаси бўлмаган халқнинг ўзи умуман бўлмаган. Масалан, қадимги Мисрда пальма шарбатидан кайф берадиган суюқлик (Брага) тайёрлаганлар. Хитойда гуручдан вино ясашни эрамиздан 2500 йил олдиноқ билишган. Қадимги Грецияда от сутидан кайф қиладиган суюқлик тайёрлаганлар. Грузинларнинг дунёга машҳур хушбўй винолари эрамиздан олдинги X асрдан бошлаб тайёрлаб келинади. Узумдан вино тайёрлаш биринчи марта Каспий денгизининг жанубидаги халқлар томонидан кашф этилган бўлса-да, қадимги римликлар ҳам вино тайёрлашни яхши билганлар. Мисрда пирамидалар қуриш вақтида ҳам вино тайёрланган. Эрамиздан 1500 йил олдин папирусга ёзилган маълумотларга кўра, мисрликлар турли байрам тантаналарида вино ичганлар. Узумчилик Суриядан бутун Кичик Осиёга ва бу ердан Қадимги Грецияга ёйилди ва ҳоказо.

Чор ҳокимиятининг ичкилик борасидаги сиёсати соҳасидаги ғоявий ақидаларини Екатерина II нинг сўрбетларча "майли ичаверсин, маст аҳолини бошқариш осон" — деб айтган сўзларидан билиш мумкин. Подшо ҳуқумати ичкиликбозлик ўсишидан манфаатдор эди. Шунинг учун ҳам ичкиликка қарши бўлган ҳар қандай ҳаракатга қарши шафқатсиз кураш олиб борилар эди. Масалан, 1858 йилнинг ўзида ичкиликбозликка норозилик билдирган (бойкот қилган, майхоналарни бузиб ташлаган ва ҳоказо) 100 мингдан ортиқ деҳқон қамалди. Майхоналарга қатнамайдиган, ичкилик ичиб туполон қилмайдиган ишчилар полиция участкаси томонидан ишончсиз кишилар сифатида рўйхатга олиниб, улар устидан яширин назорат олиб борилар эди.

Совет ҳукумати ўзининг дастлабки кунлариданоқ ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш олиб борди.

1924 йил 3 декабрь ва 1925 йил 28 августдаги Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг қарори билан алкоголизмга қарши кураш янада фаоллашди. СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1928 йил 17 августдаги қарори эса СССР Давлат план комитетига ва СССР Молия халқ комиссариатига олти ой муддат ичида спиртли ичимликларни ишлаб чиқиш ва сотишдан келадиган даромадлар ва бошқа даромадлар ҳақида ягона СССР Давлат бюджети тузиш юзасидан кўриладиган чоралар ҳақида доклад тайёрлашни топширди. Бу қарорда СССР Марказий Статистика Бошқармасига алкоголизм муносабати билан спиртли ичимликларга сарф қилинаётган маблағлар ва ундан келаётган даромад ҳамда ичкиликбозлик ва алкоголизмнинг жамиятга, халқ хўжалигига етказаётган зарарини ҳисоблаб чиқиш топширилди. 1929 йил 29 январда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети "Спиртли ичимликлар билан савдо қилишни чеклаш чоралари тўғрисида" қарор қабул қилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1958 йил 12 декабрдаги "Ичкиликбозликка қарши курашни кучайтириш ва ўткир спиртли ичимликлар билан савдо қилишни тартибга келтириш тўғрисида"ги қарорида бу иллатга қарши кураш ишидаги жиддий камчиликлар кўрсатилиб, унинг тарқалишининг олдини олиш мумкин бўлган қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1972 йил 15 майдаги "Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида"ги қарорида ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашнинг кенг доирадаги чоралари белгилаб олинди. Лекин афсуски бу қарорларнинг барчаси ҳам бу ижтимоий касалликка қарши кураш ишида бирон-бир ижобий силжишларга олиб келмади.

Ичкиликбозликни аксарият ҳолларда алкоголизмнинг бир кўриниши деб ҳисоблайдилар. Ичкиликбозлик ва алкоголизм сўзларини ҳам биргаликда ишлатадилар. Лекин ичкиликбозлик ва алкоголизм тушунчалари бир-бирдан фарқ қиладиган тушунчалардир.

Ичкиликбозлик — бу ичкилик ичишни суиистеъмол қилишдир.

Алкоголизм эса тиббиёт нуқтаи назардан қараганда сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш натижасида шахсдаги патологик ўзгаришлар ва ижтимоий муносибатларнинг бузилиши билан характерланган касалликдир.

Катта тиббиёт энциклопедиясида алкогольизмга "спиртли ичимлик ичишни узоқ вақт мобайнида суиистеъмол қилиш таъсирида юз берган патологик ўзгаришлар йиғиндиси" — деб таъриф берилган.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, алкогольли ичимликларни истеъмол қиладиган шахсларнинг ҳар 16 тасидан биттаси сурункали алкоголь касали билан касалланади.

Ичкиликбозлик ҳақида таниқли олим А. Ф. Кони шундай деб ёзган эди: "Ичкиликбозлик деганда — ўрганишдан одатга, одатдан иллатга, иллатдан кўпроқ жиноятга, ундан ҳам кўпроқ касалликка олиб келадиган ва доимий мастликни тушуниш керак". Ана шу таърифдан жуда муҳим бўлган хулоса: ичкиликбозликка қарши кураш айнан ана шу ичимлик ичишга ўрганиш иллатига қарши курашдан ва уни олдини олишга шароит яратишдан бошланиши керак.

Ичкиликбозлик ва алкогольизм юқори криминоген хусусиятига эга бўлган салбий социал ҳодисадир. Айниқса алкогольизм ва ўзини-ўзи ўлдириш бир-бири билан боғлиқдир.

Бундай маълумотлар яқин кунларгача сир ҳисобланиб, мутлақо эълон қилинмас эди. Ошкоралик туфайли бу маълумотлар энди оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинмоқда.

1965 йили собиқ Иттифоқда ўз-ўзини ўлдиришдан 39550 киши ҳалок бўлган эди. Бу борада энг оғир йил (Криминология, М., Юрид. лит, с. 274) 1984 йил бўлиб, шу йили 81417 киши ўз жонига қасд қилиб ҳалок бўлди. Сўнгра бу кўрсаткич йилдан-йилга камая бошлади, яъни 1985 йили 68073, 1986 йили 56830, 1987 йили 54105 нафар киши ўз жонига қасд қилиб ҳалок бўлди. Бу рақамлар жиддий ташвиш туғдирмасдан қўймайди.

1987 йили ўз жонига қасд қилган эркак ва аёлларнинг ёшига қараб миқдори қуйидагини ташкил қилган:

Эркаклар		Аёллар	
20 ёшгача	1672	20 ёшгача	522
20—24 ёшдагилар	2446	20—24 ёшдагилар	589
25—29 ёшдагилар	4345	25—29 ёшдагилар	671
30—39 ёшдагилар	8855	30—39 ёшдагилар	1514
40—49 ёшдагилар	7739	40—49 ёшдагилар	1922
50—59 ёшдагилар	8201	50—59 ёшдагилар	2680
60—69 ёшдагилар	3524	60—69 ёшдагилар	2378
70 ва ундан ошганлар	3399	70 ва ундан ошганлар	3648

1987 йили ҳаммаси бўлиб 13924 киши ўз жонига қасд қилган¹. Ўз жонига қасд қилишнинг ривожланган капиталистик давлатлардаги аҳволига назар ташласак: Англияда ҳар юз минг кишига 9, АҚШ да 12, ГФР да 21, Францияда 22 нафарни ташкил қилмоқда².

Ўз-ўзини ўлдиришнинг энг юқори кўрсаткичи Европа жамиятидаги мамлакатлар ичида Данияга дахлдордир (ҳар юз минг кишига 26,8 нафар тўғри келади) деб ёзилади француз журнали "Пуэн"да эълон қилинган маълумотларда.


Люксембургда бу кўрсаткич ҳар юз минг кишига 18,9, Нидерландияда 10,9, Португалияда 9,3, Исландияда 9,1, Италияда 7,9, Испанияда 6,6 нафарга тўғри келади. Энг кам кўрсаткич Грециядадир — бу давлатда ҳар юз минг кишига 3,7 та ўз жонига қасд қилган киши тўғри келади³.

Собиқ СССРда ўз жонига қасд қилиш ҳар юз минг кишига 30 тага тўғри келган. Ўрта Осиё ва Кавказорти жумҳуриятларида бу ҳодиса ҳар юз минг кишига 2 тадан 8 тагача тўғри келади (Қирғизистон жумҳуриятидан ташқари). Бу соҳада энг юқори кўрсаткич РСФСР ва Болтиқбўйи жумҳуриятларидадир. Бу ерларда ўз жонига қасд қилиш ҳар юз минг нафар кишига 23 тадан 26 тагача тўғри келмоқда.

¹ Қаранг: "Огонёк" журнали. 1989, № 3, 16-бет.

² "Комсомолская правда" газетаси. 1989, 18 январь сони.

³ Қаранг: "За рулём". 1989, № 14, с. 9.



Ўзбекистон прокуратурасининг берган маълумотларига кўра 1988 йили Республикадаги ёшлар ўртасида 190 та ўз жонига қасд қилиш ҳодисаси содир бўлган¹. Афсуски, бу борада бошқа маълумотлар йўқ. Турли кузатишларга кўра ўз жонига қасд қилишнинг 39 фоиздан кўпроғини алкоголизм касалига мубтало бўлган шахслар содир қилмоқдалар.

Айрим психиатрларнинг фикрича алкоголизм билан касалланишнинг ўзи, ўз жонига қасд қилиш билан баробардир.

Турли муаллифларнинг ҳисоб-китобларига кўра алкоголикларда ўз жонига суиқасд қилиш касалликдан ўлишга нисбатан 5—10 марта кўпдир. Буни оғир руҳий сиқилиш туфайли ўзига-ўзи қатъий ҳукм чиқариш деб ҳисоблаб бўлмайди.

Маст ҳолда сувга чўкиб ўлганлар ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. Солиштириш учун чўмилишни худди биздагидек яхши кўрадиган бошқа мамлакатларни келтирамиз. 1982 йили АҚШда ҳар юз минг аҳолига — 2,52, киши, ГФР да — 1,4 киши маст ҳолда сувга чўкиб ўлган. Кейинги йилларда бундай воқеалар йилдан-йилга камайиб бормоқда, шу жумладан СССРда ҳам камайиш кузатилган. Лекин шунга қарамай собиқ Иттифоқда 1987 йили маст ҳолда сувга чўкиб ўлганларнинг миқдори ҳар 100 минг аҳолига 6,67 тадан тўғри келган. Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики бошқа ривожланган мамлакатлардагига нисбатан собиқ СССРда маст ҳолда сувга чўкиб ўлиш ҳодисаси бир неча марта юқоридир.

Тадқиқотчиларнинг ёзишларига кўра, ер юзида ҳар йили 15 ёшдан юқори бўлган 100 мингта яқин киши сувга чўкиб ҳалок бўлмоқда. Шуларнинг тўртдан бир қисми бевосита мастликнинг қурбонларидир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат назоратчилари ва тиббиёт ходимларига чўмиладиган жойларда маст ҳолда чўмилишнинг оғир оқибатларини ўрганиш вазифаси юкланди.

¹ Учитель Узбекистана. 1989, 11 февраль.

² Короленко Ц. П., Завьялов В. Г. Личность алкоголиков. М., 1987, с. 52.

Масалан, 1984 йили Ока дарёсига 179 киши чўкиб ҳалок бўлган бўлса, шундан 116 киши ғирт маст ҳолда сувга тушган.

Алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги 1985 йил чиқарилган қонун кучга кирганидан кейин, орадан бир йил ўтиб, мазкур тадқиқот объектида чўкиб ўлиш 77 тага тушиб, шундан 42 таси мастлик оқибатида бўлган. Аммо 1987 йили бу кўрсаткич яна кўтарилиб 96 тани ташкил қилган, шундан 53 таси маст ҳолда содир бўлган. Кейинги 20 йил ичида фақат РСФСР нинг ўзида 350 минг киши сувга чўкиб ҳалок бўлган¹. 1988 йили собиқ Иттифоқ миқёсида 12 минг киши сувга чўкиб ҳалок бўлган. Суд-тиббийёт ходимларининг ҳисоб-китобларига кўра, сувга чўкиб ўлаётганларнинг 50 фоизи маст ҳолда бўлганлар. Жумҳуриятимизда ҳар йили бир неча ўнлаб аёллар ўзига ўт қўйиш орқали жонига қасд қилади, бу маъжум қодисаларнинг бир қисми ўлим билан тугайди. Буларнинг аксарияти асосан 30 ёшгача бўлган аёллардан иборат бўлиб, улар орасида вояга етмаган қизлар ҳам анчагинани ташкил қилади. Ўз-ўзига ўт қўйиш кўпроқ Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида содир бўлмоқда.

Ҳайдовчиларнинг маст ҳолда транспорт воситаларини бошқараётгани туфайли ҳам кўп одамлар ҳалок бўлмоқда.

Ҳайдовчи доимий равишда шакл, ҳажм, ранг, ҳолат ва йўлдаги бошқа ҳаракатли ва ҳаракатсиз объектларни, ўзи бошқараётган транспорт воситасининг ҳар бир қисми қандай ишлаётганлигини, товушли сигналларни, турли шовқинларни, машина тебранишини, салондаги ҳаво ҳажратини ва ҳоказоларнинг ҳаммасини бирданига ҳис қилиб, сезги органлари орқали сезиб боради.

Ана шу таъсирларни ғоят аниқ ва ўз вақтида қабул қила олган ҳайдовчигина транспорт воситасини ҳайдаш талабларига мувофиқ ҳисобланади.

Ҳайдовчига келаётган фойдали ахборотнинг 15 фоизи кўриш орқали қабул қилинади. Ҳайдовчи рулда кетаётган вақтнинг 91 фоизини йўлга қарашга сарф қилади, 8,1 фоизини орқа тарафни кўриш мумкин бўлган кўзгуга, 0,4

¹ Қаранг. Правда. 1988 йил, 4 июль.

фоиз вақтини бошқариш ричагларига, 0,5 фоизини приборларга қарашга сарф қилади.

Йўлдаги буюмларни кўришнинг ўзинигина эмас, балки унинг катталигини, шаклини, қай ҳолатда турганлигини, ҳаракатда ёки ҳаракат қилмаётганлигини ва ҳоказоларни ҳам кўриш муҳимдир.

Эшитиш кўришдан кейинги иккинчи ўринда турувчи сезиш қобилиятидир. Ҳайдовчи эшитиш қобилияти орқали ўзи бошқараётган транспорт воситасининг агрегатлари қандай ишлаётганлигини баҳолайди, бошқа ҳайдовчилар томонидан берилаётган товуш сигналларини қабул қилади, темир йўлни кесиб ўтадиган жойларда (переезд) бериладиган товушни, махсус автомобиллар сиренаси овозини, турли шовқинларни эшитади. Ана шу товушлар изчиллиги ва частотаси транспорт ҳаракати тезлиги ва унинг ўзгариши ҳақида тасаввур қолдиради. Албатта доимий равишдаги шовқин кишининг эшитиш органларига салбий таъсир қилади. Бинобарин, инсон бирданига еттита манабадан келаётган ахборотни қабул қила олиши мумкин, аммо унинг фақат тўрттасини тўла таҳлил қила олади.

Ичкиликбозлик оқибатида фақатгина йўл ҳаракати ҳодисалари содир бўлибгина қолмасдан, балки автоҳўжаликнинг бир текисда ишлашига халақит берадиган сабабсиз ишга чиқмаслик, меҳнат интизомини бузишлар ҳам бевосита ичкиликнинг натижасидир.

Транспорт ҳодисаси туфайли кишиларнинг жароҳатланиши ва ҳалок бўлиши асосан кечки пайтга (соат 17 дан 24 гача) тўғри келмоқда. Шунинг учун йўл ҳаракати ҳодисаларининг олдини олиш учун транспорт воситаларининг иш графигига риоя қилинишини, гаражларга ўз вақтида қайтиб келишини қаттиқ назорат қилиш керак¹.

Айрим маълумотларда айтилишича ҳозир жаҳонда 400 миллион енгил автомобил мавжуд².

МДҲда ҳозирги кунда 30 миллионга яқин шахсий автомобиллар ва мотоцикллар бор. Бу рақамлар албатта бизни хурсанд қилиши керак. Жаҳон бўйича йилига 55 миллион атрофида транспорт ҳаракати ҳодисаси содир

¹ Қаранг: *Бертельс... Трезвость закон для водителя.* М., 1988, с. 40.

² *Григорьев Е. Прекрасная "Нероскошь".* Правда, 1989. 25 октябрь.

бўлиб, бунда тахминан 250 минг киши ҳалок бўлади ва 10 миллионга яқин киши жароҳат олади.

1988 йили собиқ СССР бўйича транспорт ҳодисаси туфайли 61 минг киши ҳалок бўлди, 300 минг киши жароҳат олди. 1989 йили мамлакат йўлларида 319 минг йўл транспорт ҳодисаси содир бўлиб, унда 59 минг киши ҳалок бўлди, чорак миллионга яқин киши жароҳат олди¹.

МДҲда ҳар 10 та транспорт воситасига 10,3 киши ҳалок бўлмоқда, ГФР да шунча автомобилга 3,6, АҚШ да 2,5 ни ташкил қилмоқда. Ташвишли томони шундаки, бу борадаги аҳвол яхшиланмаяпти. Транспорт ҳодисалари 1987 йили 1986 йилга нисбатан 4,2 фоизга, одам ҳалок бўлиши эса 6,4 фоизга, жароҳатланганларнинг миқдори 4,8 фоизга ошган.

Собиқ СССР ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль инспекцияси Бош Бошқармасининг бошлиғи Л. В. Зверовскийнинг берган маълумотларига кўра, 1986 йили транспорт воситасини гувоҳномасиз бошқарган кишилар сони миллиондан кўпроқни ташкил этган².

Собиқ СССР ички ишлар вазирининг ўринбосари С. Лисаусканинг берган маълумотларига кўра 1989 йил мамлакат автйўлларида 58 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Бу жиноятчилар қўлида ҳалок бўлганларнинг миқдорига нисбатан уч марта кўпдир³.

Йўл транспорт ҳалокатининг асосий сабабларидан бири ҳайдовчилар ўртасида ҳам ичкиликбозлик давом этаётганлигидир.

Автомобиллардаги аҳвол ҳам мураккаблигича қолмоқда. 1987 йил Ўзбекистон жумҳурияти автомобиль йўлларида 14 мингта йўл-транспорт ҳалокати содир бўлиб, улар натижасида 2 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган, 155 мингта яқин киши эса оғир жароҳат олган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат Автоинспекцияси маълумотларига кўра 1989 йили транспорт ҳодисаларининг асосий турлари 16850 тани ташкил қилиб, бунда 2930 киши ҳалок бўлган, 18242 киши жароҳат олган. 1989 йил давомида жумҳуриятимиз қудудида Давлат автоинспекцияси ходимлари томонидан

¹ "Московские новости" газетаси, 1990 йил, № 5.

² "Комсомольская правда", 1990 г., 5 август.

³ "Комсомольская правда", 1990 г., 5 август.

60631 нафар маст ҳолда рулга ўтирган ҳайдовчи ушланган. Шундан 48 минг нафари шахсий машина ҳайдовчиларидир. Барча йўл транспорт ҳодисаларининг тўртдан уч қисми ана шуларнинг айби билан содир қилинган. Йўл транспорт ҳодисасининг ҳар тўрттадан биттаси Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Йўл ҳаракати қатнашувчилари томонидан ҳаракат хавфсизлиги қондаларининг бузилиши шахримиз йўлларида оғир аҳволни вужудга келтирмоқда. Ҳатто "Автоҳаваскор" жамияти ҳам шахсий машинаси бор шахсларга деярли ҳеч қандай таъсир ўтказа олмаяпти. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарганлиги учун ушланганларнинг 80 фоизи шахсий машина ҳайдовчиси эканлиги фикримизнинг далилидир.

Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриятида эса содир бўлаётган йўл транспорт ҳодисаларининг ярми шахсий автомобиль ҳайдовчилари ҳиссасига тўғри келмоқда.

1989 йилнинг 9 ойи ичида Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти ҳудудидаги автомобиль йўлларида 671 йўл транспорт ҳодисаси содир бўлиб, бу 1988 йилдаги жами ҳодисалардан 15,1 фоиз кўпдир. Бунинг натижасида 133 киши ҳалок бўлган ва 754 киши оғир жароҳат олган, уларнинг 182 таси ёш болалардир¹.

Собиқ СССР ички ишлар вазирлигининг Давлат автомобиль инспекцияси Бош бошқармаси эълон қилган маълумотларга кўра йўл транспорт ҳодисаларининг 78,5 фоизи ҳайдовчилар айби билан бўлиб, шундан 22,2 фоизи маст ҳолда содир қилинган (Жумҳуриятимиздаги кўрсаткич ҳам тахминан шунга тўғри келади).

АҚШда сал бошқачароқ усул қўлланади. АҚШнинг Орсон штатида маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлиги учун бир неча марта жарима солинган шахснинг автомашинасига туқ қизил рангдаги рўйхат номери осиб қўйилади. Бундай "реклама" ҳар қандай огоҳлантириш ва жарималарга нисбатан ҳам яхшироқ таъсир қилмоқда. Шундан кейин ҳаракат хавфсизлиги қондаларини бузиш анча камайган.

Ана шундай тартиб бизнинг жумҳуриятимизда ҳам жорий қилинса фойдадан холи бўлмасди. Бундай чоранинг профилактик таъсири анча кучли булар эди. Ҳатто Дрезинадаги маст одамлар поездини олиб қочиш кетишигача бориб етади. Бу ҳодиса Тайшетда содир бўлди. Эрталаб

¹ "Советский Караваншани", 1989, 19 октябрь.

Тайшет станция ходимларини, сўнг темир йўл бўлимини тревога сигнали безовта қилиб юборди. Тормоз башмакларини узиб, стрелкаларни қирқиб тепловоз вагонларини судраб келар эди. Тепловоз деразасидан маҳаллий темир йўл ходимларига нотаниш кишилар ўтирганлиги кўринар эди. Составни тўхтатиш ҳақидаги талабга жавобан локомотив бригадаси сўкиниб, тезликни ошириб ҳайдади.

Кейин аниқланишича поездни Транссибирь темир йўлида Братский Алюмин заводига қарашли тепловоз судраб кетган. Бу тепловоз бошқа юк вагонлари қаторида ремонт қилиш учун жўнатилган ва поезд тузалган вақтда юк вагонларининг энг охирида, электровоздан кейин қўйилган экан. Тайшет станциясида электровозни ажратиб олиб бошқа локомотив қўйилиши керак бўлган. Аммо бу локомотив қўйилмасдан олдин Алюмин заводига қарашли тепловознинг машинисти Н. Чванов ва ёрдамчиси С. Овчинниковлар жуда кўп спиртли ичимликларни ичиб тепловозни юргизиб юборганлар. Маст ҳолдаги бригадани иккинчи локомотивда Тайшет депоси бошлигининг ўринбосари қувиб кетади. Бир неча ўн километрдан кейин қувиб етиб поезд тўхтатилади. Лекин бу вақт ичида маст бригада локомотив билан поезд вагонларини ажратиб юборади, қисқаси тепловозга чиққанларида машинист ёрдамчиси локомотивдан тушиб ўрмонга қочиб кетади. Машинист бўлса, ўзини бошқара олмайдиган даражада маст бўлиб, қаттиқ қаршилик кўрсатади, сенларга кўрсатиб қўяман деб уларни урар, тўполон қилар эди. Машинист кейинроқ ўзига келгандан кейин нима қилганимни билмайман деди. Ўзини яхши машинист эканлиги, партия бюросининг аъзоси эканлиги ва халқ назорати группасининг бошлиғи эканлигини айтади. Фақат бир нарса тушунарли эмас, машинист ва унинг ёрдамчиси қандай қилиб шу даражага келиб қолди деб ҳайрон қолади мақола муаллифи¹, яхшиямки бу воқеа ҳеч қандай ҳалокатли ҳодисасиз тугади. Фалокат юз бериши, одамларнинг ҳалокати ҳам мумкин эди.

Ичкиликбозлик қанчадан-қанча ёнғинларга сабаб бўлмоқда. Планетамизда ҳар соатда ўртача 600 ёнғин содир бўлмоқда, йилига эса беш миллионгача. МДХда ўт ўчириш ходимлари ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб

¹ Гудок, 1988, 22 октябрь.

ёнғин ичидан ўртача ўн беш минг одамни олиб чиқдилар. Бунга ёнғин вақтида эвакуация қилинган ўн минглаб одамлар кирмайди. Ҳар мингта ўт ичидан қутқариб олиб чиқилган болалар, аёллар, қарияларга ўртача учта-тўртта қутқариш вақтида ҳалок бўлган ўт ўчириш ходими тўғри келмоқда¹.

Собиқ СССР Ёнғиндан сақлаш Бош Бошқармасининг берган маълумотларига кўра мамлакатда кунига ўртача 400 ёнғин содир бўлган².

Кейинги йилларда жумҳуриятимизда одамлар ҳалокати ва катта моддий йўқотишлар билан боғлиқ бўлган ёнғинлар кўпайди ва бундай ҳолат жиддий ташвиш туғдирмоқдаки, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳар йили мамлакатда қурилаётган уй-жойларнинг икки фоизи ёниб кетмоқда. 1988 йил 4 февраль куни СССР Марказий телевидениесининг Время, Ахборот программасида берилган маълумотларда айтилишича, содир бўлаётган ҳар тўққизта ёнғиннинг биттаси самагон тайёрлаш оқибатида содир бўлган. 1987 йили мамлакат миқёсида ёнғин туфайли саккиз мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган. Шунинг 500 тасини болалар ташкил қилган. Ёнғин чиқиши билан ичкиликбозлик ўртасида тўғридан-тўғри алоқадорлик бор. Яшаш уйларидаги ёнғин туфайли ҳалок бўлганларнинг 60% и маст ҳолда бўлган. Ёнғинлар катта проблема бўлиб келмоқда. Ёнғин МДҲ жумҳуриятларига 290 миллион сўм зарар келтирмоқда. Ёнғинларнинг деярли 50 фоизи қишлоқ хўжалигида содир бўлмоқда³.

1988 йили мамлакатда 163 815 та ёнғин бўлди. Бунинг натижасида саккиз ярим минг киши ҳалок бўлди. Ана шу ёнғин туфайли етказилган зарар ярим миллиард сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалигининг 44 мингта турли қурилишлари ёниб кетди. Вунда 45 минг бош қорамол куйиб ҳалок бўлди⁴.

¹ Правда, 1988, 10 март.

² Социалистическая индустрия, 1988, 30 март.

³ Советская Л. Факты не опровергаются: проблема остаётся. Қаранг: Ветеран, 1988, № 44, с. 10.

⁴ Неделе, 1989, № 10, с. 7.

1989 йили эса 186000 ёнғин содир бўлиб, келтирилган зарар 273 миллион сўмни ташкил қилди. Ана шу ёнғинларнинг 1400 таси қишлоқ жойларида содир бўлиб, фақат қорамолларнинг ўзидан 4700 таси нобуд бўлди. Кейинги уч йил ичида ёнғин ҳодисалари муттасил ўсиб борди.

Ҳар 4—5 минутда ёнғин содир бўлмоқда. 1986 йилдаги Ургут тамаки фабрикасидан ёнғин икки миллион сўмга яқин зарар келтирди. Ёнғин туфайли ҳалок бўлаётганларнинг, айниқса болаларнинг миқдори камаймаяпти. Ўртача ҳар соатда биттадан одам ёнғин туфайли ҳалок бўлмоқда. 15—20 киши жароҳат олмоқда. Шунини тан олиш керакки, ёнғин кўп ҳолларда фавқулодда ҳодиса ҳам, табиий офат сабабидан ҳам эмас, балки инсоннинг жавобгарликни ҳис қилмаслиги, ўз вазифасига совуққонлик ва ичкиликбозлиги туфайли бўлмоқда.

Ёнғинларнинг социал оқибатлари шундан иборат бўлмоқдаки, бутун-бутун шаҳарлар музейсиз, кутубхонасиз қолмоқда, ёнғинда нодир қўлёмалар, китоблар, картиналар куйиб кул бўлмоқда, архитектура ёдгорликлари харобазорларга айланмоқда. Аҳоли яшайдиган уйлар, квартиралар куйиб кетмоқда. Ҳар ҳафтада ўртача ёнғин туфайли бир ярим мингга яқин квартира нобуд бўлмоқда ёки зарар кўрмоқда. Бу уй-жой проблемаси ғоят ўткир бўлиб турган ҳозирги кунда юз бермоқда. 1986 йили айрим ноҳияларда қурилаётган уй-жойга нисбатан ёниб кетаётгани кўпроқни ташкил қилади. Мамлакат миқёсида янги қурилаётган уйларнинг 1,5—2% и ёнғиндан зарар кўрмоқда. 1989 йили ёнғин туфайли 2 миллион квадрат метр уй-жой нобуд бўлган. Ёнғин туфайли жуда катта зарар кўрилган. Жумҳуриятимизда кунига ўртача 20 тадан ёнғин содир бўлмоқда. Халқ хўжалиги объектларида, шаҳар ва посёлкаларда йилига ўртача 15 минг ёнғин чиқмоқда. Бундан келаётган зарар ўн миллионга яқин сўмни ташкил қилмоқда, ўртача мингга яқин қурилишлар, 2,5 минг паррандалар, юзлаб техника воситалари нобуд бўлмоқда¹. Ҳар ҳафтада ёнғин 25 квартирани нобуд қилмоқда, фақат 1988 йилнинг 10 ойи давомида Ўзбекистонда ёнғин туфайли 12 та бола ҳалок бўлган, 2 мингта

¹ Правда Востока, 1988, 12 декабрь.

яқини жароҳат олган. Шу вақт ичида Тошкентда 1553 та ёнғин содир бўлиб, 1438849 сўмлик моддий қадриятлар куйиб кетган. Ёнғин туфайли етказилаётган руҳий зарарлар ва одамлар ҳалокатини ҳеч қандай сўмлар билан ўлчаб бўлмайди.

Шу вақт ичида 38 киши ўт ичида куйиб кетган. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, ёнғинлар жуда катта моддий ва руҳий зарар келтирмоқда ва бунда ичкилик-бозликнинг ҳам ҳиссаси каттадир.

1986 йили ЎзССРда ёнғинлар туфайли етказилган зарар 13 миллиондан ортиқ сўмни ташкил қилган. Агросаноат соҳасига етказилган зарарнинг ўзи 2 миллион 900 минг сўмни ташкил қилган, 150 киши ҳалок бўлган. 1988 йили эса ёнғинлар Ўзбекистонга 4 миллион сўм зарар келтирган, 100 дан ортиқ киши ўт ичида қолиб ҳалок бўлган. Ҳалок бўлганларнинг кўпчилиги маст ҳолда бўлган.

Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳуриятида 1989 йилнинг 9 ойи давомида 758 та ёнғин содир бўлиб, буларнинг кўпчилиги "Каракалпакирсовхозстрой", 166 қурилиш трестида "Каракалпақводстройда" Қорақалпоқ давлат агро хўжалигида содир бўлган. 1989 йил 19 март 166 қурилиш трестининг 390 ПМК вагончасида ёнғин чиқди. 21 ремонт қурилиш участкасида (Тахтакўпир ноҳия Ленин совхози ҳудудида жойлашган) Қорақалпоқ давлат агрохўжалиги микрорайонида содир бўлган ёнғин 35 минг сўм зарар етказган. Бу ёнғинларнинг кўпчилигига маст ҳолда бўлган шахслар сабаб бўлган. "Мусибат қучоғига ичкиликбозларнинг ўзлари борадилар" деган мақол шундан бўлса керак.

Ёнғин содир бўлишда айбдор бўлган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласига етарли аҳамият берилмаяпти. 1988 йили ёнғин чиқишида айбдорлиги учун 38 жиноят иши қўзғатилган холос. Шундан фақат тўртта жиноят ишлари Ўзбекистон судларида кўрилган. Қолганлари эса турли сабабларга кўра бекор қилинган¹.

Ҳа, ичкиликбозлик яхшиликка олиб келмайди, у жуда кўп мусибатларнинг манбаидир. Спиртли ичимлик шай-

¹ Правда Востока, 1989, 30 июль.

доси Қўнғирот ноҳияси Чапаев совхозининг ишчиси 1989 йил 23 январь куни маст ҳолда ётган жойида сигарет қолдигидан ўт чиқиб куйиб ҳалок бўлган. Ленинобод ноҳияси Олтинкўл совхози вагончасида яшовчи Сухарков ва Куриловлар жуда кўп ичиб ётиб қоладилар. Ясама печкадан ўт чиқиб ёна бошлайди. А. Сухарков зўрға қутулиб қолади. Куриловни эса қутқаришнинг иложи бўлмаган, у вагон ичида куйиб ҳалок бўлган¹.

Содир бўлаётган ёнғинларнинг миқдори билан ичкиликбозлик ўртасида тўғридан-тўғри алоқадорлик бор. Ичкиликбозлик туфайли содир бўлаётган ёнғинларнинг энг оғир социал оқибати — одамлар ҳалокатидир.

Бундан ташқари ёнғинлар қанчадан-қанча оилалар бузилишига, касалликлар тарқалишига, болалар қаровсизлигига ҳам сабаб бўлмоқда. Куйган жароҳатни даволаш учун 6—8 ҳафта вақт сарф қилинмоқда. Ичкиликбозлик кишининг бўлажак авлодига ҳам салбий таъсир қилади. Ичкиликбозлик туғилаётган болаларнинг соғлом туғилишига салбий таъсир қилиб, жамият учун жуда катта зарар етказмоқда. Жуда қадимданоқ маст ҳолда қўшилиш келажакда туғиладиган боланинг соғлигига ёмон таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида одамлар билар эдилар.

Қадимги Грек афсонасида айтилишича олов худоси Гефест (Зевс ва Гераларнинг ўғли) чўлоқ сифатида тасаввур қилинган. Чунки унинг отаси маст бўлган вақтда онаси билан қўшилишади. Узоқ асрлардан бизгача етиб келган ҳикояда айтилишича эрамиздан аввалги IV асрда яшаган файласуф Диоген Синопск бозорда юрганида унга ақли заиф бола яқинлашиб келиб садақа сўрайди. Диоген болага садақа бера туриб "Ёқимтой отанг сени маст ҳолда яратган бўлса керак", — деган экан. Бу сўзларни ҳақиқатан ҳам Диоген айтганми ёки йўқми номаълум, лекин шу нарса маълумки қадимданоқ одамлар маст ҳолда қўшилиши мумкин эмаслигини ва қўшилишнинг оғир оқибатларини билганлар. Шунинг учун қадимги Грецияда шаклланиб келган одатга кўра аёллар маст ҳолдаги эркекларни ўз ёнларига келишига умуман йўл қўймаганлар. Қадимги Спартада никоҳ куни вино ичишни тақиқловчи қонун ҳам қабул қилинган эди. Карфагенда эса эр-хотин ўзларининг биргаликдаги

¹ Причина пожаров — пьянство. Советская Каракалпакия, 1988, 8 февраль.

қаётлари давомида қўшилишадиган кунлари вино ичиш тақиқланган.

Ичкиликбозлардан ичкиликбоз туғилади — деган халқ ўртасида тарқалган гап, шундан бўлса керак.

Қадимги тиббиётнинг асосчиси Гиппократ болалардаги жиннилик, тутқаноқ (эпилепсия) ва бошқа нерв руҳий касалликларнинг айбдорлари қўшилиш кунин ҳам спиртли ичимликларни истеъмол қилган ота-оналардир, деб айтган экан. Аристотелнинг айтганига кўра ичкиликбоз аёллардан туғилган болалар ўз оналарига ўхшаган бўлади.

Кўндан-кўп тиббиёт тадқиқотларидан маълум бўлишича ҳомиладорлик ҳолатида, айниқса ҳомиладорларнинг дастлабки 12 ҳафтасида алкоғолли ичимлик истеъмол қилиш хавфлидир. 1529 она ва уларнинг болалари Вашингтон штатининг университети олимлари томонидан текшириб кўрилганда туғилган болаларнинг 74% и жисмоний ёки руҳий камчилик билан (қўл, бармоқлари йўқ, туғма юрак пороги ва ҳоказолар) туғилган. Тадқиқот олиб борганларнинг барчаси бир овоздан ота-оналар томонидан қўшилиш вақтида ва ҳомиладорлик вақтида алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш оқибатидир, деганлар. Она томонидан ичилган алкоғолли ичимлик ҳомиллага ҳам ўтиб унга таъсир қилади, деган фикрга келганлар.

Хўжаликлардан бирида ўткир хонаки спиртли ичимлик (самагон) тайёрлашар эди. Самагонни тайёрлайдиган хонанинг чердагида инкубацияга қўйиш учун 160 дона тухум сақланар эди. Ана шу тухумлардан 76 жўжа очилиб чиқди. Шу жўжалардан 40 таси кўп ўтмай ўлди, 25 таси турли камчилик билан очилган эди. 160 та тухумдан фақат 13 та соғлом жўжа чиқди. Бунинг асосий сабаби самагон пишириш вақтида юқорига, кўтарилган спиртнинг буғлари тухумдаги соғлом ҳужайраларга ҳалокатли таъсир қилганлигидир.

Спиртли ичимликлар ичишни суистеъмол қилиш киши авлодига салбий таъсир қилади. Алкоғоль жинсий ҳужайралар ривожланадиган безларга тушиб, уруғни заҳарлайди. Бу заҳарлаш, энг аввало, ҳомиланинг нерв системасини ривожлантирадиган ҳужайраларига таъсир қилади, бунинг оқибатида ҳомиланинг нерв системасини ишдан чиқаради ва боланинг ақлий ривожланиши орқала қолиб кетиши, тутқаноқ билан касалланиш, мия касалиги ва бошқа касалликлар билан туғилиши мумкин.

Айниқса, ҳомиладор ва эмизикли оналарнинг алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиши умуман, мумкин эмас.

Англиялик врач Саливен ҳомиладорлик вақтида алкоғолли ичимлик ичиб юрадиган 386 аёлни кузатган. Ана шу аёлларнинг 272 тасида (70,5%) бола туғилиши вақтидан олдин туғилган ёки туғилганидан кейин бир ҳафта ичида ўлган, ҳодисалар аниқланган. Туғилган 114 болаларнинг 80% ида тутқаноқ касали борлиги, ақлий ривожланмаганлиги ва бошқа руҳий касаллиги туфайли 8 ёшга етмасданоқ махсус муассасаларга тушиб қолганлиги маълум бўлган. Француз олими Морелль алкоғолизм билан касалланган шахснинг тўртта авлодини текшириб кўрган ва натижаларини ёзиб берган. Натижаси ҳайратланарлидир. "Биринчи авлод — ахлоқи бузилганлик, иккинчи авлод — том маънодаги ичкиликбозлар, учинчи авлод вакиллари — ваҳима касаллиги ва ғамгинликка мубтало бўлган кишилар бўлиб, одам ўлдириш ёки ўз-ўзини ўлдиришга мойил кишилар бўлган. Тўртинчи авлодга эса ақли пастлик, тентаклик, пуштсизлик хос бўлган". Бу кузатишлар туфайли у алкоғолизм жамият наслининг бузилишига олиб келади, деган қатъий хулосага келган.

Лекин шунга қарамай айрим оналар, яъни сути боласини тўйдиришга етмайдиган кўкрак сутини кўпайтириш мақсадида пиво, узум виносини ичадилар. Уларнинг фикрича, бу ичимликлар кўпроқ сут ажралишига ёрдам беради. Айрим мамлакатларда ҳозир ҳам агар эмизикли она пиво ёки узум виносини истеъмол қилса, онанинг кўкрак сути кўпаяди деган бидъатлар ҳам бор. Алкоғолли ичимлик кўкрак сутини кўпайтириш ўрнига сутдаги оқсил моддасининг камайишига сабаб бўлади. Бундан ҳам хавфлиси онанинг кўкрак безига тушиб парчаланмай қолади. Ҳатто онада мастлик ҳолати тамоман тарқалгандан кейин ҳам кўкрак безларида алкоғоль сақланиб қолади. Она ҳаддан ташқари қаттиқ маст бўлиб келиб шу аҳволда боласини эмизганда бола алкоғолдан заҳарланиб ҳалок бўлган воқеалар ҳам бўлган. Она томонидан унча кўп бўлмаган алкоғолни (бир пиёла пиво, бир қадаҳ вино) истеъмол қилган тақдирда ҳам боланинг алкоғолдан сурункали заҳарланишига сабаб бўлади.

Ота-оналарнинг алкоғолизм билан касалланганлиги болалар турли-туман камчилик ва касаллик билан туғилиши ва болалар ўлимининг кўпайишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ота-онанинг маст ҳолда қўшилиши оқибатида эса, болалар нимжон, касалманд ёки руҳий ожизлик билан туғилиши мумкин.

1985 йили Москвада бўлиб ўтган халқаро семинарда америкалик тадқиқотчиларнинг тадқиқот натижалари тақдим қилинди.

Улар турли камчилик ва руҳий четга чиқишлар билан туғилган 1500 болани текшириб кўрганларида, ҳар 100 боланинг 74 тасининг онаси алкоголь эканлиги аниқланган. Энг хавфлиси шундаки, алкогольлик оналарнинг сутлари болани ҳам заҳарлайди. Чунки сут орқали алкоголь боланинг организмига ўтади. Ўн иккинчи кундан кейин алкогольлик оналарда дактация бузилади, болани эса сунъий равишда овқатлантиришга тўғри келади. (Бундай ҳодисалар жуда кўп.) Бола билан ачинарли ҳолат юз беради. Унга ичирилаётган сутга бир неча томчи ароқни қўшиб бермагунча додлаб йиғлайверади.

Франциядаги қишлоқ жойларидан бирида врачлар жуда қизиқ ҳодисани кузатганлар. Сунъий равишда овқатлантирилган болалар ўртасида ўлим юз бериш ҳоллари, она сути билан боқилаётган болаларга нисбатан анча кам бўлган. Тирик қолганларида эса сунъий овқатлантирилганларнинг ривожланиши она сути билан ўсаётганларга нисбатан анча яхши бўлган. Текшириб кўрилганда кўкрак сути билан боласини овқатлантираётган аёллар шу ердаги одатга кўра ҳар куни вино ичар эканлар. Болаларда эса алкогольдан сурункали заҳарланиш юз берар экан.

Швейцариялик психиатр Бенциан 8195 ақли заиф болаларни текшириб кўрганида уларнинг барчаси ота-онасининг турли байрам кунлари алкогольли ичимликни кўп истеъмол қилиб қўшилган вақтларида бўлган эканлар.

Афсуски ҳозирги кунда жуда кўп турмуш қураётган ёшлар ўрта маълумотга эга бўлишларига қарамасдан, алкогольли ичимликларнинг зарарли таъсирини билмайдилар. Бунинг сабаби одамлар ўртасида винонинг фойдаси ва унинг киши соғлиғи учун зарарсиз эканлиги ҳақидаги нотўғри фикрнинг кенг тарқалганидан, айниқса маданиятли ичишнинг зарари йўқ деган фикрнинг кенг тарқалганидан бўлса керак. Бизга тушунарли эмас. Қачон, нимага ва нима муносабати билан никоҳни расмийлаштирадиган муассасаларда янги келин-куёвни бир қадаҳдан шампан вноси билан табриклаш одати пайдо бўлди. Наҳотки катта ҳаётнинг дастлабки қадами алкогольли

ичимлик билан бошланса. Никоҳни расмийлаштириш муассасаларининг ходимлари ёшларни табриклашнинг бошқача, айнан Ўрта Осиё халқлари одатига мос келадиган усулини қўлласалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кейинги йилларда руҳий касаллик ёки жисмоний камчилик билан туғилаётган болаларнинг миқдори кўпаймоқда. Олимлар бунинг сабабларидан бири алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш деб ҳисобламоқдалар.

Матбуот янгиликлари агентлиги (АПН) нинг 1982 йилда берган маълумотларига қараганда туғилаётган болаларнинг 3,5%и оғир руҳий ёки жисмоний камчиликлар билан туғилмоқда.

Булар: қўлсиз, оёқсиз, онгсиз ва бошқача мажруҳ туғилаётган болалардир. 13%и эса ўртача даражадаги руҳий ёки жисмоний камчилиги билан туғилган. Яъни туғилаётган болаларнинг ҳар олтидан биттаси руҳий ёки жисмоний камчилик билан туғилмоқда.

Ичкилик ичадиган она энг аввало ўз боласининг аянчли тақдирининг сабабчисидир. Айниқса бола эмизадиган она алкоғолли ичимлик ичса, ичимлик сўт орқали бола танасига ўтади ва болани заҳарлайди. Шунинг учун ҳам ичкилик ичадиган она боласининг ўсиши нормадагидан орқада қолади, бола бўш, нимжон, инжиқ бўлиб ўсади, иштаҳаси ёмон бўлади, кам овқат ейди, тез-тез касал бўлади, агар ўлмаса ақлий ва жисмоний ривожланиш жиҳатидан ўз тенгдошларидан орқада қолиб кетади. Ана шундай болалар ўртасида ўлим юз беришининг нисбати анча юқоридир. Болалар учун мўлжалланган махсус мактаблардан бирининг раҳбари ваҳимали анализ олиб борган. Мактабга олтмишга яқин янги болаларни олиб келганлар. Ушбу болаларни ўтмиши текшириб кўрилганда, буларнинг ўртаси 10 ёшлигидаёқ ароқни отасининг қўлидан ичган, 8 таси тўққиз ёшлигиданоқ онаси томонидан ичкилик ичишга ўргатилган, 7 тасининг отаси исмини сўрасангиз ўнлаб кишилар номини айтади, кўпчилиги уларни ким туққанини ҳам билмайди¹.

Алкоғоль оиланинг энг асосий душманидир, биринчи навбатда болаларнинг душманидир. "Ота-оналар ичади, азобини болалар тортади" — деган мақол шундан бўлса

¹ Там за забором. Правда. 1988, 3 август.

керак. Айниқса оялада онанинг ичкиликбозлик билан шуғулланиши хавфлидир.

Наркотик воситалар билан боғлиқ бўлган жиноятларни эса характерига кўра тўртта гуруҳга бўлиш мумкин.

1. Наркотик воситаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жиноятлар: наркотик воситаларни қонунсиз тайёрлаш (Ўзбекистон Республикаси ЖҚМ нинг 216²-моддаси); наркотик воситаси бўлган етиштириш тақиқланган ўсимликларни экканлик ёки ўстирганлик (Ўзбекистон Республикаси ЖҚМ нинг 27-моддаси).

2. Наркотик воситаларни олиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган жиноятлар: наркотик воситаларни ғайриқонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки сотиш (Ўзбекистон Республикаси ЖҚМ нинг 216²-моддаси); наркотик воситалар билан контрабанда (68-модда); наркотик воситаларни талон-торож қилиш (216³-модда).

3. Наркотик воситаларни истеъмол қилиш ёки истеъмол қилишга шароит яратиш жиноятлари: врачларнинг рухсатсиз наркотик воситаларни истеъмол қилиш (216⁷-модда); наркотик воситаларни истеъмол қилишга мойил этиш (216⁵-модда); наркотик воситаларни истеъмол қиладиган бангхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш (216⁴-модда).

4. Наркотик воситалар билан боғлиқ бўлган бошқача ғайриқонуний ҳаракатлар: наркотик воситаларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёки жўнатиш қоидаларини бузиш (216⁸-модда); наркотик воситаларни сотиш мақсадини кўзламай ғайриқонуний тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (216⁶-модда).

1989 ва 1990 йилларнинг биринчи ярим йиллигида собиқ СССР наркомания статистикаси қуйидаги кўрсаткичларни қайд этди:

ЖИНОЯТЛАР	1989	1990
Наркотиклар билан боғлиқ бўлган жами жиноятлар	10 114	13 688
Наркотик воситаларни ўғирлик, талончилик, босқинчилик йўли билан талон-торож қилиш	256	250
Наркотик воситаларни ғайриқонуний тайёрлаш, истеъмол қилиш, сақлаш, сотиш	7209	9881

Шу жумладан фақат сотиш	982	1180
Наркотикларни истеъмол қилишга мойил этиш	117	153
Наркотик воситаларни истеъмол қилиш учун бангхоналар очиш ёки уларни сақлаш	150	196
Наркотикларни олиш учун рецептларни сохталаштириш	119	165
Наша ва кўкнорини ғайриқонуний экиш	651	1585
Наркотик воситаларни мансабдор шахслар томонидан талон-торож қилиш	99	79
Наркотикларни белгиланган сақлаш қоидаларини бузиш	707	491
Жами маъмурий жавобгарликка тортилганлар	29 369	19 696
Тортиб олинган тайёр наркотиклар ёки хом ашёси (тонна ҳисобида)	4,5	18,1
ЛТП, ЛВП га мажбурий даволашга юборилганлар	896	844
Наркотик воситаларини истеъмол қиладиганлар рўйхатида турган шахслар	121 757	116 306
Шу жумладан вояга етмаганлар	8 324	7 096
Гиёқванд диагнози билан рўйхатга олинганлар	59 887	63 863
Шу жумладан вояга етмаганлар	1 340	1 150 ¹

Наркотик воситалар билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш наркотик воситалар тарқалишининг барча йўллари бекитишни, барча куч ва воситаларни бирлаштиришни талаб қилади. Бу борада дастлабки қилинган ишлар ўз натижасини бермоқда. Жумладан, Россия, Чечено-Ингушетия Ички ишлар вазирликлари ва Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон Давлат хавфсизлиги Қўмитаси вакилларининг биргаликдаги қаракати туфайли 22 нафар жиноятчи қисқа вақтда қўлга олинди. Улар Ўрта Осиё ва Афғонистондан келтирилдиган наркотик воситаларни мижозларга етказиб бериш ва сотиш билан шуғулланганлар.

Улардан жами 900 миллион сўмлик 100 кг наркотик воситалар тортиб олинган. Бундай натижага турли минтақалар Ички ишлар органлари фаолиятининг бирлашиши туфайли эришилди.

¹ "Экономика и жизнь, 1990, № 49, с. 17.

СССРнинг бўлиниб кетиши билан боглиқ бўлган иқтисодий қийинчиликлар шубҳасиз наркобизнеснинг ўсишига ҳам сабаб бўлди. Ҳозирнинг ўзида Республикамиз ва Афғонистон жиноятчиларининг бу борада алоқалар ўрнатганлиги маълум. Афғонистонлик устамон жиноятчи шахслар турли йўллар билан бизнинг ҳудудга наркотикларни олиб келиб озиқ-овқат ва бошқа қимматбаҳо буюмларга алмаштириб кетмоқдалар.

Интерполнинг маълумотларига кўра кейинги йилларда "Олтин ярим ой" доираси давлатлари (Эрон, Покистон, Афғонистон) дан Европага келтириляётган наркотик моддалар умуман мавжуд оғунинг 80 фоизини, АҚШ га келтириляётган наркотикларнинг 50 фоизини ташкил қилмоқда.

Чет эл мутахассисларининг таъкидлашича, фақат Фарбий Европанинг ўзида наркотик воситаларни гайриқонуний сотишдан келяётган даромад 200 миллиард долларни ташкил қилмоқда. МДҲ мамлакатларида ҳам ана шундай йўл билан олинаётган даромад анчагинани ташкил қилиши шубҳасиз.

Собиқ СССР Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра МДҲ миқёсида сотиляётган наркотик воситалардан олинаётган махфий фойда 3 миллиарддан ошиб кетган. Яширин равишда сотиляётган наркотик воситаларнинг тўртдан уч қисми наркотикли ўсимликлардан олинмоқда.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ҳудудида йилига 80 мингдан 100 мингтагача қонунсиз экилган кўкноризорлар аниқланмоқда. Экспертларнинг фикрларига кўра гиёҳвандларнинг ҳақиқий миқдори 1,5 миллион кишидан ошиб кетган.

Айрим тиббиёт ходимлари тиббий наркотик воситалар ёки бундай воситаларни олиш ҳуқуқини берадиган рецептлар билан яширин жинойий савдо ишларини амалга оширишлари мумкин. Уларнинг ўзлари ёки воситачилар орқали бу иш амалга оширилмоқда. Бу соҳадаги яширин гиёҳвандлик бозори давлат стандарти асосида чиқарилган сифатли товар (морфий, амнолон, промедол ва бошқ.) билан иш кўради. Бундай препаратларнинг яширин бозордаги нархи 1990 йили давлат баҳосидан 800 — 1000 марта юқори бўлди.

Инсондаги энг катта иллат — бу қўрқоқликдир деганида буюк ёзувчи Булгаков юз карра ҳақдир. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг жамиятимизда узоқ йиллар давомида

қўрқоқлик ҳукм суриб келди. Бунга ҳамма кўниккан, ўрганган ва унга бўйинсунган эди. Бундай ҳолат айрим-ларда очкўзликни, ғаразлиликни туғдирди. Қандай бўлмасин кўпроқ ва тезроқ бойиш, майли бошқаларнинг соғлиғи ҳисобига, ҳаёти ҳисобига, ҳатто бутун жамиятни қурбон қилиб бўлса-да, кўпроқ юлиб олиш уларга мақсад бўлиб қолди. Мафия учун ана шундай ниятларда айнан заҳарли гиёҳлар билан чайқовчилик қилиш қўл келиб қолди.

Наркотик воситалар билан боғлиқ ҳолда содир қилинаётган жиноятлар турли-туман бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзининг кримнологик характеристикасига эга. Бундай жиноятларни содир қилаётган жиноятчилар, одатда наркотик воситани етиштиришдан тортиб, то истеъмол қилингунгача бўлган ғоят мураккаб йўлнинг ҳаммасини қамраб ололмайди. Бундан ташқари ҳозирги даврда наркотиклар билан боғлиқ бўлган жиноятчиликка қарши кураш ғоят даражада кучайтирилиб, бу воситаларни истеъмол қилгунча бўлган босқичларни бир жинойй гуруҳ ёки битта шахснинг бажаришининг имкони бўлмай қолди. Бунинг натижасида наркотик воситаларни етиштирувчилар (кимёвий йўл билан эса ишлаб чиқарувчилар)га, тарқатувчиларга (тарқатиш кўпроқ уюшган, ўзининг барқарор бўлинмаларига эга бўлган, раҳбарларига эга бўлган сифат жиҳатдан янги шаклга эга бўлди), худди шундай кўринишга эга бўлган наркотик воситаларни сотиш билан шуғулланувчиларга эга бўлдики, бу жиноят бир давлат ҳудудидан чиқиб бошқа давлатлар ҳудудларидаги гуруҳлар билан боғланиб кетди.

Наркотик воситалар билан бўлган жиноятларни содир қилаётган ҳар бир жиноятчининг ҳар бирини шу йўлга киришининг ўзига хос сабаби ва йўли бор деганда И. И. Карпец ҳақ¹.

Кейинги уч йил ичида собиқ СССР ҳудудида ғоят уюшган, бир-бири билан бевосита боғланиб кетган жинойй гуруҳлардан иборат ҳақиқий наркомафия ажралиб чиқди. Улар ўз "Қиролларига" яхши ўрнатилган алоқаларига, хом ашё манбаларига, махсус бозорларига эгадирлар. Изчил вазифаларнинг аниқ бўлиб олинганлиги, таъсир майдонларига эга бўлган гуруҳлар ташкил топганлиги тобора яққол кўзга ташланмоқда.

¹ Карпец И. И. Преступность. Иллюзии и реальность. М., Российское право, 1992, с. 402.

Тиббиёт соҳасидаги салбий ҳодисалар наркомафияга қўл келмоқда. Фақат 1988 — 1989 йилларнинг ўзида турли суистеъмолликларга йўл қўйганликлари учун 33 минг тиббиёт ходими жиноий жавобгарликка тортилган. Буларнинг бир қисмини наркотик препаратлар билан боғлиқ бўлган жиноятлар ташкил қилади.

Гиёҳвандликка қарши фақат жиноят ҳуқуқий чоралар орқали кураш олиб бориш яхши самара бермайди. Чунки 200 га яқин тиббий дорилар ва 2000 хилгача кимёвий воситалар наркотик кайф бериш хусусиятига эга. Шунинг учун гиёҳвандликка қарши курашнинг бош йўналиши уни истеъмол қилиш сабабларини бартараф қилишдан иборат бўлиши керак.

Гиёҳвандликка қарши кураш олиб борувчи ташкилотлар фақат жамият олдидагина жавобгар бўлиб қолмасдан, балки гиёҳвандлар олдида ҳам жавобгардирлар.

Бизнинг фикримизча "гиёҳванд"лар рўйхатида турган шахслар учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик бекор қилиниши керак.

Ижтимоий хавfli ва жазога сазовор бўлган ҳаркатларга: бошқа шахсларни наркотик воситаларни истеъмол қилишга жалб қилиш, наркотик воситалар билан турли олди-сотти қилишга жалб қилиш (наркотикли ўсимликларни экиш, етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташишнинг ўзи учунгина эмас, балки шундай ишларга жалб қилганлик ҳам) учун жиноий жавобгарлик белгиланиши керак.

Ана шунда гиёҳвандлар ўзларини рўйхатга олишларидан манфаатдор бўлиб қолади. Чунки ҳозиргача уларни тиббиёт муассасалардан бошқа ҳеч қаерда даволашмайди. Бинобарин наркотик воситаларни истеъмол қиладиганларнинг анча аниқ миқдори ана шундай йўл тутиш орқали маълум бўлади.

Ҳозирги кунда наркотик воситани сотган ҳам, уни ўз истеъмоли учун сотиб олган гиёҳванд ҳам жиноий жавобгарликка тортилади. Бунда ҳатто гиёҳванд туғри кўргазма бериб, жиноятни тезроқ очишга ёрдам берганида ҳам, унинг ҳалоллиги суд курсисидан уни сақлаб қола олмайди. Шунинг учун аксарият ҳолларда у туғри кўргазма беришдан ҳар қандай йўл билан бўлса-да, бўйин товлайди.

¹ Трудные судьбы подростков — кто виноват? М., Юридическая литература, 1991, с. 50.

Истеъмол қилувчига нисбатан жавобгарликнинг бекор қилиниши бу соҳадаги ишларни тамоман ўзгартириб кўриши, наркотик воситаларнинг пайдо бўлиш манбаларини аниқлашда яхши самара бериши мумкин.

Тергов-суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, вояга етмаганлар томонидан содир қилинаётган жиноятларнинг ҳар олтитасидан биттаси наркотиклар билан боғлиқ бўлмоқда ва жиноятни содир этишда икки ва ундан ортиқ шахслар қатнашмоқда. Кўп ҳолларда наркотик воситаларига бевосита алоқаси бўлган катта ёшдаги гиёҳвандлар вояга етмаганларни атрофига тўплаб, гуруҳлар ташкил қилиб, уларни бу разолат йўлига тортмоқдалар. Гиёҳвандликнинг доимий ҳамроҳи бу манфур иллатга гирифтор бўлганларнинг гуруҳларга бирлашиб олишидир. Бундай гуруҳлар кўпинча зўрлик ишлатиш билан ғаразли жиноятларни содир қилади.

Бизнингча наркотик воситалар билан боғлиқ бўлган жиноятлар учун қабул қилиниши керак бўлган янги қонунлар наркотик воситаларни назорат қилиш халқаро шартномаларига ҳамда инсон ҳуқуқлари декларациясига мос ҳолда бўлиши керак. Наркотиклар билан боғлиқ бўлган қуйидаги ҳаракатлар учун жинорий жавобгарлик белгиланиши керак деб ҳисоблаймиз:

1. Наркотик воситаларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, тозалаш, ажратиб олиш, истеъмол учун таклиф қилиш (бунга наркотик воситаларни истеъмол қилишга бошқа шахсларни жалб қилиш, врачларнинг махсус рухсатсиз наркотик воситалар олишга ҳуқуқ берадиган рецептлар бериши, тарқатиш ва тайёрлашлари ҳам кириши керак).

2. 1961 йилдаги Конвенция қоидаларини бузиб, тақиқланган наркотикли ўсимликларни ўстириш.

3. Ҳар қандай наркотик воситаларни кўп миқдорда сақлаш ва сотиб олиш;

4. Наркотик воситаларни ишлаб чиқиш учун тайёрланган ускуналарни, материалларни ёки наркотик воситаларни тайёрлаш, ташиш, тарқатиш, сотиш, агарда бундай нарсаларни тарқатган ёки сотган шахсга наркотик воситаларни ғайриқонуний равишда ўстириш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, ташиш ва истеъмол қилиш учун мўлжаллангани олдиндан маълум бўлган бўлса.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги наркотик восита ҳисобланган препаратларни қадоқлаш усулини ўзгартириши керак. Мавжуд ампулаларни оддий асбоб ёрдамида

очиш ва ундаги суюқликни сув ёки бошқа суюқлик билан осонгина алмаштириб яна беркитиб қўйиш мумкин. Марфиозларнинг 60 фоизини қизлар ташкил қилиши шундан эмасмикан.

Бундан ташқари наркотик воситалар билан боғлиқ бўлган ғайриқонуний ҳаракатлари учун ҳукм қилинганларнинг аксарияти тез тиббий хизмат (жарроҳлик, онкология, гинекология бўлимлари) ҳамшираларидир. Шунинг учун наркотик моддали дори-дармонларни сақлаш қоидалари ва уларни ишлатиш тартибига риоя қилиш қоидаларига қандай назорат қилинаётганлиги тегишли органларнинг қаттиқ назорати остида бўлиши керак.

ҒАРАЗЛИ МАҚСАДЛАРДА ЗҶРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ҚИЛИНАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1-§. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг криминологик тавсифи¹

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар анча кенг тарқалган жиноятлардан ҳисобланиб, жамият учун жиддий хавф туғдиради. Бу жиноят турининг кенг тарқалганлиги жамият учун катта ташвиш туғдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1980—1990 йиллардаги статистик маълумотларига кўра, ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинган жиноятлар учун судланганлар жумҳуриятимизда шу вақт ичида барча судланганларнинг 8 фоизидан ортиқроғини ташкил қилмоқда. Бундай жиноятларнинг кейинги йилларда ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Агарда 1985 йилдан 1987 йилгача ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинган жиноятларда камайиш юз берган бўлса, 1988 йилдан 1990 йилгача бундай жиноятларнинг кўпайганлиги кузатилди. Жумладан, жумҳуриятимизда 1988 йили қасд-

¹ Бу ерда зўрлик ишлатиб талончилик қилиш, товламачилик, босқинчилик, бандитлик ва ғараз билан одам ўлдириш жиноятлари устида гап боради.

дан одам ўлдириш жинояти 780 бор содир қилинган бўлса, 1989 йили бу рақам 1021 ни ташкил қилган, яъни мазкур жиноят тури 30,9 фоизга ошган. Янада ойдинлаштириш лозим бўлса, шулардан босқинчилик 1988 йили 644 марта содир қилинган, 1989 йили 1057 бор содир қилинган, яъни 64,1 фоизга ошган. Одам ўлдириш 780 бор қайд қилинган, бу жиноят тури 64,5 фоизга ўсган. Талончилик 1988 йили 1768 та содир қилинган бўлса, 1989 йили унинг миқдори 2811 тага етган, бунда ўсиш 58,9 фоизни ташкил қилган. Шундай ҳолат товламачиликда ва ғаразли мақсад билан одам ўлдириш жиноятларида ҳам кузатилди¹.

Шундай жиноятлар учун жазони ўтаётган маҳкумлар ўртасида олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг аксариятини фуқароларнинг шахсий мулкига тажовуз қилиш ташкил қилган. Фуқароларнинг шахсий мулкига зўрлик ишлатиб тажовуз қилиш ижтимоий мулкни талон-торож қилишга нисбатан 1986 йили 5,5 марта, 1987 йили 6,7 марта, 1988 йили 11 марта, 1989 йилда эса 12 марта кўпроқ содир қилинган. Ижтимоий мулкни талон-торож қилишга нисбатан фуқароларнинг мулкни талон-торож қилишнинг кўп содир этилишига асосий сабаб, ижтимоий мулкни қўриқлаш ва сақлашнинг анча яхши йўлга қўйилганлигидан бўлса керак.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар йирик шаҳарларда кўпроқ содир қилинмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида шундай жиноят учун судланган шахслар барча судланганларнинг 1986 йили — 7,24 фоизини, 1988 йили — 7,59 фоизини, 1989 йили — 8,32 фоизини, 1990 йили — 8,73 фоизини ташкил қилган. Самарқанд, Нукус, Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод шаҳарларида эса шундай жиноят учун судланганларнинг миқдори саккиз фоиздан кўпроқни ташкил қилган².

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир этган ва жазони ўтаётган шахсларни ўрганишдан маълум бўлишича, уларнинг 89 фоизи жиноятни шаҳар жойларда

¹ Ўзбекистон ССР Олий судининг бюллетени, 1990, № 1. 30-бет.

² Ўзбекистан за годы двенадцатой пятилетки, Ташкент. 1990, с. 15.

ва шаҳар типдаги посёлкаларда содир қилганлар, фақат 11 фоизигина шундай жиноятни қишлоқ жойларида содир этганлар.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ҳозирги кунда аҳолининг миқдори 20 миллиондан кўпроқни ташкил этади. Шундан 42 фоизи шаҳар жойларида истиқомат қилса, 58 фоизи қишлоқ жойларида яшайди. Қорақалпоғистон Республикасида эса шаҳар жойларида 47,9 фоиз қишлоқ жойларида 52,1 фоиз аҳоли яшайди¹.

Ана шу маълумотлардан кўриниб турибдики, ўрганилаётган жиноятлар шаҳар жойларида қишлоқ жойларига нисбатан 6 марта кўпроқ содир қилинар экан. Бундай ҳолат, фикримизча, қишлоқ жойларида вояга етмаган ёшлар доимий равишда ота-оналарининг, қариндош-уруғларининг назорати остида бўлишига яхши имконият туғдирилиши билан изоҳланади. Бундан ташқари қишлоқ жойларда ёшлар иш билан кўпроқ банд бўладилар. Бундай ҳолат ёшларни ижтимоий тартибларга зид йўналишдаги гуруҳларга бирлашишига имконият бермайди, ёшларнинг жиноят содир этишларининг олдини олади. Бундан ташқари қишлоқ жойларида ҳамма бир-бирини таниганлиги туфайли зўрлик ишлатиб ғаразли жиноятларни содир этиш, талон-торож қилинган мулкни яшириш, сотиш ва ҳоказолар бирмунча қийинлашади.

Олиб борилган социологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар кўпроқ жамоат жойларида — 32 фоиз, корхоналар ҳудудида — 3 фоиз, давлат ва жамоат ташкилотларида — 2,5 фоиз, вокзалларда — 7,7 фоиз ва бошқа жойларда (гаражлар, ҳожатхоналарда) — 10 фоизни ташкил қилган.

Бундай жиноятларнинг 32 фоизини жиноятчилар ўзлари яшаган аҳоли пунктдан бошқа жойларда содир қилганлар. Жиноятчилар одатда, ўзларини таниб қолишларидан қўрқиб жиноят фаолиятини бошқа қишлоқ, посёлка, район, даҳа, шаҳарларда содир қилишга ҳаракат қиладилар.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларни йилнинг мавсумларига қараб ўрганилганда қуйидаги ҳолат маълум бўлди. Бундай жи-

¹ Ўзбекистан за годы двенадцатой пятилетки. Ташкент, 1990 г.

ноятлар қиш фаслида — 39 фоизни, баҳорда — 27 фоизни, ёзда — 25 фоизни, кузда — 18 фоизни ташкил этади. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, жиноятларнинг аксарияти қиш мавсумида содир қилинган. Бунга қиш мавсумида бу каби жиноятларни содир қилиш учун кўпроқ имконият яратилиши сабаб бўлса керак. Жамоат жойлари ёздагидек гавжум бўлмайди. Бундан ташқари қиш мавсумида жамоат жойларига чиқадиган аҳоли асосан қимматбаҳо кийимларни кийиб чиқади (масалан, мўйнали телпак, мўйнали пўстин, қимматбаҳо пальтоллар, этиклар ва ҳоказолар). Шунингдек, қиш кунлари эрта қоронғу тушиши ҳам бундай жиноятларни содир этиш учун қулай вазият вужудга келтиради.

Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, ғаразли мақсадларда одамларга ҳужум қилишнинг 11 фоизи — соат 0 дан 9 гача, соат 9 дан 15 гача — 10 фоизи, соат 15 дан 19 гача — 22 фоизи, соат 19 дан 22 гача — 29 фоизи, соат 22 дан 24 гача — 28 фоизи содир этилган. Агар бу рақамларни умумлаштирсак ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг 69 фоизи қоронғу тушиши билан ва кечаси содир қилинганлиги маълум бўлади.

Тадқиқотларимизнинг натижаларига кўра босқинчиликнинг 42 фоизи руҳий зўрлик ишлатиш йўли билан, 54 фоизи жисмоний зўрлик ишлатиш йўли билан содир қилинган. Фақат 4 фоизигина жабрланувчига ухлатадиган, ўз ҳаракатларини идора қила олмайдиган ҳолатга солиб қўядиган дорилардан, заҳарли моддалардан, алкоғолли ичимликлардан фойдаланиб содир этилган.

Шундай жиноят учун жазони ўтаётган маҳкумлар текшириб кўрилганда уларнинг 68 фоизи жабрланувчининг томоғига пичоқ тираб жиноят содир этганлигини тан олган. Агар жабрланувчи "буни тушунмаса" қурол ишлатганлар. 30 фоизи бошқа турли усулларни қўллаганлар. Бундай жиноятларнинг 2 фоиз айбдорлари сантехник, телевизор ва радио устаси, телефон устаси, ЖЭК ходимлари ниқоби остида уйларга кириб, уй эгаларига ҳужум қилганлар. Бундан кўриниб турибдики, ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар жамият учун жуда хавфли, шу сабабли бундай жиноятчиларга қаттиқ жазо чораларини қўллашни тақозо қилади.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинган жиноятларнинг 52 фоизи ўқотар қуроллардан, совуқ қуроллардан ва бошқа қуроллардан фойдаланиб содир қилинган.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, жиноятчилар аксар ҳолларда жиноятни содир этишга олдиндан тайёргарлик кўрмайдилар, яъни уларнинг 83,3 фоизи олдиндан тайёргарлик кўрмаган бўлса, 16,7 фоизи олдиндан тайёргарлик кўриб; яъни қурол тайёрлаб, ҳужум қилиш учун объектни белгилаб олганлар, жиноятни амалга ошириш режасини ишлаб чиққанлар, жиноятда иштирок этаётган ҳар бир кишининг вазифасини аниқ белгилаб олишган ва ҳоказо.

Ўрганилган жиноятларнинг 36 фоизи ўғрилик йўли билан талон-торож қилишдан бошланган ва жиноий ҳаракат аниқланиб қолинганлиги туфайли ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиш жиноятига айланиб кетган.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар кўпроқ бошқалар кўрмайдиган панароқ жойларда содир қилинади. Бундай жинояти учун жазони ўтаётган маҳкумларга анкета тарқатиб "Сиз жиноий фаолиятни амалга оширган вақтингизда бирор киши сизга халақит бердими?" — деб сўраб кўрилганда, 7 фоиз маҳкум "ҳа", деб 93 фоизи эса "йўқ" деб жавоб бердилар.

Жиноятчилар бундай жиноятларни бошқа фуқароларнинг кўз олдида содир қилганларида ҳам, фуқароларнинг кўпчилиги "кўрмайин ҳам, куймайин ҳам" деган лоқайдлик иллатига хос иш тутганликлари боисидан, жиноятчилар жиноий фаолиятини бемалол содир этганлар. Кўпгина маҳкумларнинг таъкидлашича, фуқаролар бефарқ бўлмаганларида эди, жиноятнинг олди олинган бўлур эди.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар кўпинча гуруҳга уюшган шахслар томонидан содир қилинади. 1980—1990 йиллар мобайнида Ўзбекистонда содир қилинган жиноятларнинг 87 фоизи турли гуруҳларга уюшган шахслар томонидан содир қилинган. Шу вақт мобайнида вояга етмаганлар томонидан содир қилинган шундай жиноятларнинг 67 фоизи гуруҳга уюшган шахслар томонидан содир қилинган. Гуруҳ бўлиб содир қилинган жиноятларнинг 89 фоизида уч ёки тўртта киши қатнашган. Шундан 39 фоизида камида тўрт киши қатнашган, 31 фоизида эса

барқарор гуруҳлар жиноят содир қилган, яъни бу гуруҳларнинг бошида муқаддам судланган шахслар турган ва мазкур гуруҳлар камида уч мартадан жиноят содир қилганлар.

Тажовуз қилиш натижасида улар қўлга киритган мулк одатда пул, заргарлик буюмлари ва турли бошқа буюмлар бўлган. Кўп ҳолларда булар видеоаппаратлар, қўл соатлари, облигациялар, кийимлар, олтин узуклар ва бошқа заргарлик буюмлари, чет элда ва ўзимизда ясалган магнитофонлар, транзисторли радиоприёмниклари, фотоаппаратлар ва ҳоказолар бўлган. Ўрганилаётган жиноятларнинг 9 фоизини наркотик воситалар ва қуролларни босқинчилик, бандитлик йўли билан эгаллаш мақсадида содир қилинган жиноятлар ташкил қилади.

2-§. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахсларнинг криминологик тавсифи

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 10-моддасига мувофиқ талончилик, босқинчилик ва ғаразли мақсад билан одам ўлдириш жиноятларини содир қилган шахслар 14 ёшга тўлган бўлсалар, бандитлик содир қилган шахслар эса 16 ёшга тўлган бўлсалар, жиний жавобгарликка тортиладилар. Бу жиноятлар учун ана шу ёшдан жиний жавобгарлик белгиланишида қонун чиқарувчи идоралар ана шу ёшдаги ўсмирлар ҳам шундай ҳаракатларнинг жиноят эҳволигини, унинг жамият учун ижтимоий хавфлилигини англай олиши ва уларда ҳам ўз ҳаракатларини тўла назорат қила олиш қобилияти шаклланганлигига асосланган.

Жиний жавобгарликнинг асосий шартларидан бири жиноятчининг ақли расолигидир, яъни шахснинг ўз ҳаракатлари учун ҳисоб бера оладиган ва ўз ҳаракатларини бошқара оладиган қобилиятининг борлигидир.

Ақли норасо шахслар жавобгарликка тортилиши ва жазоланиши мумкин эмас.

Жиноят содир қилган шахсларга жиний жазо уларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш ҳамда улар томонидан янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланади. Бундай талабни фақатгина руҳий нормал ҳолда бўлган шахсларга нисбатангина қўйиш мумкин.

Анализ қилинаётган қилмиш субъектининг ижтимоий-психологик тавсифи ижтимоий хавфли ҳаракат содир қилган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишнинг асосий шарти бўлган юридик белгилар билан боғлиқ¹.

Янги давр кишисини шакллантириш энг аввало унинг онгига ва хулқига салбий таъсир қиладиган ижтимоий ҳодисаларни бартараф қилишдан иборат.

Ижтимоий ҳаёт шароитининг жиноятчиликка таъсири фақат криминоген омилларнинг ўзи билан чекланиб қолмайди. Жамият аъзоларининг фақат бир қисмигина жиноят содир этиши, жиноятчиликнинг ҳаракати ва таркибида ижобий ўзгаришларнинг юз беришидан маълум бўлишича, жамиятда ижобий ижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг таъсир кучи (жиноятга зид омиллар) жиноят туғдирувчи омилларга нисбатан кучлидир².

Лекин бундай омиллар ўз-ўзидан жиноятчилик камайишига олиб келмайди. Бунинг учун шахс шаклланишининг барча босқичларида унинг шаклланишига салбий таъсир қиладиган омилларни бартараф қилишга оид чораларни амалда қўллаш керак бўлади.

Инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида уни ўраб турган ижтимоий муҳитнинг таъсири остида бўлади, шу боисдан унинг шаклланишининг маълум босқичида криминоген факторлар унга таъсир қилиб, инсон шахсида салбий хусусиятлар шаклланиб қолиши мумкин.

Бу сабаблар объектив характерга эга бўлиб, улар ўрганиш мумкин бўлган ҳақиқатлар, илмий кузатиш ва анализ қилиш мумкин бўлган ҳодисалардир.

Жиноятчи шахсини ўрганиш, унинг ижтимоий-руҳий хусусиятлари ва уни шакллантирадиган факторларни ўрганиш профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва алоҳида турдаги жиноятларни содир қилган кишилар шахсини ўрганишда ҳам катта аҳамиятга эга. Маълумки, турли тоифадаги жиноятчиларнинг шаклланишига салбий омиллар билан бирга, айрим ўзига хос ҳолатлар ҳам

¹ Қаранг: *Могилевский А. Л.* Истоки правонарушения. Ильм, Ашгабад, 1987.

² Теоретические основы предупреждения преступности. Коллектив авторов. "Юридическая литература", М., 6 1977. с. 4.

таъсир қилади. Ана шу ҳолатларни аниқлаш мақсадида, ижтимоий мулк ва фуқароларнинг шахсий мулкани босқинчилик йўли билан эгаллаш жинояти учун жазони ўтаётган маҳкумлар ўртасида тадқиқот-текширув олиб борилди.

Жиноят ишларини ўрганиш билан бирга босқинчилик учун жазони ўтаётган 220 та маҳкумлар анкета саволлари орқали ўрганилди. Буларнинг 100 таси — кучайтирилган режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида, 100 таси қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ва 20 таси махсус режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида жазони ўтар эди. Тадқиқот олиб бориш учун махсус криминологик анкета ишлаб чиқилган бўлиб, ҳар бир анкетада 70 та савол ёзилган, яна ҳар бир савол, майда саволларга бўлинган эди. Маҳкумларнинг айримлари томонидан бериладиган жавоблар нотўғри бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб, анкетадан текшириб кўриш мумкин бўлган бошқа саволлар ҳам ўрин олган эди.

Ўрганилган жиноят ишлари ва анкеталаш орқали аниқланган маълумотлардан маълум бўлишича ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг деярли кўпчилигини эркаклар содир қиладилар. Буни қуйидаги жадвалдан кўrsa бўлади (маълумотлар фоиз ҳисобида берилган).

Ўзбекистон Республикаси бўйича	1987 йил	1988 йил	1989 йил	1990 йил	1991 йил	1992 йил
Эркаклар	95,9	93,4	96,6	95,8	97,2	96,3
Аёллар	4,1	6,6	3,4	4,2	2,8	3,7

Биз аёллар томонидан ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир этишга доир бир неча жиноят ишларнигина топиб ўрганишга муваффақ бўлдик. Булардан биттаси вояга етмаган аёл, иккинчиси вояга етган аёл. Улар муқаддам судланган бўлиб, аёл жабрланувчиларни уриб уларнинг пули ва нарсаларини тортиб олганлар. Одатда вояга етмаган аёллар жиноятда камдан-кам бошқарувчи сифатида қатнашадилар. Аёллар томонидан камдан-кам ҳолларда жиноят содир қилинишининг сабаби, аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, улар хулқига кўздан-

кўп ижтимоий омилларнинг таъсиридир. Аёллар одатда оилага, уй хўжалигига, болалар тарбиясига кўпроқ боғланиб қолишган. Аёл киши ўз табиатига кўра эркакларга нисбатан мулойим, раҳмдил, ўзини тута биладиган ва чидамлидир.

Текширишларимиздан маълум бўлишича, эркаклар билан биргаликда босқинчилик қилганлиги учун ҳукм қилинган аёллар — одатда ёрдамчи ёки далолатчи сифатида қатнашганлар. Жуда кам ҳоллардагина улар босқинчи гуруҳнинг бошлиғи сифатида қатнашганлар. Бунга Тошкент шаҳар, Ҳамза ноҳияси Халқ судида кўрилган М. В. ва бошқаларнинг жиноят иши характерлидир.

Олий педагогик маълумотга эга бўлган М. В. ўз уйига ўзидан анча ёш бўлган Г. А., К. Г., Н. Н. ларни таклиф қилиб, улар иштирокида Холжаев К. нинг уйига ҳужум уюштирган. Бу босқинчилик ҳужуми натижасида шу уйда ишловчи Камолова Х. нинг баданига оғир шикаст етказиб, Холжаев К. нинг 19300 сўмлик нарсаларини олиб чиқиб кетадилар. Бу жиноят ўзининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иштирокчиларнинг уюшганлик даражаси, жиноят содир қилиш усули билан бошқа босқинчиликлардан кескин фарқ қилади. М. В. ҳужум уюштиришдан олдин Холжаев К. нинг уйида бўлиб, унинг болаларидан қимматбаҳо нарсаларнинг қаерда туришини, кундуз куни уйда кимлар қолишини билиб олади ва билдирмай телефон симини узиб қўяди. У телефон станциясидан усталар чақирилганлигини билиб, кундуз соат 12 ларда, ўзларига телефон трубкалари ва симларини осиб олиб, Г. А., К. Г., Н. Н. лар билан бирга К. Холжаевнинг уйига бостириб киради¹.

Аёллар ўртасидаги жиноятчилик ҳақида айтиш мумкинки, собиқ СССР мавжуд бўлган кейинги 15 йил давомида ҳар йили ўртача 180—200 минг аёл жиноят содир қилар эди².

Аёллар жиноятчилигининг структурасида жиддий ўзгаришлар юз берди. Аёллар асосан фирибгарлик, майда

¹ Тошкент шаҳар, Ҳамза ноҳиясининг архивидан.

² Қаранг: Преступившая закон — мир женщины. 1992, № 1, с. 18.

ўғрилиқ каби жиноятларни содир қилган бўлсалар, энди эркаклар томонидан содир қилинадиган жиноятларни ҳам кўплаб содир қилмоқдалар.

МДХга кирувчи давлатларда 1992 йилги аёллар жиноятчилиги ўрганилганда бу фикр тасдиқланди. Ушбу давлатлардаги ахлоқ тузатиш колонияларида жазони ўтаётган аёлларнинг 75 фоизи асосан икки гуруҳдаги жиноятлар учун, яъни мулкни талон-торож қилиш ва кишилар ҳаётига тажовуз қилиш жиноятлари учун ҳукм қилинганлар¹.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қиладиган аёлларнинг одатда оиласи бўлмайдди, ахлоқи турғун эмас, улар аёллик хусусиятини йўқотган бўладилар. Бу борада В. А. Владимиров "Кўпинча улар кўпчилик аёлларга хос бўлган руҳий ҳолат ва хулқнинг махсус хусусиятларини умуман йўқотган шахслардир",— деб ёзганда ҳақдир².

1989 йили Ўзбекистонда жиноят содир қилганларнинг 10,3 фоизини аёллар ташкил қилган эди (ўша йили ҳаммаси бўлиб 27161 киши ҳукм қилинган эди). Аёллар ўртасидаги жиноятчиликнинг жуда тез ўсаётганлигини ва эркаклар томонидан содир қилинадиган жиноятчиликнинг кўрсаткичларига яқинлашиб бораётганлигини Ю. М. Антоняннинг тадқиқотлари ҳам тасдиқламоқда. Айниқса рецидив жиноят содир қилган аёлларнинг ахлоқан тубанлашуви тезлашиб кетди³.

Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, босқинчилик жиноятини кўпинча ёшлар содир қилади. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам билса бўлади (фоиз ҳисобида).

Йиллар	№	ЖҚМ моддаси	Ёши				
			14—17 ёш	18—24 ёш	25—29 ёш	30—49 ёш	50 ёшдан юқори
1989	1	116	14,7	51,3	21,6	12,4	—
	2	127	28,4	47,9	14,9	8,8	—

¹ Владимиров В. А. Квалификация хищений личного имущество. М., 1974, с. 141.

² Қаранг: Узбекистан — контакт, 1991, № 6, с. 3.

³ Қаранг: Антонян Ю. М. Преступность среди женщин. М., Российское право. 1992, с. 79.

1990	1	116	8,7	64,1	13,9	8,2	—
	2	127	29,7	44,5	13,8	10,8	0,9
1991	1	116	31,3	50,0	15,1	3,6	—
	2	127	20,8	44,3	20,9	13,1	0,9
1992	1	116	9,2	72,5	9,3	9,0	—
	2	127	22,9	51,2	21,0	4,9	—

Ушбу маълумотлардан кўришиб турибдики, босқинчилик жиноятини содир қилишнинг кўпроқ криминоген ёши 18—24 ёшдадир¹.

Юқоридаги маълумотлардан кўришиб турибдики, 14 ёшдан 17 ёшгача бўлган шахслар томонидан давлат ва жамоат мулкига қарши ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар нисбатан кам учрайди. Бу давлат ва жамоат мулкни талон-торож қилишнинг мураккаблигидан бўлса керак. Шунинг учун бу ёшда кўнроқ фуқароларнинг шахсий мулкига тажовуз қилиш содир этилган. 1991 йили босқинчилик учун ҳам ҳукм қилинганларнинг 99 фоизини 29 ёшгача бўлган шахслар ташкил қилган². 30 ёшдан ошган шахслар ўртасида бундай жиноятларни содир қилиш анчага камайган, 50 ёшдан ошган шахслар томонидан содир қилиш эса деярли учрамайди.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахсларнинг маълумоти даражасини ўрганиб кўрилганда қуйидаги ҳолат аниқланди (фоиз ҳисобида).

Чала саводлар	4-синф ҳажмида	8-синф ҳажмида	10-синф ҳажмида	Ўрта махсус	Тўлиқ-сиз олий	Олий	Жами
5,3	9,9	44,2	36,6	6,6	3,5	1,8	100

¹ Худди шундай маълумотларни Пинхасова Э.Б. ҳам келтиради. Қаранг: Уголовно - правовое и криминологические проблемы борьбы с грабжом. Автореферат канд. диссертации. М., 1987, с. 27.

² Қаранг: Клуб борется с преступностью. "Вечерный Ташкент". 1990 й. 4 июнь.

Агарда собиқ Иттифоқда ишлаётган аҳолининг 85 фоизи ўрта, ўрта махсус ва олий маълумотга эга бўлса, тадқиқ қилинган жиноят содир қилган шахслар ўртасида бу кўрсаткич 41,7 фоизни, чаласаводлар ва 8-синфгача маълумотга эга бўлганлар 59,3 фоизни ташкил қилган. Ваҳоланки, булар ишлаётган умумий аҳолининг 28,2 фоизини ташкил қилганлар холос.

Яна шунини таъкидлаш керакки: маҳкумлар ўртасида ўрта махсус, тўлиқсиз олий ва олий маълумотга эга бўлганлар 11 фоизни ташкил қилган. Криминология дарслигининг муаллифлари берган маълумотларга кўра бу кўрсаткич 8 фоизни ташкил қилган¹. Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг асосий қисмини маълумоти ва маданияти паст бўлган шахслар содир қилган.

Оила инсон шахсининг мукамал шаклланишига катта таъсир қилади. Биринчидан, оила ўз аъзоларининг хулқи устидан социал назорат олиб боради. Иккинчидан эса ўз оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш, оилада ҳар бир аъзонинг ўзига яраша тақсимланган социал вазифаси бўлганлиги қолаверса, бефойда ўтказишга вақт бўлмаслиги оилада тарбияланган кишининг анча мукамал инсон сифатида шаклланиши учун катта имкониятлар яратади.

Шунингдек, ҳар бир оила аъзоси оила олдида катта масъулият ва жавобгарликни ҳис қилганлиги учун оилада криминоген факторлар шаклланиши бартараф қилиб борилади.

Лекин айрим оилалардаги низолар, турли можаролар кишининг шахсида ахлоқий-руҳий мувозанатнинг бузилишига, деформация юз беришига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолат шахсининг жиноят йўлига кириб кетишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, жазони ўтаётган маҳкум эркакларнинг 20 фоизининггина оиласи бўлган холос. Собиқ Иттифоқ маълумотларига кўра маҳкумларнинг 30 фоизигина оилали бўлган холос².

¹ Криминология. М., Юридическая литература. 1988, 347-бет.

² Уша жойда.

Болалар уйларида тарбияланаётганларнинг 47 фоизи — 6 ёшгача, 50 фоизи — 7—15 ёшдагилар, 16 ёшгача бўлганлар — 3 фоизини ташкил қилган¹.

1979 йили ўтказилган собиқ Иттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра мамлакатдаги вояга етган эркак аҳолининг 72,2 фоизи никоҳда бўлган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахслар ўртасида оилали шахсларнинг ўртача миқдори умуман мамлакат аҳолисига нисбатан жуда паст.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларни асосан оиласи бўлмаган шахслар содир қилади. Булар тахминан 75 фоизни ташкил қилади. Вояга етган эркак аҳолининг эса 28,8 фоизини ташкил қилади. Булар ўртасида ажралишганлар 4,1 фоизни, бевалар 0,9 фоизни ташкил қилади. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахсларнинг кўпчилигининг оиласи бўлмаслигига боис бундай жиноятчилар асосан ёшлардан иборатлигидир.

Шундай жинояти учун жазони ўтаётган маҳкумларнинг ижтимоий аҳволи ва шуғулланадиган иши ўрганиб кўрилганда қуйидаги маълумотлар аниқланди: Маҳкумлар ўртасида саноат корхоналарининг ишчилари — 44,7 фоизни, маиший хизмат ва коммунал-хўжалик корхоналарининг ишчилари — 14,4 фоизни, хизматчилар — 3,3 фоизни, техникум ва олий ўқув юртларининг талабалари — 3,7 фоизни, колхозчилар — 2,8 фоизни, ижодий меҳнат ходимлари — 1,4 фоизни, ҳунармандлар — 1,4 фоизни, ҳеч қандай иш ёки ўқиш билан банд бўлмаган шахслар — 28,3 фоизни ташкил қилган. Айрим маълумотларга кўра талончилик ва босқинчилик жинояти учун ҳукм қилинган шахслар ўртасида ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйинтовловчилар — 40—45 фоизни ташкил қилган.

Демак, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган шахслар жиноятчиларнинг резерв қисми ҳисобланади. Аҳолининг меҳнатга яроқли қисми ичида булар жуда озчиликни ташкил қилади, жиноят учун жазони ўтаётган маҳкумларнинг эса тўртдан бир қисмини ташкил қилади. Ижтимоий фойдали меҳнат ёки ўқиш билан машғул бўлмаган кишининг жиноят йўлига кириб кетиши жуда

¹ Вестник статистики, 1988, № 9, с. 66.

осон. "Шуни айтиш керакки,— ишламайдиган ёки ўқимайдиган ўсмирлар ўртасида жиноятчилик, мактаб ўқувчилари ўртасидагига нисбатан 24 марта кўпдир". Ота-онасининг қарамоғида бўлган ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиганлар — 77 фоизни, қариндош-уруғлари қарамоғида бўлганлар — 14 фоизни, танишлари қарамоғидагилар — 6 фоизни, бирга яшайдиганлар қарамоғидагилар — 3 фоизни ташкил қилмоқда. Бундай шахслар айниқса жиноят содир этиб жазони ўтаб чиққанлар ичида анчагина.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этилаётган жиноятларнинг кўпчилик қисмини ишчилар содир этаётганлиги ҳам диққатни ўзига тортади. Бу энг аввало бундай жиноятлар шаҳар жойларда кўпроқ содир этилиши, боиси — шаҳарда қишлоқларга нисбатан криминоген омиллар кўпроқ мавжудлиги билан боғлиқ. Шаҳарда яшайдиган бошқа тоифадаги аҳоли, яъни: хизматчилар, талабалар, ижодий меҳнат вакиллари шаҳар аҳолисининг озчилик қисмини ташкил қилади ва ўзларининг маълумоти, маданий савияси анча юқорилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун булар ўртасида жиноят содир этишга мойил кишиларнинг миқдори жуда кам. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, саноат корхоналари ишчиларининг кўпчилик қисмини эркаклар ташкил қилади.

Ғаразли мақсадлар билан одам ўлдириш, талончилик, босқинчилик, товламачилик жиноятини содир қилган шахсларнинг кўп ҳолларда маданий савияси паст, дунёқараши чекланган, маънавий қарашлари тор бўлади.

Шундай жинояти учун жазони ўтаётган маҳкумларга анкета тарқатилиб, "Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз, бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз?" — деган саволга биз қуйидагича жавоб олдик (фоиз ҳисобида):

1. Спорт билан шуғулланаман — 18,1.
2. Бадий ҳаваскорлик тўғарагига қатнашар эдим — 4,6.
3. Кинога борар эдим — 46,7.
4. Театрга борар эдим — 18,3.
5. Танцага борар эдим — 16,0.
6. Истироҳат боғига бориб дам олардим — 31,0.
7. Ресторан ва кафеларда вақт ўтказардим — 36,2.

8. Одатда ҳеч қаерга бормас эдим — 30,0¹.

Шундай қилиб, анкета тарқатилганларнинг 22,7 фоизигина спорт билан шуғулланганлари ва бадий ҳаваскорлик тўғарагига қатнашганликлари ҳақида жавоб берган; 52,2 фоизи эса бўш вақтини ресторан, кафе, танца майдончаларида ўтказганлар. Нисбатан анчагина қисми — 26,7 фоизи кинога бориб турган. Лекин улар кўрадиган фильмларнинг кўпчилиги детектив ва ўткир сюжетли фильмлар бўлган.

Сўраб кўрилган маҳкумларнинг 63 фоизи газета ва журналларни ўқиб туришларини, 23,1 фоизи аҳён-аҳёнда ўқиб туришларини, 13,9 фоизи эса умуман ўқимасликларини айтганлар. Бу маълумотлардан кўри-ниб турибдики, маҳкумларнинг 37 фоизи ҳукм қилин-гунича газета ва журналларни мутлақо ўқимас эканлар. Классик адабиётни ва ҳозирги адабиётнинг энг йирик намояндаларини ҳам сўраб кўрилган шахслар билмас-ликларини айтганлар.

Маълумот ва маданий савия кишининг дунёқарашини шакллантиришнинг асосий омилидир.

Маданиятли ва маълумотли одам одатда ўз талаб-ларини мақсадга мувофиқ равишда белгилай олади, уларни қонуний воситалар билан қондиришга ҳаракат қилади. Унинг бузғунчиликка, зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни содир этишга мойиллиги бўлмайди.

Бундай ҳолатни анкета тарқатилган маҳкумларнинг жабрланувчига бўлган муносабатлари тўғрисида берган жавоблари ҳам тасдиқлайди. Уларнинг 52 фоизигина жабрланувчиларга ачинишни ҳис қилганликларини, 48 фоизи эса жабрланувчиларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлганларини айтганлар.

Ўрганилаётган маҳкумларнинг меҳнат стажи ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатни тортади. Бундай шахсларнинг умумий меҳнат стажи қуйидагича: 1 йилгача меҳнат стажига эга бўлганлари — 23,5 фоизни, 1 йилдан 3 йилгача — 36,6 фоизни, 3 йилдан 10 йилгача — 33,8 фоизни, 10 йилдан 20 йилгача иш стажига эга бўлганлар — 12,7 фоизни, 20 йилдан ошиқ меҳнат стажига эга бўлганлар эса — 3,4 фоизни ташкил қилган. Уларнинг

¹ Анкетадаги саволларнинг бир нечасига битта маҳкум бирданига жавоб берганлиги туфайли жавобларнинг фоизи 100 дан ошиб кетган.

охирги иш жойида қанча меҳнат қилганлиги юзасидан қуйидаги маълумотлар аниқланди: 1 йилгача — 47,9 фоизи, 1 йилдан 3 йилгача — 35,5 фоизи, 3 йилдан 10 йилгача — 15,5 фоизи, 10 йилдан 20 йилгача — 1,1 фоизи, 20 йилдан ортиқ битта корхонада ишлаган битта ҳам маҳкум йўқ экан. Бу шахсларнинг кўпчилиги яхши малака талаб қилинмайдиган соҳаларда ишлаганлар.

Тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, бундай шахслар иш жойларини тез-тез ўзгартириб турганлар. Агарда умумий меҳнат стажи 3 йилдан кўп бўлган маҳкумларнинг миқдори 49,9 фоизни ташкил қилган бўлса, охирги иш жойида 3 йилдан ортиқ меҳнат қилган маҳкумларнинг миқдори 16,6 фоизни ташкил қилган холос. Аксарият маҳкумларнинг сўнгги иш жойидаги меҳнат стажи 3 йилдан камни ташкил қилган (83,4 фоизи). Шу боисдан бу шахсларга меҳнат жамоалари ҳеч қандай тарбиявий таъсир ўтказа олмаган.

Яна шу нарса маълумки, ўрганилаётган маҳкумларнинг фақат 16 фоизи армия сафида хизмат қилганлар холос. Шуларнинг 18,4 фоизи қуруқликдаги қўшинларда, 2,3 фоизи авиацияда, 2,3 фоизи десант қисмларида, 77 фоизи ҳарбий қурилиш қисмларида хизмат қилган. Шуниси эътиборга лойиқки, маҳкумлар ичида бирорта ҳам офицер йўқ экан. Қайси қисмларда хизмат қилиш яхши ташкил қилинган бўлса, ўшандай жойларда хизмат қилиб келган кишиларнинг жиноят содир этишга мойиллиги камроқ бўлиб, улар жамиятга хилоф ҳаракатларга фаол қарши тура оладилар.

Ўрганиб чиқилган шахслар ижтимоий пассивлиги билан ажралиб туради. Уларнинг аксарияти ёшлар ташкилоти сафида бўлмаган. Ҳатто бундай ташкилот сафида бўлганлари ҳам ижтимоий тадбирларда фаол қатнашмаганлар.

Ғаразли мақсадларда жиноят содир қилган шахсларнинг аксарияти жиноят содир қилиш пайтида ҳеч қаерда ишламаганлар. Агарда уларнинг умумий сонини 100 фоиз деб олсак, жиноят содир қилишдан олдин 1 йил мобайнида ишламай юрганларининг миқдори — 85,2 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача ишламаганлари — 8,2 фоиз, 3 йилдан 10 йилгача ишламаганлар — 3,3 фоиз, 10 йилдан 20 йилгача эса — 3,3 фоизи ишламаган. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, жиноят содир қилганларнинг кўпчилиги меҳнат интизомини бузганлиги учун ишдан бўшатишган шахслардир.

Шахсда жамиятга хилоф қарашлар ва хулқнинг турғунлиги уларнинг жамиятга хилоф ҳаракатлар содир қилишига ва бу ҳаракатларнинг мазмунига ҳам объектив равишда таъсир кўрсатади.

Шахснинг жамиятга хилоф ҳаракатларни бир неча марта содир қилиши айни унинг онгида жиддий ижтимоий-руҳий ўзгаришлар юз берганлигидан далолат беради.

Биз ўрганиб чиққан маҳкумларнинг 35 фоизи олдин ҳам бирор жинояти учун жазони ўтаб чиққан шахслардан иборат. Бу бошқа жиноятлар учун жазони ўтаб чиққанларга нисбатан анча кўпдир. Шахс ҳеч қачон бирданига оғир жиноятни содир қилишга журъат қила олмайди. У аввал ҳуқуқбузарликлар қилади, кейинроқ йирикроқ жиноят содир қилади. Бу йўлга кириб қолганидан кейин оғир жиноятларга ҳам қўл ураверади. Биз ўрганган шахсларнинг такроран жинояти учун жазони ўтаётган қисми ҳам даставвал унча оғир бўлмаган жиноятлар (масалан ўғрилик, талончилик ва ҳоказоларни) содир қилган шахслардан иборат.

Анкета саволларига жавоб берган рецидивистларнинг 14,9 фоизи олдин босқинчилик учун, 23,7 фоизи ўғрилик учун, 19,6 фоизи талончилик учун, 20 фоизи безорилик учун, 7,4 фоизи эса шахсга қарши зўрлик ишлатиш жиноятлари учун, 4,4 фоизи бошқа ғаразли мақсад билан содир қилган жинояти учун, 10 фоизи ғаразли ниятда бўлмаган ҳолда содир этган жинояти учун судланиб, жазони ўтаб чиққан шахслар экан. Ана шу рақамларни умумлаштирганимизда уларнинг 62,6 фоизи такроран ғаразли мақсад билан жиноят содир қилганлар, 37,4 фоизи зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилганлардир. Вояга етмаган даврида жиноят содир қилганлар уларнинг 35,1 фоизини ташкил қилади. Агарда уларнинг ҳаммасини 100 фоиз деб олинса, вояга етмаган даврда уларнинг 19,2 фоизи жиноятга қўл урган, шундан, ўғрилик — 25 фоизи, талончилик — 19,2 фоизи, безорилик — 9,6 фоизи, шахсга қарши зўрлик ишлатиш — 12 фоизи, бошқа жиноятларни 15 фоизи содир қилганлар. Рецидив жиноятчиликнинг энг кўп қисмини олдин ўғирлик, талончилик, безорилик жинояти учун ҳукм қилинганлар ташкил қилмоқда.

Рецидив жиноят содир қилганлар таҳлил қилинганда уларнинг олдинги жинояти учун қўйидаги муддатлардаги озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган: 1 йилгача — 11 фоиз, 1 йилдан 3 йилгача — 38 фоиз, 3 йилдан 5 йилгача — 11,5 фоиз, 5 йилдан 8 йилгача — 18 фоиз, 8 йилдан кўп — 21,5 фоизни ташкил қилган. Кўриниб турибдики, уларнинг 49 фоизига биринчи марта озодликдан маҳрум қилишнинг қисқа муддатлари тайинланган. Яъни содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги етарли даражада эътиборга олинмасдан жазо тайинланган, оқибатда улар томонидан яна янги, энди оғирроқ жиноятлар содир этилган. Қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилишнинг салбий томони шундаки, бундай муддат ичида маҳкумга нисбатан қайта тарбиялаш воситаларини тўла равишда қўллаб бўлмайди, лекин айни пайтда, у қисқа муддат ичида ҳам жинойий муҳитда кўп нарсани ўрганиши мумкин.

Гаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахсларни ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг дастлабки жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турлари деярли қўлланмаган (масалан, озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, маҳкумни меҳнатга жалб қилиш ва ҳоказо).

Рецидивистларнинг кўпчилик қисми янги жиноятни содир қилган вақтда ҳали олдинги жинояти учун судланганлик муҳлати тамом бўлмаган ҳисобланган.

Судланганлик муҳлати ўтиб бўлмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир қилганларнинг деярли кўпчилиги зўрлик ишлатиб талончилик қилиш ва босқинчилик жиноятларини содир қилишади. Бу жиноятларни одатда анча хавфли жиноятчилар, олдин ҳам оғир жиноятларни содир этганлар қилади.

Бундай шахсларни жазони ўташдан озод қилиш асослари ҳам диққатни ўзига тортади. Уларни ўрганишдан маълум бўлишича, судланганлик муҳлати ўтиб бўлмасдан янги жиноят содир қилган шахсларнинг деярли асосий қисми суд томонидан тайинланган жазо муддатини тўла ўтаб чиққанлар. Жуда озчилик қисмигагина муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилиш қўлланилган ёки улар умумий афв (амнистия) ёхуд афв этиш йўли билан озод қилинган. Шуни

айтиш керакки, маҳкумларни жазодан озод қилиш ниҳоятда муҳим ва масъулиятли чора бўлиб, бунда ҳар бир озод этиладиган шахснинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ёндашиб, уларда оддий ҳаёт тарзига кўникма ҳосил қиладиган ижтимоий шароитларни яратган ҳолда, ҳамда янги жиноят содир қилишининг олдини олиб, озод қилиш чораларини қўллаш керак¹.

Анчагина рецидив жиноятлар шахс жазодан озод қилинганининг биринчи йили давомида содир қилинмоқда. Жумладан, 1987 йили Ўзбекистон Республикаси ЖҚнинг 115, 116, 127, 128-моддалари билан ҳукм қилинган рецидивистлар 22,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 127-модда бўйича 27,7 фоизни ташкил қилди. 1988 йили — 23,8 фоиз ва 50 фоизни, 1987 йили — 16,7 фоиз ва 42,7 фоизни, 1990 йили — 40,3 ва 39,8 фоизни, 1991 йили — 47 фоиз ва 33,1 фоизни, 1992 йили — 30,0 фоиз ва 39,9 фоизни ташкил қилган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, жазодан озод бўлиб келган шахсларга нисбатан ҳар доим ҳам уларнинг ишга жойлашиши борасида ёрдам берилмаган ва ижтимоий назорат қилиш чоралари етарли даражада олиб борилмаган.

Жиноятчининг шахсини маълум даражада унинг ўзига нисбатан суд чиқарган ҳукмга бўлган муносабати билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ўрганилаётган маҳкумларнинг 82 фоизи ҳукм қаттиқ деб ҳисоблайди, 10 фоизи ҳукм ҳаққоний эмас деб, 2 фоизи эса ҳукм енгил деб ҳисоблайди. Аммо анкетадаги бошқа мураккаб бўлган "Ўзингизни айбдор деб ҳисоблайсизми?" — деган саволга 47 фоизи "Ҳа", деб жавоб берган, 41 фоизи қисман айбдор эканлигини, 12 фоизи эса умуман айби йўқлигини билдирганлар.

Юқорида келтирилган маълумотлар ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган маҳкумларнинг ижтимоий-руҳий тавсифи тўғрисида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Булар шундай жиноятларнинг ёки бошқа жиноятларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда муҳим омил бўлиши шубҳасиздир.

¹ Қаранг; Мирзажонов К. Вопросы советского уголовного права (досрочное освобождение от наказания). Тошкент, "Ўқитувчи", 1980 й.

3-§. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг шароит ва сабаблари

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиш йўли билан содир этиладиган жиноятлар жиноятчининг шахси билан бевосита боғлиқдир.

Кўпчилик ҳолларда шахсдаги жамиятга хилоф қарашларнинг йўналиши жиноятларнинг бевосита сабаби бўлиб қолмоқда.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахслар хулқининг ижтимоий-руҳий асослари бир қатор жамиятга хилоф бўлган комплекс қарашлар ва одатлардан иборат. Булар: очкўзлик, тамагирлик, шахсий мулк орттиришга интилиш, худбинлик, бошқалар устидан зўрлик ишлатишга мойиллик, қаҳри қаттиқлик кабилардир. В. А. Владимиров ёзганидек "Буларнинг барчасини бирлаштириб ягона бир тушунча билан хусусий мулкчилик психологияси, текинхўрлик билан шахсий бойлик орттиришга интилиш" — деб ифодалаш мумкин¹.

Шахсда бундай психологиянинг шаклланишига давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятларидаги камчиликлар ва аҳоли айрим қисмининг маълум даражадаги бепарқлик кайфияти сабаб бўлмоқда. Булар, жумладан, ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишлардаги камчиликлар, аҳолининг бўш вақтини ва дам олишини ташкил қилишдаги камчиликлар, аҳолининг кундалик эҳтиёж буюмларига ва товарларга бўлган талабини қондиришдаги жиддий камчиликлар, ижтимоий мулк ва фуқароларнинг шахсий мулкларини қўриқлашдаги жиддий камчиликлар. Содир этилаётган жиноятларни фож этишдаги камчиликларни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин.

Буларнинг барчаси шахсида жамиятга хилоф антисоциал мотивдаги хулқ шаклланиб қолган кишиларда у ёки бу жиноятни содир этиш учун журъат туғдириши мумкин.

¹ *Владимиров В. А.* Квалификация хищений личного имущества М., 1974, с. 162.

Инсон яшашининг муҳим шартларидан бири, уларнинг моддий ҳаёт шароити, озиқ-овқат, кийим-кечак, яшаш жойи ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжининг қай даражада қондирилганлигидир.

Ана шундан, жамиятда ғаразли мақсад билан содир қилинадиган жиноятларнинг сабабларидан бири — шахсларнинг моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги эмасмикин, деган савол туғилади. Бизнингча, бундай ҳолат шундай жиноятларнинг содир этилишига маълум даражада таъсир кўрсатади.

1990 йили ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахсларни ўрганишдан маълум бўлишича, уларнинг оиласидаги даромад ҳар бир оила аъзосига ўртача энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан ошмайдиганларнинг миқдори 60 % ни ташкил қилган. Шунга қарамасдан "Жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкни қандай мақсадларда сарфламоқдасиз?" — деган саволга қуйидагича жавоб олинди. Турли нарсаларни сотиб олишга — 20,4 %, дўстлар ва ўртоқларни меҳмон қилишга — 13,6 %, яқин кишиларга совғалар сотиб олиш — 15,4 %, жазманларига сарф қилганлар — 11,7 %, спиртли ичимликлар сотиб олишга — 11,4%, наркотик воситаларни сотиб олишга — 1,8 %, қимор ўйинларига — 2,7 %. Ана шу жавоблардан олинган маълумотларнинг қизиқтирадиган томони шундаки, сўраб кўрилганлардан бирортаси, жиноий йўл билан қўлга киритилган мулкни озиқ-овқат сотиб олишга, оилани таъминлашга, қийналиб қолган яқин кишиларига ёрдам бериш каби мақсадлар учун сарф қилинганлиги ҳақида ёзмаганлар.

Маҳкумларнинг уй-жой ва маиший таъминотини тадқиқ қилишдан яна қуйидагилар маълум бўлди: Ўрганиб кўрилган маҳкумларнинг 47,4 фоизи жиноят содир қилгунча яхши жиҳозланган, барча қулайликларга эга бўлган уйларда яшаганлар, уларнинг 36,9 фоизи ўз уйларига эга бўлган, 6,8 фоизи — умумий яшаш уйларида (ётоқхоналарда), 2,6 фоизи ижарада яшаганлар ва фақат 6,3 фоизигина прописка ва доимий яшаш жойига эга бўлмаган. Мазкур маълумотлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, маҳкумларнинг ғаразли мақсадлардаги жиноятни содир қилишида жиноят содир қилиш вақтидаги моддий ва маиший таъминот шароити деярли ҳеч қандай таъсир кўрсатмаган.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида, ҳозирча жамият аъзоларининг барчаси эҳтиёжини қондира оладиган даражада таъминлашнинг иложи бўлмаяпти. Ана шундай ҳолат айрим кам иш ҳақи оладиган кишиларда яхши иш ҳақи оладиганларга, уларнинг имкониятларига, бошқаларда бўлмаган моддий, маиший, маданий имкониятларига ҳасад қилиш кайфиятини ҳам туғдириши мумкин. Оқибатда айрим кишилар ўзларининг моддий, маиший, маданий эҳтиёжларини қондиришнинг қонуний йўлларида фойдаланиб (ўз маълумотини, малакасини ошириш ва ҳоказо) ҳалоллик билан қондириш ўрнига, ўз мустақил ҳаёт йўлининг бошланишидаёқ бу талабларни ноқонуний усуллар билан қондириш йўлига ўтиб оладилар. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ёшларнинг алоҳида бир қисмида модалар кетидан қувиш, чет эл нарсалари, кийимлари ва ҳоказоларга берилиш руҳияти пайдо бўлдики, улар ана шундай нарсаларга эга бўлиш йўлида жиноят содир қилишгача бормоқдалар. Биз ўрганиб кўрган шахслар орасида шундайлари ҳам борлиги аниқландики, булар ўз олдиларига жинсий йўл билан бўлса ҳам Калифорния джинсисини, француз, япон, швейцария соатларини, ҳатто "Филипп-Морис" сигареталарини топишни мақсад қилиб қўйганлар. Демак, алоҳида жиноятларни содир қилишга, шахснинг ахлоқий-руҳий бузилишига тарбиявий ишлардаги жиддий камчиликлар ҳам бевосита сабаб бўлмоқда.

Айрим жиноятларнинг содир этилишида шахснинг ахлоқий шаклланишидаги маълум салбий шарт-шароитлар ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Инсон ўзининг дастлабки ҳаётий тажрибасини оилада олади. Инсондаги ижобий ва салбий хислатлар, энг аввало оилада шаклланади. Шунинг учун тўқис ва баркамол бўлмаган оилалар ёки ажралишиб кетган оилалар криминоген аҳамиятга эга бўлиб қолиши шубҳасиздир. Собиқ СССР болалар уйларида 1993 йилда 1,5 млн етим болалар тарбия олганлиги маълум¹.

Тадқиқ қилиб кўрилган маҳкумларнинг 70%и жиноят содир қилиш пайтида оилада бўлган бўлса, 30% ининг ё отаси ёки онаси бўлмаган, 25%и — ота-оналари ўлиб

¹ Қаранг: Аргументы и факты, 1993, № 5.

кетган 20%и — ота-оналари ажралишиб кетган, 55%и — фақат оналарининг ўзи якка яшаганда туғилган. Табиийки оилада ота ёки онадан бири бўлмаса, айниқса отанинг бўлмаслиги шароитида, ўсмирни ахлоқий жиҳатдан шакллантириш жуда қийин бўлади.

Оилавий тарбия жараёнида ота-онанинг хулқи катта аҳамиятга эга. Биз тадқиқ қилиб кўрган вояга етгунча ўз ота-онаси билан бирга яшаган маҳкумлар берган маълумотларга кўра: уларнинг 79 фоизининг ота-оналари аҳил яшаганлар, 15,6 фоизининг ота-оналари доимий жанжаллашиб турган, 15,4 фоизининг ота-оналари вақти-вақти билан ажралишиб турганлар, гоҳ оталари, гоҳ оналари оилани ташлаб кетганлар.

Шундай қилиб, анкета сўровларига жавоб берган маҳкумларнинг 30 фоизининг жиноят содир қилиш пайтида ё онаси ёки отаси бўлмаган, 31 фоизининг ота-оналари ўртасида низоли вазиятлар тез-тез бўлиб турган. Маҳкумларнинг берган жавобларига кўра бирга яшайдиган ота-оналарнинг кўпчилиги хулқида ахлоққа хилоф ҳаракатлар, жумладан биргаликда ичкиликбозлик қилиш, меҳнатсиз даромад олишга ҳаракат қилиш ва ҳоказолар бўлиб турган. Тадқиқ қилинган маҳкумлар ота-оналарининг 14 фоизи талон-торож қилинган нарсаларни уйларига олиб келиб турганлар. Ахлоқи ва хулқи ҳали етарли даражада шаклланмаган ўсмирлар ота-онанинг ижобий хислатларини ҳам, салбий иллатларини ҳам жуда тез ўзлаштириб оладилар. Айниқса ота-онанинг салбий таъсири ўсмир тарбиясига ҳалокатли таъсир қилиши мумкин. Айрим ҳолларда эса эр-хотин ўзларининг низолига фарзандларини ҳам жалб қиладилар. Айниқса ана шундай шароитда тарбияланган болаларда ижтимоий салбий хусусиятлар кучли ривожланади, айрим ҳолларда эса бу унинг туғридан-туғри жиноят йўлига кириб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бунга Н. исмли маҳкум билан қилинган суҳбат натижасида аниқланган жиноят мисол бўла олади. Н. қандай қилиб жиноятчи бўлиб қолганлигини батафсил айтиб берди. Унинг айтишича отаси унинг онасини ташлаб кетганида Н. икки ёшда бўлган. Онаси бундай ажралишдан руҳан қаттиқ эзилган. "Мен онамнинг охириги кунларини ҳеч эсдан чиқара олмайман,— дейди Н.,— у оғир касал бўлиб ётар, овқат ейишни хоҳламас ва менинг кўп-кўп овқат ейишимни ва тезроқ катта

бўлишимни истар эди. "Е, ўғлим, кўп-кўп е. Катта ва бақувват бўлиб ўсасан. Ҳамма бу Сониянинг ўғли дейдиган бўлади. Овқатни е, ўғилгинам, менинг сендан охирги истагим шуки — катта бўлганинда ярамас отангни ўлдир!" — дерди. Ниҳоят бола катта бўлиб, кунларнинг бирида шаҳарда фавқулодда отасини учратади, уни ўлдириб, нарсаларини талайди. Мазкур жиноий ҳодисада ота-она ўртасидаги зиддият бола тарбиясига тўғридан-тўғри таъсир қилиб, жиноятнинг бош сабабчиси бўлиб қолади¹.

Юнон файласуфи Демокрит (эрамиздан олдинги IV аср) кимки, асосли далиллар орқали ақл-идрок ва ишонч билан тарбияласа, у мажбурлаш ва қонунни қўллаб тарбиялаганга нисбатан кўпроқ муваффақиятга эришиши мумкинлиги тўғрисида ёзган эди. Деярли минг йилдан кейин шарқнинг буюк файласуфи, гуманист Ал Форобий (эрамизнинг IX-X асри) ушбу фикрга қўшимча қилиб инсонларга нисбатан шахсий жавобгарлик ва адолатли муносабатда бўлишни ҳам таъкидлаган эди².

Шахснинг шаклланишида ҳар бир оиланинг жамиятга хилоф ҳодисаларга, ижтимоий ҳаётга зид хулққа қандай муносабатда бўлиши ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бизнинг тадқиқотларга кўра 22 фоиз оилаларда ота-оналар болаларини жиноий турмуш тарзидан халос қилиб олишга ҳаракат қилганлар, 11 фозининг ота-оналари уларнинг жиноий фаолиятини билган, лекин уни бу йўлдан қайтариш учун ҳаракат қилмаганлар. Қолган 67 фоиз сўраб кўрилганлар уларнинг турмуш тарзига оилаларида қандай муносабатда бўлганликлари тўғрисидаги саволга жавоб бермаганлар. Ана шулардан кўриниб турибдики, бу маҳкумларга кўпчилик ҳолларда оила ижобий таъсир ўтказа олмаган.

Ҳаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилишнинг сабабларидан бири — мактаб тарбиясидаги камчиликлардир. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра,

¹ Айрим тадқиқотларга кўра талончилик ва босқинчилик жиноятларида жабрланувчи билан жиноятчи таниш бўлган (25—30 фоиз). Қаранг: Курс советской криминологии. М., "Юридическая литература", 1986. 179-бет.

² Қаранг: Аль-Фараби. Социально-этические трактаты. Олмаота, 1973 й., 266-бет.

ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилиш билан шахс маданияти ва билими ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу жиноятларни содир қилган шахсларнинг аксариятининг маълумоти ва маданий савияси ўта паст бўлган. Бундай шахсларнинг кўпчилиги ўқишни мактабдалигидаёқ ташлаб юборганлар. Шунингдек, улар орасида бир синфда икки йил ўқиганларнинг миқдори анчагинани ташкил қилади.

Мактаб тарбиясидаги камчиликлар, кўп ҳолларда ҳар бир ўқувчига алоқида ёндашилмаслиги, мактаб билан ота-оналар алоқасининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, мактабни ташлаб кетган ўсмирлар тақдири билан қизиқмаслик, уларни техника юртларига жойлаштирмаслик оқибатида ўсмирлар онгида аста-секин жамиятга зид қарашларнинг шаклланишига, ижтимоий салбий иллатларнинг илдиз отишига сабаб бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш жамоасининг шахс шаклланишдаги аҳамияти ҳам беқиёсдир. Оила ва мактаб тарбиясидаги камчиликлар туфайли шаклланиб қолган айрим салбий хусусиятлар яхши меҳнат жамоасининг таъсирида яхши томонга ўзгариши мумкин. Аммо шундай меҳнат жамоалари ҳам борки, у ерда шахснинг шаклланишига салбий таъсир қиладиган омиллар чуқур илдиз отиб кетган бўлади. Масалан, айрим ишхоналарда "биринчи маошни ювиш", каби салбий одатлар удум тусига кириб қолган. Шунингдек, меҳнат жамоасида маданий дам олишнинг ёмон ташкил қилинганлиги, кишиларнинг бўш вақтини фойдали ишлар ва ҳордиқ чиқаришнинг яхши турлари билан банд қилинмаганлиги, айниқса корхона ва муассасаларнинг ётоқхоналарида бундай ишларнинг яхши ташкил қилинмаганлиги меҳнат жамоасининг тарбиявий аҳамиятини камайтириб юборади. Қаерда камчиликлар кўпроқ тарқалган бўлса, ўша ерда ёшлар бўш вақтларини нималар билан банд қилишни билмайдилар, бўш вақтини ҳеч қандай мақсадсиз ўтказадилар, айрим ҳолларда эса жамиятга хилоф жинойи шахсларнинг таъсирига тушиб қолишлари ҳам мумкин.

Биз ўрганиб чиққан маҳкумларнинг кўпчилиги ҳукм қилингунча иш билан банд бўлиб, уларнинг 65,2 фоизи — спиртли ичимликларни истеъмол қилган, 5,1 фоизи — қимор ўйинлари ўйнаган, 14,4 фоизи — безорилик ҳаракатлари қилиб юрганлар. Улар кўпчилигининг ана шундай ҳаракатлар қилиб юрганлиги ота-онасига ва мак-

табига ҳам маълум бўлган. Тадқиқ қилинганларнинг 44 фоизи шундай ишлар билан шуғулланиб юрганлигини иш жойи ва меҳнат жамоасида билганлар ташкил қилади. Аммо бунга жамоа аъзолари бефарқлик билан қараганлар. 30,8 фоизи бу ҳақда меҳнат жамоасида билмаганликларини ва шу туфайли судга ижобий тавсифнома тақдим қилганликларини таъкидлайди. 18,2 фоизига нисбатангина турли таъсир чоралари қўлланган, ҳатто 7 фоизи уларнинг бу қилмишини меҳнат жамоасида маъқулланганлигини билдирдилар. Лекин шуни таъкидлаш керакки, тарбиявий ва профилактика ишларига яхши аҳамият берилган, меҳнаткашларнинг дам олиши ва бўш вақти яхши ташкил қилинган жамоаларда, ишчиларнинг билим олиши ва маданий савиясини оширишга катта аҳамият берилганлиги туфайли зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар деярли учрамайди.

Текширишлардан маълум бўлдики, талончилик, босқинчилик қилиш, товламачилик ва гаразли мақсад билан одам ўлдириш жиноятларини содир қилишга кўпинча ичкиликбозлик сабаб бўлган. Анкета тарқатилган маҳкумларнинг 68 фоизи жиноят содир қилиш пайтида маст ҳолда бўлган. Бундай шахслар спиртли ичимликларни ёшлиқдан ича бошлаганлар. Ушбу жадвалда тадқиқ қилинган маҳкумларнинг спиртли ичимликларни неча ёшдан ича бошлаганликлари фоиз ҳисобида кўрсатилган.

Спиртли ичимликни ича бошлаган ёши	Маҳкумлар фоиз ҳисобида
14 ёшгача	8,3
14 ёшдан 16 ёшгача	13,5
16 ёшдан 18 ёшгача	40,0
18 ёшдан 25 ёшгача	37,0
25 ёшдан юқори	1,2

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 61,8 фоиз маҳкумлар 18 ёшга етмасданоқ спиртли ичимликларни ича бошлаганлар. Буларнинг 61,5 фоизи асосан вино, 36 фоизи — ароқ, 2,5 фоизи қўлбола тайёрланган ўткир спиртли ичимлик (самогон) истеъмол қилганлар.

Алкоголли ичимликларни истеъмол қилиш билан жиноят содир қилиш орасида ҳар доим ҳам узвий алоқа мавжуд. Алкоголизм ва жиноятчилик бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган иллатлардир. Шуни таъкидлаш керакки, гуруҳ бўлиб зўрлик ишлатиш орқали содир қилинадиган

жиноятларга кўпинча маст ҳолда бўлган шахслар жалб қилинган¹. Одатда катта ёшдаги жиноятчилар вояга етмаганларни жиноят содир этишга жалб қилган вақтда уларнинг розилигини олиш учун спиртли ичимликни ичиради. Спиртли ичимликлар таъсирида бу шахслар ҳар қандай жиноятларни содир этишга осонгина кўнаверадилар. Маст ҳолда содир қилинадиган жиноятлар кўпинча жабрланувчига нисбатан ўта раҳмсизлиги билан, оғир оқибатлари билан алоҳида фарқ қилади.

Маълумки, инсон шахсининг шаклланишида уни ўраб турган маиший муҳитнинг, микромуҳитнинг таъсири жуда каттадир. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахслар ҳар бирининг тақдири ана шундай муҳитдаги салбий таъсир билан бевосита боғлиқ бўлган. Булар кўпинча бузилган оилалар, ахлоққа хилоф турмуш тарзида яшайдиган оилалар, ҳеч қаерда ўқимай ёки ишламай юрган дўстлар ва маслакдошлар ёхуд жиноят содир қилиб жазони ўтаб келган танишлар бўлиши мумкин. Текширишларимиздан маълум бўлишича, бизнинг анкета саволларига жавоб берган маҳкумларнинг 38 фоизи босқинчилик жиноятини ана шундай шахслар таъсирида содир қилганлар.

Бу борада Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани халқ судида бир гуруҳ шахсларни айбланиш юзасидан кўрилган жиноят иши характерлидир. Жиноят ишидаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, 17 ўсмир кечки бўш вақтларини ҳеч қандай мақсадсиз ўтказар эдилар. Уларнинг дам олиши ва бўш вақтларини ташкил қилиш билан ҳеч ким шуғулланмаган бўлиб, кунларнинг бирида улар 22 ёшли Х. билан танишиб қолдилар. Х. озодликдан маҳрум бўлиш жойларидан келганидан бери ҳеч қаерда ишламас ва доимий яшаш жойига эга эмас эди. Унинг жиноятчилар дунёси ҳақидаги гаплари, жиноятчиларнинг романтик ҳаёти ҳақидаги ҳикоя қилиб беришлари болаларни ҳайратга солар эди. Унинг бу гаплари ва спиртли ичимликлар ичириши ўсмирларга қаттиқ таъсир қилади. Улар жиний гуруҳга бирлашиб жиноят содир этадилар. Тадқиқотчи олим Б. А. Блиндер бундай гуруҳларнинг шаклланиши хусусида шундай деб ёзган. "Яшаш жойи ва иш

¹ Қаранг: *Минская В. С., Чечель Г. И.* Виктимологические факторы и механизм преступного поведения. Иркутск. 1988. *Франк Л. В.* Потерпевшие от преступления и проблемы советской Виктимологии, Душанбе, 1977 г.

жойи бўйича ёки шахсий алоқалар туфайли ташкил топадиган турли уюшмалар, компанияларнинг шаклланиши қандайдир даражада бу уюшма аъзоларининг хулқини ҳам белгилайди. Кўпинча бундай уюшмаларнинг мақсад ва манфаатлари жамиятга хилоф бўлади. Бу уюшма аъзолари, уюшма томонидан қабул қилинган хулқий ва ахлоқий қоидаларни ўзига мужассамлаштиради. Бундан ташқари шахснинг ижтимоий қимматини ана шу гуруҳ қабул қилган нуқтаи назардан баҳолайдилар. Шундан бўлса керак, ўсмирлар ва ёшлар томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг кўпчилигини улар бирлашиб содир қиладилар. Кўпинча бу уюшган ўсмирларга тажрибали жиноятчилар бош бўлади"¹.

Анкетадаги "Сизнинг ўртоқларингиз ва дўстларингиз доираси қандай?" деган саволга 71 фоиз маҳкумлар улар ҳалол, олдин судланмаган, яхши ахлоқий ҳаёт кечирадиган шахслар эди, деб жавоб берганлар. 29 фоизи дўстларимиз жамиятга хилоф турмуш тарзига эга бўлган, олдин судланган шахслар эди, — деб жавоб берганлар. Лекин бу ерда анкета саволларига жавоб берган шахсларнинг ўз дўстлари ва танишлари ҳақидаги фикрлари субъектив эканлигини эсдан чиқармаслик керак². Жиноят содир қилиш йўллари ва усулларини қаердан ўргандингиз? — деган саволга 19,6 фоиз жиноятчи уларни содир қилишни ўз оиласида, асосан отасидан ўрганганликларини айтганлар, 35 фоизи — чет эл кинофильмлари ва видеофильмларидан, 69,7 фоизи эса олдин жиноят содир қилганлардан, шундан 27,3 фоизи олдин талончилик ва босқинчилик жиноятини содир қилганлардан ўрганганман, — деб жавоб берганлар. Айрим маҳкумлар жиноят содир қилишни бадиий адабиётдан ва бошқа нашр воситаларидан ўрганганликларини айтганлар. "Жиноятчилар дунёси ҳақидаги адабиётга суянган эдим" — деб ёзган эди маҳкумлардан бири. Шунга ўхшаш жавоблардан тадқиқот материаллари орасида яна бир нечтаси бор эди.

Ғаразли мақсад билан зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларга олиб келадиган шароитлар шундай

¹ Блиндер В. А. Почему совершается преступления? Ташкент, 1976, с. 19.

² Бу борада қаранг: Быков В. М. Преступная группа. Криминалистические проблемы. Ташкент, "Ўзбекистон", 1991.

жиноятларнинг барчаси учун бир хил бўлмайди. Таниқли олим С. С. Степичев босқинчилик жиноятига сабаб бўлувчи шароитларни уч гуруҳга бўлади:

1. Ижтимоий мулкни эгаллаш мақсадида босқинчилик ҳужумининг шароитлари.

2. Фуқароларнинг шахсий мулкни эгаллаш мақсадида босқинчилик қилишнинг шароитлари.

3. Мулкнинг кимга тегишли эканлигидан қатъи назар, босқинчилик қилишнинг шароитлари¹.

Биринчи гуруҳдаги шароитларга — моддий қимматдорликларни қўриқлашнинг яхши ташкил қилинмаганлиги боис бўлади. Бинобарин, айрим қишлоқларда, ҳатто шаҳар жойларида қоровул бўлиб ишлашни хоҳловчиларни топиш қийин, топилганда ҳам улар одатда ё пенсионер, ёки ногирон кишилар бўлишади. Шундай бўлса-да, уларга жуда катта миқдордаги моддий қимматликларни қўриқлаш топширилади. Кўп ҳолларда улар ҳатто милтиқ билан муомала қилишни ҳам билмайдилар. Айрим ҳолларда товарлар сақланадиган омборхоналар умуман талабга жавоб бермайди, улар енгил-елпи ёки эски қурилиш материалларидан қурилган, товар сақлаш учун умуман ярамайдиган жойлардан иборат бўлади. Буларга қўшимча қилиб банк муассасаларини қўриқлаш, савдо ва бошқа муассасаларнинг кассаларини қўриқлашдаги камчиликларни ҳам киритиш мумкин. Кўп ҳолларда савдо ва бошқа муассасаларнинг кассалари махсус мослаштирилмаган хоналарга жойлаштирилган, кўп ҳолларда инкассаторлар катта ёшдаги кишилардан иборат. Мазкур шароитлар мулкни талон-торож қилишни шубҳасиз осонлаштиради.

Шундан бўлса керак, анкетада ёзилган "Жиноятни содир қилишингизга нималар ёрдам берди?" — деган саволга, маҳкумларнинг 20 фоизи ижтимоий мулкни қўриқлашнинг ёмонлиги деб жавоб берган.

Ижтимоий мулкни талон-торож қилишда баъзан ҳатто давлат ёки жамоат ташкилотлари автотранспортдан фойдаланилган. Кўп ҳолларда автотранспорт воситалари кечалари ҳайдовчиларнинг уйи олдида қолдирилади. Жиноят ишларини ўрганишдан маълум бўлишича, талон-торож қилинган мулкни олиб чиқиб кетиш учун ана шундай

¹ Криминология, М., 1968. с. 434.

транспорт воситаларидан фойдаланилган. Бундай хўжасизлик кўпинча жиноятни узоқ жойларга бориб содир қилишга ҳам, тезда яширинишга, катта миқдордаги мулкни олиб чиқиб кетишга ҳам катта имкониятлар туғдиради. Иш вақтидан кейин бундай транспорт воситаларини гараж, автобаза, автокомбинатларда сақлаш маълум даражада улардан жинойи мақсадда фойдаланишнинг олдини олади.

Фуқароларнинг шахсий мулкни эгаллаш мақсадида босқинчилик қилиш учун қулай шароитларни кўпинча жабрланувчиларнинг ўзлари яратиб берадилар. Олиб борган тадқиқотларимиздан маълум бўлишича, маҳкумларнинг 39 фоизи шундай жиноят содир қилишига жабрланувчиларнинг ўзлари шароит яратганлиги ҳақида айтганлар. Жиноят ишларини объектив равишда ўрганиш маҳкумларнинг бу гапларини тасдиқлаб, кўп ҳолларда жабрланувчининг хулқи ва улар томонидан яратилган вазият жиноятни содир этишга шароит туғдирганлигини тасдиқлайди. Жумладан фуқароларнинг шахсий мулкни зўрлик ишлатиб талон-торож қилиш учун 20 фоиз у ёки бу даражада жабрланувчиларнинг ўзлари криминоген вазиятни вужудга келтирганлар (масалан, пули кўплиги ҳақида мақтаниш, нотаниш кишиларни ўз уйига олиб келиш, танимаган одамларга уй адресини бериш ва ҳоказолар). Бу борада айниқса маст ҳолатда бўлган жабрланувчилар диққатга сазовордир. Маст ҳолдаги кишилар криминоген вазиятни вужудга келтириб, ўзларига ҳужум қилинишини осонлаштирадилар. Ўрганилган жиноят ишларининг 31 фоизида жабрланувчига ҳужум қилиш вақтида у маст ҳолатда бўлган, маҳкумлардан савол орқали сўраб кўрилганда бу кўрсаткич 29 фоизни ташкил қилган. Жабрланувчиларнинг 3,4 фоизи наркотик восита истеъмол қилганлиги туфайли жиноят содир қилишни анча енгиллаштирган.

Жабрланувчиларнинг жиноят учун қулай вазият туғдириши устида гап кетар экан, уларнинг тажовузчига қаршилик кўрсатмаслиги ҳақида ҳам айтишга тўғри келади. Текширишларимиздан маълум бўлишича 67,8 фоиз жабрланувчи жиноятчига умуман қаршилик қилмаган ёки жуда пассив қаршилик қилган, уларнинг 32,2 фоизи эса маълум даражадагина қаршилик қилганлар, холос.

Танлаб тадқиқ қилиш орқали аниқланган маълумотларга кўра, кўп ҳолларда жабрланувчилар анча ёш кишилар бўлган. Буни қуйидаги рақамлар кўрсатиб турибди: 18 ёшгача бўлган жабрланувчилар — 31,0 фоизни, 18 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар — 27,4 фоизни, 25 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар — 13 фоизни, 30 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар — 10 фоизни, 35 ёшдан 45 ёшгача бўлганлар — 13 фоизни, 45 ёшдан ошганлар — 5,6 фоизни ташкил қилган.

Шундай қилиб, 25 ёшгача бўлган жабрланувчилар биз ўрганган барча жабрланувчиларнинг ярмидан кўпини, яъни 58,4 фоизини ташкил қилган. Бунга боис — шу ёшдагиларнинг кўпчилиги кечки вақтда уйдан ташқарида юриши, спиртли ичимликларни кўпроқ истеъмол қилиши ва ҳоказолардир. Бу ҳолат уларга ҳужум қилинишини осонлаштиради. Яна таъкидлаш жоизки, биз ўрганиб кўрган маҳкумларнинг 6,5 фоизи жабрланувчилар билан жиноят содир этилишидан олдин бирга ўтириб спиртли ичимлик ичганлар.

Жабрланувчиларнинг 89 фоизи — эркакларни, 11 фоизи — аёлларни ташкил қилган. "Нима сабабдан сиз эркакларга ҳужум қилдингиз, аёлларни талаш осон-ку?" — деган саволга улар қуйидагича жавоб бердилар: "Аёлларга ҳужум қилинса, улар дарҳол ёрдамга чақириб, қичқира бошлайдилар, кўпроқ милицияга мурожаат қиладилар, қолаверса, аёллар ўзлари билан пул олиб юрмайдилар". Лекин аёлларда хавфли вазиятнинг пастлиги яна қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқдир; биринчидан — эркаклар кримноген вазиятга кўпроқ тушиб қоладилар — айримлари уйга кеч кетади, айримлари кечаси ҳам кўчаларда, паркларда, бунинг устига маст ҳолда юришади. Ресторан, кафеларга кечки пайт эркаклар кўпроқ кирадилар, бундай шароитда фавқулодда танишувлар бўлиши мумкин. Иккинчидан — даромадли ишларда, яхши ҳақ оладиган мансабларда ёки моддий бойликни қўриқлаш ишларида кўпроқ эркаклар ишлайдилар (масалан: инкассатор, қоровул, кооператор ва ҳоказолар). Учинчидан — улар аёлларга нисбатан жиноятчиларга кўпроқ қаршилик кўрсатишлари туфайли, турли қурол ва зўрликларга гирифтор бўлиб, ҳаёти ва соғлиғи хавф остида қолади. Ниҳоят, тўртинчидан — аёллар шаҳвоний зўрликдан бошқа турдаги зўрликка эркакларга нисбатан камроқ учрайдилар.

Аҳолининг у ёки бу қатламига таъсир қиладиган виктим¹ факторларнинг кишилар маълумотига алоқадорлиги ўрганилганда қуйидаги ҳолат маълум бўлди: саводсизлар — 5,7 фоизни, 4-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар — 7,8 фоизни, 8-синф маълумотига эга бўлганлар — 28,55 фоизни, 10-синфгача бўлганлар — 25 фоизни, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар — 19 фоизни, тугалланмаган олий маълумотлилар — 4 фоизни, олий маълумотлилар — 10 фоизни ташкил қилган. Шундай қилиб, саводсиз ва саккизинчи синфгача маълумотга эга бўлган жабрланувчилар 42,1 фоизни ташкил қилган. Умуман, аҳолининг 10-синф ва ундан юқори маълумотга эга бўлган қисмига нисбатан, саводсиз ва 8-синфгача маълумотга эга бўлган қисми 31,2 фоиз, ўрта ва олий маълумотга эга бўлган қисми эса 69,8 фоиздан иборат. Жабрланувчиларнинг барчасини 100 фоиз деб олсак, булар 58 фоизни ташкил қилади.

Босқинчилик туфайли жабрланувчиларнинг ижтимоий қатлами тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвалдан билиш мумкин (фоиз ҳисобида).

Ижтимоий қатлами	Жабрланувчиларнинг миқдори фоиз ҳисобида
1. Кооператорлар	30
2. Саноат корхоналарининг ишчилари	13,4
3. Маиший хизмат ва коммунал- хўжалик ишчилари	14
4. Хизматчилар	19,2
5. Колхозчилар	4
6. Талабалар	9,4
7. Қишлоқ ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари	8
8. Ижодий меҳнат ходимлари	2

Талончилик, босқинчилик, ғаразли мақсад билан одам ўлдириш жиноятларида 54,4 фоиз жабрланувчиларни ишчилар ташкил қилган. Шундан 24 фоиз жабрланувчи-

¹ Виктима — лотин тилида, таржимаси — жабрланувчи.

ларни маиший хизмат ва коммунал-хўжалик ишчилари ташкил қилади. Жумҳуриятимиз умумий аҳолисининг 52,9 фоизини ишчилар ташкил қилади. Жабрланувчиларнинг кўпчилиги ишчилар эканлигининг асосий сабаби — ўрганилаётган жиноятлар кўпроқ шаҳар жойларида содир қилиниши, кўпгина меҳнат жамоаларида маош куни спиртли ичимлик ичишнинг кенг тарқалганлигидир.

Жабрланувчиларнинг фақат 4 фоизинигина колхозчилар ташкил қилган. Улар ҳам кўпинча шаҳар жойларига келганларида ҳужумга учраганлар. Қишлоқ жойларида талончилик, босқинчилик, ғаразли мақсад билан одам ўлдириш жиноятлари кам содир қилинади.

Ички ишлар органлари, прокуратура ва судларнинг фаолиятидаги айрим камчиликлар ҳам турли жиноятларга шароит яратиши мумкин. Масалан, содир этилаётган жиноятларнинг тўла очилмай қолаётганлиги яна кўплаб жиноятлар юз беришига олиб келмоқда¹. Терговнинг сифатсиз олиб борилиши, жиноят ишини судда кўришдаги камчиликлар, давлат ташкилотлари билан жамоат ташкилотлари ўртасида профилактика ишларини ташкил қилишда мустаҳкам алоқаларнинг йўқлиги ҳам шундай жиноятларнинг содир қилинишига шароит яратиши мумкин. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларга қарши самарали кураш олиб бориш учун, содир қилинган шундай жиноятларни дарҳол фош қилиш даркор. Жиноятни фош қилиш учун ўз вақтида кескин чоралар кўрилмаса, айбдор дарҳол қўлга олинмаса, уни очиш жуда қийин бўлиб қолади. Бундай ҳолат жиноятчи томонидан янги жиноятларни содир этилишига, янги қонунбузарликларга олиб келиши мумкин.

Маҳқумларнинг анкета саволларига берган жавобларидан маълум бўлдики, жиноятчиларнинг аксарияти қўлга тушмаслик ва жазоланмасликка ишонган ҳолда жиноятни содир қилганлар. Ҳеч қаерда ишламайдиган, мактабни тамом қилган ёки ўқишни ташлаб юборганларни, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидан озод бўлиб келаётган шахсларни ишга жойлаштиришнинг иложи бўлмаётганлиги

¹ 1990 йил 1 январгача собиқ Иттифоқ бўйича бир миллион очилмай қолган жиноят ишлари бор эди. Қаранг: "Шит и меч" 1990, № 2.

текинхўрлик билан кун кўрувчиларни келтириб чиқармоқда. Айнан ушалар жиноятчилар армиясини йилдан-йилга тўлдириб келмоқдалар. Айниқса бу борада жазодан озод бўлиб келаётган шахсларнинг ўз вақтида иш билан таъминланмаслиги рецидив жиноятни содир қилишга олиб келиши муқаррарлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жиноят содир бўлиш шароитларининг турларига, унинг гуруҳига маҳкумликдан озод бўлиб келаётган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва олиб боришдаги камчиликлар сабаб бўлмоқда. Бу камчиликлар, энг аввало, қонун бўйича маъмурий назорат остида бўлиши лозим шахслар устидан бундай назоратнинг ўрнатилмаслиги маъмурий назорат тўғрисидаги қонунда белгиланган тадбирларни ташкил қилмаслик, ёхуд бундай назоратни юзаки олиб бориш кабиларда яққол намоён бўлади.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилиш шароитларидан яна бири қонунга хилоф равишда ўқотар ва совуқ қуролларни сотиб олиш, сақлаш ҳисобланади¹. Оммавий ахборот воситалари орқали берилган маълумотларга кўра, собиқ Иттифоқдаги 4 миллион фуқаро қонуний асосда ана шундай қуролларни сақлайдилар, 16 миллион фуқаро текис стволли ов милтиғини қонунга хилоф равишда сақлайди². Текис стволли ов милтиғидан ясалган қирқма милтиқлардан фойдаланиб, зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилиш анчагинани ташкил қилади. "Қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган предметларни сиз қаердан олар эдингиз?"— деган саволга биз маҳкумлардан қуйидаги жавобларни олдик: магазиндан сотиб олган эдик — 32 фоиз (бу асосан текис стволли ов милтиғи ва пичоққа тегишли); қуролни бошқа кишилардан олган эдим — 24 фоиз, турманинг ўзида ясадим — 16 фоиз, корхоналарда, заводларда ясадим — 28 фоиз. Биз яна қуйидаги бир қанча жавобларни олдик, "яширин бозордан сотиб олдим", "колонияда бўлганлигимизнинг нишони сифатида дўстим пичоқ совға қилган эди" ва ҳоказолар.

¹ Қаранг: *Рустамбаев М. Х.* Закон и общественная безопасность. Ташкент, Ўзбекистон, 1990 г.

² Журнал "Охота и охотничье хозяйство", 1975, с.10.

Кўп ҳолларда тергов жараёнида жиноятчи қуролни қаердан олганлиги аниқланмайди. Биз бир қанча жиноят ишларини ўрганганимизда жиноятчиларнинг қуйидаги кўрсатмаларига дуч келдик. "Вася учун тайёрланган эдим", "Цехда пул берсанг ясаб беришади" ва ҳоказолар. Аммо "Вася ким? Қайси цехда қурол ясади?" — тергов органлари бу масалани текшириб олишга етказмаганлар. Жиноят содир қилиш қуролларини олиш йўллари, қурол ясайдиган шахслар ва жойларни аниқламаслик, қуролларни сотадиган шахс ва уни сотиш жойларини аниқламаслик, корхоналарда шундай қуролларни яшашнинг олдини олмаслик, зўрлик ишлатиш билан боғлиқ жиноятларни содир қилишга бевоқиф шароит яратади.

Милициянинг соқчилик хизматидаги камчиликлар, шунингдек иш соҳасига кўра қурол олиб юриши мумкин бўлган шахсларнинг қуролини сақлаш қоидаларига риоя қилмаслиги ҳам зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилиш учун қулай шароит яратади. Кейинги вақтларда қонунга хилоф равишда қурол олиш ҳодисалари кўпайди¹.

1990—1991 йиллар Ўзбекистонда аҳолидан ҳар йили қонунбузарликлар учун 8 минг дана ов қуроллари олиб қўйилган эди, жиноятлардан эса, турли хил тизимдаги 500 данадан ортиқ ўқ отиш қуроллари ҳамда мингта яқин жанговар граната ва портловчи қурилмалар тортиб олинди².

Республика телевидениеси 1993 йил 24 апрелдаги "Ахборот" кўрсатувида ҳарбий қурол-аслаҳалар қандай қилиб жиноятчилар қўлига тушиб қолаётганлиги кўрсатилган эди. Бу қуроллар ичида тунги кўриш бинокллари бор эди.

Жамоат жойларида қурол ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда ҳаракатдаги милиция гуруҳлари (ХМГ) катта роль ўйнайди. Бундай гуруҳнинг ходимлари профилактика ишларини муайян режага мувофиқ олиб боради. Ҳар куни махсус радиолаштирилган машина билан таъминланган гуруҳлар ўзлари учун белгиланган участкаларда, жамоат жойларида турли буз-

¹ Журнал "Охота ва охотничье хозяйство", 1975, с. 10.

² Қаранг: Несун с пятизарядкой. Советская Россия, 1990, 21 апреля.

ғунчиликларнинг олдини олиш, кучаларда, паркларда, хиёбонларда, подъездларда спиртли ичимликларни истеъмол қилиб майда безорилик қиладиганларга қарши курашиш учун тайёр туришлари керак. Бундай изчил ва тезкор фаолиятнинг асосий моқияти қуйидагилардан иборатдир: шахс ўзгарувчандир, ижтимоий турмуш мезонларини бузган шахсларнинг тузалмайдигани бўлмайди, айна пайтда жиноятчи бўлиб туғиладиган шахслар ҳам бўлмайди.

Ижтимоий турмуш мезонларидан четга чиқиш муайян ҳаётий вазиятнинг тўғридан-тўғри таъсиридан юзага келади. Шунинг учун ҳар қандай ҳаётий вазиятда ҳам, ҳар қандай бузғунчи шахсни ҳам жамиятга хилоф ҳаракатлардан тўхтатиш мумкин¹.

4-§. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш

Маълумки жиноятчиликнинг олдини олиш, энг аввало жиноят содир этилишига олиб келадиган шароит ва сабаблар бартараф қилинишини тақозо қиладди. Ч. Беккариа "Жазолашдан кўра, жиноятнинг олдини олган яхши,— деб ёзган эди². Криминологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, профилактика чораларини яхшилаш билан ҳар 10 та жиноятнинг 7 тасининг олдини олиш мумкин экан³.

Жиноятчиликнинг олдини олиш — умумий ва махсус олдини олишга бўлинади. Бизнинг ушбу ишимизда давлат, жамоат, кооператив ва фуқароларнинг шахсий мулкани зўрлик ишлатиб талон-торож қилиш жиноятининг олдини олиш чоралари ўрганиб чиқиладди.

Шубҳасиз шу нарса равшанки, жиноятнинг содир этилишига таъсир қиладиган комплекс шароит ва сабаб-

¹ Социальные отклонения (введение в общую теорию). М., Юридическая литература. 1989. с. 208.

² Беккариа Ч. О преступлениях и наказаниях. Биографический очерк и перевод книги Беккариа "О преступлениях и наказаниях" проф Исаева М. М., М., 1939. с. 399.

³ Кузнецова Н. Ф. Проблемы криминологической детерминации. МГУ. 1984, с. 145.

лардан у ёки бу жиноят содир этилишига таъсир қиладиганини ажратиб олиш жуда қийин. Баъзи муаллифлар ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларга талончилик ва босқинчиликни киритганлар¹. Лекин улар бу жиноятларнинг шароит ва сабабларини ғаразли мақсадларда содир қилинадиган бошқа жиноятлар билан биргаликда таҳлил қилганлар. Аммо олиб борилган тадқиқотларимиздан маълум бўлишича ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг ўзига хос айрим хусусиятлари ҳамда жиноятчилар турининг ва шахсининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Бундай жиноятлар ҳисобига ғаразли мақсад билан одам ўлдириш, бандитизм, босқинчилик, зўрлик ишлатиб талончилик қилиш жиноятларини киритиш мумкин.

Бу жиноятларнинг содир бўлиш сабаб ва шароитларини бартараф қилиш учун комплекс тарбиявий чораларни амалга ошириш лозим. Яъни тамагирлик, бойлик орттиришга интилиш, ўзининг эҳтиёжларини қондиришни меҳнатсиз йўл билан ҳал қилиш, бошқаларга нисбатан ҳурматсизлик, қаҳри қаттиқлик, бераҳмлиқ, жамиятнинг ва бошқа фуқароларнинг муҳим манфаатларини ўз манфаатлари йўлида қурбон қилиш каби салбий қарашлар ва таассуротларни бартараф қилиш керак. Бу иш барча давлат ташкилотларининг ва жамоатчиликнинг вазифасидир.

Профилактика чораларининг самарадорлиги, энг аввало, унинг кўп қирралилиги билан белгиланади. Бу чоралар ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олиши, фуқароларга салбий таъсир қиладиган ижтимоий-салбий таъсирнинг барча йўллари бекитиб ташлаши, жиноят содир этилишининг барча шароит ва сабабларини бартараф қилиши керак.

Ҳозирги даврда кишиларимизни тарбиялашда оммавий тарғибот ишлари, лекция ташвиқоти ҳамда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ишларнинг шакллари турли-тумандир. Ўзбекистонда прокуратура, ички ишлар, суд ходимларининг ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларининг жамоат тартибини ҳимоя қилиш юзасидан аҳоли ўртасидаги чиқишлари, юрист олимларнинг маърузалар билан чиқишлари, оммавий ахборот воситалари орқали жиноятчиликнинг

¹ Криминология. Изд-во "Юридическая литература". М., 1979, с. 254

жамиятга хилоф моҳияти, жамиятимиз ва фуқароларимиз учун хавфлилиги масалаларида, чиқишлари муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Бу чиқишларнинг самардорлиги асосан уларнинг аҳолини қизиқтириши билан боғлиқдир. Бундай чиқишларда амалдаги суд фаолияти мисолларидан фойдаланиш, жиноят содир этилишининг туб сабабларини очиб бериш, аҳоли диққатини жиноятга олиб келадиган шароит ва сабабларни бартараф қилишга йўналтириш, жиноят учун жазоланиш муқаррар эканлигини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда Ўзбекистон телевидениесининг "Инсон ва қонун", "Шаҳар бедарвоза эмас", "02" хабар қилади" каби кўрсатувлари кейинги вақтларда қонунларимизда рўй бераётган ўзгаришларни аҳолига тушунтиришда, турли жиноятлар учун жавобгарлик ҳақида, мансабдор шахслар томонидан жиноятнинг олдини олиш чоралари хусусида қатор кўрсатувлар ташкил қилиб муҳим ишларни амалга оширмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг, амалдаги қонунларни, жиноят қонунларини тушунтириш борасида олиб борадиган ишлари, кишиларга ҳуқуқий тарбия беришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳуқуқий тарбия — бу ғоят мураккаб ва узоқ вақтни талаб қиладиган жараёндир. Шу боисдан уни мактаб ёшиданоқ бошламоқ керак. Ҳар бир фуқаронинг Ватан манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиши кераклиги тўғрисида фуқароларнинг шахсий мулки ва бошқа мулклар дахлсиз эканлиги ҳақидаги тасаввурни ва бошқа ижтимоий ҳис-туйғуларни болаликдан шакллантириш керак. Ҳуқуқий тарбия кишиларнинг жиноят қонунлари мажмуасидаги моддаларни ёд олишидан иборат эмас, балки уларда ҳуқуқий қонунларга ҳурматни шакллантиришдан иборатдир. Мактаб тарбияси ҳам ана шуларга асосланиши керак. Ўзбекистон телевидениесининг мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган "Совет ҳуқуқи асослари" кўрсатуви ўз иштини ана шу қоидаларга асосланган ҳолда ташкил қилган.

Жумҳуриятимиз миқёсида олиб бориладиган ҳуқуқий тарбия ишларининг барчаси Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан маълум йўналишга ва тартибга солиб турилади. Бундай ҳолат, энг аввало, бу борадаги ишларнинг самардорлигини ошириши керак.

Юқорида айтганимиздек, ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиш жиноятларини содир қилишга мойил бўлган кишилар шахси одатда майда ижтимоий гуруҳларда тар-

киб топган айрим салбий ижтимоий омиллар таъсирида шаклланади¹.

Қачонки, инсон шахсининг таназзулга юз тутиши ўз вақтида аниқланса ва бундай омилларни йўқотиш учун самарали чоралар кўрилсагина, дастлабки профилактика чоралари муваффақиятли бўлади.

Бундай шахслар орасида улар айнан интизомни ва жамоат тартибини бузишни бошлаган вақтдаёқ ҳуқуқий тарбияни кучайтириш керак. Шахснинг жиноят йўлига ўтиб қолиш хавфи туғилгандаёқ асосий диққатни дастлабки профилактика ишларига қаратиш лозим.

Мактаб маъмурияти, вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссиялар, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциялари, энг аввало ёмон оилавий аҳволга тушиб қолган болаларга ёрдам бермоғи керак. Оиланинг болага кўрсатадиган салбий ёки ижобий таъсири характери ва миқёсини эътиборга олган ҳолда ўсмирни тарбиялаш чораларини танлаб олиш зарур. Булар мактаб томонидан қўлланадиган чоралардан тортиб то болани оиладан тортиб олиб интернатларга юбориш ёки номақбул турмуш кечирувчиларни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишгача бўлиши мумкин.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахслар ичида биз юқорида таъкидлаганимиздек, мактабни тамом қилмасдан кетиб қолган, битта синфда бир неча йил қолиб кетган болалар анчагинани ташкил қилади. Агарда мактаб ўқувчиларининг умумий миқдорига нисбатан мактабни тамомламайдиган болалар миқдори 2—3 фоизни ташкил қилса, вояга етмаган жиноятчилар ичида бу кўрсаткич 87 фоизни ташкил қилган². Кўпгина мактабларда мактаб маъмурияти бундай болаларни кечки ёки сиртқи ишчи-ёшлар мактабига ўтказадилар.

Аммо кечки ишчи-ёшлар мактабларини яхшилаш учун жиддий чоралар кўрилиши керак. Бундай мактабларни ташкил қилиш бизнингча йирик саноат корхоналарида мактаб маъмурияти билан корхона ва жамоат ташкилотлари маъмуриятининг мустаҳкам алоқаси орқали ташкил

¹ Бу ҳақда қаранг: Гаухман А. Д. Проблемы уголовно-правовой борьбы с насильственными преступлениями в СССР. Саратов. 1981 г.

² Островский А. И. Педагогические основы комплексного подхода к профилактике правонарушений несовершеннолетних. Ташкент, "Фан", стр. 71. 1983г.

этилсагина мақсадга мувофиқ бўлади. Халқ маорифи органлари ҳам бундай мактабларга алоҳида аҳамият беришлари керак.

"Таштекстильмаш" заводида ҳуқуқ бузишларга қарши курашнинг аҳволини ўрганиш юзасидан олиб борилган ишлар шуни кўрсатадики, фақат яхши шароитгина ишчи-ёшларнинг кечки мактаби маълумот олишнинг самарали шакли ва ёшлар шахсини шакллантириш маскани бўлиб қолиши мумкин. "Таштекстильмаш" заводи қошидаги бу мактабда ўқиётган ёшларнинг кўпчилиги шу жойда ўқишни тугатиб, ўрта махсус, олий ёки ҳарбий мактабларга муваффақият билан ўқишга кирмоқдалар. Бу ўқувчилар ўртасида ҳуқуқ бузишлар деярли учрамайди.

Юқорида айтганимиздек, зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларда иштирок этиш, улар яшаган муҳитдаги турли ёшлар тўдасининг таъсири натижасидир. Одатда бундай "гуруҳ" ва "компаниялар" бўш вақтни биргаликда ўтказиш учун ташкил топади. Бу гуруҳлар дастлабки вақтларда биргалашиб спиртли ичимликларни ичиш, майда қимор ўйинлари ўйнаш, жамоат тартибини унча қўпол бўлмаган ҳолда бузиш билан чекланади. Кўп ҳолларда улар бундай ҳаракатларни кўпчиликнинг кўзи олдида содир қилади. Аммо айнан ана шундай гуруҳларда аста-секин ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик қилиш режалари пайдо бўлиб, шаклланиб, етилиб бораверади. Дастлаб спиртли ичимлик ичиш учун пул топиш, айрим ҳолларда наркотик воситаларни топиш учун ҳаракатлар қилинади. Бу ҳаракатлар борган сари ўсиб, мукамаллашиб ғаразли мақсадларда содир қилинадиган жиноятларга айланади. Бундай гуруҳларга олдин судланган шахслар ёки тажрибали жиноятчилар кириб қолган бўлса, ёки тўда улар томонидан бошқариладиган бўлса, жуда хавфли тус олади. Айнан ана шулар гуруҳнинг ахлоқий йўналишини белгилайдилар.

Текинхўрлик билан кун кечирадиган шахслар ўртасида жиноят содир қилиш кўрсаткичи юқори эканлигини биз олдинроқ айтган эдик. Ана шундай шахсларга нисбатан ўз вақтида қонунда белгиланган чораларни қўллаш, жиноят профилактикасининг муҳим йўлидир.

Текинхўрликка қарши курашни тўғри ташкил қилиш учун, унинг ўзига хос хусусиятларини, шароити ва жойларини ўрганиш лозим. Энг аввало милиция органлари билан маҳалла комиссиялари, жамоат ташкилотлари, жамоа хўжаликлари правлениялари, қишлоқ Советлари, жа-

моатчилик билан биргаликда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган шахсларни аниқлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Президиумининг 1985 йил 29 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Жиноят Қонунлари мажмуасининг 220-моддасини қўллаш тартиби тўғрисида"ги қарорининг 2, 3, 4-пунктларида кўзда тутилган қоидаларга асосланиб, ишга жойлаштириш чораларини кўради. Агарда бу чоралар етарли бўлмаса, вояга етган меҳнатга қобилиятли шахслар, агарда улар бир йил мобайнида сурункасига 4 ой давомида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаган бўлсалар Ўзбекистон Республикаси ЖҚ нинг 220-моддасига мувофиқ дарбадарлик ва тиламчилик қилиш билан бирга, узоқ вақт мобайнида текинхўрлик билан кун кечиришда айбланиб жинойи жавобгарликка тортиладилар.

Зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг шароит ва сабабларига ичкиликбозлик, алкоголизм, наркотик воситаларни истеъмол қилиш ҳам киришини биз юқорида таъкидлаган эдик. Кейинги йилларда бундай салбий ҳодисаларга қарши кескин чоралар кўрилмоқда. Лекин афсуски ҳозирча бу чоралар алкоголли ичимликларни истеъмол қилишни камайтириш борасида етарли натижалар бермаяпти. Агарда 1972 йили Ўзбекистонда 111 минг фуқаро мастлик ҳолатида ушланган бўлса, бу кўрсаткич 1984 йилга келиб 160 минг кишини, яъни 44 фоиз кўпни ташкил этади. Шунингдек, медицина ҳушёрхоналарига 1972 йили 89 минг киши тушган бўлса, 1984 йили бу кўрсаткич 131 минг кишини ташкил қилган.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашнинг самарадорлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш учун аввало қуйидаги вазифаларни амалга ошириш керак:

а) Спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларига қатъий риоя қилинишига эришиш.

б) Спиртли ичимликлар ичишни суниестеъмол қилувчи шахслар устидан иш жойларида қатъий назорат ўрнатиш.

в) Иш жойларида наркология хоналари ва алкоголизм билан касалланган шахсларни ишдан ажралмаган ҳолда даволайдиган кундузги стационарларни ташкил қилиш.

г) Спиртли ичимликлар ичишни, наркотик воситаларни истеъмол қилишни суниестеъмол қиладиган ва жамиятга хилоф хулққа эга бўлган шахсларни даволаш — меҳнат профилактикасига юбориш.

д) Ичкиликбозликка қарши курашнинг яна бир муҳим воситаси, кейинги йилларда алоҳида аҳамият берилаётган алкоголизмга қарши ташвиқот ҳисобланади.

е) Ичкиликбозликка қарши олиб борилаётган кураш чораларининг илмий асосланганлигини таъминлаш, уларни татбиқ этишнинг аниқ илмий тавсияларини ишлаб чиқиш.

Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида, рецидив жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш керак.

Қамоқ жойларидан қутулиб келган шахсларни ишга жойлаштириш ва яшаш жойи билан таъминлаш учун барча чоралар кўрилиши керак. Айти пайтда уларни ишга жойлаштиришда битта бригада ёки цехда бир неча шундай шахсларнинг тўпланиб қолишига ёки аксарияти ёшлардан иборат бўлимларга ишга қабул қилинишига йўл қўймаслик зарур.

Умумий қоидага кўра, муқаддам судланган шахслар корхона ишлаб чиқаришдан алоҳида бўлган ёки корхонадан узоқда жойлашган кичик жамоаларга (масалан, омборхонага, кичик қурилиш объектига) ишга қабул қилинмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, узоқ муддат жамиятдан холи сақланган аксарият шахсларнинг руҳий ҳолати ўзгарган бўлиб, уларнинг оддий турмуш шароитида бўладиган кўпгина одат ва хулқ-атворларга кўникишлари ўта зиддиятли, қийин бўлади. Улар жазодан озод бўлганидан сўнг ҳар доим ҳам ўзларининг онгли турмуш шароитларини ташкил қилиб, бунга қўшилиб кета олмайдилар¹. Бу даврда жазодан озод бўлган шахслар билан ғоят мураккаб бўлган бошқалар учун ўн йилликлар давомида рўй берадиган кўникиш, мослашиш жараёнини уларнинг жуда қисқа вақт мобайнида ҳал қилишига тўғри келади².

Жазодан озод бўлиб келган шахсларни уй-жой ва иш билан таъминлашнинг ўзи, ҳали улар томонидан жиноят содир қилинишининг олди олинди дегани эмас. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, уларнинг айримлари иш жойини ташлаб кетиб яна жиноят йўлига кириб кетади.

¹ Яковлев А. М. Борьба с рецидивной преступностью. М., 1964, стр. 198.

² Блувштейн Г. Д. Понятие личности преступника. "Советское государство и право", 1979, № 1, стр. 98.

Уларнинг аксарияти ўзларига кам иш ҳақи тўланаётганлигини ишдан кетиб қолишларининг асосий сабаби қилиб кўрсатадилар. Шунингдек, баъзан яхши ма-лака талаб қилинмайдиган ишларни бажараётганликлари, ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланмаган-ликлари, ушбу жамоада ишлашни хоҳламаганликлари, оилавий муносабатлар ҳам бунга сабаб бўлади¹.

Кўпгина тадқиқотлардан маълумки, рецидив жиноят-ларнинг деярли кўпчилиги шахснинг жазодан озод бўлиб келганининг биринчи йили ичида содир қилинади. Маъмурий назоратни 6 ойдан 12 ойгача ўрнатиш (биринчи марта) мумкин бўлганлиги туфайли бундай шахслар устидан назорат олиб бориш йўли билан уларнинг яна жиноят йўлига кириб кетишига барҳам бериш мумкин. Бизнинг олиб борган тадқиқотларимизга кўра, маъмурий назорат остидаги шахслар томонидан муайян вақтда рецидив жиноят содир қилиш нисбати ўртача 9—10 фоизни ташкил қилган. Бу кўрсаткич умумий рецидив жиноятчиликнинг ўртача кўрсаткичларидан анча паст-дир.

Ўрганилаётган жиноятларнинг олдини олиш учун яна муҳим омиллардан бири, суд жараёнларидан тарбиявий восита сифатида фойдаланишдан иборатдир. Ана шундай жиноят ишларининг судларнинг сайёр мажлисларида кўрилиши, айниқса, жиноят меҳнат жамоаси аъзоси то-монидан содир қилинган бўлса, шу меҳнат жамоаси иштирокида кўрилиши яхши тарбиявий аҳамият касб этади.

Терговчи, прокурор, судларнинг аъзолари жиноят содир этилган меҳнат жамоаларига келиб, маъруза ва суҳбатлар ўтказиши ҳам яхши натижалар беради.

Фаразли мақсадларда содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда судларнинг хусусий ажрим чиқаришлари самарали омиллардан саналади. Лекин барча судларда бу воситалар тўлақонли қўлланилмоқда деб бўлмайди. Айрим шахслар муқаддам судланиб чиққани ҳолда яна аввалгидек жиноятни содир қилган бўлса-да, улар нима сабабдан мазкур жиноятни такроран содир қилганлигининг сабаб-

¹ 1987 йилдаги умумий афв этиш муносабати билан жазодан озод қилинган шахсларнинг (бу умумий афв этиш мамлакатимиз тарихидаги энг катта афв этишлардан бўлиб, 1 миллион 200 минг киши жазодан озод қилинган эди) кўпчилиги яна янги жиноят содир қилиб жазога ҳукм қилинди. Қаранг: "Московская правда". 1990, 6 июнь.

ларини доим ҳам текшириб ўтирмайдилар. Судлар жиноят ишларини кўриб чиқаётган вақтда, бир хилдаги жиноят такроран содир қилиниши сабабларини аниқлашлари шарт. Чунки мазкур сабабларни аниқлаш ва кейин уларнинг барчасини умумлаштириш, жиноятнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш учун ниҳоятда зарурдир. Таассуфки, вояга етмаганлар томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан хусусий ажрим чиқариш суд фаолиятида ҳамон жуда-жуда кам учрайди.

Ана шу юқорида айтилган профилактика чораларининг ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ комплекс равишда қўлланиши ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда яхши натижалар бериши шубҳасиздир.

Жиноятчининг шахси тушунчаси

Одатда алоҳида шахсни ўзига хос сифатлари нуқтаи назаридан тавсифлаш керак бўлганда, шахс тушунчасига муружаат қилинади.

Бу ерда "шахс" тушунчаси дейилганда одамнинг маълум бир категориядаги кишилар гуруҳига тааллуқли эканлиги кўзда тутилади.

Аммо, категориялар ҳаминша ҳам маълум бир мезон (критерия)га асосланган қатъий фарқни ажратмайди. Кишиларни бундай эмпирик категорияларга бўлиб баҳолашнинг ҳар хиллиги туфайли фанда бу борада ҳанузгача ягона фикр йўқ.

Жиноятчининг шахси проблемасининг муҳимлиги шундаки, жиноятчилик ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кишиларнинг жамиятга хилоф хулқи билан бевосита боғлангандир. Жиноятчиликнинг ва муайян жиноятларнинг шароит ва сабабларини, моҳиятини, содир бўлиш жараёнлари ҳамда ўзига хос хусусиятларини жиноятчининг шахсини эътиборга олмасдан туриб таҳлил қилиб бўлмайди. Чунки муайян жиноят муайян бир шахс томонидан содир қилиниб, бунда жиноятчининг иродаси, интилишлари, қарашлари, одатлари ва ҳоказо — ушбу шахсни характерловчи хусусиятлари ифодаланади.

Жиноят содир этган шахснинг хусусиятларини таҳлил қилмасдан туриб, содир этилган жиноятнинг моҳиятини очиб бўлмайди. Аксинча содир этилган жиноятнинг характери ва оғирлигини эътиборга олмай туриб, жиноят-

чининг шахси ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишнинг ҳам иложи бўлмайди.

Шунингдек, маҳкумни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш вазифасини бажаришни ҳам унинг шахсини чуқур ўрганмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Лекин тайинланган жазо чораси жиноятчи содир этган жиноятнинг характериға ва жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилигига мос келиши керак.

Шунинг учун ҳам суд айбдорға жазо тайинлаётган вақтда унинг шахсини характерловчи хусусиятларни эътиборға олиши лозим. Ганиқли олим В. Н. Бурлаковнинг тадқиқотларига кура суд жазо тайинлашда судланувчиларнинг фақат 10,7 фоизига нисбатангина уларнинг шахсини характерловчи хусусиятларни эътиборға олиб жазо тайинлаганлиги ҳукмда асосий мотив сифатида келтирилган¹.

Бу унчалик тўғри эмас, лекин жиноят ҳуқуқи фани қилмишининг аҳамиятини эътироф этиш ва жиноятчиликнинг шахсини биринчи даражаға кўтариш, жиноят содир қилмасдан олдин унинг шахсидаги хусусиятларға қараб жиноятчи эканлигини аниқлаш мумкин деган илмий асосланмаган уринишларни рад қилиши керак.

Жиноятчининг шахси проблемаси криминологияда энг мураккаб проблемалардан бири ҳисобланади, бинобарин унда жиноятчининг шахси унга хос бўлган барча хусусиятлари муштарак ҳолда ўрганилиши керак. Жиноятчининг шахси — ижтимоий хулқ механизмининг зарурий ва муҳим қисми бўлиб, у салбий ижтимоий-руҳий таъсирлар натижасида сабаб ва оқибат қонуниятига асосланган ҳолда шаклланади. Шунинг учун ҳам жиноятчи шахсини ўрганиш, жиноятчининг индивидуал жинсий хулқининг сабаб ва характерини умумлаштириш асосида, умумий криминоген омилларни аниқлаш, жиноятчиликнинг ҳолати, структураси, динамикаси, жиноят содир этувчи шахслар таркибидаги ўзгаришлар ва ҳоказо масалаларни аниқлаш учун асосий манба ҳисобланади. Ўз навбатида, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун қулай имкониятлар яратади.

Жиноятчи шахсини ўрганиш шахсининг индивидуал жинсий хулқини таҳлил қилишнинг ўзи учунгина зарур

¹ Бурлаков В. Н. Личность преступника и назначения наказания. Л., 1986, с. 55.

бўлмасдан, балки умуман жиноятчиликни ўрганишда ҳам бениҳоя аҳамиятлидир. Бунда мураккаб ижтимоий муносабатлар системасидаги шахсларнинг ижтимоий типларини ўрганиш ҳам муҳим ўрин тутди.

Жиноятчи шахсини криминологик ўрганиш асосан шахсда жиноий хулқни келтириб чиқарадиган хусусият ва сифатларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва шунга мувофиқ равишда жиноят содир бўлишининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалда татбиқ қилишни мақсад қилади.

Жиноятчиликка қарши самарали курашни ташкил қилиш учун энг аввало маълум бир ижтимоий муҳит шароитида ўзаро алоқада жиноят содир этиши мумкин бўлган кишилар типининг аҳоли турли қатламлари ичида тарқалганлик даражасини ҳамда кишилар шахсига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-руҳий ва бошқа омилларини яхши билиш талаб этилади¹. Бу масалаларни яхши билмаслик жиноятчиликка қарши кураш ишининг самарадорлигига салбий таъсир қилиши шубҳасиз. Биргина Ўзбекистон жумҳуриятининг ўзида 1980—85 йиллар оралиғида 445 киши қонунга хилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилиб, сўнг оқланди. Қонунсиз қамоқда сақланганлиги учун уларга 800 минг сўм пул давлат газнасида тўланди².

Агарда 1983 йили собиқ Иттифоқ судлари томонидан 946 кишининг иши қайта-қайта кўриб улар оқланган бўлса 1987 йили бу кўрсаткич — 2206 тани, 1988 йили 1667 тани, 1989 йили 1564 тани ташкил қилган бўлса³ 1990 йили — бу рақамлар янада кўпайди.

Жиноятни баҳолашда фақатгина унинг тури, содир қилиш усули, тажовузнинг ижтимоий оқибати кабиларгина эътиборга олинмасдан, балки жиноят содир қилган киши шахсини характерловчи хусусиятлар ҳам эътиборга олинади. Шунга кўра жиноят содир этган шахсларнинг шахсий хусусиятлари ҳақидаги маълумотларни умумлаш-

¹ Курс советской криминологии. Предмет. Методология. Преступность и её причины М., 1985, с. 250.

² Гусев С. И. Верховный суд. "Огонек", 1989, № 8, с. 5.

³ Бюллетень Верховного суда СССР, 1990, №3, с. 30.

тириш, бундай шахсларни типларга ажратиш жиноятчилик ҳолатини аниқ башорат қилиш, у бошқа ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга қандай таъсир кўрсата олишининг миқёсини аниқлаш имконини беради.

Ҳатто бир хил шароитда турли шахслар турлича ҳаракат қиладилар, яъни ҳаракатнинг турли вариантини танлайдилар, бирлари қонун талабларини сўзсиз бажарсалар, бошқалари қонунни бузадилар. Ана шу фактнинг ўзи ҳам маълум бир вазиятда жамиятга хилоф бўлган хулқли шахслар ҳам бир-биридан фарқли вариантни танлаб олишади деган асосли фикрга олиб келади.

Криминология соҳасининг етакчи олимлари Э.Бухгольц, Дж. Лекшас ва Р. Хартманлар жиноятчиларнинг шахси тўғрисидаги масалани мулоҳаза қилиш ва уни текшириш энг аввало у содир қилган қилмишнинг ташқи томонидан бошлаб жиноят билан боғлиқ бўлган ижтимоий шартлари ёки сифатларини, мақсади ва ижтимоий ҳаётнинг маълум бир соҳасидаги инъикосини текшириш томон кенгайиб ва чуқурлашиб бориши ҳақида ёзадилар¹.

Бу соҳада ўтказилаётган ҳозирги тадқиқотларнинг камчилиги ҳам шундаки, жиноятчи онгини ўрганиш, унинг хулқи ҳамда турмуш тарзи, жиноятчилар билан алоқалари каби масалалар билан қўшиб олиб борилмаётир. Бунинг оқибатида шахснинг қайси алоқалари криминоген хусусиятга эга эканлигини билиш қийинлашади ва жиноятчиликни башорат қилиш ҳамда унинг олдини олиш анча қийин бўлмоқда. Таниқли тадқиқотчи Ю. М. Антоняннинг фикрига кўра, бунга аввало умумназарий эмпирик тадқиқотларнинг бир-бири билан боғланмаганлиги сабабдир. Иккинчидан эса, комплекс равишда тадқиқотлар олиб бориш ўрнига ўртача статистик маълумотларни (ҳатто танлаб ўрганиш натижаларини ҳам) ўрганиш билан чекланиб қолинаётганлигидир². Масалан, ғаразли мақсадлар билан жиноят содир қилган кишилар шахсини эмпирик даражада ўрганиш унинг шахсий турмуши, ижтимоий муҳитга мослашуви ва тарбияланиш шароити, айниқса болалигидан бошлаб олажак тарбия шароитини ҳам ўз ичига олиши керак. Бундай тадқиқотларни олиб бориш шахсда жиний

¹ Антонян Ю. М. Изучение личности преступника М. ВНИИ МВД СССР 1982, с. 6.

² Бухгольц Э., Лекшас Дж., Хартман Р. Социалистическая криминология, М., 1975, с. 261.

хулқнинг шаклланишининг назарий қоидаларини ишлаб чиқиш имконини беради. Бундай тадқиқотлар ўз мазмунига кўра ғаразли мақсадларда содир қилинадиган жиноятларнинг мотиви ва бошқа субъектив омилларни аниқлашга ёрдам берадиган ижтимоий-руҳий тадқиқотлар бўлади. Бундай тадқиқотларнинг фан учун зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини Е. Г. Самовичевнинг тадқиқотлари мисолида ҳам кўрсатиш мумкин. У зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилган шахсларни тадқиқ қилар экан, оила тарбиясининг бола шахси шаклланишидаги таъсирига алоҳида аҳамият берган.

Жуда кичик ёшдан боланинг барча талабларини сўзсиз қондириб бориш унда шундай талабнинг турғун бўлиб қолишига олиб келади ва у катта бўлганда ҳам ўз талабининг ота-она томонидан қондирилишини истайди. Оқибатда у доимий равишда ўзига нисбатан алоҳида ғамхўрликни талаб қилувчи боқиманда бўлиб қолади.

Инсон онгли мавжудот, у ўз онги орқали атрофдаги воқеа-ҳодисаларни қабул қилади, ўзини қуршаган кишиларга нисбатан ўз муносабатларини ўрнатади, хулқини белгилаб олади. Инсон ўз онгли ҳаракатлари туфайли бирон бир жиноятни ўзи англамаган ҳолда содир этмайди. Ҳар қандай ҳаётий вазиятда ҳам инсон учун хулқнинг у ёки бу турини танлаб олиш учун имконият бор. Ҳуқуққа хилоф бўлган вариантни танлаб олиш учун турли ҳолатлар, вазиятлар бўлишига қарамай, ҳар доим ҳар қандай вариантни, яъни ахлоқий ва ҳуқуқий қоидаларни бузмаслик ёки бузиш вариантини танлаб олиш энг аввало шахснинг ўзигагина боғлиқдир.

Ҳуқуқ бузувчи шахсининг ҳар томонлама тадқиқ этилиши айрим хатоларга йўл қўйишлардан сақлайди. Жумладан 1990 йили (9 ойи давомида) Тошкент шаҳрининг халқ судларида 150 та вояга етмаганларнинг жиноят ишлари кўрилиб, шуларнинг 120 тасига нисбатан ҳукм ижросини кечиктириш қўлланилган. Айрим судларда ана шундай жиноят ишларининг деярли ҳаммасига нисбатан ҳукм ижросини кечиктириш қўлланилган. Бундан ҳукм ижросини кечиктиришда ўйлаб, ақл-идрок билан иш тутилмаган деган хулосага келиш мумкин. Айрим ҳолларда вояга етмаганларнинг жиноят ишлари судда кўрилаётган вақтда вояга етмаганлар билан шуғулланувчи махсус инспекция вакиллари таклиф қилинмаган. Мазкур инс-

пекция вакилларининг таклиф қилиниши, вояга етмаганнинг турмуш тарзини аниқлашда, унинг хулқи ва бошқа жиҳатларини аниқлаш ва адолатли жазо тайинлаш ёки ҳукм ижросини кечиктириш борасида муҳим аҳамиятга моликдир¹.

Жиноятчи шахси нафақат криминология фани томонидан ўрганилади, балки уни жиноят ҳуқуқи, ахлоқ тузатиш — меҳнат ҳуқуқи, криминалистика ва бошқа фанлар ҳам чуқур ўрганади. Жумладан, жиноят ҳуқуқида жиноят субъектининг ақли расолиги, маълум ёшга тўлганлиги, шунингдек, махсус субъект эканлиги каби белгиларга алоҳида аҳамият берилади.

Лекин, жиноят ҳуқуқида ва бошқа ҳуқуқий фанларда жиноятчининг шахсини ўрганиш ушбу институт доирасида тор маънода, асосан жиноят ишини тергов қилиш, қонунга асосланган ҳолда ҳаққоний жазо тайинлаш масаласини ёки жазони ижро этиш ва маҳкум билан тарбиявий ишларни индивидуал равишда ташкил қилиш талаблари доирасида ўрганилади, холос.

Жиноятчининг шахсини криминологик ўрганиш ўз мазмунига кўра жуда кенг ва чуқурдир. Криминолог учун (назарий ва амалий ходимлар учун ҳам) жиноятчи шахсини ўрганиш нафақат жиноятчига ижобий таъсир қила оладиган воситани (жазони ёки жамоат таъсир чорасини) танлаш имконини яратади, балки, айни пайтда ушбу шахс томонидан аниқ бир жиноят содир этилишининг сабабларини аниқлаш ва мазкур шахс томонидан қайтадан жиноят содир этилишининг олдини олиш учун ҳам ниҳоятда зарурдир.

Жиноятчи шахсини ўрганиш ғоятда мураккаб вазифа бўлиб, жиноятчиликнинг турли томонлари моҳиятини очиб бера оладиган бир қанча фанларни муштарак ўрганиш орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Бу масалага тор доирада ёндашиш бир-бири билан узвий боғланиб кетган умумийликдан алоҳидаликни, алоҳидаликдан хусусийликни ажратиш имконини бермайди ва оқибатда олиб борилган тадқиқот ҳам бир ёқлама бўлиб қолади.

Шахс деганда нимани тушуниш керак?

¹ Қаранг: *Аллаберганова Г.* Кто они "трудные подростки". Партия турмуши, 1990, № 10, с. 63.

Ибтидоий жамоа тузумида индивидлар шахс сифатида жуда ҳам кам табақаланган эди. Жамоа аъзолари фақат жамоа томонидан унга белгиланган аниқ функцияси, кейинчалик эса оиладаги роли, турли маросимларни бажариш юзасидангина бир-бирларидан шахс сифатида фарқ қилганлар. Ибтидоий жамоа тузумидан аста-секинлик билан тараққиёт сари ўтилиши катта ижтимоий ўзгариш бўлиб, шахс тушунчасини кўп қиррали тушунчага айлантирди. Лекин бу даврда ҳам шахснинг асосий белгиси унинг ижтимоийлиги бўлиб қолаверади. Масалан, қадимги Грецияда шахс тушунчаси қирраларидан бири роль ижро этиш учун театрда кийиладиган актёрлик маскасини ҳамда актёрнинг ўзини ифодалаган. Бу мисолдан кўриниб турибдики, шахс тушунчаси замирида ҳеч қачон фақат руҳий-физиологик хусусиятгагина эга бўлган одам тушунилан эмас.

Шахс тушунчаси ҳар доим ўзида ижтимоий хусусиятларни мужассамлаштирган, тарихан ўзгарувчан сифатга эга бўлган, у доимо ташқи муҳитнинг хусусиятларига ва таъсирига боғлиқ ҳолда инсонга хос муайян сифатлар йиғиндиси сифатида тушунилан.

Шахснинг моҳиятини нима ташкил қилади, унинг шахс сифатидаги асосий хусусияти нимадан иборат, шахс сифатида баҳолашда унинг қайси белгиси ҳал қилувчи роль ўйнайди ва қайси белгиларига кўра буни аниқлаш мумкин? Таниқли олим К. К. Платонов шахснинг моҳиятини онг белгилайди деб ҳисоблайди?¹ Ҳақиқатан ҳам нормал равишдаги идрок қилиш қобилиятига эга бўлмаган (эмизикли чақалоқ ёки ақли заиф)лар шахс ҳисобланмайди.² Аммо шахсни шахс сифатида белгилашнинг бош мезони онг бўлса-да, ушбу тушунчага кирувчи бошқа белгилар ҳам бор. Бунга шахснинг ижтимоий позитив фаолиятига кирувчи социал изчиллигини яъни жамият учун зарарли ёки фойдали бўлган фаолиятини киритиш мумкин. Айнан ана шу белгилари оқибатида шахс шаклланади ва шахс сифатида ўзини кўрсата олади.³

¹ Қаранг: Платонов К.К. Личность как объект социальной психологии. В кн.: Методологические проблемы социальной психологии. М., 1975. с 81.

² Қаранг: Рубенштейн С.Л. Бытие в сознание. М., 1967. с 312.

³ Қаранг: Рубенштейн С.Л. Основы общей психологии. М., 1945, с 619.

"Жиноятчининг шахси" дейилганда одатда айнан жиноят содир этган шахслар устида гап боради.

Аммо бу борада олимлар ҳар хил фикр билдирганлар. Айрим олимлар "жиноятчининг шахси — бу фақатгина илмий тушунчагина бўлиб қолмасдан, балки криминологик тадқиқотлар объекти ҳамдир. У бошқа оддий шахсларнинг шахсий хусусиятларидан қарашлари ва йўналишлари жиҳатидан ҳам талаб ва эҳтиёжлари даражасининг доираси билан ҳам фарқ қилади¹, — жиноят содир қилган шахсларнинг шахсий йўналиши қонун талабларини бажарувчи шахсларнинг шахсий йўналишидан фарқ қилади², жамиятнинг бошқа оддий аъзолари билан қиёслаб қараганда жиноятчи онгининг комплекс деформацияси билан боғлиқ бўлган ижтимоий ахлоқ нормаларидан четга чиқиш хусусияти характерлидир³, жиноятчи шахслар ўзининг ижтимоий моҳиятига кўра жамиятга хилоф шахслар⁴, — деб ёзадилар.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса жиноятчининг шахсига таъриф беришнинг иложи йўқ деб ҳисоблайдилар. Жумладан, И. И. Карпец "Жиноятчининг шахсига умумий тушунча бериш учун, қандайдир ижтимоий, ижтимоий-руҳий ва унинг ҳуқуқий фарқини белгилайдиган тушунчани топish керакки, бу тушунча ҳар қандай жиноятчига, яъни давлат ёки жамоат мулкани талон-торож қилишни содир қилганга нисбатан ҳам, безорилик қилганга ҳам, одам ўлдириш жиноятини содир қилганга ҳам, террорчига ҳам қўлланиши мумкин бўлсин" — деб ёзади⁵.

¹ Антонян Ю. М. Преступник как предмет криминологического изучения. Вопросы проблемы борьбы с преступностью. Вып. 34. М., 1981. с. 40.

² Волков В. С. "Криминологическое исследование личности преступника в советском праве". Теоретические проблемы учения о личности преступника". М. 1979. с. 23.

³ Мишниковский Г. М. О некоторых общих положениях криминологического изучения личности. Теоретические проблемы учения о личности преступника. с. 28.

⁴ Сахаров А. Б. Актуальные вопросы учения о личности преступника. Теоретические проблемы учения о личности преступника. с. 12.

⁵ Карпец И. И. Уголовное право и этика. М., 1985, ст. 142, 143.

Бизнинг фикримизча жиноятчининг шахсига умумий тушунча беришнинг иложи йўқ. Чунки жиноятчилар турли-туман ва улар содир қиладиган жиноятлар ҳам турличадир.

Биз Д. Г. Блувштейн ва А. В. Добрининларнинг "жиноятчининг шахси" тушунчасини инкор қилишларига қўшилмаймиз. Уларнинг фикрича жиноят қонуни билан зиддиятга борган (жиноят қилган) ҳар бир шахснинг руҳий ва социал жиҳатлари олдиндан бузилган бўлади¹.

Шунга қарамай бу муаллифлар ўз ишларида "Жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги" тушунчасини кўп марта ишлатадилар².

Биринчидан — жиноят ҳисобланмаган ва жиноят ҳисобланган хулқ ўртасидаги чегаранинг фарқи кўп ҳолларда қонун чиқарувчи органнинг эркига боғлиқ. Шу муносабат билан қонун чиқарувчи орган олдин жиноят деб ҳисобланмаган ҳаракатни жиноят деб ҳисоблаганда ёки аксинча жиноят ҳисобланган қилмишни жиноят деб ҳисобламаган тақдирда инсон шахси ўзгариб қоладими ёки йўқми деган савол туғилади³. Албатта, қонунда ўзгаришнинг юз бериши билан инсондаги хусусиятлар автоматик равишда ўз-ўзидан ўзгариб қолади, дейиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Агарда жиноят қонуни нормалари талабларига риоя этувчи оддий фуқаронинг шахсидан жиноятчининг шахси тубдан фарқ қилади деган концепцияда турилса, — деб давом этади у, — қонуний бўлган хулосага келиш мумкинки, айтайлик, Литва ҳудудида яшаб, савдо тармоғидан бошқа жойлардан қурилиш материаллари сотиб олса, бу киши шахсида жиноятчига хос бўлган белгилар бор, чунки у Литва ЖК нинг 216-моддасида кўзда тутилган жинойий ҳаракатни содир қилди, РФ ҳудудида яшаб, шундай ҳаракатни содир қилса бундай кишилар шахсида жиноятчига хос бўлган белгилар йўқ, чунки РФ

¹ Қаранг: *Блувштейн Г. Д., Добринин А. В.* Основания криминологии, Минск, 1990. с. 161.

² Ўша жойда, 38—43-бетлар.

³ *Блувштейн Г. Д.* Понятие личности преступника — Советское госво и право. 1979, № 8. с. 98—99 ҳамда *Резник Г. А.* Личность преступника: правовое и криминологическое исследование. В кн.: Личность преступника и уголовная ответственность. Саратов. 1981. с. 29—44.

ЖК да бундай норма йўқ¹. Таҳлил қилинаётган масаладан жиноятчининг шахси дейилганда кишининг узоқ вақт давомида шаклланиб келган шахси хусусида гапириш лозимлиги ойдинлашади. Бугун жинойи жазога сазовор бўлган қилмиш учун эртага жинойи жавобгарлик белги-ланмаслиги мумкин. Аксинча, бугун жиноят деб ҳисобланмаган қилмиш эртага жиноят деб эътироф эти-лиши мумкин.

"Жиноятчининг шахси" категорияларини тўғри ва мақсадга мувофиқлигини илмий мақсадларда фойдаланиш-ни танқидий жиҳатдан таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, булар жиноятчи шахсига умумий тушунча бериш учун етарли эмас.

Демак, жиноятчи шахсига умумий тушунча беришнинг иложи йўқ экан, алоҳида гуруҳдаги жиноятчиларга ва алоҳида жиноятчилар шахсига ижтимоий-руҳий ва кри-минологик тавсиф бериш керак. Бу йўлни амалда қўллаш ҳам қулай ва шу асосда ҳар бир гуруҳ учун махсус профилактика чораларини ишлаб чиқиш ҳам мумкин бўлади. Айни пайтда жиноят ҳуқуқида ҳам жазони индивидуаллаштириш принципини амалга ошириш мумкин бўлади². Шундай қилиб, алоҳида гуруҳдаги жиноятчилар учун хос бўлган (қотиллар, талон-торож қилганлар, по-рахўрлар, безори ва ҳоказо) ижтимоий-руҳий хусусиятлар бор ва уларнинг шахсий хусусиятларини умумлаштирувчи ижтимоий-руҳий ва криминологик тавсиф бериш учун имконият бор³.

Агар ҳар бир гуруҳдаги жиноятчиларнинг ўзига хос махсус ижтимоий-руҳий белгиларга эга эканлигини тан олсак, нимага барча жиноятчилар учун хос бўлган умумий белгилар бўлиши мумкин эмас? Нима сабабдан ана шу алоҳида гуруҳдагилар учун хос бўлган махсус белгилардан барча жиноятчилар шахси учун хос бўлган умумий белгиларни топиш мумкин эмас? Ҳар бир жиноятчи ва маълум гуруҳдаги жиноятчини ўзаро бирлаштириб турув-чи жиҳат нима?

¹ Блувштейн Г. Д. Понятие личности преступника, с. 99.

² Қаранг: Карпец И. И. Уголовное право и этика. М., 1985. с. 144.

³ Қаранг: Могилевский А. И. Истоки правонарушени. Алҳабад. 1987, с. 74.

Россия ва Литва ҳудудларида савдо тармоғидан бошқа жойлардан қурилиш материаллари сотиб олиш ҳақида келтирилган мисол ҳақидаги бошқа мулоҳазалао ҳам асоссиздир.

Зеро, масаланинг бундай қўйилиши тўғри бўлмайди. Бу ерда фарқ жиноятга ва қонуний ҳаракатга бўлган субъектив муносабат билан белгиланади.

Литва ҳудудида қурилиш материални савдо тармоғидан бегона жойдан сотиб олган шахс жиноят содир қилади. У жиноят қонуни билан тақиқланган чегарадан чиқади, жиноят қонунида жиноий жазо мавжудлигига қарамай бу жиноятни содир этишга журъат қилишнинг ўзи, мазкур шахснинг жамият учун хавфли эканлигидан дарак беради. Жиноятчи шахснинг умумлашган тушунчаси фақатгина унинг ҳуқуққа хилофлигининг ўзи билангина эмас, балки жиноятчи шахснинг бошқа шахслардан фарқланиб турувчи томони — унинг ижтимоий хавфлилиги билан ҳам изоҳланади.

Бундай ҳолат у ёки бу криминализация ёки декриминализация қилинган ҳаракатларга бир хилда тегишлидир. Бунинг ташқи кўриниши ишонарлидир, холос. Кеча жиноят ҳисобланмаган, бугун эса жиноят деб топилган ҳаракатни содир қилган шахсда бир куннинг ўзида жиноятчи шахснинг белгилари пайдо бўлиб қоладими? Масаланинг бундай қўйилишида қонун билан боғлиқ бўлган бир қатор омиллар эътиборга олинмайди, мураккаб муаммоларга юзаки ёндошилади. Биринчидан, жиноят тушунчаси ва маълум доирадаги жиноятлар ўзгармасдир. Иккинчидан, янги қонун қабул қилиш ёки қонунни бекор қилиш қонун чиқарувчи органнинг эркин фаолияти ёки унинг хаёлотининг маҳсули ҳам эмас¹.

"Қонун чиқарувчи орган ўзини табиий ҳодисаларни тадқиқ қилувчи деб билиши керак. У қонунларни ясамайди, қонунларни кашф қилмайди, балки, фақат таърифлаб, қонунларда маънавий муносабатларнинг ички қонуниятларини ифодалаб беради, холос. Ўзининг ўйлаб чиқарган тўқималари билан ишнинг ҳақиқий моҳиятини алмаштирадиган бўлса, бундай қонун чиқарувчи органи ўзбошимчаликда айбламоғимиз керак", — деб ёзган эди К. Маркс.²

¹ Могилевский А. Л. Истоки правонарушения. Ашхабад, 1987, с. 76.

² Маркс К., Энгельс Ф. Соч. т.1, с. 162.

Шундай қилиб, у ёки бу қилмиш криминализация ёки декриминализация қилиниши муносабати билан жамият аъзосининг онгида бу ўзгаришларга маълум муносабат пайдо бўлганидан кейингина унинг ҳуқуқий онгида ўзгариш юз беради. Одатда янги жиноят ҳуқуқий нормаси қабул қилинганидан ёки бекор қилинганидан анча олдин, кишиларнинг ижтимоий онгида тегишли қилмиш жиноий ҳаракат ёки жиноят эмас, деган нуқтаи назар пайдо бўлади. Агарда шахс кеча жиноят ҳисобланмаган, бугун эса жиноят ҳуқуқий нормаси билан тақиқланган ҳаракатни содир қилса, буни айбдорнинг шахсини характерловчи белгилар билан боғлиқ бўлмаган ҳаракат деб бўлмайди. Ижтимоий хавфли ҳаракат ҳақидаги онг қонун шундай ҳаракатни криминал ҳаракат деб топишидан анча олдин пайдо бўлади. Транспорт воситаларини ёки ҳаво кемасини ҳайдаб қочиш, аҳолига медицина ёки савдо хизмати кўрсатиш вақтида ўз касбини суиистеъмол қилиш майда талон-торож қилиш ва ҳоказо бизлар тадқиқ этган жиноятларда шундай бўлган. Ана шундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши кенг аҳоли оммаси ўртасида шундай ҳаракатлар жамият учун хавфли эканлигини эътироф этишдир. Жиноятчининг шахси хусусида гап кетар экан, дастлабки асос ижтимоий воқеалар, алоқалар ва муносабатлар субъекти сифатида жиноят содир этган одамдан иборатдир. Шунга асосланиб, жиноят содир қилмаган киши шахси ва жиноятчининг шахси ўртасидаги фарқ тўғрисидаги тезисни ифода қилиш мумкин. "Жиноятчи шахс сифатида бошқа шахслардан фарқ қилади", — деб ёзган эди Н. С. Лейкина.¹

"Жиноятчи шахсини бошқа фуқаролардан сифат жиҳатдан жамиятга хилоф шахс сифатида ажратиб олиш учун барча асослар бор. Бу таълимотсиз жиноятчининг шахс тушунчаси ўзининг ҳар қандай маъносини йўқотди", — деб ёзади А. В. Сахаров.²

Ю. М. Антонян жиноятчининг шахси аниқ мавжуд ва бошқа шахслардан фарқланадиган хусусиятларга эга ва бу тушунча маълум даражада шартли тушунча бўлса-да,

¹ Лейкина Н. С. Личность преступника и уголовная ответственность Л., 1968, с. 9.

² Сахаров А. В. Об антисоциальных чертах личности преступника. Советское государство и право. 1970, № 10, с. 111.

жиноят содир қилган барча кишиларнинг шахсини бирлаштириб ўрганиш мақсадида ишлатилади. Ушбу тушунчани ишлатиш жиноят содир қилган барча кишилар шахсини, улар ахлоқининг тубанлашганлик даражаси ва содир қилинган жиноятининг оғирлигидан қатъи назар ўзига хос хусусиятларини ўрганиш имкониятини беради" — деб ёзади¹.

А. И. Долгова "жиноятчи шахсининг бошқа кишилар шахсидан фарқини алоҳида белгилар билан эмас, балки белгилар йиғиндиси билан фарқлаш керак,— деб ҳисоблайди. Зеро, жиноятчилар ва жиноят содир қилмаганларнинг белгилари ҳар хил,— дейди у².

А. Л. Кононовнинг маълумотларига кўра, ҳатто айрим жиноятчилар қонунга риоя қилувчи фуқаролардан одоби, ахлоқи, ҳуқуқий онгидаги махсус хусусияти билан фарқланиб туради³.

Жиноятчи шахсининг шаклланишида, энг аввало, қуршаб турган ва унга таъсир қиладиган муҳитдаги ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва характери муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, кундалик турмушдаги кўпдан-кўп ижтимоий алоқалар унинг хулқига бевосита ўз таъсирини кўрсатади.

Булардан келиб чиқиб, жиноятчининг шахсига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Жиноятчи шахси дейилганда, шахснинг жинойи хулқига таъсир қиладиган атроф муҳитдаги комплекс ҳолатлар ва шароитларнинг таъсири туфайли шаклланган жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли ҳаракатни содир этишда айбдор бўлган кишининг шахси тушунилади.

Жиноятчининг шахсига берилган бу таърифдан кўрииб турибдики, жиноятчининг шахсига қандайдир "жиноятчи шахс" сифатидагина қаралмасдан, балки унда ижтимоий жиҳатларнинг ички моҳиятини назарда тутиш керак. Жиноятчининг шахси ҳақидаги таълимот аниқ ҳуқуқий асосларга қурилган. Жиноятчи шахси тушунчасининг

1

Антонян Ю. М. Изучение личности преступника. М. 1982, с. 7.

2

Долгова А. И. Изучение личности преступников. "Советское государство и право". 1988, № 6, с. 81.

3

Кононов А. Л. О роли личности в механизме неосторожного преступления. "Вопросы борьбы с преступностью". М., 1985, Вып. 43. с. 34.

муҳим конституцион жиҳати, айниқса жиноятчида жиноят содир этмасдан анча олдин унинг шахсини характерловчи ижтимоий турмушга хилоф хусусиятларнинг шаклланиб қолганлигида, мавжуд бўлган бундай салбий ижтимоий хусусиятлар жиноят содир этгандан кейингина тан олиниб у жиноятчи деб топилганлигида янада яққолроқ намоён бўлади.

Жиноятчи шахсини ўрганиш барча ёки бир қисм жиноятчиларга хос бўлган жамиятга хилоф хусусиятларни ўрганишнинг ўзи билан чекланмайди, балки жиноятчиларнинг ахлоқий, руҳий, демографик, жиноят-ҳуқуқий ва бошқа хусусиятларини ўрганиш орқали жамиятга хилоф йўналишнинг шаклланишини ҳамда тадқиқ қилинаётган сабабларнинг йўналиши ва жинсий хулқ механизми моҳиятини аниқлашни ҳам ўз зиммасига олади. Жиноятчи шахси тушунчасининг мазмунини тўлароқ аниқлаш учун унинг ўзига ўхшаш бўлган бошқа тушунчалардан фарқини аниқлаб олмоқ керак. Қонун ва ҳуқуқ назариясида ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг фаолиятида "жиноят содир этишда айбдор бўлган шахс", "судланувчи", "ҳукм қилинган шахс", "маҳкум" деган атамалар ишлатилади. Шунингдек, "айбдорнинг шахси", "судланувчининг шахси" деган ва ҳоказо атамалар ҳам мавжуд. Бу тушунчаларнинг жиноятчи шахси тушунчаси билан ўзаро алоқадорлиги қандай? Шубҳасиз мазкур тушунчалар бир-бирига яқин ва бевосита боғлангандир. Чунки бу ерда фақат битта киши хусусида — яъни жиноят содир қилган шахс хусусида гап боради. Лекин бу тушунчалар бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, улар айнан бир хил тушунчалар эмас, балки аниқ бир шахс ҳуқуқий сифатларининг намоён бўлишидир.

Жиноят содир қилган шахс ва жиноятчи шахси тушунчалари ҳам бир хил тушунча эмас. Ҳуқуқда ишлатиладиган "жиноят содир қилишда айбдор бўлган шахс", "жиноятчи" каби тушунчалар аниқ бир индивид томонидан жиноят содир қилинганлигини билдиради холос. Бу тушунчаларнинг мазмунидан жиноятчи ҳақидаги бошқа ҳеч қандай белгиларни билиб бўлмайди. Бу ерда мазкур тушунча индивиднинг муайян ижтимоий ролини кўрсатиш билангина кифояланади. "Жиноятчининг шахси", "айбланувчи", "ҳукм қилинган", "маҳкум" тушунчалари ҳам худди шундай чекланган тушунчалар бўлиб, бунда гап жиноят содир қилган шахсга нисбатан

ишлатиладиган атамалар устида боради. Бу атамалар ўзининг процессуал роли билан боғлиқ бўлган махсус мазмунга эга.

Айбланувчининг шахси тушунчаси илмий нуқтаи назардан олганда барча айбланувчиларни қамраб олади. Айбланувчининг шахси тушунчаси мазмунининг ортиши билан унинг миқёси камайиб боради. Рецидивист белгисининг қўшилиши билан эса мазкур мазмуннинг миқёси яна ортади. Чунки рецидивистларнинг миқдори умумий айбланувчилар миқдоридан камдир.

Аммо бу тушунчалар бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, мазмунан бир-биридан фарқ қиладиган тушунчалардир. Чунки бу тушунчалар биргина шахсга, яъни жиноят содир қилган шахсга нисбатан турли ҳуқуқий фанлар нуқтаи назаридан ишлатиладиган атамалардир.

Жиноятчининг шахси ва жиноят содир қилган шахс тушунчалари бир хил тушунча эмас. Ҳар бир ҳуқуқшунос бу тушунчаларнинг мазмунини билиши ва уларнинг бир-биридан фарқини аниқ билиши шарт.

Жиноят содир қилган шахс — жиноятчи деб ҳисобланади. Лекин суд уни жиноят содир этишда айбдор деб топганидан кейингина у жиноятчи деб ҳисобланади. Бунинг учун у жиноий жавобгарликка тортилиб судга берилган бўлиши керак. Қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортилган шахс айбланувчи деб танилади. Судга берилган айбланувчи судланувчи деб ҳисобланади. Судланиб жиноий жазога ҳукм қилинган шахс — маҳкум дейилади. Буларнинг барчаси жиноят ишини тергов қилиш, судда кўриш ва жазони ижро этиш босқичларида белгиланган маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган муайян процессуал фигура сифатидаги шахсга нисбатан ишлатиладиган атамалардир. Бу тушунчаларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида тушунчалар бўлиб, жиноятчи тушунчасидан тамоман фарқ қилади. Чунки ҳар доим ҳам айбланувчи жиноятчи деб топилавермайди. Маҳкум термини суднинг ҳукми қонуний кучга кириб жиноий жазони ўтаётган шахсларга нисбатан ишлатилади. Маҳкумлар суд томонидан жиноятчи деб топилиб, аниқ бир жазо турига ҳукм қилинган шахслардир.

Бир-бирига энг яқин тушунчалар — "жиноятчининг шахси" ва "айбдорнинг шахси" тушунчаларидир.

Айбдорнинг шахси тушунчаси жиноятчининг шахси тушунчасига нисбатан анча тор бўлиб, асосан индивиднинг жавобгарлиги даражасини аниқлашдаги хусусиятлари ва белгиларини ифода қилади. Бу тушунчада шахснинг биографик хусусиятлари — хулқининг шаклланиш шароити ва уни характерловчи омиллар ва ҳоказолар қамраб олинади. Бунда асосан статистик баҳолашдан фойдаланилади.

Жиноятчининг шахси анча кенг ва чуқур тушунча бўлиб, жиноятчининг хусусиятлари, алоқалари, муносабатлари, унинг руҳий ва ахлоқий дунёси, индивидуал ва ижтимоий-ҳаётий шароит таъсирида ривожланиши каби муштарак мураккаб белгиларини ифодалайди.

Жиноятчининг шахси устида гап кетар экан, асосан жиноят содир қилган кишининг социал сифатлари назарда тутилади. Жиноятчининг шахсини криминологик ўрганишда, уни ижтимоий муҳитдан алоқида қолда олиб тадқиқ қилиш тўғри бўлмайди. Чунки ҳар қандай алоқида жиноят на шахснинг ўзи томонидан, на фақат муҳит таъсирида содир қилинади. Ҳар қандай жиноий хулқ шахс ва муҳит алоқадорлигининг натижасидир¹.

Ахлоқ тузатиш меҳнат ҳуқуқига мувофиқ жазони ижро этиш босқичида "маҳкум" деган тушунча ишлатилади.

Маҳкум дейилганда суд томонидан жиноятчи деб топилиб, жиноий жазога ҳукм қилинган ва жиноий жазони ўтаётган шахс тушунилади. Тушунча асосан озодликдан маҳрум қилиниб жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан ишлатилади.

Демак, жиноятчининг шахси умумий ва мавҳум тушунчадир. Унинг мазмунида аниқ бир тушунча эмас, балки ёрдамчи тушунча ётади, бинобарин, ундан турли категориядаги жиноятчилар билан илмий тадқиқотлар олиб бориш, криминологик изланишлар учун фойдаланилади.

Жиноятчи шахсида ижтимоий ва биологик муносабатлар

Жиноий хулқда ижтимоий ва биологик муносабатлар криминологиянинг энг мураккаб ва мунозарали масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹

Қаранг: *Васильев В. Л.* Юридическая психология. М., Юридическая литература, 1991, с. 221.

Қадимги вақтларда ва ўрта аср даврида ижтимоий ва табиий фанларнинг тараққиёт даражаси ҳали жуда паст бўлган бир шароитда тасаввур ва хурофот катта таъсирга эга бўлган.

У пайтларда жинойтчиларни онгига "иблис", "шайтон" ва бошқа "ёвуз кучлар" жойлашиб олган, ақлдан озган шахслар деб ҳисоблашган. Жинойтчилар ҳуқуқларини ва уларнинг яшашини таъминлашни тан олмаслик жинойий хулқ ва ҳодисани инсоннинг ўзидан қидиришга олиб келди. Бундан ташқари ўша даврдаёқ турли қарама-қарши сиёсий гуруҳлар бидъатчиларга қарши кураш ниқоби остида ўзларининг сиёсий рақибларини, онгига ёвуз кучлар жойлашиб олган, ақлдан озган кишилар деб эълон қилар ва оқибатда минглаб кишиларни қатл этар эдилар.

Буржуа криминологиясининг тараққиётида италиялик турма врач-психиатри Чезаре Ломбразо асос солган мактаб катта роль ўйнайди.

"Ғамгин декабрь кунларининг бирида эрталаб бирданига мен сургун қилинган шахснинг бош суягида бир қанча ғайриоддий... қуйи умуртқалиларда бўладиган антропологик наслий белгиларни пайқаб қолдим. Бу одатдан ташқари белгиларни кўрганимда — кўз олдимда худди қоронғу тунда бепоён текисликни уфққа қадар кучли ёруғлик ёритиб юборгандек бўлди — мен учун жинойтчиларнинг келиб чиқиши ва моҳияти муаммоси ҳал бўлган эди.— Мен буни англаган эдим" — деган эди XIX асрнинг 70-йилларида Ч. Ломбразо.

"Шахс жинойтчига айланмайди, — жинойтчи бўлиб туғилади", — деб эълон қилган эди у. ?

Чезаре Ломбразо — Италия турмаларида психиатр-врач вазифасида ишлаб туриб, одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, фирибгарлик учун жазони ўтаётган ва ўлимга ҳукм қилинган 11 минг маҳкумни ўрганиб чиққан. У маҳкумларнинг бош суягини ўлчаш, юз ва бадан тузилишини ифодалаш юзасидан жуда катта ишларни олиб борди.

"Жинойтчи шахс" ва "Жинойт, унинг сабаблари ва даволаш воситалари" номли асарида у жинойтлар кўриниб турган турли жисмоний белгилари билангина фарқ қилиб туради, деб ёзади. "Туғма индивидуал омиллар — жинойий хулқнинг асосий сабабларидир. Туғма жинойтчиларни бошқа шахслардан уларнинг ташқи белгиларига қараб осонгина фарқ қилиш мумкин. Унинг бурни ялпоқ, соқоли сийрак, пешонаси тор, жағ суяклари катта, яноқ суяклари

бўртиб чиққан, пешонасининг қош усти суяклари дўнг, қулоқ супрасининг солинчоқлари осилган ва ҳоказо бўлади. Бундай белгилар ёввойи одамлар ва маймунларда ҳамда жиноятчиларда бўлади" — дея ёзади Ч. Ломбразо. Улар оғриқни сезмайдилар, кўриш қобилияти ғоят ўткир, дангаса, айш-ишратга мойил кишилардир. Улар бу ҳузур-ҳаловатлари учун ҳар қандай ёвузлик қилишга тайёрдир. Улар учун "ўз қурбонларини ҳаётдан маҳрум қилишнинг ўзи етарли бўлмай, балки мурданинг дабдаласини чиқариш, қурбонини қийма-қийма қилиб ташлаш, унинг қонини ичиш" каби хусусиятлар ҳам хосдир. Ч. Ломбразо у ёки бу шахснинг жисмоний хусусиятларини ўлчаш орқали унинг туғма жиноятчи ёки жиноятчи эмаслигини аниқлаш мумкин бўлган махсус жадвал ҳам ишлаб чиққан эди.

Аёллар ҳайз кўриш даврининг улар тажовузкорлигига таъсири масаласини XIX асрнинг иккинчи ярмида ўша Ч. Ломбразо биринчи бор илгари сурган эди. Жиноят содир қилишда айбланиб қамоққа олинган у тадқиқ қилган 80 аёлнинг 71 таси жиноят содир қилиш вақтида ҳайз кўрган бўлган. Англияда 1884 йили ҳайз кўриш вақтида ўз ҳамкабасини ўлдирган аёлнинг жиноят иши кўрилиб, бундай ҳолат жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобланган.¹

Ломбразочиликнинг фалсафий асоси ижтимоий дарвинизм ғоялари билан қўшилиб кетган вульгар материализмдир. Ломбразонинг фикрича жиноятчилик худди инсоннинг туғилиши ва ўлиши каби, ҳомиладор бўлиш ва касалланиш каби, табиий ва зарур, айна пайтда руҳий ҳодисадир.

Ломбразо жиноятчиларни бош суякларидаги ва баданларидаги бошқа белгиларининг ўзи билангина аниқламай, балки уларни фикр қилишига қараб ҳам аниқлаш мумкин деб ҳисоблар эди. (Бунда у француз буржуа революциясининг раҳбарларини назарда тутган эди.)

У Овидийни, Петраркани, Уго Наскалони, Байронни... жиноятчилар қаторига қўшиб қўйган эди. Агарда унинг усулига асосланадиган бўлса, А. С. Пушкинни, М. Ю. Лермонтовни жиноятчилар қаторига қўшиб қўйишга тўғри келади. Агарда машҳур ёзувчиларнинг аксарияти қамалгани ёки турмада ётиб чиққанини эътиборга олсак (озод-

¹

Армель Ожер "Золотая близа" выходит на дело". "За рубежом", 1991, № 3. с. 16.

лик учун кураш ҳаракатларида қатнашганликлари туфайли) уларни ҳам жиний тўдалар сафига қўшиб қўйишга тўғри келади. Шунингдек ҳукм қилинмаган бўлсалар-да, черков томонидан даҳрий деб эълон қилинган А. Менье, Рилеевни, Радишчев ва Бестужев — Марлинскийни, Плешев ва Толстойни ва бошқа кўпгина кишиларни ҳам шулар қаторига қўйиб қўйиш керак бўлади.

Маълумки, қадимда болаларни ҳам жазолаганлар. Антропологлар (масалан, Галия, Ломбразо ва бошқалар) жисмоний камчиликларга эга болаларни умр бўйи турмаларда сақлашни таклиф қилганлар¹.

Ломбразо назарияси — жиноятчида ибтидоий одамларга хос белгилар такрорланади деган тахминга асосланади. Аслида бу тахминлар исбот қилиб бўлмайдиган, илмий асосланмаган тахминлардир.

Биз Г. Хохряковнинг Ч. Ломбразо бир масалада яъни юз тузилишга қараб жиноятчини ажратиб олиш мумкин деган хатога йўл қўйган эди. Аммо у асосий масалада, яъни инсонда маълум бир фаолият билан шуғулланишига мойиллик хусусияти жойлаштирилган деган масалада хатога йўл қўймаган, — деган фикрига қўшилмаймиз².

Ломбразонинг фикрича инсон организмидаги жуда кўп белгилар наслдан-наслга ўтади ва шунга кўра жиний хулқ ҳам наслдан-наслга ўтувчи хусусиятга эга. Яъни жиноятчилик киши организмидаги иллатнинг кейинги авлодда қайтарилишидир. Шундай экан, жиноятчилик туғмадир. Ана шундай назарияни тўғри ҳисобласак, бундан жамият жиноятчиликка қарши курашда ожиздир. У инсон организмидаги иллатларга ўз таъсирини кўрсатишга қодир эмас ва шахс онгини ўзгартириши мумкин эмас, деган хулоса келиб чиқади. Бу ломбразочилик типидagi антропологик детерминизм назарияси тарафдорларининг машҳур ақидасида айтилганидек: Жиноятчиликка қарши курашнинг ягона йўли бу ўлчамоқ, тортмоқ ва осмоқдан иборатдир³ — деган ғояга ҳамоҳангдир.

¹ Қаранг: Карпец И. И. "Уголовное право и этика" М., Юрид. лит. 1985.

² Қаранг: Майметов И., Хохряков Г. Ломбразо был не дурак. Литературная газета 1992, № 37 с. 13

³ Яковлев А. М. Теория и криминология: социальная практика М., 1985, с. 43.

Совет криминологиясида ҳам жиноятларнинг биологик хусусиятлари ҳақидаги фикрлар айтилган эди. "Бошқача программадаги хулқ билан туғилган одам уни ўраб турган муҳитдан қатъи назар жиноятчи ҳам, қаҳрамон ҳам бўла олмайди", — деб ёзган эди Саратов юридик институтининг профессори И. С. Ной¹. Кейинроқ эса В. П. Емильянов шундай деб ёзган эди: "Фақат маълум таркибдаги тизим — иқтисодий, ғоявий, ижтимоий, биологик омиллар жиноятчиликка ўз таъсирини кўрсатади. Жиноятчиликнинг сабаблари фақат алоҳида олинган ҳақиқий омилнинг ўзигина бўлмасдан, балки жиноятчиликнинг сабаблари турли ижтимоий ва биологик ҳодисаларнинг уйғунлиги ва муштараклигидир ва жиноятчиликнинг ҳар қандай сабаби қанчалик биологик бўлса, шунчалик ижтимоийдир, қанчалик ижтимоий бўлса, шунчалик биологикдир деган мазмун ётади².

Генетика фанининг жадаллик билан ривожланиб бориши яқин келажакда генетик коднинг сиру асрорларини аниқлаши ва бу билан наслий хусусиятларга таъсир қилиш ва бошқариш имкониятини келтириб чиқариши мумкин. Айрим олимлар генетикадан фойдаланиб, жиноятчиликнинг сабабларини биологиялаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Бунинг учун улар турли далил-исботлар келтиришмоқда. Жумладан, 1956 йили АҚШ да Р. Спек деган шахс ҳеч қандай сабабсиз саккизта тиббиёт ҳамширасини ўлдирганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинади. Адвокат суд ҳукми устидан берган шикоятномасида "Спекда жамиятга қарши тажовузкор хулққа мойиллик туғдирувчи хромосомалар бор", шунга кўра у содир қилган жинояти учун жавобгар эмас дейди³. Шундан кейин турли мамлакатларда бундай ғайриоддий хромосомага эга бўлган, яъни наслий ҳужайралардаги хромосомаларнинг нормал тузилиши ва миқдоридан четга чиқиш мавжуд бўлган 154678 та шахс текшириб кўрилган. Маълумки, ғайриоддий хромосома янги туғилган чақалоқларнинг тахминан 0,4 процентида учрайди. Умуман олганда, 2 мингдан ортиқ генетик бузилиш турлари

¹ Ной И. С. Методологические проблемы советской криминологии. Саратов, 1975, с. 107.

² Емельянов В. П. Преступность несовершеннолетних с психическим аномалиями. Саратов. 1980. с. 33.

³ Қаранг: Яковлев А. М. Право и социология. М., Юр. лит. 1975.

аниқланган бўлиб, бу ер шарида янги туғилганларнинг 4—5 фоизини ташкил қилмоқда.

Нормал миқдордаги хромосомалардан четга чиқиш билан боғлиқ бўлган бузилишлар ичида қўшимча — "ортиқча" жинсий хромосомалар ҳақидаги тушунча анча кенг тарқалди. Ортиқча жинсий хромосомалар мавжуд бўлса ўғил болалар туғилади. Совет олимлари томонидан хромосома бузилишларининг криминогенлик (жиноят содир этишга мойиллик) хусусиятлари 1868 та шахсда текшириб кўрилганда буларнинг фақат 5 тасидагина аномалия (нормадан четга чиқиш) ҳоллари аниқланиб, уларнинг ҳам 4 тасининг ақли норасо бўлган. Бу тадқиқотлар натижасида хромосома аномалиясига эга бўлган шахслар нормал хромосомалик жиноятчиларга нисбатан тажовузкор бўлади деган фикрлар асоссиз эканлиги исботланади. Жиноятчилик қўшимча — "ортиқча" хромосомага эга бўлиш билан боғлиқ эмас.

Хромосома аномалиясига эга бўлган шахслар кўпинча бирон бир касаллик билан оғриган бўлиши мумкин, лекин хромосома аномалиясининг жиноий хулқ билан боғлиқлигини ҳали ҳеч ким исбот қилиб бера олган эмас. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, бирон-бир кишини хромосома аномалиясига эга бўлганлиги учунгина жиноят содир этишга мойил дейишнинг ўзи ҳам ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Илғор фикрли олимларнинг фикрича, у ёки бу шахсни шундай тоифадаги шахслар гуруҳига қўшиб қўйиш киши ҳаётини бир умрга барбод қилиб қўйиши мумкин. С. Чавкин "Ақл-идрок ўғрилари" номли китобида хромосома аномалияси билан туғилган ўз боласига нисбатан ҳатто ота-онанинг бошқача қараши, охир оқибатда албатта боланинг руҳий ҳолатининг бузилишга олиб келади, — деб ёзади.

Американинг Миннесот университети олимлари томонидан 350 жуфт эгизакда тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот ишлари олти кунли кенг программада олиб борилди. Тадқиқот программасига қоннинг анализи, электроэнцефалограмма, ақлий қобилияти, аллергияга берилувчанлик ва бошқа кўпгина саволлар киритилган эди. Бу тадқиқот натижасида наслий хусусиятлар болаларнинг характери шаклланишида тарбияга нисбатан кучлироқ таъсир қилади, деган хулосага келинган².

¹ Чавкин С. Похитители разума. М., 1981. с. 144.

² Қаранг: журнал "Америка" 1988, № 381. с. 29

Инсон хулқининг шаклланишини унинг ички моҳиятидан қидириш, инсоннинг ҳуқуққа хилоф хулқининг туб сабабини аниқлаш йўлидан четга чалғитишдан бошқа нарса эмас,— деб ёзади А. М. Яковлев. Ҳуқуққа хилоф хулқ сабаблари инсон шахсидан ташқарида ётади. Бу сабаблар энг аввало шахсни ўраб турган ижтимоий муҳитда ёки инсон шахси шаклланиш жараёнидаги турли индивидуал тажрибаларда мужассамлашган ижтимоий муҳит кўринишларида ўз ифодасини топади¹.

Бутун жаҳондаги ҳур фикрли олимлар жиноятчиликнинг биологик хусусиятлари ҳақидаги назарияларни рад қиладилар. Шунингдек, генетика фанини туғма жиноятчилик ҳақидаги назарияларни исботлашга асос қилиб олишга уринишлар ҳам барбод бўлди. Жумладан, жиноят содир қилган шахсларда ортиқча хромосома мавжуд бўлади деган уринишлар пучга чиқди.

Жиноятчиликка фақат социал ва биологик ҳодиса сифатида қараш, бунда ҳатто социал ҳодисаларга кўпроқ аҳамият берилган тақдирда ҳам бизнингча тўғри бўлмайди. Бизнинг фикримизча ҳар қандай алоҳида олинган жиноятчининг сабаби соф ижтимоий муҳитда ҳам ёки соф шахснинг ўзида ҳам ётмайди, балки унинг сабаби учта манбада, бошқача қилиб айтганда, учта кенгликда ётади. Булар биринчидан ўзида комплекс сифатларни, шу жумладан биологик сифатларни ҳам мужассамлаштирган шахснинг ўзида; иккинчидан — жиноят содир қилган шахс яшаётган ижтимоий муҳитда ва учинчидан — жиноят содир этилишига олиб келувчи вазиятларда. Ана шу учта кенгликдаги факторлар бирлиги мавжуд бўлсагина алоҳида бир жиноят содир бўлиши мумкин. Шунга кўра жиноятчилик ҳодисасини фақат социал ҳодиса деб ҳисоблаш ёки фақат инсоннинг биологик хусусиятларидан қидириш тўғри бўлмайди.

Ҳозирча бу масалани на генетика фанининг ютуқлари, на бошқа ижтимоий фанлар рад қила олгани йўқ. Аммо шунга қарамасдан И. И. Карпецнинг таъкидлашича жиноятчилик социал норозиликнинг шаклидир².

1

Яковлев А. М. Теория Криминологии и социальная практика. М., Наука, 1985, с. 105.

2

Қаранг: Карпец И. И. Преступность иллюзии и реальность. М. Российское право, 1992, с. 33.

Жиноятчиликни тадқиқ қилган турли оқимлар унинг келиб чиқиш асослари тўғрисида бир-бирига зид турли хулосаларни баён қилиб, бирлари жиноятчиликни инсониятнинг авлоддан-авлодга ўтувчи биологик ҳодисаси деса, бошқа бир гуруҳлари, социал адолатсизлик, яна бошқа бирлари, жиноятчилик сабабларининг илдизи синфий қарама-қаршиликда ётади деб ёзадилар. Яъни бу оқимлар жиноятчиликни бир томонлама тадқиқ қиладилар.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари, биология, генетика, социология ва бошқа фанларнинг ютуқлари шуни кўрсатмоқдаки, инсон шахсининг шаклланиши фақат иккиёқлама таъсир туфайли рўй беради. Булар биринчидан — инсоннинг ўзига жамланган, авлоддан-авлодга ўтувчи генетик хусусиятлар, иккинчидан эса ижтимоий, ҳаётий муҳит. Инсон шахси ана шу иккита фактор таъсиридагина шаклланади. Инсондаги, инсоний генетик хусусиятлар ижтимоий ҳаёт муҳитидагина ривож топади. Ижтимоий ҳаёт муҳити бўлмаса, инсон шахсининг шаклланиши рўй бермайди. Тўғри, ундаги қатор биологик нуқсонлар, гавда тузилиши, танадаги белгилар ўтиши мумкин, аммо инсон шахсининг шаклланиши ижтимоий ҳаёт шароитидагина ривож топади. Ижтимоий ёмон шароитнинг ўзи тўғридан-тўғри жиноятчи шахсини шакллантиравермайди. Балки, объектив ҳаётий муҳит унинг шахси ривожланишининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади. Демак, ижтимоий муҳит жиний хулқнинг шаклланишида тўғридан-тўғри аҳамиятга эга бўлмай, унинг ривожланиш шароити ҳисобланади ва борган сари шахснинг ички маънавий дунёсини, руҳияти (психологияси)нинг шаклланишида изчил аҳамият касб эта боради ва инсон шахсига таъсир қилиб борувчи асосий факторга айланади. Шунга кўра, криминология китобининг муаллифларининг фикрича: "Шахс жиноятчи бўлиб туғилмайди" балки унинг шахсида ижтимоий ҳаёт таъсирида жиноятчига хос бўлган сифатлар ривож топади ва шаклланади¹.

XIX асрда жиний фаолият кўпинча ирсийлик хусусиятига эга деб қаралган. Масалан, ўғрилик жиноятига мойилликни ҳамма жойда мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтувчи хусусиятга эга деб қаралган. Аммо жиноят содир этишга мойилликни авлоддан-авлодга ўтувчанлигини исботлаб бўлмайди. "Шахсга зўрлик ишлатиб тажовуз

¹ Криминология. М., Манускрипт, 1992, с. 69.

қилган маҳкумларнинг жиноят ишини ўрганиш натижа-сида олинган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, улардаги наслдан-наслга ўтувчи генетик тажовузкорлик сифатлари, зиддиятли вазият вужудга келган ҳолатда ҳуқуққа хилоф воситалар орқали зўрлик ишлатиш учун журъат туғдирувчи омиллардан бири сифатида қатнашади" — деб ёзади М. Х. Рустамбоев¹.

Криминология учун бошқа турдаги ҳодиса ва белгилар ҳам маълум даражада аҳамиятга эга. Жумладан, космик биология коинотнинг таъсир қилиш сирларини борган сари чуқурроқ ўрганиб, аввало, қуёш радиациясининг инсоннинг руҳий физиологик ҳолатига таъсир қилишини очиб бермоқда. 20-йиллардаёқ Л. А. Чижевский ердаги айрим ҳодисаларнинг қуёш активлиги билан боғлиқ эканлигини ва бу ҳар 11,5 йиллик вақт билан қайтарилиб туриши ҳамда эпизотия ва эпидемиялар тарқалиши, юрак-қон томирлари касалликларига таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида айтган эди. У йилларда ҳали қуёш радиациясининг инсон саломатлигига, ернинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига таъсирини аниқ айтишнинг иложи йўқ эди.

Ҳозирги кунда қуёшдан келаётган салбий ҳодисаларни аниқлаб кишиларни улардан огоҳлантириб турувчи Бутунжаҳон қуёш хизмати ишлаб турибди.

Кейинги йилларда эҳтиётсизликдан содир этилаётган жиноятчилар динамикасига қуёш бўронининг таъсир қилиши ҳақидаги янги маълумотлар аниқланди. Жумладан, И. Эрмани Будапешт шаҳридаги йўлларда содир бўлган 5479 та бахтсиз ҳодисани ўрганиб, геомагнит бўрон бахтсиз ҳодисаларнинг миқдорини оширганлигини таъкидлайди, Венгрия металлургия саноатида содир бўлган 654 та бахтсиз ҳодисани ўрганиб, олим, "магнит бўрони ҳароратнинг бирданига совиб кетиши вақтида содир бўлса, анча хавфли тус олади" — деган хулосага келади.

Ш. Мсамура 1966 йилнинг 1 июлидан 15 июлигача ҳар куни Япониянинг ўнта шаҳарида содир бўлган жуда кўп йўл ҳаракати ҳодисаларини ўрганган. Текширишдан аниқланишича, 1966 йил 7 июль куни Япониянинг турли жойларида жойлашган ана шу ўнта шаҳарларда йўл ҳодисаларининг кўпайганлиги маълум бўлган. Айнан ана

¹ Қаранг: *Рустамбаев М. Х. Ответственность за преступления против здоровья по законодательству Республики Узбекистан. Нукус, 1992, с. 273.*

шу куни қуёшда кучли хромосфера портлашлари юз берганлиги кузатилган эди. В. П. Десятков ўз кузатишларидан қуёшдаги чақнашлар содир бўлишининг биринчи куни бошқа тинч кунларга нисбатан автомобиль ҳалокати ҳодисаларининг 4 марта ошиб кетганлиги ҳақида ёзади. Бу материаллар медицина маълумотлари билан солиштириб кўрилганда, қуёшда чақнашлар юз берган вақтда инсондаги у ёки бу ташқи таъсирга сезувчанлик тўрт барабар камайиши маълум бўлади.

Кейинги йилларда эронобиология ва биоритмология фани пайдо бўлдики, бу фаннинг "хулқий биоритмология" бўлими криминология фани учун аҳамиятлидир. Биоритмология фани тасдиқлашчи, одамлар баъзан кўп кунлик жисмоний ва эмоционал силсилали ҳолатга тушиб турадилар. Ана шундай ҳар бир циклнинг ўртасида ижобий (мусбат), салбий (оғир руҳий) кайфиятлар мавжуд бўлади. Салбий депрессия босқичида одамлар эътиборсизроқ, парижонхотирроқ бўлиб қолади. Бундай ҳолатда транспорт воситаларини бошқараётган шахслар бахтсиз ҳодисаларга кўпроқ гирифтор бўлиши мумкин.

Бир қанча автокорхоналарда психофизик ҳолатни вужудга келтирадиган бундай "бехосият" кунлар ҳақида ҳайдовчиларни огоҳлантириш тизими ишлаб чиқилган. Рейсга чиқиш олдидан ҳайдовчилар текшириб кўриладиган махсус медицина пунктлари ташкил қилинган.

Ҳисоблаш марказларида автотранспорт ҳодисалари ҳақидаги маълумотларни ҳисоблаш бўлимлари ташкил этилмоқда. Бундай ҳисоблаш марказлари ҳар бир ҳайдовчи учун "оғир" бўладиган кунлар ҳақидаги маълумотлар ёзилган ҳужжатларни автокорхона раҳбарларига юборади. Ҳайдовчига эса ўша куни транспорт воситасини ҳайдаш мумкин эмаслиги ва у фақат корхонанинг ўзида иш билан таъминланиши кераклиги ҳақида маълумотнома берилади. Ана шундай тартиб билан иш юритувчи Грузия автокорхоналарида автомобиль ҳалокатлари 25 тага камайган. Албатта, биоритмологияга қарши кишилар ҳам йўқ эмас. Улар инсон учун табиий "оғир" кунларнинг мавжудлигини инкор қиладилар ва олдиндан бу ҳақда шахсни огоҳлантириш салбий роль ўйнаши мумкин деб, бу тўғрида учувчилар билан олиб борилган текширишларни далил қилиб кўрсатадилар.

Шундай бўлса-да, космик ҳодиса ва жараёнларни руҳий физиологик таъсирини биоритмология жиҳатидан ўрганишга; айниқса эҳтиётсизликдан содир этиладиган

жиноятларга таъсирини ўрганишга криминология бефарқ қарай олмайди.

Жиноят содир этган кишиларнинг шахси проблемаси ғоят мураккабдир. Айнан ана шу масалада, яъни жиноятчиликнинг биологик хусусиятлари ва бу концепцияни рад этувчилар ўртасида ғоят кескин қарашлар вужудга келади.

Бу борада жуда кўп тадқиқотлар ўтказилган, китоблар ёзилган. Собиқ совет криминологияси инсоннинг шахси масаласида инсон — ижтимоий муносабатларнинг йиғиндисидир, деган концепцияга асосланади. Айни пайтда инсон келиб чиқиши жиҳатидан биосоциал мавжудотдир. Жумладан И. С. Ной инсон руҳий ҳолатининг наслий хусусиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Аммо барча кишиларда ҳам криминоген хусусиятлар юзага келавермасдан, балки улар алоҳида руҳий физиологик хусусиятли кишилардагина намоён бўлади. "Ёмон муҳит билан кишилардаги криминоген сифатлар туқнашганда айнан жиноятчилик деган ҳодиса содир бўлади", — деб ёзади А. С. Ной¹. Бундай фикрни К. Чапек ҳам қўллайди. Унинг таъкидлашича, жиноят содир этишга таъсир қиладиган омиллар сирасига инсон ўзи дунёга келган вақтдан бирга туғиладиган жиноят содир этишга мойилликни... унинг физиологик ахлоқий асослари ҳисобланган кўнгилчанлик, қаҳри қаттиқлик, виждонлилик ва ҳоказолар каби хислатларни уйғунлаштириб турувчи генетик омилни ҳам киритиш керак². Бошқа муаллифлар эса, ғаразли мақсадларда қилинадиган жиноятларнинг барчаси содир бўлишига олиб келадиган ҳолатлар — қулай вазият, алоҳида шахсларнинг ҳаракати, моддий бойликка бўлган ўчлик ва ҳоказолар — деб ҳисоблайдилар. Жиноят содир этишнинг асосий сабаби эса субъектнинг ўзида ётади. Ҳатто шахс жамиятга хилоф таассуротларга берилган маълум бир вазиятда жиноят содир қилганда ҳам у бу ҳаракатни ўз шахси шундай бўлганлиги учун содир қилади, деб ҳисоблайдилар³.

¹ Ной А. Методологические проблемы советской криминологии. Саратов. 1975, с. 133.

² Чапек К. Новые задачи и направления марксистской криминологии, "Социалистическая законность", 1976, № 2, с. 29.

³ Антонян Ю. М., Голубев В. П., Кудряков Ю. М., Личность корыстного преступника. Томск. 1989, с. 28—29.

Бизнинг фикримизча жиноятчиликнинг шароит ва сабаблари ичида ижтимоий омиллар асосий ўринда туради.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, кишиларнинг жамиятга хилоф хулқлари ва онгини таҳлил қилганда инсон ўзида фақат ижтимоий белгиларнигина эмас, балки бошланғич биологик белгиларни ҳам мужассамлаштирганлигини, яъни инсон қарама-қарши томонларнинг бир бутунлигини, аниқроғи бир бутуннинг икки томонини ўзида муштарак қилган мавжудот эканлигини унутмаслик керак.

Жамиятда онг деган қобилият билан таъминланган, маълум мақсадга эришиш учун чуқур ўйлаб ёки эҳтирос таъсирида ҳаракат қиладиган кишилар яшайди. Бу ерда онгсизлик билан ўйламай-нетмай, бирон бир мақсадсиз ҳеч нарса қилинмайди,— деб ёзган эди Ф. Энгельс.

Бундан шундай муҳим хулоса чиқариш керак: инсон — онгли мавжудот ва унинг мақсади биологик инстинктдан ёки ҳайвонлардаги биологик қонуниятлардан ташқарида ётади. Шахснинг жамиятга хилоф хулқи маълум даражадаги психофизиологик хусусиятлар билан, яъни айрим руҳий мувозанатнинг бузилишига сабаб бўладиган четга чиқишлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Албатта, кишиларнинг қарашлари, одатлари, ахлоқининг шаклланишида аввало ижтимоий шароит муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда битта жамиятда, муайян бир синфдаги, индивидуал битта гуруҳдаги алоҳида индивидларнинг ўртасида ҳам ўзаро психофизиологик ва бошқа фарқларнинг бирлигини ҳам рад қилиб бўлмайди,— деб ёзади П. Н. Федосеев. Жиноятчиликнинг туб илдизини инсоннинг биологик хусусиятларининг ўзидан қидириш бемаъниликдир. Лекин, кишилардаги ўзига хос индивидуал хусусиятларни ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас¹.

Инсон жамият ўтмишидаги ижтимоий тараққиётнинг натижаси сифатида табиат томонидан унга берилган маълум даражадаги табиий имкониятлари ва қобилияти билан дунёга келади. Шунга кўра ундаги биологик хусусиятлар рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир. Бу хусусиятларга мавжуд ижтимоий ҳақиқат таъсир қиладди. Лекин бундан шахс фақат табиатнинг маҳсули деган хулосага келиб бўлмайди, унинг ривожланиши иккиёқлама таъсир остида, яъни ҳам ижтимоий, ҳам биологик омиллар таъсирида юз беради.

¹

Федосеев П. Н. Философия и научное познание с. 249.

Психолог олим К. К. Платонов шундай деб ёзган: "Шахс — бу муайян индивидуал психологик хусусиятларга эга бўлган ижтимоий мавжудотдир. Жамиятдан ташқарида шахс бўлмайди, чунки ҳар бир киши шахс сифатида жамоада ва бошқа шахслар билан мулоқотдагина, фақат жамиятдагина шаклланади".

Шахснинг хулқини ўрганиш — алоҳида жинойтларнинг сабабларини аниқлаш калитидир. Шахснинг хулқи унинг ҳаракатлари (қилиқлари) фақатгина ушбу шахснинг қарашлари ва дастуриламалларигагина хос бўлмасдан, балки улар маълум даражада шахснинг айрим руҳий хусусиятлари билан ҳам ифодаланади. Бир хил шароитда ҳар хил одамларнинг турлича ҳаракат қилишининг сабаби, фақат улар онгининг қарашлари, дастуриламалари ва идеалларининг турлича бўлганлигидан эмас, балки, энг аввало улар мизожининг, феъл-атвори, иродаси ва ҳоказоларга ҳам боғлиқ эканлигидадир. Ҳар бир кишининг ички дунёси ўзига хос ва алоҳидадир. Ҳар бир киши ташқи таъсирни турлича қабул қилади ва унга турлича акс таъсир билдиради: бирлари ташқи таъсирга тез ва аниқ ҳаракатлар билан жавоб қилса, бошқа бирлари секинроқ ҳаракат қиладилар, бирлари тез таъсирланиб кучли ҳаяжонга тушсалар, бошқа бирлари бундай вазиятларга бефарқ бўлади; айримларида оғир ташвиш пайдо бўлса, иккинчиларидаги ташвиш ва ҳайратланиш юзаки ва ўзгарувчан бўлади; бирлари мулоҳазали ва эҳтиёткор, бошқа бирлари енгилтак ва мулоҳазасиз; бирлари қаҳри қаттиқлиги, раҳмсизлиги, қўрқоқлиги билан ажралиб турса, бошқа бирлари раҳмдил, ҳозиржавоб, сезгир, қўрқмас бўладилар, яна бировлари ўз истакларини амалга оширадиган; айримлари эса пассив, қатъиятсиз ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Инсоннинг ривожланиши ва ижтимоий ҳодисаларни қабул қилишида биологик омиллардан ташқари наслий хусусиятлар ҳам мавжуд бўлиб, наслий хусусиятлар унга авлодларидан ота-онаси орқали ўтади ва бундай хусусиятларнинг қай даражада ўтиши ота-онанинг физиологик, руҳий ва интеллектуал ҳолатига боғлиқ бўлади.

Буларнинг барчаси шубҳасиз шахснинг хулқига, унинг ҳаракатларига таъсир қилади. Жинойт содир этишда шахснинг темпераменти — мизожи, эмоционал-ҳиссий ва иродавий хусусиятларининг роли каттадир. Чунки бундай ҳолат киши шахсида жамиятга хилоф қарашлар ва хулқий

дастуриламалларнинг шаклланишида ўз таъсирини кўрсатади.

Шахснинг ташқи вазият таъсирини қандай қабул қилиши ҳам шунга боғлиқдир. Масалан, жабрланувчи ўзига нисбатан ишлатилган кучли зўрлик ва қаттиқ ҳақорат туфайли ёки бирон бир воқеа-ҳодисанинг кучли таъсир қилиши натижасида кучли руҳий ҳаяжон остида жиноят содир қилиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари шахс руҳиятининг яна бир муҳим хусусияти шундаки, у асосан субъектда субъектнинг иродавий ҳолати, нисбатан ҳар қандай тажовуз қилиш содир этилгандаги ташвишлари, ҳис-туйғулари билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари ва уларнинг алоҳида субъект хатти-ҳаракати хулқидаги роли, психология фанида, айниқса, И. П. Павловнинг "Олий нерв системаси фаолияти ва физиологияси ҳақидаги таълимоти"да кенг ва чуқур тадқиқ этилган.

И. П. Павлов психик фаолиятнинг физиологик асосларини ишлаб чиқар экан, инсоннинг хулқи энг аввало, нерв система билан белгиланишини (аниқроғи бошқарилишини) таъкидлайди. И. П. Павлов нерв жараёнларининг икки қарама-қарши ҳолатлардан иборатлигини ҳамда улар ўртасидаги доимий кураш мавжудлигини, нерв системасидаги бу кураш нерв системасининг ягона фаолиятини ташкил этишини ва улар қўзғатувчи ва тормозланувчи жараёнлардан иборат эканлигини асослаб берган эди. Нерв фаолиятидаги бу иккиёқлама хусусиятлардан бирининг доимий фаол ҳаракати оқибатда нерв фаолиятининг типини ташкил қилади.

Психологияда мизож — темперамент шахснинг индивидуал хусусиятлари йиғиндиси сифатида белгиланиб, кўпроқ инсоннинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда, унинг психологик жараёнлар ва эмоционал ҳолати динамикаси билан характерланади.

Темпераментнинг ўзига хос муҳим кўрсаткичлари руҳий жараёнларнинг тезлиги, кучи, бу кўрсаткичлар таъсирланишнинг даражасининг чуқурлиги, асабий, қўзғалишининг ҳолати, ташвишларнинг доимий ва ўзгарувчанлиги, уларнинг нимага қаратилганлиги, ташвиш ва кечинмаларнинг қилиқ ва ҳаракатларга бўлган муносабати ва ҳоказоларда ифодаланади.

Кишининг темпераменти ўз асосларига кўра туғма ҳодиса эканлиги И. П. Павлов томонидан исбот қилинган,

буни барча тан олган. Темперамент инсон руҳий ҳолатининг динамик хусусиятларини характерлайди. И. П. Павловнинг тадқиқотларига кўра темперамент инсон марказий нерв системасининг учта асосий хусусияти таъсирида юзага келади. Булар: нерв кучи, вазминлиги, қўзғалувчанлик ва тормозланиш жараёнларининг ҳаракатчанлигидир.

Ана шуларнинг комбинацияси тўртта типдаги темперамент юзага келишига сабаб бўлади ва булар: сангвиник (питрак, серҳаракат); холерик (ҳаяжонланиб, қизишиб кетадиган); флегматик (суст, бепарво, тебса-тебранмас); меланхолик (ғамгин, дилгирликка мойил). И. П. Павлов бундай темпераментлар ҳар бирининг конкрет индивидда мавжудлиги нерв системасининг типи билан боғлиқ бўлишини исботлаб берган эди.

Сангвиниклар — ғайратли, жонли, хушчақчақ, жуда серҳаракат бўлади. Улар жуда тез таассуротга берилиш билан фарқланадилар, ҳодисаларни жуда тез қабул қиладилар ва ҳозиржавоб бўлади, аммо ўз шахсий ташвишларига кам аҳамият беради. Сангвиникларда ҳис-туйғу ирода ва идрокка нисбатан устун туради, аммо улардаги ҳис-туйғу жуда кучли бўлмай, юзаки ва тез ўтиб кетадиган бўлади. Бундай кишилар бошқа шахслар билан тез киришиб кетади, лекин уларнинг бошқа шахслар билан бўлган муносабати кўпроқ юзаки бўлади, улар ўзи кўнгил қўйган, ўрганиб қолган нарсалардан осонгина воз кеча олади. Улар хурсандчилик ва мусибатни, ютуқ ва муваффақиятсизликни, хафагарчилик ва хушнудликни тез унутадиган бўлади. Сангвиниклар шошқалоқ бўлганлиги туфайли ўз қарорлари устида ҳам чуқур ўйлаб ўтирмайдилар, уларда ўйланмаган ва енгилтаклик билан қилинган ҳаракатлар кўпроқ содир бўлади. Шунга кўра бундай одамларда ўз мақсадига сабот ва қатъиятлилик билан астойдил интилиш етишмайди.

Холериклар — қизишиб кетадиган, жўшқин, зўр бериб кескин ҳаракатлар қиладиган ва салга ловуллаб кетадиган, камчиликларга мойил, руҳий ҳолати жуда тез ўзгарадиган ва кайфияти беқарор кишилардир. Улар фавқулодда таъсирчан ва таассуротга бериладиган, хурсандчилик ва ғамгинликни чуқур ҳис қиладиган кишилар бўлиб, уларда яхши кўриш ва ёқтириш ҳисси чуқур ва турғун бўлади, айни пайтда улар қатъиятли кишилардир. Холериклар ўз ҳаракат ва қилмишларида қатъиятли, серғайрат, саботли бўладилар.

Флегматиклар — вазмин, юраги кенг, ҳаракатлари бир маромдаги, ўзини босиб олган ва мулоҳазали одамлардир.

Уларнинг интилиш кайфиятлари кўпроқ турғун бўлади. Уларни тинч руҳий ҳолатдан чиқариш анча қийин, бироқ, баъзан флегматикларни ҳаяжонланган ҳолда ҳам кўриш мумкин. Бироқ, унча кучли бўлмаган ҳаяжонланиш ҳам уларда анча турғун ва узоқ муддатли бўлади. Флегматикларда интилиш, хайрихоҳлик, ёқтириб қолиш, ёмон кўриш ва ҳоказо ҳиссиётлар анча кучли ва турғун бўлади.

Меланхоликлар эса жуда таъсирланувчан бўладилар. Улар ташқи кўриниши жиҳатидан бўшашган, ҳиссиётлари суст кўринишга эга бўлса-да, оддий воқеа ва ҳодисалардан қаттиқ таъсирланиш хусусиятига эга бўладилар, руҳий жараёнлар бундай шахсларда секинлик билан кечади. Меланхоликлардаги сезги жўшқинлик хусусиятига эга бўлмай, кўпроқ кайфиятга боғлиқ бўлади. Улар камгап ва ғамгинликка мойил, турли нохушликларни бўрттириб қабул қиладиган, кўпроқ ўзи билан ўзи овора ва бошқалар билан камроқ алоқада бўладиган кишилардир. Меланхолик мизсэжли кишилар кўринишидан тушкунликка тушгандек туюладилар, уларда руҳий тетиклик, бардамлик кайфияти сезилмайди, ўз ҳаракатларида улар иккиланувчан, айрим ҳолларда ўта пассив, ўз ишига қизиқувчанлик билан ёндашмайдиган, ҳатто ўз тақдирига бепарқ қарайдиган кишилардир.

Ҳар бир киши юқорида тасвирлаб ўтилган хусусиятлардан бирига соф ҳолда эга бўлади деб тушуниш ҳам нотўғри бўлади. Одатда, бир кишининг мизожида юқорида тилга олиб ўтилган хусусиятларнинг кўпчилиги муштарак ҳолда бўлиб, улардан бири кўпроқ ривожланган бўлади.

Инсон психикасининг юқорида қайд этилган индивидуал хусусиятларини, кишиларда руҳий жараёнлар қандай ўтишини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эгадир. Чунки айнан шундай тадқиқот орқали маълум бир ҳаётий вазиятда субъект турли ҳолатлардан қай бирини танлаб ҳаракат қилиши мумкинлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Шахснинг интилиши, унинг талаб ва манфаатлари даражаси ва миқёси, қизиқишлари, ахлоқий сифатлари, иродавий хусусиятлари ва бошқа ижтимоий хусусиятлари, унинг темпераменти ижобий ёки салбий хусусиятларга эга бўлиб шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Улар шахсдаги

у ёки бу хусусиятларнинг ривожланишига таъсир қилиб, индивиднинг ҳаракатларида, унинг хулқида намоён бўлади. Хулқ эса ҳаракатда юзага чиқади.

Масалан, интеллектуал жиҳатдан сангвиник белгилари яхши ривожланган кишиларда, интизомлилик, юқори ахлоқ, актив ижтимоий фаолият билан яшаш, одамлар билан гоят яхши муносабатларни ўрнатиш, зийраклик, раҳмдиллик, тетиклик, ҳаётий қувноқлик хусусиятлари яхши ва тез ривожланади.

Индивидда юқорида айтилган ижтимоий сифатларнинг ривожлантирилиши ҳаётда рўй берадиган турли мураккаб вазиятларни ва қийинчиликларни қатъиятлилик ва ишонч билан ҳал қилишга ёрдам беради, ҳар қандай ноқулай ҳаётий вазиятда ҳам тўғри йўлни топа билишда, тўғри хулқий ҳолатни сақлашда асосий омил ҳисобланади. Аксинча: муҳим манфаатлар учун ҳаракат қилишда дангасалик қилган, қатъий, мустақил қарашларга эга бўлмаган, айниқса иродаси бўш бўлган шахсларда сангвиник хусусиятлар енгилтаклик, бепарволик, кишилар билан бўладиган турли-туман мулоқотларнинг палапартишлиги, ҳар қандай одамга ҳам ишонавериш, бошқа шахсларнинг салбий таъсирига берилиш ва ҳоказоларга ҳам олиб келиши мумкин.

Холерик хусусиятларга эга бўлган кишиларда ўз навбатида ахлоқий ва иродавий сифатларнинг юқори бўлиши, муҳим эҳтиёж ва манфаатларнинг ижтимоий тартибга солинганлиги шахсдаги ижобий жиҳатларни ривожлантиради.

Холерик мизожга эга бўлган кишилар ҳаракатчан, ташаббускор, принципаал, турли ҳаётий вазиятларда мақбул йўлни танлай оладиган, турмушда вужудга келадиган турли қийинчилик ва тўсиқларни қатъият билан енгиб борадиган, ўзининг ахлоқий қарашларига мос тушадиган тўғри позицияни танлай оладиган бўлиши ҳам мумкин.

Жамиятда кишиларнинг муҳим эҳтиёж ва манфаатларининг ижтимоий тўғри тартибга солинмаслиги киши темпераментидаги салбий хусусиятлар ривожланишига сабаб бўлиши ҳам мумкин. Индивидда бундай хусусиятларнинг шаклланиши ва ривожланиши унинг жамиятга хилоф бўлган турли хатти-ҳаракатларни содир этишига олиб келиши мумкин.

Демак, киши темпераменти унинг хулқига таъсир қилиб, ундаги ҳаракатчанлик, психик реакцияни белгила-

са, характери шундай реакциянинг мазмунини белгилайди. Яъни, ташқи ҳолатлар таъсирида кишида вужудга келадиган сезги, эмоция, мақсад ва ташвишлар мазмунини белгилайди.

Инсон хулқида, унинг қилмишларида ташқи таъсирнинг аҳамияти ва бу таъсирни инсон қандай қабул қилишининг ўзигина муҳим бўлмасдан, балки субъект ўзида пайдо бўлган бундай сезги, таассурот ва истакларни қандай рўёбга чиқариши ҳам ўта муҳимдир. Агарда ташқи таъсирга берилиши шахснинг темпераменти билан боғлиқ бўлса, ташқи таъсирга акс таъсир кўрсатиш киши характери билан боғлиқ бўлади.

Характер — бу шахснинг хулқида намоён бўладиган, уни ўраб олган атрофдаги объектив ҳақиқатга нисбатан турли-туман муносабатини ифодаловчи турғун хусусиятларнинг йиғиндисидир. Характер инсон руҳининг (психикасининг) анча мураккаб системасидир. Унинг шаклланишида турмуш шароити ва киши фаолияти муҳим роль ўйнайди. Киши темпераменти — мизожи характери билан муштаракликда ривожланиши мумкин. Булар меҳнатда, ўқишда, дам олишда, турли машғулотлар давомида, ижтимоий ва оилавий фаолиятда, одамлар билан мулоқотда, хурсандчиликда, мусибатда, муваффақият ва муваффақиятсизликда яққол намоён бўлади.

Шахснинг характерини ифодаловчи хусусиятлар айнан бир хил ҳаётий вазиятда ҳар бир шахснинг ҳар хил ҳаракат қилишининг сабабларидан биридир.

Жамиятга хилоф ҳаракатларнинг кўпчилиги иродасизлик оқибатида содир бўлади. Яна шу нарса ҳам маълумки, жамиятга хилоф қарашлари турғун бўлиб қолган шахслардаги кучли ирода ғоят хавфли салбий характерни вужудга келтириши мумкин.

Ижтимоий таъсир қилиш йўли билан қайта тарбиялаш ёки ўзгартириш мумкин бўлмаган характер бўлмайди.

Онг сезги ва тафаккурнинг бирлиги сифатида инсон шахсининг асосини ташкил қилади. Инсон организми ёшининг хусусиятлари унинг шахсини шакллантиришга ҳам катта таъсир қилади. Бир хил ижтимоий муҳит турли ёшдаги кишиларнинг шаклланишига турлича таъсир қилиши мумкин. Чунки бир хил муҳитда бўлган ўсмир ва ёши улғайган шахс муайян муҳитдан турлича таъсирланади ва турлича ахборот қабул қилади. Бунда мавжуд муҳит улар ҳар бирининг онгига турлича таъсир қилади,

улар қабул қилинган ахборотни турлича тушуниб этади ва унга ўз акс таъсирини билдиради.

Индивиднинг ривожланиши жараёнида, унинг онги шаклланишида, ижтимоий ва биологик хусусиятининг нисбати ўзгариб боради. Масалан, 7—14 ёшдаги ўсмирлар руҳиятига кўпроқ хулқ билан боғлиқ мотивлар таъсир қилади. Ўсмирлардаги биологик хусусиятлар юридик иш юритишда (юриспруденцияда) ҳам эътиборга олинади. Масалан, гражданлик қонунида 16 ёшга тўлмаганлар тўла муомала лаёқатига эга бўлмайдилар. Жиноят қонунига биноан эса, бу ёшдаги ўсмирлар жамият учун хавфли ҳаракат содир қилган тақдирда субъект ёшига етмаганликлари туфайли жиноий жавобгарликка тортилмайдилар.

Шахс ахлоқининг шаклланиш жараёнида инсоннинг жисмоний ва руҳий индивидуал хусусиятлари муҳим ақамиятга эга. Бу индивидуал хусусиятлари турли-туман воситалар орқали ташқи социал муҳит таъсирида шахснинг шаклланишига ҳам бевосита таъсир қилади. Натижада бир хил бўлган ташқи социал муҳит ва ташқи факторлар шахснинг индивидуал хусусиятларига кўра турлича таъсир қилади ва турлича натижаларга олиб келади. Жиноят содир қилган эгизакларни айнан ана шу аспектда тадқиқ қилинганида, маълум бўлишича, наслий белгилари деярли бир хил бўлган шахсларда бир-бирига ўхшаш ижтимоий ёки ижтимоийликка хилоф белгилар икки марта кўпроқ экан. Масалан, наслий белгилари ўхшаш бўлмаган эгизаклар ва ака-укаларда бундай хусусиятлар 34 фоизни ташкил қилса, наслий белгилари бир хил бўлган эгизакларда 72 фоизни ташкил этади. Айрим тадқиқотчилар мана шу асосда мерос тариқасида ўтадиган бу наслий белгилар кишида ижтимоий фойдали ишларга ёки жиноят содир қилишга мойиллик туғдиради, деб асослашга уринадилар. Фикримизча, бундай омилларни қуйидагича тушунтириш керак. Эгизаклар тарбияланган оилавий муҳит деярли бир хил, улар бир хилда тарбия оладилар, уларнинг физиологик ва руҳий хусусиятлари ҳам бир хил бўлади. Табиийки, бир хил бўлган ижтимоий таъсир (ижобий ва салбий) бир хилдаги белгиларга эга бўлган шахсларга таъсир қилиб, ўхшаш натижалар беради, турли индивидуал белгиларга эга бўлганларда эса ҳар хил натижалар беради. Айрим олимларнинг тушунтиришларига кўра бир хил наслий белгиларга эга бўлган эгизакларда ҳам бир-биридан қатъий фарқ қиладиган руҳий фазовий

ҳолатдаги ички фарқ мавжуд. Бундан кўриниб турибдики, ҳатто бир хилдаги наслий белгиларга эга бўладиган шахсларда турли шаклда тарбия олиб борилса улардаги руҳий жараёнлар ҳар хил бўлади.

Жиноятчиликнинг қариндош-уруғлар ўртасидаги муносабати ва бу борадаги генетик фарқ омилининг таъсирини аниқлаш мақсадида қариндошлик даражаси турлича бўлган шахслар ўртасида тадқиқот олиб борилди. Мазкур тадқиқот жараёнида жазони ўтаётган маҳкумларнинг шахсий делолари ўрганилди, маҳкумлар ва ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияси маъмурияти вакилларига анкета тарқатиб сўраб кўрилди. Тадқиқот 10 ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясидаги 200 кишида олиб борилди. Ушбу колониялардаги маҳкумларнинг 9 фоизининг қариндош-уруғлари судланган экан. Тадқиқот қилинган маҳкумларнинг (фақат қариндош-уруғлари судланган шахслар ажратиб олиб тадқиқ қилинган) 60 фоизининг ота-онаси, 35 фоизининг ака-укаси, 5 фоизининг болалари судланганлиги маълум бўлди. Ушбу тадқиқ қилинган қариндош-уруғлар биргаликда содир қилган жиноятларнинг 60 фоизини ҳулиганлик ва ижтимоий мулкни талон-торож қилиш ташкил қилган. Бундай ҳолатнинг генетик-ирсий омил билан боғлиқлиги аниқланмади.

"Жиноят содир қилкиш вақтида судланган қариндош-уруғингиз билан бирга яшар эдингизми?"— деган саволга қуйидаги жавоблар олинди (фоиз ҳисобида): 75 фоиз маҳкумлар ўзлари содир қилган жиноятлар билан қариндошлари содир қилган жиноятлар ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ деб ҳисоблайдилар. Сўраб кўрилган бу маҳкумларнинг кўпчилиги жиноят содир қилишларида қариндошларнинг таъсири эмас, балки дўстлари, танишлари, бирга ишлайдиган кишиларнинг, қўшнилари турмуш тарзи, хулқи кўпроқ таъсир қилганлиги ҳақида ёзганлар. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай даражада ҳам жиноят содир этилишига физиологик омилларнинг ҳам, генетик-ирсий омилларнинг ҳам ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, балки, қариндош-уруғлик фақат кишилар ижтимоий алоқаларининг бир қисми сифатида қатнашган холос¹. Шунга кўра "ўғрининг ўғли ўғри бўлади"—деган

¹ Қаранг: Дубинин Н. П., Карпец И. И., Кудрявцев В. Н. Генетика, поведения, ответственность. М., Юридическая литература, 1989, с. 205—206.

мақол илмий асосланмаган. Шахснинг индивидуал хусусиятларига унинг жисмоний ва руҳий камчиликлари ҳам киради. Жисмоний камчилик ўз-ўзидан биологик ҳодиса бўлса-да, айрим ҳолларда, ташқи муҳит билан бўладиган алоқаларда шахснинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин бўлиб қолади. Шахснинг жисмоний камчилиги, масалан, букрилик, қўл ва оёқнинг қийшиқлиги, сурункали касалликлар ва ҳоказо омиллар кишини ташқи муҳит билан алоқа қилишида ўз жисмоний камчиликларини ҳисобга олган ҳолда хулқини белгилашга, ўзининг турмушдаги моддий ва маънавий, ижтимоий имкониятларини эътиборга олган ҳолда ташкил қилишга мажбур қилади. Булар шубҳасиз бундай киши шахсининг ижтимоий шаклланишида, шахс дунёқарашининг шаклланишида ижобий ёки салбий таъсир қилиши мумкин. Масалан, букри ёки чўлоқ қизнинг турмушга чиқиши қийин. Ана шу сабабнинг ўзи ҳам ушбу қиз онгига салбий таъсир қилиб, қиз руҳиятининг шаклланишида маълум даражада роль ўйнайди. Туғма камчилик билан туғилган боланинг устидан муттасил равишда кулиш ёки масхара-лаш уни қаҳри қаттиқ, газабли, асабий, тажанг қилиб қўйиши оқибатида унинг атрофдагиларга муносабати бошқа болаларга нисбатан бошқачароқ шаклланиб қолиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, биологик омил билан жамиятга хилоф хулқ ўртасида тўғридан-тўғри боғланиш йўқ. Шахсдаги биологик белгининг шахс шаклланишидаги таъсири атроф муҳитнинг бевосита таъсир қилиши натижасида рўй беради. Мазкур ҳодиса ижтимоий омиллар, жамоатчиликнинг фикри ва ҳоказолар таъсирида рўй беради. Шунинг учун шахсда жисмоний камчилик муқаррар равишда жамиятга хилоф хулқнинг шаклланишига олиб келади,— деган фикрни мутлақ ҳақиқат ҳисоблаш мумкин эмас.

Эркаклар ва аёллар орасида жиноятчиликнинг ҳолати ва уларни қийслаш криминологияда муҳим аҳамиятга эга. Жиноят статистикаси шуни кўрсатадики, эркаклар томонидан содир этилаётган жиноятлар аёллар томонидан содир этилаётган жиноятларга нисбатан бир неча марта кўпдир.

Айрим криминологлар "аёллар туғма ҳис-туйғу таъсирида ёлғонни кўп гапирадилар" (ҳатто улар айбсиз бўлганда ҳам) деб ҳисоблайдилар. Бунинг асосий илдизи табиат аёлларни ожиза сифатида яратиб, улардаги жис-

моний кучсизликнинг ўрнини айёрлик, муғомбирлик, билан тўлдирганлигида деб биладилар¹.

Содир қилинаётган жиноятларни ўрганишдан маълум бўлишича, ҳар икки жинс вакиллари томонидан содир қилинаётган жиноятлар узоқ йиллардан бери барқарор бўлиб қолмоқда. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин:

1989 йил ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларидаги маҳкумларнинг 4,8 фоизини аёллар ташкил қилган. Жиноятчи аёлларнинг 42,5 фоизи маълум бир иш билан шуғулланмайдиганлардир. Уларнинг 15,9 фоизи қасддан одам ўлдиришда, 6,5 фоизи қасддан баданга оғир жароҳат етказишда, 4,5 фоизи босқинчиликда, 4,1 фоизи талончиликда, 29,7 фоизи фуқароларнинг шахсий мулкани ўғирлашда, 5,5 фоизи давлат ёки жамоат мулкани талон-торож қилишда, 2,9 фоизи ҳулиганликда айбланган. Уларнинг ярмидан кўпроғи (54,4 фоизи) биринчи марта жинойий жазога ҳукм қилинган. Рецидивистлар эса (иккинчи, учинчи, тўртинчи ва ундан кўп марта ҳукм қилинган аёллар) 45,5 фоизни ташкил қилган. Уларнинг 72,8 фоизи жиноятни баркамол ёшда (25 ёшдан 55 ёшгача) содир қилганлар, 20,2 фоизи ёшлигида (25 ёшгача), 2,3 фоизи 60 ёшдан ошганда содир қилган².

1990 йилда ҳукм қилинганларнинг 9 фоизини аёллар ташкил қилди. Шу йили уларнинг миқдори энг кўп кўрсаткичга — 71,5 мингтага етди³.

Аёллар томонидан жиноят содир қилиш статистикасининг кўп йиллар давомида барқарор бўлиб келиши эркаклар ва аёллар содир қилаётган жиноятларни биологик белгиларига қараб тушунтирувчи нотўғри қарашлар пайдо бўлишига сабаб бўлди. Ушбу масалани таҳлил қилиш аёлларнинг она эканликлари ва оилавий функцияси туфайли улар турли криминоген омиллардан холи эканлиги, эркакларга нисбатан аёллар ўртасида жиноят содир этиш даражасининг бир неча марта паст бўлишига сабаб эканлигини кўрсатади.

Эркаклар билан аёллар ўртасидаги жиноятчиликдаги муҳим фарқ кўпроқ зўрлик ишлатиб содир қилинадиган

1 Ерёмин В. Преступная женщина. "Неделя" 1990, № 49, с. 11.

2 Яков В. Преступившие закон, "Советский союз", 1990, № 9, с. 49.

3 Руднев В. Вверх по криминальной леснице. "Известия", 1991, 8 апрель.

жиноятларда (одам ўлдириш, талончилик қилиш, босқинчилик қилиш, қурол ишлатиб, ашаддий безорилик қилиш) яққол кўринади. Бундай ҳолатда ҳам аёллар томонидан содир қилинадиган жиноятларни биологиялаштиришга, яъни аёллар жисмонан эркакларга нисбатан заиф бўлганлиги учун кам жиноят содир этадилар,— деб асослашга уринадилар. Аммо бундай ёндашув бир томонламадир. Аёллар эркакларга нисбатан жисмоний куч жиҳатдан орқада бўлса-да, уларнинг зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлардаги унча кўп бўлмаган ҳиссасини анъанавий урф-одатлар асосидаги тарбия билан боғлаб тушунтириш керак. Бундан ташқари аёлларда ҳиссий ҳолат, таъсирчанлик маълум бир физиологик ҳолатда кучли бўлади. Бундай ҳолат қонунчиликда ҳам эътиборга олинган. Масалан, ҳомиладор аёллар томонидан жиноят содир қилиш — жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Демак, аёлларнинг психофизик ҳолати улар томонидан жиноят содир қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Лекин, бундай хусусият ички шароит бўлиб, аёл киши шахсида салбий хусусиятлар шаклланиб қолган бўлсагина, улар жинойий ҳаракатни амалга ошириш учун таъсир қилади. Аёл киши организмнинг бундай хусусиятини бевосита криминоген хусусиятга эга деб, бўлмайди, боиси у ҳар қандай аёлнинг табиий организми фаолиятдан фарқ қилмайди.

Текширишлардан ва тергов, суд практикасида маълум бўлишича, шахсга қарши ва безорилик жинойти содир қилган аксарият аёлларнинг шахси ўзига хос характерга эга бўлган. Жумладан, қасддан одам ўлдириш жинойти учун жинойий жавобгарликка тортилган аёлларнинг кўпчилигининг шахсида психопат типидagi руҳий хасталик мавжуд бўлган, лекин жинойт содир қилишда уларнинг ақли нисбатан расо бўлган деб ҳисобланган.

Уриш, дўппослаш, туҳмат қилиш ва ҳақорат қилиш жинойтларининг субъектлари бўлган аёллар текшириб кўрилганда, бундай аёлларда бирданига ғазабланиш, асабийлашиш хусусиятлари кўпроқ бўлиши кузатилган. Дарбадарлик, тиламчилик билан шўғулланиш жинойтлари учун ҳукм қилинган аёлларнинг кўпчилиги ахлоқининг тубанлиги ва таназзулга юз тутганлиги билан, қизиқиш ва манфаатларининг ўзгарувчанлиги, атрофдагиларга нисбатан ҳурматсизлиги, ишлаш ва яшаш жойини тез-тез ўзгартириб туриши ва ҳоказолар каби ўз шахсидаги руҳий беқарорлик ҳолати билан ажралиб туради. Албатта, бун-

дай хусусиятларга эга бўлган аёлларнинг қизиқишлари фақат жиноят содир этишга мойилдир,— дейиш ёки бундай аёлларнинг шахси ижтимоий омиллар билан бевосита боғлиқлигини ва бевосита муҳит таъсирида бўлишини рад қилиш нотўғри бўлур эди. Юқорида айтилган жиноятлар учун ҳукм қилинган аёллар шахсининг ҳам шундай тарзда шаклланиб қолиши, мавжуд қатор ижтимоий омиллар таъсирида рўй берган. Бунга сабаб улар яшаётган ёки ўқиётган жойлардаги салбий ижтимоий ҳодисалар, салбий омиллардир. Шахсда психопат типигаги руҳий хасталик ҳолатининг шаклланиб қолишига оилада, иш жойида уни ўраб турган руҳий муҳит, руҳий зарба ёки низолар сабаб бўлиши мумкин. Иш жойларидаги ишлаб чиқаришга оид келишмовчиликлар, оилавий низолар, шахсий ҳаётдаги қийинчиликлар ва ҳоказолар аёллар руҳиятига кучли зарба ҳисобланиб, улардан аёллар кучли руҳий жароҳат оладилар. Бундай тушкунлик улар қалбида чуқур из қолдиради, унинг асорати узоқ муддатга чўзилади. Натижада бундай аёлларнинг кўпчилигида невроз ҳолати пайдо бўлади.

Эркак ва аёлларнинг жинс жиҳатидан фарқ қилинишининг ўзи уларнинг манфаатлари, одатлари, хулқий нормаларининг фарқини юзага келтиради ва бу ўз навбатида уларнинг хулқий ҳолатида ҳам ўз ифодасини топади.

Криминологияда шахснинг криминологик хусусиятларини, жумладан шахснинг психик ҳолатини характерловчи хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки жиноят содир қилган шахсларнинг аксарияти жиноят содир этиш пайтида ақли расо бўлиб, яъни ўз ҳаракатини идора қила оладиган ва ўз ҳаракати натижасида келиб чиққан оқибатини тушуниб, бунинг учун жавоб бера оладиган ҳолатда бўлса-да, улар орасида руҳий хасталикка эга бўлганларининг миқдори анчагинани ташкил этади. Бу руҳий бузилиш ҳолати олигофрения (ақли заифлик)нинг енгил ҳолати, бош мия суягининг жароҳатланиши асорати ва марказий нерв системаси касалланганлигининг оқибати бўлиши мумкин.

Барқарор психикага эга бўлмаган киши ташқи салбий таъсирга тез берилувчан бўлади, жамиятга хилоф, ярамас қилиқ ва хулқни осонлик билан ўзлаштириб олади, ўзининг ҳаракатларини бошқара олмайди. Жумладан, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг руҳий ҳолатини кўп йиллардан бери ўрганаётган мутахассисларнинг аниқлашича, улар кўпчилиги жиноят содир қилиш вақтида ақли расо

бўлган (50 фоиздан ортиғи), аммо уларда нормал руҳий ҳолатдан четга чиқиш ҳолати мавжудлиги аниқланган.

Ушбу масала билан 5 йил давомида шуғулланган саратовлик олим В. П. Емельяновнинг тадқиқотларига кўра, вояга етмаган жиноятчиларнинг руҳий ҳолати экспертизадан ўтказилганда уларнинг 60 фоизининг ақли расо эканлиги, аммо руҳий ҳолатларида жиддий четга чиқишлар мавжуд эканлиги маълум бўлган. Ана шундай руҳий бузилишларга эга бўлмаган ёшлар ўртасида жиноятчилик олигофенларга нисбатан 1,7—2 марта, психопатларга нисбатан 15—16 марта кам содир қилинар экан¹.

Жиноятчиликка ва алоҳида жиноятларнинг содир этилишига таъсир қиладиган руҳий патологиянинг умумий назарий қоидаларини ишлаб чиқиш ҳозирги давр жиноятчиликка қарши кураш ишининг муҳим талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ҳозирги даврда жиноятчилар орасида руҳий патология ҳолатидаги шахсларнинг кўпайиб кетганлиги буни тақозо қилмоқда. Кўпгина муаллифларнинг берган маълумотларига кўра жиноят содир қилган ва суд-психиатрия экспертизасидан ўтганларнинг 30 фоиздан 68,8 фоизгачасида руҳий бузилиш борлиги аниқланган. Бундай шахслар зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилганлар ичида кўплаб учрамоқда².

Ҳар қандай жиноятда ҳам индивидуал жиний хулқни белгилайдиган ва жиноятчиликнинг умумий сабабларига кирадиган у ёки бу жиҳати бўлади. Кўпчилик ҳолларда жиноят комплекс сабаблар таъсирида содир қилинади. Айрим криминологлар муайян ҳаётий вазиятнинг аҳамиятига ва ақли расоликни инкор қилмайдиган руҳий четга чиқиш ҳолатига (аномалияга) турлича ёндашадилар. Баъзи муаллифлар шахснинг ахлоқий камчиликлари ва криминоген вазиятлар жиноятнинг сабаби ва шароити сифатида ўз ўрнини навбатма-навбат алмаштириб туради деб ҳисобласалар, бошқа бирлари, ёмон вазият ҳеч қачон жиноятнинг сабаби бўла олмайди,—дея таъкидлайдилар. Шу билан бирга ахлоқий камчилик ҳам, криминоген вазият ҳам жиноятга сабаб бўлиши мумкинлигини инкор

¹ Емельянов В. П. Преступность несовершеннолетних с психическими аномалиями. Саратов, 1980, с. 11.

² Қаранг: Антонян Ю. М., Гульдан В. В. Криминальная психопатология. М., "Наука", 1991, с. 4.

қилиб, бундай ҳолат фақат ақли норасоликка хос бўлган қилмишдир, деб ҳисоблайдилар. Учинчи тоифа олимлар эса жиноятнинг сабаби сифатида "ижтимоий" ва "биологик" омиллар алоқадорликда қатнашади деб ёзадилар. Жумладан, Ю. М. Антонян ва С. В. Бородинлар "Агарда руҳий аномалия ижтимоий хавфли ҳаракатнинг сабаби бўлса, унда жиноят бўлмайди. Медико-биологик ва генетик омиллар ўз-ўзидан жиноий хулқнинг сабаби бўла олмайди",— деб ёзадилар¹.

Собиқ Иттифоқда 1982 йили руҳий касаллар шифохоналарида 4 миллион руҳий хаста сақланган эди. Айрим маълумотларга кўра, мазкур ҳудудда бугунги кунда 15 миллионга яқин киши руҳий даволанишга муҳтождир². 1988—1989 йилларда мамлакатнинг руҳий касалликлар диспансерларидан миллионга яқин киши рўйхатдан чиқарилган. Статистик маълумотларга кўра, руҳий касаллик шифохоналаридан жавоб берилаётганларнинг деярли 70 фоизи қайтадан жиноят содир қилмоқда. Ҳатто улар олдинги жиноятига нисбатан жиддийроқ, хавфлироқ жиноятларни содир қилмоқда³.

Ақли заиф шахсларнинг миқдори нимага бунчалар кўпайиб кетди? Агарда кўпчилик жиноятчиларнинг шахси ўрганиладиган бўлса, бунга сабаб бўлувчи омиллар ҳозирги кунда ниҳоятда бисёрлиги маълум бўлади. Оилаларда узоқ йиллар давомида шаклланиб қолган энг яхши одатлар унутилди. Жамиятда юз берган инқироз оилаларга ҳам, кишилар руҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, жиноятчиларнинг ўтмиши ўрганиб кўрилганда, ота-оналарнинг золимлиги ичкиликбозликлиги, меҳрсизлиги, ўз фарзандини битта кўйлақда қаҳратон қишда кўчага ҳайдаганлиги ва ҳоказо ҳодисаларни қайд этиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қалганларнинг аксариятининг ёшлиги ёмон ва нохуш воқеаларга бой бўлган. Эҳтимол, руҳий ноқислиги бор болалар билан психиатр мактаб ёшидан бошлаб шуғулланиши керакдир. Зўрлик

¹ Антонян Ю., М. Бородин С. В. Преступность и психические аномалии. М., 1987, с. 29.

² Бойкова Т. Средство от безумия. "Мегаполис — экспресс", 1991, № 16, с. 14.

³ Кулик В. По ком тюрьма плачет "Шит и меч". 1990, № 4, с. 5.

ишлатиш билан боғлиқ жиноятларни содир этганларнинг аксарияти шахсий камситилганлик, жабр ва муваффақиятсизлик, ўз тўлақонлилигини ҳис қила олмаслик каби турли тушкун ҳиссиётлар оғушида юрадилар. Улар учун кучсизларни камситиш, аёлларни ҳақоратлаш ва қадрқимматини оёқ ости қилиш ҳузурбахш эрмак ҳисобланади.

Сексопатологларнинг таъкидлашларича, тубанлашган эркак учун ўзи етиша олмайдиган олий маълумотли ва гўзал аёл шаънини камситиш, оёқ ости қилишдан устувороқ лаззат йўқ. Бу айни пайтда унинг ўз аянчли тақдири учун қасд олиши ва зўрлик орқали ўз устунлигини кўрсатиши ҳамдир.

Бундай омилларни маълум даражада жиноятчиликнинг ижтимоий сабабларига киритиш мумкин бўлса, бошқа омилларни биологик ва руҳий ривожланишдан четга чиқиш деб тушунтириш мумкин. Афсуски, бизнинг суд-психиатрларимиз ва криминалистларимиз кўп йиллардан бери жиноятчилик сабабларини кишиларнинг руҳий бузилиши нуқтаи назаридан ўрганмадилар. Жиноятчиликнинг сабабларини шундай нуқтаи назардан тадқиқ қилишни, фрейдчилик деб совет фани ва амалиётдан чиқариб ташлашган, эди. Ҳозирги кунда бунга яна қайтилди ва жамиятда қандай йўл билан бўлмасин, фақат истеъмомли сифатида қатнашадиган шахсларни аниқлаш, даволаш, табиат хатосини тўғрилаш борасида амалий ишлар йўлга қўйилмоқда.

Фикримизча, психиатрик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун қабул қилишнинг вақти келди. Ҳозирча СССР Олий Совети Президиуми томонидан 1988 йили қабул қилинган "Психиатрик ёрдам кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисида"ги Низом амалда бўлиб келмоқда.

Сексуал жиноятларнинг кўпчилиги руҳий бузилишга (аномалияга) эга бўлган шахслар томонидан содир қилинмоқда.

Ушбу масалани тадқиқ қилиш мақсадида 1972—1982 йиллар давомида жинсий жиноятлари учун судланган 1405 та эркак текшириб кўрилди. Уларнинг барчаси В. П. Сербский номидаги Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтида суд-медицина экспертизасидан ўтказилиб, олинган маълумотлар қайта ишланиб тадқиқ этилди. Натижада ушбу институтда текширишдан ўтказилган барча шахсларнинг жинсий жиноят содир қилганлари 7,2 фоизни, йилма-йил олганда эса ўртача 5,1 фоиздан 8,3 фоизгачани ташкил қилган.

Айбланувчилар содир қилган жиноятларнинг характери қуйидагича бўлган: 57,1 фоизи — номусга тегиш, 19,1 фоизи — номусга тегишга суиқасд қилиш, 14,4 фоизи — вояга етмаган ва кичик ёшдаги қизларга нисбатан шахвоний бузуқлик қилиш, 8,5 фоизи — бесоқолбозлик ва бошқача гомосексуаль характердаги ҳаракатларни содир қилганлар, 0,9 фоизи эса — жинсий жиҳатдан етилмаган шахслар билан муттасил алоқада бўлганлиги учун ҳукм қилинганлар.

Жинсий жиноятларни содир қилган шахсларнинг умумий миқдоридан деярли кўпчилиги (75,7 фоизи) содир қилган ҳаракатининг моҳиятига тушунадиган ва ўз ҳаракатини бошқара оладиган кишилар бўлган. Юқорида айтилган суд-медицина экспертизаси натижаларига кўра, жинсий жиноятларни содир қилган шахсларнинг бир қисмининг бош миёси маълум даражада зарарланганлиги маълум бўлди. Булардан ташқари улар орасида руҳий жиҳатдан соғлом бўлса-да, аммо шизофрения билан оғриган психопатлар ҳам борлиги аниқланди. Тадқиқ қилинганларнинг 643 тасида сексуал патология борлиги аниқланган¹.

"Руҳий жиҳатдан ноқислиги бўлган вояга етмаган жиноятчилар тўғрисида гап кетганда, энг аввало, уларнинг том маънодаги жиноятчилар эмаслигини, балки руҳий жиҳатдан номукаммал шахслар эканлигини назарда тутиш керак. Улар шахси жиноятчилар шахсининг маълум бир типини ташкил қилади холос",— деб ёзади В. П. Емельянов².

О. Е. Фрейерев эса бу борада шундай деб ёзади. "В. П. Сербский номидаги Марказий суд-медицина экспертиза муассасасининг кўп йиллик тадқиқотлари олигофрения билан жиноятчиликнинг ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини аниқлаш мумкин эмаслигини етарлича асослаб берди. Олигофрения билан касалланган ақли расо жиноятчилар гуруҳининг психикаси улар руҳий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари туфайли бузилган бўлмай, балки, умуман жиноятчиликнинг сабаблари асосини ташкил қилувчи ижтимоий омиллар туфайли юз беради³.

¹ Гурьдон В. В., Позднякова С. П. Личность сексуального преступника с психическими аномалиями, "Личность преступников и индивидуальное воздействие на них". М., ВНИИ МВД СССР, 1989. с. 19—20.

² Емельянов В. П. Преступность несовершеннолетних с психическими аномалиями, Саратов, 1980, с. 12.

³ Фрейерев О. Е. Судебная психиатрия, под. ред. Г.В. Морозова, М. 1985, с. 321.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жиноий хулққа руҳий ноқисликнинг таъсирини баҳолашда махсус тадқиқотлар олиб борилиши керак. Бунда криминоген омиллар таъсири механизмининг мураккаблигини эътиборга олмоқ лозим.

Шахсдаги руҳий ноқислик бир томондан унинг ахлоқий хусусиятларини, жиноят содир этишга олиб келган ижтимоий руҳий ўзгаришларнинг бузилишига, иккинчи томондан жиноят содир этиш пайтида шахснинг хулқига ҳам бевосита таъсир қилади.

Айрим мутахассисларнинг тасдиқлашича, ёмон ҳаётий вазият ва руҳий ноқислик аниқ бир вазиятлардан, жиноят содир қилиш шароитидан жиноят сабабларига айланиб кетиши мумкин. Бу шахсдаги ахлоқий камчилик туфайли юз беради. Бундай ҳолда шундай ўзига хос вазият вужудга келадик, ҳар бир ёмон омил, ўзича алоҳида ҳолда шахсни жиноят содир қилишга итара олмайди, балки бир қанча омиллар бнрлашиб жиноят содир қилиш учун аниқ имконият яратиб беради.

Психик ноқисликлар шахсда тез ғазабланиш, жижзакилик, тажовузкорлик, қаҳри қаттиқлик каби хусусиятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, киши иродасини бўшаштиради, организмнинг ўз-ўзини назорат қилиш фаолиятини сусайтиради, оқибатда шахс ишонувчан бўлиб қолади, бундай ҳолат эса кишининг нормал ижтимоий ҳолатда бўлишига, бирор бир фаолият билан шуғулланишга, умуман меҳнат фаолиятига тўсқинлик қилади. Ҳатто ҳуқуққа хилоф бўлган ҳаракатлар содир қилиш, жамиятга хилоф тарзда ҳаёт кечириш эҳтимолини туғдиради. Айрим ҳолларда руҳий ноқислик яширин ҳолда бўлиб, атрофдагилар бундай ҳолатни руҳий ҳолатнинг бузилиши эмас, балки, шахс характерининг ўзига хослиги билан ифодалаб қўя қоладилар.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, шахсдаги руҳий ноқислик муқаррар равишда жиноят содир этишга олиб келади ёки жиноятга сабаб бўлади деб тушуниш ярамайди. Руҳий ноқислик жиноий хулқнинг доимий ҳамроҳи бўла олмайди. Агарда руҳий ноқислик жиноят содир этишнинг асосий қўзғатувчиси (стимулятори) бўлганда эди, шахс содир қилган ижтимоий хавfli ҳаракатларни жиноий ҳаракат деб танишнинг иложи бўлмасди. Шахс психикасининг бузилиши жиноят содир этишнинг, айниқса зўрлик ишлатиб жиноят содир этишнинг, безорилик ҳаракатлари содир этишнинг шароитларидан бири бўлиши мумкин эди ҳолос. Шундай шароитлардан энг кўп тарқалгани алко-

голизмдир. Баданга шикаст етказиш, безорилик, талончилик, босқинчилик, ўғрилиқ жиноятларида айбланган шахслар ўртасида бундай ноқисликка эга бўлган шахслар кўпчилиқни ташкил этади. Бундай ҳолат ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар учун маълум тахминларни тузиш, муайян шахсларни муайян жиноят содир этишда қатнашган ёки қатнашмаганлиги масаласини аниқлаш, психиатрик ва психологик экспертиза тайинлаш ва ҳоказоларда муҳим аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида, психопатия ҳолати ҳам криминоген характердаги ҳолатга — алкоғолли ичимликларни сунистеъмол қилишга олиб келади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, психопат хусусиятларига эга шахсларда патологик дардга йўлиқиш, ғам-ташвишларга берилиш, хулқнинг тажовузкорона хатти-қаракатларга мойиллиги кузатилади. Психопат шахсларда, бош миё суяклари жароҳатланган кишиларда ва қон-томир касаллиги билан касалланган шахсларда алкоғолли ичимликдан мастлик ҳолатида тажовузкорлик хусусиятларининг ошганлиги кузатилади.

Руҳий ноқисликка эга бўлган шахс агарда жиний гуруҳнинг ташкилотчиси ёки раҳбари бўлса, ёки раҳбарлар таркибига кирган бўлса, бундай жиний гуруҳ жамият учун хавфлидир. Чунки улар бошқа шахсларни ҳам жиний фаолиятга жалб қилиш, жиний фаолиятни янада рағбатлантириш имкониятига эга бўлиб қоладилар. Шунга кўра ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг маъмурияти бундай шахсларни яхши билишлари керак. Шунинг учун ҳам суд ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларига ҳукмнинг ёки ажримнинг нусхаси юборилаётган вақтда жиноятчининг руҳий ноқислиги аниқланган бўлса, шахснинг шунга оид ҳужжатлари ҳам қўшиб юборилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълум даражада руҳий номукамаллиги мавжуд бўлган вояга етмаганлар томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олишда жиддий муаммолар вужудга келмоқда. Зеро, ҳозирги кунда бундай болалар ва ўсмирлар минглаб топилади. Улар томонидан содир қилинаётган ҳуқуққа хилоф ҳаракатларнинг миқдори ҳам муттасил ўсиб бормоқда. 1989 йили шундай ҳаракатлардан 500 таси рўйхатга олиниб, уларнинг анчагина қисмини оғир жиноятлар ташкил қилган. Масалан, Самарқанд вилоятида яшовчи, вилоят руҳий неврология диспансерида олигофрения ташхиси билан рўйхатда турган бир бемор ўсмир фақат бир ойнинг ичида етита ўғрилиқ ва

талончилик содир қилган. Кўпчилик ҳолларда руҳий ноқисликка эга бўлган вояга етмаганлар содир қилган жинояти учун жиной жавобгарликка тортилмайди, уларни махсус мактаблар ёки махсус билим юртларига юбориш мумкин бўлмайди. Бунинг оқибатида бундай ўсмирлар атрофдагиларга жиддий хавф туғдирса-да, ота-оналари ва тиббиёт ходимлари ихтиёрида қолаверадилар. Ваҳоланки, руҳий ноқислиги бор болаларни оддий шифохоналарда даволаш ёки оддий мактабларда ўқитиш ўнлаб янги муаммоларни келтириб чиқаради.

Бизнинг фикримизча, бундай ҳуқуқбузарлар учун махсус типдаги даволаш-тарбия муассасаларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ишнинг ҳолатларига қараб, руҳий ноқисликка эга бўлган шахсларга нисбатан суд жазо тайинлаётган вақтда мазкур фактга жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб қараб, жиной жазо бегилаши мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ, "бунда шахс ўзининг касаллигидан фойдаланиб "мен руҳий касалман, мен учун жавобгарлик йўқ, сенга кўрсатиб қўяман",— деб, бундай имкониятдан ўз мақсадларида фойдаланиб қолмаслиги керак.

Юрист-олимлар ва амалиёт ходимлари ўртасида анчадан бери жиноят қонунига ақли расоликни белгиловчи муайян норма киритиш ҳақида турли таклифлар билдирилмоқда.

Бундай нормаларнинг жиноят қонунларига киритилиши фақат жазолашгагина керак бўлмай, балки, даволаш зарур бўлган кўпгина шахсларга нисбатан ҳам илмий асосда ёндашишни таъминлайди.

Бу борада фуқаро А. Бойназаровнинг жиной иши характерлидир. Ушбу фуқаро фермада қоровул бўлиб ишлаб юрган кезларда "Қоплонбек" номли давлат хўжалигининг бригада бошлиғи билан гап таллашиб қолади ва ферма ҳудудидаги тўпланган хашак фондига икки марта ўт қўйиб юбориш учун суиқасд қилганликда айбланади. Сариоғоч ноҳиясидаги суд-психиатрия экспертизаси Бойназаровда руҳий касаллик бор ёки йўқлиги ҳақида аниқ бир фикр бера олмайди. Сўнг уни Чимкент вилоят суд-психиатрия экспертизасига юборишади, у ердан ҳам ижобий жавоб олинмайди. Шундан кейин айбланувчи Жумҳурият суд-психиатрия экспертизасига юборилади ва айрим изоҳлар билан ақли расо деб топилади ва 1,5 йил муддатга озодликдан маҳрум

етишга ҳукм қилинади. Озодликдан маҳрум қилинган шахслар ўртасида руҳий ҳолати бузилган шахслар анчагинини ташкил этади. Бундай ҳолат бизнинг мамлакатимизда ва жаҳондаги бошқа давлатларнинг махсус муассасаларида ҳам мавжуд.

Маҳкумни узоқ муддат давомида жамиятдан ажратган ҳолда, қаттиқ назорат остида сақлаш унинг руҳий ҳолатига кучли таъсир қилади. Бундай ҳолат шахсдаги яхши инсоний хусусиятларнинг ўз аҳамиятини йўқотишига ва шахснинг инқирозига олиб келади.

Маълумотларга кўра, ГФРда ҳар 195 маҳкумга биттадан психиатр ажратилган. Бизнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларимизда ҳам психиатр врачлар бор. Лекин биздаги мутахассис врачларнинг беморлари тўрт-беш баробар кўп бўлганлиги туфайли, ҳар бир маҳкум билан алоҳида-алоҳида ишлаш имкониятлари йўқ. Ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида маҳкумларнинг руҳий ҳолатини ўрганиш орқали колония маъмуриятига ёрдам берувчи психиатр врачлар умуман йўқ. Тарбия-меҳнат колонияларида вояга етмаган маҳкумлар билан иш олиб бориш учунгина психологлар тайинланган холос. Бу мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам бевосита психология бўйича маълумотга эга бўлмай, балки аксар ҳолларда физкультура ўқитувчиси ёки шунга ўхшаш касб эгаларидир.

Жиноятчининг шахси муаммоси ғоят долзарб масала ҳисобланади. Ўзбекистон республикасида 1990 йили 9405 киши озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлиб, бу жиной жазога ҳукм қилинганларнинг 29 фоизини ташкил қилган. Айни пайтда озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганларнинг ҳиссаси ошган. Агарда 1989 йили бундай турдаги жазога 7022 киши ҳукм қилинган бўлса, 1990 йили мазкур жазога 7722 киши ҳукм қилинган. Жарима жазосига 1989 йили — 4255 киши, 1990 йили — 4694 киши маҳкум этилган. 1989 йили шартли ҳукм қилинганлар 1003 киши бўлган бўлса, 1990 йили уларнинг сони 1315 кишини ташкил қилган. Мажбуран меҳнатга жалб қилинганлар эса шу йиллари 3119 ва 3975 кишини, ҳукмнинг ижроси кечиктирилган шахслар эса 3346 ва 4484 кишини ташкил қилган.

Бир пайтлар айрим олимлар кишиларда "жиноятчилик гени" бор деган фикрни ҳам билдирганлар. Жумладан, бу борада академик Н.П. Дубинин шундай деб ёзган: "Ки-

шилларнинг индивидуал ривожланишини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, бир индивиднинг шахсий хусусиятлари унинг ота-онасидан олган генининг типига, у яшаган ва ривожланган ижтимоий ва жисмоний муҳитга боғлиқдир. Бу борада болалик ва ўсмирлик ёшидаги берилувчанлик характерлидир. Ёмон ижтимоий муҳит кишиларнинг ақлий сифатларига салбий таъсир қилиб, уларни руҳан эзади. Бу борада айниқса шахснинг ҳиссий ҳолати кўпроқ таъсирланади. Баъзан кишиларнинг бутун бир авлоди салбий тарбия таъсирига тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу жуда хавфлидир.

Ҳозирги замон генетик олимларнинг маълумотларига кўра, жиноят содир этишга мойиллик туғдирувчи генлар мавжуд эмас, зеро, жиноят биринчи навбатда ижтимоий ҳодисадир.

Фикримизча, шахсдаги биологик ва ижтимоий хусусиятлар диалектикаси — умумий биологик ва ижтимоий хусусиятлар диалектикасининг нисбати бўлиб, бу диалектик жараён бевосита шахсда рўй беради, холос. Биологик белгиларни наслий белгилар деб, ижтимоий белгиларни жараёнлар деб англайдиган бўлсак, жараёнлар шу биологик босқичларда уйғун ҳолда диалектик ривожланади. Инсондаги ана шу белгилар диалектикаси, унинг мавжудлиги (пайдо бўлиши ва изчиллиги) ва яшашининг ижтимоий асоси, яъни шахс модули ҳисобланади.

Биологик белгиларни жиноятчиликнинг сабабларидан бири эканлигини қатъиян рад қилиш билан бирга, инсон хулқини баҳолашда инсоннинг физиологик ва психик хусусиятлари ҳам маълум даражада эътиборга молик эканлигини таъкидлаш жоиз".

"Жиноятчилик гени?" "Наҳотки Ломбразо ҳақ?" Олтой Давлат дорилфунуни олимларининг кашфиётини матбуот шундай шов-шувли мақолалар билан кутиб олди. Бу олимлар яхшилик ва ёмонлик қилиш фақат ахлоқий тушунчагина бўлиб қолмасдан, балки, биокимёвий ҳодиса ҳамдир деб ҳисоблайдилар. Улар шу жойда жойлашган бир колониядаги ўсмирларни ўргандилар. Олимларни ёшларни жиноят содир қилишга олиб келган ижтимоий шароитлар эмас, балки уларнинг фақат биологик ва руҳий хусусиятлари қизиқтирган эди. Тадқиқотларга кўра колониядаги ўсмирлар билан бошқа тенгдошлари ўртасида фарқ борлиги аниқланди. Колониядаги ўсмирлар руҳий жиҳатдан анча тажовузкор, жаҳлдор, шунингдек, уларда гумонсираш, кек сақлаш, ўч олиш, ўз кучини намоёниш

қилишга мойиллик каби сифатлар ҳам анча турғун экан. Уларнинг деярли барчаси ўзларининг ҳиссиётларини бошқара олмайдилар. Биокимёвий кўрсаткичлари жиҳатидан ҳам уларда фарқ мавжуд экан. Масалан, колониядаги ўсмирларда углевод ва модда алмашинуви бузилган, айрим гармонларнинг миқдори 5 марта камайиб кетганлиги аниқланди.

Улардаги руҳий ноқислик маълум даражада ирсият билан боғлиқ¹.

И. С. Сеченев инсон нерв аппаратининг индивидуал хусусияти ҳақида гапириб, инсоннинг психикаси фаолиятининг характери мазмунига кўра $\frac{999}{1000}$ таси кенг маънода тарбияга бериладиган бўлади ва фақат $\frac{1}{1000}$ тасидагина кечувчи жараёнлар индивидуал белгилар билан боғлиқдир,— деган эди.

Демак, бундан шахснинг биологик хусусиятлари жиноятчиликнинг сабаби бўла олмайди,— деган хулоса келиб чиқади. Бинобарин, турли жиноятлар одамларни тарбиялаш шароити турлича ижтимоий программада, жумладан, салбий ижтимоий ҳодисалар таъсирида ҳам олиб борилганлиги туфайли содир бўлади.

Инсон томонидан бирор бир қарор қабул қилинишига олиб келувчи сабаблар кўп қиррали ва ғоят мураккабдир. Айнан шунинг учун ҳам инсоннинг жиноий хулқи сабабини билиш ва уларга таъсир қилиш усуллари ғоят мураккаблашиб боради.

Объектив шарт-шароитлар инсоннинг талаб ва эҳтиёжлари, қизиқишлари, сезгилари ва ҳоказолар орқали унинг онгида ўз аксини топади. Бу субъектив омиллар ҳаётий шароит ва ижтимоий тажриба орқали шахс активлигининг асосий манбаи бўлгани ҳолда инсоннинг хулқига кучли таъсир кўрсатади. Ички омиллар таъсири натижасида шахс ташқи у ёки бу таъсирга жавоб сифатида ўзига мақбул вариантни танлайди. Шахс хулқининг шаклланишига таъсир қилувчи жараён баъзан узоқ муддатга чўзилиши ҳам мумкин.

У ёки бу хулқий ҳаракатни танлаш ҳар доим шахснинг ҳаётидаги янги-янги босқичлар таъсирида олган билими, ҳаётий хулқи қарашлари ва ўзи орттирган тажрибаси асосида юз беради.

¹ Смирнов Э. "Нужна ли нам борьба с преступностью". Казахстанская правда. 1991г., 28 декабря.

Ижтимоий муҳит ва жинойтчилар шахсининг шаклланиши

Шахснинг ахлоқий ва хулқий хусусиятлари, унинг дунёқарашининг шаклланиши ва характериға ёмон таъсир қиладиган жамият ҳаётида мавжуд бўлган комплекс салбий ҳодисалар ва воқеалар ғоят даражада мураккабдир. Жинойт содир қилган аниқ бир инсонни тушуниш учун унинг бошқа шахслар ҳамда жамоат муассасалари билан бўладиган алоқаларига, яъни у яшаётган ва ишлаётган муҳитга мурожаат қилиш керак. Чунки шахс инсон сифатида айнан шу жойларда шаклланади. Унинг шахсининг таназзули ва "бузилиш механизми"ни айнан шу ерлардан қидириш керак.

Демак, жинойтчи шахснинг ижтимоий-демографик ва ахлоқий жиҳатларини асосан уни ўраб турган ижтимоий муҳит характеристикаси билан боғлаш керак.

Ижтимоий муҳит дейилганда шахснинг онги ва хулқи шаклланишига актив таъсир қиладиган, уни ўраб турган ижтимоий шароитлар йиғиндисини тушуниш керак.

Ижтимоий муҳит — ғоят мураккаб кўп қиррали системадир. Инсон индивидуалист ёки жамоатчи, ҳалол ёки жинойтчига хос белгилар билан бирга туғилмайди. Ундаги у ёки бу қарашлар, хислатлар ижтимоий ҳаёт тажрибаси жараёнида, у яшаётган ва уни ўраб турган муайян борлиқ таъсирида шаклланади. У ўз ҳаёт йўлида ким билан учрашади, нималар билан тўқнашади, унинг яшаётган муҳити қандай, шахснинг шаклланиши ана шуларга боғлиқ. Лекин инсоннинг хулқи, энг аввало, унинг онги орқали шаклланади. Онг эса, ижтимоий ҳаёт тажрибаси жараёнида ишланиб, унинг таъсирида тарбияланади, ўсади, мукаммаллашади.

Лекин бу инсон ўз ҳаракатларида, қилмишларида мустақил эмас деган маънони билдирмайди. Ижтимоий муҳитда ўзига нисбатан таклиф қилинаётган ғоят турли-туман хулқий ҳаракатлардан бирини шахснинг ўзи мустақил равишда танлаб олиш қобилиятига эга. Вақт ўтган сари унинг хулқиға таъсир қиладиган ва у эркин равишда танлаб олувчи ҳаракат мезони кўпроқ таъсир қилаверади.

У борган сари ана шу муқобиллик асосида танлаб олишнинг у ёки бу туриға кўпроқ мойил бўлиб қолади. Натижада унинг хулқида кўпроқ мойил бўлган танлаб

олиш турғун ҳолатга айланади ва бора-бора бу унинг хулқини белгилайди. Шахснинг олдинги ижтимоий ривожланиши энди у қандай позицияда туришини, қандай ижтимоий ролни муваффақият ва истак билан бажаришини белгилайди.

Муайян муҳит, муайян индивидни шакллантиради. Муайян типдаги шахс у ёки бу хулқни эркин танлагани ҳолда ўзидаги хусусиятларига боғлиқ равишда, ана шу муҳитнинг бир зарраси бўлганлиги учун ҳам, маълум вазиятларга тушиб қолади ва унда ўзига хос ҳаракат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, шахсдаги жамиятга хилоф хусусиятлар у жиноят содир этиш пайтида бирданига пайдо бўлиб қолмай, балки бундан анча олдин шаклланиган бўлади.

Криминологларнинг тадқиқотларига кўра ўсмирлар ва ёшлар жиноятчилигига 200 га яқин омил таъсир қилади. Буларнинг энг асосийси — бола яшаётган оиланинг таъсиридир¹.

Шахснинг хулқида жамиятга хилоф хусусиятларнинг шаклланиши кўпроқ оилада содир бўлади, чунки айна оила инсон ахлоқий шаклланишининг биринчи ва асосий жойи ҳисобланади.

Оила инсон шахсининг шаклланишида асосий ролни ўйнайди. Инсоннинг болалик ва ўсмирлик даври унинг шаклланишида ҳал қилувчи давр бўлиб, бу даврда шахсни оиладан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Айна ана шу даврда шахсни тарбиялаш учун энг катта куч сарфланади. Оила ўзида ижтимоий-маиший муҳитнинг кенг ва асосий хусусиятларини мужассамлаштирган бўлиб, улар бола тарбиясида, унинг шахс сифатида ахлоқий шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

Айнан оилада инсон онги ва характери асосларининг, қарашлари ва йўналишларининг, ахлоқий сифатлари ва иродавий хусусиятларининг пойдевори қўйилади. Ҳаётдаги ғоят мураккаб бўлган объектив борлиқ ва муносабатлар билан бола аввало оила доирасида рўпара келади.

Фуқаро оилада ўзининг ижтимоий мавжудлигини ҳис қилади ва ҳаётнинг илк тажрибасини олади. Инсонга хос бўлган хусусиятларнинг дастлабкисидан тортиб энг олий

1

Қаранг: Таранов С. 200 факторов риска. "Известия" 1988, 30 август.

даражасигача оилада шакллана боради, ривожланади. Оила — жамиятнинг дастлабки ижтимоий-табiiй бўғини ҳисобланади ва кишилар тарбиялаш жараёни айнан оилада бошланади.

Болаликнинг шахснинг келажаги учун аҳамияти беқиёсдир. Болаликдан сингдирилган сифатлар жуда мустаҳкам бўлади, зеро шахсга ҳар куни таъсир қиладиган ғоят кўп омиллар шахснинг шаклланиш жараёнига ғоят изчил таъсир қилади.

Оилада киши муайян ривожланиш услубини олади. Бу ривожланишни у энг аввало ота-онадан олади. Шунинг учун ота-она тарбияси шахснинг келажагини ҳал қилади. Ота-онанинг намунавий хулқи, жамиятга, болаларга бўлган муносабати, оиладаги аҳвол, кўп жиҳатдан фарзандларнинг қандай бўлиб ўсишини белгилайди.

Психологияда, оилавий тарбиянинг фарзандга муносабатнинг асосан учта варианты кўрсатилган:

1. Бола — оиланинг маркази, ота-она ташвиши ва қувончи, меҳру муҳаббатидир.

2. Бола — ота-онанинг ортиқча талабчанлиги таъсирида тарбияланганлиги туфайли эзилган, келажакда иродасиз бўлиб қоладиган шахс;

3. Бола — талабчанлик ва ғамхўрлик бир-бирини тўлдириб, бир-бирига мос тушиб тарбияланган, ахлоқан яхши ривожланаётган оиланинг тенг аъзоси.

Бола тарбиясининг ана шу учта моделининг дастлабки иккитасида шахс ривожланишида, унинг хулқида салбий хусусиятларнинг шаклланиб қолиши учун замин бор. Лекин бу вариантларнинг бирортасида ҳам шахс келажакда муқаррар равишда жинойий хулққа эга бўлиб қолади деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Бу ерда яна жамоат тарбиясини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Оила — бу никоҳ ва туғишганлик асосида ташкил топган кичик ижтимоий гуруҳ бўлиб, унинг аъзолари бирга хўжалик юритиш, бир-бирига ўзаро ёрдам беришдан манфаатдордирлар. Оила ўз аъзолари ўртасида маънавий боғлиқликни ташкил қилади. Оила аъзоларининг маиший аҳволини, дам олишини, руҳий ва ахлоқий муҳитини ташкил қилади.

1

Қаранг: Ковалёв А. Г. Психология личности. М., 1965, с. 286—289.

Оилада оила ҳаётининг шароитлари ва характери, касб-кори, ота-оналарнинг манфаатлари, оила ва жамият уртасидаги муносабатлар ва муайян мақсадга йўналтирилган тарбия таъсирида болаларнинг ижтимоийлашуви рўй беради.

Нормал оила тарбияси доирасидан четга чиқиш жамият нуқтаи назаридан қараганда, ижтимоий тарбия нормаларининг қуйидаги соҳаларида бузилишга олиб келиши мумкин:

а) Оиланинг моддий ва маиший шароитида; б) унинг таркиби ва тузилишида; в) оиланинг ахлоқий сифатларида; г) тарбиянинг педагогик жиҳатларида, шунингдек оиланинг мактаб билан бўладиган алоқаларида¹.

Оиланинг моддий-маиший шароити жиноятчи шахсининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Оилада моддий-маиший етишмовчилик ёки оиладаги қийинчиликлар болаларга руҳан салбий таъсир қилади колос.

"Биз криминоген деб айтишга мойил бўлган ана шундай ҳодисалар кўпроқ жиноят содир қилиш учун ёрдам берадиган ёки унинг содир этилишига тўсиқ бўладиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Масалан, моддий муҳтожлик шахсни фақатгина ўғрилиқ жиноятини содир этишга итарибгина қолмасдан, балки, кишида меҳнат активлигини ҳам қўзғатиши мумкин", — деб ёзганларида Ю.А. Денисов ва Л.И. Спиридоновлар ҳақдирлар².

Отасиз ўсаётган ўсмирлар ҳаётдаги қийинчиликлар жараёнида адашиб, тўғри йўлдан четга чиқиб кетишлари мумкин. Айни пайтда бу қийинчиликлар билан курашиш жараёнида уларнинг шахсида турғун бўлиб қоладиган шахсий хусусиятлар ҳам шаклланади.

Шахсни тарбиялашда оиланинг таркиби ва тузилиши катта аҳамиятга эга. Никоҳнинг бекор қилиниши, ота ёки онанинг ўлими ёки улардан бирининг узоқ муддатга узоқ озодликдан маҳрум этилиши тўлақонли бўлмаган оилаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, мазкур оилалардаги болаларнинг хулқий қаровсиз қолишига олиб келиши мумкин.

1

Қаранг: Личность преступника. М., Юридическая литература, 1975, с. 79.

2

Денисов А. Ю., Спиридинов Л. И. Абстрактное и конкретное в Советской педоведении. Ленинград, Наука, 1987, с. 194.

Танлаб тадқиқот ўтказишнинг натижаларига кўра, вояга етмаган жиноятчиларнинг салкам ярмининг оиласи тўлақонли бўлмаган. Катта ёшда жиноят содир қилган ёшлар (18—25 ёшдагилар)нинг 40 фоизининг ё отаси, ё онаси ёки иккаласи ҳам бўлмаган. Оиланинг тўлиқ бўлмаслик фактининг ўзи ёшларнинг сўзсиз жиноят йўлига ўтиб олиши деган гап эмас. Тўлақонли оилаларнинг ҳам, тўлиқ бўлмаган оилаларнинг ҳам соғломи ва носози бўлади. Аммо тўлақонли бўлмаган оилалардаги болалар тарбиясига қуйидаги тўртта омил салбий таъсир қилиши мумкин.

Биринчидан — бундай оилаларда болани назорат қилиш даражаси, унинг ўқиши ва техника билимларини эгаллаши учун бўладиган ёрдам ва ҳоказолар камаяди. Иккинчидан — ота-онанинг бошқа-бошқа яшаётганлиги туфайли оиланинг ичида ва атрофида нохуш муҳит пайдо бўлиши, ота-оналар ўртасидаги муносабатларини аниқлаш юзасидан бўладиган жанжаллар, тортишувлар бола тарбиясига салбий таъсир қилади. Учинчидан, ота-онанинг ажралиб кетиши туфайли оиладаги моддий таъминот масаласидаги ўзгаришлар юз беради. Тўртинчидан — бола билан қолган ё ота, ё онанинг енгилтаклиги, ноахлоқий хулқи, турли енгилтабиат "меҳмонларни" боланинг кўзи олдида уйга олиб келавериши жуда салбий оқибатларга олиб келади. Яна қайтариб айтамызки, бундай омиллар тўлақонли бўлмаган оилаларнинг ҳаммасида ҳал бўлавермайди. Бундай омилларнинг сурункали давом этиши ота-онанинг бола олдидаги обрўсини тушириб юборади, уларга нисбатан ишончни йўқотади ва бола аста-секин ота-онадан узоқлаша бошлайди. Инсонларга хос бўлган энг муҳим хусусиятлардан бири ўзаро ишонч, суяниш, мадаккор бўлиш каби сифатлардир. Бундай хусусиятлар энг аввало оила аъзолари ўртасида шаклланади. Оилада буни тополмаган ўсмир энди уни атрофдан, оиладан ташқарида қидиради. Бунинг оқибатида бола салбий таъсир муҳитига тушиб қолиши мумкин. Назоратсиз қолганлик салбий муҳит билан қўшилишиб киши шахсининг жинойий хулқ тамойилларини пайдо қилади.

Собиқ вояга етмаган жиноятчиларни ўн йиллик даврий босқичда олиб ўрганиш шуни кўрсатадики, ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатдан носоғлом бўлган оилаларда бир неча мартадан жиноят содир қилинган. Буларнинг 25 фоизининг оталари бўлмаган. Тўлақонли бўлмаган оилаларда

болани назорат қилиш қийинлашади, оиладаги умумий муҳит бузилади. А. С. Макаренко сўзи билан айтганда, "ташландиқ болаларнинг аҳволи етим болаларнинг аҳволидан анча ёмондир"¹.

Етимлик — у қандай сабабга кўра юз берган бўлмасин, ота-онанинг умуман йўқлигидир.

Ҳозирги кунда собиқ Иттифоқ ҳудудида 300 минг бола болалар уйида ва махсус мактаб-интернатларда яшамоқда. 700 минг бола эса болаликка олинган ҳолда, ёки васийлар ва ҳомийлар қўлида тарбияланмоқда².

Етимлик бола характери, одатлари ва кўпроқ дунёқарашида шубҳасиз ўз изини қолдиради.

Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили 100 минг бола ота-онаси тирик бўлатуриб, етимликда яшамоқда. Булар етимлар умумий сонининг 95 фоизини ташкил қилмоқда³. Бундай ҳолат ғоят ачинарлидир, албатта.

1988 йил ҳисобларига кўра СССРда етим болаларни тарбияловчи 278 та интернат-мактаблар бўлиб, уларда 73,8 минг бола тарбияланган. Шунингдек, 417 болалар уйлари бўлиб уларда 34,5 минг бола тарбияланган⁴.

Турли ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилаётганларнинг анчагина қисмини етим ўсган болалар ташкил қилмоқда. Улар фақатгина ота-онасидан жудо бўлганлиги учунгина жиноят йўлига ўтиб қолмай, бунга уларнинг назоратсиз қолдирилганликлари, улар тақдирига бефарқлик билан муносабатда бўлиш ва бошқа салбий ҳодисалар сабаб бўлмоқда. Жиноятчиликни тадқиқ қилган барча олимлар бузилган оилаларнинг криминологик аҳамиятини тан олмоқдалар, В.М. Кормишковнинг танлаб тадқиқот ўтказиши натижасида олган маълумотларига кўра, ота-оналарнинг айби билан оилавий тарбияси оғир шароитда қолдирилган болаларнинг учдан икки қисми турли ҳуқуқбузарлик ҳаракатларини содир қилган⁵.

¹ Макаренко А. С. Соч., т., 4. М., 1957 г. с. 113.

² "Известия", 1987, 15 октябрь сони.

³ "Литературная Россия", 1988 йил 20 февраль сони.

⁴ "Вестник статистики", 1989, №1, с. 59—60.

⁵ Кормишков В. М. Влияние семейного неблагополучия на противоправное поведения несовершеннолетних. В сб. Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 35, М., 1981г. с.19.

Ичкиликбозлик, уриш-жанжал, келишмовчиликлар ҳукм сурган оилаларда ота-оналар ўзларининг хулқ-атвори ва ахлоқсизлиги туфайли болаларнинг ҳам ўзларига ўхшаб шаклланиб қолишида асосий сабабчи бўлиб қолишлари мумкин. Носоғлом оилавий муҳитда тарбия ишларида ижобий натижаларга эришиб бўлмайди. Чунки, ота-оналарнинг жамиятга хилоф қарашлари бевосита болаларга ҳам ўтиб қолиши мумкин. Юқори синф ўқувчиларидан сўраб текшириш ўтказилганда, уларнинг 95 фоизи оналарининг, 67 фоизи оталарининг, 16 фоизи ака ва опаларининг кундалик тарбия ишларини ўзлари учун намуна деб билишларини айтганлар.

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, нафақат носоз оилаларда, балки айрим ташқи томондан ниҳоятда соғлом ҳисобланган оилаларнинг болалари ҳам баъзан ёмон тарбияланмоқда ва оқибатда бундай ўсмирлар жиноят йўлига ўтиб қолмоқдалар.

Ана шундай — юзаки соғлом ҳисобланган, амалда эса бола шахсининг бузилишига сабаб бўладиган ички оилавий омилларни ҳам ўрганиш зарур. Кўпгина тадқиқотларнинг натижаларига кўра буларга, энг аввало оила руҳий муҳитининг бузуқлиги, ҳаётий мақсад ва бу мақсадга эришишда оиланинг катта ёшдаги аъзоларининг нотўғри йўллардан фойдаланиши кабилар киради. Жамиятда ўрнатилган қоидалардан бошқачароқ "ўз қоидалари" билан яшаш ва бунинг устига "бошқалар ҳам шундай яшайптику" деб ўзини-ўзи ишонтириш ва бунга, айниқса, болаларни ҳам ишонтириш кабилар оиладаги ёшлар ахлоқининг, уларнинг ҳуқуққа бўлган муносабатининг салбий тарзда шаклланиб қолишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ерда гап энг аввало бойликка, мулкка ҳирс қўйиб, фақат истеъмолчи сифатида кун кўраётган, асосий ғояси бойлик тўплаш, мулк йиғиш бўлган оилалар устида бормоқда. Бундайлар меҳнати билан эмас, жамоа бойлигига қўшган ҳиссасига қараб эмас, балки имкониятига қараб манфаатдор бўлишни афзал кўради. Бундай салбий хусусиятлар эса оиладаги ёшларнинг манфаатлари, қизиқишлари, дунёқараши, жамиятга ва атрофдагиларга бўлган муносабатларининг шаклланишида асосий омил бўлиб қолади.

Ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши болани аста-секин оила таъсиридан четлаштириб юбориши мумкин. Ижтимоий жиҳатдан етилмаган, ўз

хоҳиш-истаги ва мақсадини маълум йўналишга сола олмаган ноқонуний хатти-ҳаракатларга қаршилик қила олмаган шахс жинсий гуруҳ қўлида қўғирчоқ бўлиб қолади.

Тадқиқ қилинган вояга етмаган маҳкумларнинг ҳар учтасидан биттаси (31 фоизи) шахс сифатида етарли шаклланмаган, ҳар бештасидан биттаси (27 фоизи) ташқи таъсирга берилувчан ва иродасиз эканлиги маълум бўлди.

Ота-она намуна тимсолидир. Айнан тақлид қилиш рефлекси ёрдамида болаликда индивидуал ва ижтимоий хулқ шаклланади. Ва шунинг учун ҳам бойликка берилиш ва мулкчилик психологияси ҳукмрон бўлган оилада болаларда кўпроқ худбинлик, қўполлик ҳукм сурган оилаларда эса тажовузкорлик сифатлари ривожланиши мумкин. Албатта, оилада бундай иллатлар анча турғун бўлгандагина болада шундай салбий сифатлар шаклланиб қолиши мумкин. Бола атрофдаги ҳаётдан келаётган ахборотларни оилада шаклланиб қолган муҳит орқали қабул қилади.

Айрим ота-оналар оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги туфайли болаларини яхши тарбиялай олмайдилар. Педагогик жиҳатдан саводсиз бўлган, ёки кўпроқ иш билан банд бўлиб, болалар тарбиясига етарли ақамият бермайдиган оилаларда, боланинг шахси стихияли тарзда шаклланади. Бундай ҳолда болалар бир томонлама тарбияланиб, улар оила олдидagi ўз мажбуриятидан озод бўлиб, фақат истезмолчи сифатидагина қатнашадилар.

Бундай оилалардаги боланинг меҳнат қилишга хоҳиши бўлмайди, унда жавобгарликни ҳис қилиш, ўз манфаатларини оила манфаатлари ва талаблари билан қўшиб олиб бориш, жамият манфаатларини ҳис қилиш яхши ривожланмайди. Айрим оилалар ўзларини бошқа оилалардан алоҳида ажратиб кўрсатишга интилиб алоҳида ҳурматга сазовор бўлган оила эканликларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Бундай оилаларда тарбияланган бола худбин, ҳар қандай йўл билан бўлмасин ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладиган, бошқалар манфаатини ҳурмат қилмайдиган, ўзларини бошқа болалардан юқори қўядиган, ўз ўрнини ҳам юқорироқдан белгилайдиган бўлади.

Тарбия-меҳнат колонияларида жазони ўтаётган вояга етмаганлар текшириб кўрилганда, уларнинг деярли ярми нобоп шароитли оилада тарбияланганлиги маълум бўлади.

Агарда оилада бола тарбиясида ўта қаттиққўллик қилинса ва унга юклатилган талабларни бажаришда зўрлик ишлатилса, бу талабларни бола ҳар доим бажа-

ришга қодир бўлмаса, бундай ҳолда болада зўрлик қилинадиган ҳаракатларга актив қаршилиқ кўрсатишга рағбат, уйдан қочиб кетишга, дарбадарлик билан ҳаёт кечиришга, алдамчиликка мойиллик хусусиятлари шаклланиб қолиши мумкин.

Оилада фақат истеъмолчи сифатида қатнашадиган боланинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришда ортиқча мўлкўлчиликка йўл қўйилса, бола шахсини бузадиган таъсир янада кучаяди, бола шахсининг бузилиши янада тезлашади. Боланинг моддий талабларини қондиришдаги бу ортиқча мўлкўлчилик фақат юқори даромадли оилаларгагина хос бўлмасдан, балки, айрим ўртача ёки кам даромадли оилаларга ҳам хос бўлиши мумкин.

Тарбиячи вазифасини бажараётган ота-онанинг ўз талаб ва эҳтиёжларини чеклаш ҳисобига фарзандларига ортиқча мўлкўлчилик яратиши ҳам болаларнинг шахсига зарарли таъсир қилади.

Оиладаги бундай ҳолат шахсга ташқи муҳитнинг зарарли таъсирини олдини олиш у ёқда турсин, аксинча ўзларича ривожланаётган шахсларни ҳам бузади.

Никоҳни бекор қилиш масаласи криминология ўрганаётган ҳозирги куннинг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Расмий маълумотларга кўра, ЗАГС органлари томонидан йилига 2,6 миллион никоҳ расмийлаштирилади, 390 минг ёки 35 фоиз никоҳ эса бекор қилинади. Судларга йилига ўртача 1 миллион никоҳни бекор қилиш ҳақидаги аризалар тушади ва 800 минг никоҳ судлар томонидан бекор қилинади. Агарда шу 800 минг оилада биттадан фарзанд бор деб фараз қилсак, демак 800 минг бола тўла бўлмаган оилада, кўпроқ онаси қарамоғида тарбияланади. Боланинг отасиз тарбияланганлиги ўз ўзидан унда криминоген руҳий ҳолат ривожланишга олиб келмайди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ҳатто оилада онаси асосий раҳбарлик ролини ўйнаб, отаси пассив — тобе бўлган оилаларда ўсган болаларга нисбатан, отасиз ўсган болаларда руҳий ноқисликка эга бўлганлари кўпроқ учраб экан.

Ўсмирлар шахсининг шаклланиш даврида назоратсиз қолдириш криминологик аҳамиятга эгадир. Маълумки, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг кўпчилиги кечки пайт ёки кечаси содир қилинади, яъни улар мактабдан ёки ишдан бўш вақтларда. Бундай ҳолат вояга етмаганларнинг жиноий хулқида ота-оналарнинг ҳам айби борлигини кўрсатади.

Кўпгина ўсмирлар оиладаги ёмон муҳитдан азоб чекадилар. Бундай аҳвол уларнинг уйдан қочиб кетиши ва дарбадарлик билан шуғулланишига ҳам сабаб бўлади.

Оиладаги "носоз" муҳит бола оиладан кетиб қолишига сабаб бўлибгина қолмасдан, балки, болалар ва ўсмирларнинг ўз-ўзини ўлдиришига ҳам сабаб бўлиши мумкин,— деганда, Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Т. С. Муротхўжаев ҳақ. Шундай бўлмоқда ҳам: жумҳуриятимизда йилига 180—250 гача вояга етмаганлар ўз жонига қасд қилади ва буларнинг 70 фоизи ўлим билан тугамоқда¹.

Ота-она томонидан спиртли ичимлик суистеъмол қилинадиган муҳит ҳам ўсмир шахсининг шаклланишида ёмон таъсир кўрсатади. Бундай ҳол боланинг ахлоқига ва характерига салбий таъсир қилади. Муттасил равишда ичкиликбозлик қилиш жараёнида қилинадиган қўполлик, ҳаёсизлик ва шунга ўхшаш иллатлар ҳам болаларга ўта бошлайди ва улар аста-секин ота-онадан беза бошлайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органларида уч мингдан ортиқ ахлоққа хилоф турмуш кечирадиган, ичкиликбозлик билан шуғулланадиган ва болалари ҳам уларнинг салбий таъсирига тушиб қолган оилалар рўйхатда туради².

Агарда 1985 йили медицина муассасалари алкоголь касалига чалинган 4,49 миллион кишини рўйхатга олган бўлса, 1990 йилда бу рақам 5 миллион кишини ташкил этди. Ўзбекистонда ҳам бир неча ўн минг алкоголь касалига мубтало бўлганлар бор.

Оиланинг катта аъзолари содир қиладиган жамиятга хилоф хатти-ҳаракатларнинг вояга етмаганлар маънавий дунёси ва хулқига криминологен таъсирини гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчидан — вояга етмаганларни ичкиликбозликка, наркотик воситаларни ва бошқа кайф қилдирадиган воситаларни истеъмол қилишга, турли жанжал-тўполонларга, бузуқчиликка ва ҳуқуқ бузишга жалб қилиш. Иккинчидан — оммавий тус олган, жазоланмай қолаётган ҳуқуққа хилоф

¹ Аллаберганова Г. Кто они, эти "Трудные" подростки. "Партийная жизнь", 1990 йил, № 10, 65-бет.

² Джекебаев У. С., Рахимов Т. С., Судакова Р. Н. Мотивация преступления и уголовная ответственность. Алма-Ата. 1987 с. 32.

хулқларнинг салбий таъсири, яъни бундай ҳолатнинг вояга етмаганлар томонидан оддий ҳолат деб қабул қилиниши. Учинчидан — ота-онанинг болани кўча боласига айланиши учун шароит яратиши ва болаларнинг ўз ота-онасидан ҳафсаласи пир бўлиб, камситилиши, нажотсиз қолганлигини, яккаланиб қолганлигини ҳис қилиши. Бундай ҳиссиёт орқали ўсмирларда ўзларини ўраб турганларга нисбатан ишончсизлик туғилади, уларни тан олмаслик хислатлари шаклланиб қолади. Оқибатда улар ўзларига намуна бўла оладиган шахсни қидира бошлайдилар.

Биринчи навбатда оила, ундан кейин эса мактаб муҳим тарбия марказларидан бири ҳисобланади. Ўсмирнинг оилада олган тарбияси унинг бутун умри давомидаги ҳаётини белгилайди. Лекин шахснинг ўсиб бориши билан оила тарбияси узлуксиз ва доимийлик характерини йўқотади. Боланинг катта бўлиб бориши билан боланинг маънавий бойлигини ошириш марказининг бир қисми мактабга кўчади. Лекин мактабда ўқиб юрган вақтида ҳам боланинг ўқишига оиладаги муҳит таъсир қилади. Мактаб оиладан кейинги кенг ва мураккаб жамоадир. Бола мактабда ўқиб юрган вақтида ҳам у билан ота-онаси ўртасида зиддиятлар вужудга келиши мумкин. Бу зиддиятларнинг сабаби боланинг ота-она ишончини оқламаганлигини, яъни яхши ўқишга қобилияти етишмаслиги бўлса, бу зиддиятлар турғунлик касб этиб ота-она, бола ҳамда ўқитувчилар ўртасидаги низога айланиши мумкин.

Бошланғич синфларда ўқувчилар орасида ўқитувчининг обрўси анча юқори бўлади, бунга ўқитувчи томонидан ўқувчилар билимининг баҳоланиши сабаб бўлади албатта. Шунинг учун ҳар бир баҳо болани ғоят ҳаяжонлантириши, айрим ҳолларда ҳатто низоли ҳолатларга олиб келиши ҳам мумкин. Бу ёшда боланинг барча ҳиссиётлари ғоят ўткир ва нозик бўлади. Улар ҳар бир ҳодисани қандай шаклда бўлса, шундайлигича қабул қиладилар.

Бу омиллар шубҳасиз улар шахсининг шаклланишига таъсир қилади.

Яқин вақтларгача мактабдаги ўқиш даври ҳаётдаги амалий масалалар билан яхши боғланмаган эди. Мактабда тегишли меҳнат тарбияси олиб борилмас эди. Ўқувчиларда ижтимоий фойдали меҳнатга, айниқса жисмоний меҳнатга ҳурмат ҳисси жуда бўш эди. Ёшлар ўрта мактабни битиргач мустақил равишда ҳаётда ўз ўрнини топиб кета олмас эдилар. Мактаб таълими ўқувчиларга ҳар доим ҳам ижтимоий билимларни бера олмас, мактаб тарбияси бир

томонлама, яъни билим беришгагина қаратилган эди холос.

Республикамизда амалга оширилаётган мактаб ислоҳоти бу камчиликларни бартараф этиши керак.

Ҳуқуқбузарлар текшириб кўрилганда, уларнинг аксарияти мактабдаги дарсларни ўзлаштира олмайдиганлар эканлиги маълум бўлди. Бундай ҳолат фақат ўқув дастурининг мураккаблиги билан изоҳланибгина қолмасдан, балки, кўпроқ ўқувчиларнинг ўқишга бўлган муносабатини ўзгартира олмаганлигимизнинг ҳам ифодасидир.

Ўрта синфларда бир ёки икки ўқитувчи ўрнига бир неча ўқитувчи турли фанлардан дарс бера бошлайди. Ҳар бир ўқитувчининг ўқитиш услуби, ўқувчиларга нисбатан қўядиган талаби, ўқувчиларнинг билимини баҳолаш мезони ҳар хилдир. Бундан ташқари бу даврда синф жамоаси нисбатан мустақил бўлиб қолади. Уларда айрим ўзига хос хусусиятлар пайдо бўла бошлайди. Бундай шароитда айрим ўқувчилар мактабдан узоқлаша бошлайдилар. Булар асосан "тарбияси оғир" деб номланувчи болалар бўлиб, улар синфдан-синфга ўтолмай, бир синфда икки-уч йил қолиб кетадилар. Бу болалар ўз мактаб ва синфи коллективидан ажралиб қолиб, нормал равишда ривожланаётган болалар билан дўстлашиш, алоқада бўлиш имкониятидан маҳрум бўлганликлари туфайли, ўз талабларини салбий муҳит воситасида қондиришга ҳаракат қиладилар.

Маълумки, бола 14 ёшга тўлмай туриб ижтимоий хавфли ҳаракатни содир қилса, тарбия-меҳнат колониясига эмас, балки маҳсус мактабларга қайта тарбияланиш учун ёки ҳунар-техника билим юртларига юборилади. Собиқ Совет Иттифоқида 46 та шундай мактаб бўлиб, уларда ўн мингдан ортиқ болалар тарбияланар эди. Бу жойлардаги болалар мутахассислар томонидан ўрганилганда, уларнинг аксарияти ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир қилганлиги маълум бўлган¹.

Шахс ижтимоий позициясининг шаклланиши жараёнидаги ихтилофлардан бири, оила тарбияси билан мактаб тарбияси ўртасидаги қарама-қаршиликлар ҳамда яшаш ва меҳнат жамоаси муҳитидаги ўзаро қарама-қаршиликлардан иборатдир.

¹ Русакова. За бетонной стеной. "Советская культура", 1990, 29 сентябрь.

Ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш ишида мактаб томонидан йўл қўйилган хатолар уларнинг хулқиға салбий таъсир қилиши шубҳасиз. Шахсни тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири уларни ижтимоий изчил ҳаётга жалб қилишдир. Бу борада мактаб ислоҳоти муносабати билан муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Мактабни оталиққа олган корхоналар билан яхши алоқа ўрнатиш, мактаб устахоналарини ҳақиқий маҳсулот ишлаб чиқарадиган устахонага айлантириш, ишлаб чиқилган маҳсулотдан ўқувчиларнинг ҳам мафаатдор бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, турли тўғараклар, секциялар ташкил қилиш ва уларга ўқувчиларни жалб қилиш болаларнинг жисмоний ва ғоявий мукамал ривожланишида катта ёрдам беради.

Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Ёшлар томонидан содир қилинаётган жиноятларнинг кўрсаткичлари умуман мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан икки марта кўпни ташкил қилмоқда. Ҳар 10 мингта вояга етмаганга 107 жиноят тўғри келмоқда. 520 минг ўсмир милиция рўйхатида турибди. Уларнинг мингига нисбатан жазони ижро этишни кечиктириш қўлланилган.

1989 йили Ўзбекистон Республикасида содир қилинган жиноятларнинг ҳар ўнтадан биттасини ўсмирлар, ҳар еттитадан биттасини аёллар содир қилганлар.

Ҳозирги давр учун хос бўлган хусусият шундан иборатки, бугунги кунда илгариги криминоген ҳисобланмаган аҳоли қатламлари ҳам жиноятга тортилмоқда. Бунга мамлакатимизда барқарор бўлмаган ижтимоий-сиёсий ҳолат, кундалик эҳтиёж буюмларининг камайиб кетганлиги сабаб бўлмоқда. Бундай салбий ички таъсирлардан энг аввало ёшлар кўпроқ зарар кўрмоқдалар. Ҳеч қаерда ўқимайдиган ёки ишламайдиган 16—24 ёшдагилар ўртасида жиноятчиликнинг тобора ошиб бораётганлиги ҳам шундан бўлса керак.

1990 йил биринчи ярмининг ўзида Ўзбекистонда вояга етмаганлар томонидан 3215 жиноят содир этилган¹.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг кўпчилигини шахсий мулкка қарши жиноятлар,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Бюллетени, 1990, №3, 19-бет.

давлат ва жамоат мулкани талон-торож қилиш жиноятлари ҳамда безорилик ва зўрлик ишлатиш билан боғлиқ жиноятлар ташкил қилмоқда. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бундай жиноятлар кўпинча ичкиликбозлик, наркотик воситаларни истеъмол қилиш ва бошқа ижтимоий хавфли одатлар таъсирида содир қилинмоқда. Вояга етмаганлар томонидан ичкиликбозлик заминида содир этилаётган жиноятлар тахминан 40 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан 1990 йилнинг биринчи ярмида ҳукм қилинганларнинг 2997 нафари ҳеч қаерда ўқимаган ва ишламаган¹.

Маҳкумлар таркибини таҳлил қилишдан маълум бўлишича, вояга етмаган маҳкумларнинг ҳар учтадан биттаси ана шундай кишилар бўлган. Яъни улар ўсмир ўқувчилар, ўқитувчилар, меҳнат жамоаси назоратидан чиқиб кетган кишилар бўлиб, ўз ҳолига ташлаб қўйилган².

Инсон шахси фақатгина оилада ва мактабдагина шаклланиб қолмасдан, балки, меҳнат жамоасида ҳам шаклланади. Меҳнат жамоасида инсон ўзининг энг муҳим ижтимоий функцияси ҳисобланган меҳнат фаолиятини амалга оширади. Меҳнат жамоасида киши шахсида салбий хусусиятларнинг шаклланиб қолишига, ишлаб чиқариш жамоасидаги салбий омиллар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Лекин меҳнат жамоасидаги бундай камчиликлар шахсининг жинсий хулқига бевосита таъсир кўрсатмайди, балки, шахсда мавжуд бўлган криминоген хусусиятларга таъсир қилади холос. Шахс меҳнат жамоасида фақатгина ижобий ва салбий хусусиятларни ўзлаштириб қолмасдан, балки ўзи ҳам жамоага маълум даражада таъсир қилади. Меҳнат жамоаси шароитида шахсининг маъсулияти ва жавобгарлиги ошади. Чунки жамоада асосан ижобий омиллар ҳукм суради. Бундан ташқари шахсининг ижобий шаклланишига ушбу жамоадан ташқаридаги омиллар ҳам таъсир қилади.

Меҳнат жамоасида криминал омилларнинг шаклланишига ишлаб чиқаришга раҳбарлик қилишдаги камчилик-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Бюллетени, 1990, №3, 19-бет.

² "Вечерный Ташкент", 1991, 5 ноября.

лар ва айрим меҳнат жамоалари фаолиятининг назорат-сизлиги сабаб бўлиши мумкин.

Уч корхонанинг 5 мингта ишчи-хизматчиларига анкета тарқатиб сўраб кўрилганда, уларнинг 92,2 фоизи давлат мулкига нисбатан бепарқ муносабатда бўлишнинг шаклланишига ишни ташкил қилишдаги камчиликлар сабаб бўлади,— деб ёзганлар; 4 фоизи эса бундай омил жуда қаттиқ таъсир қилади деб ёзган¹.

Текширишлардан маълум бўлишича, қайси корхонада тартиб-интизом қатъий ўрнатилган бўлса, хўжасизлик, турли-туман сунистеъмол қилишларнинг даражаси ҳам шунчалик паст бўлар экан. Жумладан, тартиб-интизом яхши ўрнатилган, ижтимоий мулкка эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган корхоналарда талон-торож қилиш 11 фоизни ташкил қилса, иш яхши ташкил қилинмаган, хўжасизлик факлари мавжуд бўлган корхоналарда бу кўрсаткич 75 фоизни ташкил қилган, яъни 7 марта кўп бўлган. Демак, корхоналарда ижтимоий мулкка нисбатан ҳурматсизликнинг шаклланишига корхонадаги хўжасизлик ҳам сабаб бўлади. Қолаверса, хўжасизлик турли хом ашё, яримфабрикатлар ва материалларни керагидан ортиқча ишлатиб юборилишига, уларни яхши сақланмаслигига ва ҳоказоларга ҳам сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида планлаштириш, меҳнатни ташкил қилишга ҳам салбий таъсир қилади.

Ишлаб чиқариш жамоаларидаги камчиликлар, давлат ва жамият мулкига нисбатан ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш, ҳуқуқ нормаларини менсимаслик, жазоланмай қолишга ишонч, эгоизм, ишга жуда тор маънода ёндашиш каби хусусиятларнинг шаклланиб қолишига сабаб бўлиши муқаррар.

Айрим ҳолларда шахсдаги салбий қарашлар ва хислатлар шаклланишининг манбаи корхона ва муассасалардаги, колхоз ва совхозлардаги ғайритабиий шароит, алоҳида мансабдор шахсларнинг нотўғри хатти-ҳаракати ва жиноий хулқи бўлиши мумкин.

Адолатсизлик, ноҳақлик, тўрачилик, виждонсизлик, ўзбошимчалик ва худбинлик факлари билан тўқнаш келган айрим шахслар бундай воқеалар билан курашиш учун ўзида журъат ва куч топа олмайди, айниқса бундай

¹ Личность преступника. М., 1971, с. 282.

ҳодисаларга қарши жамоа аъзоларининг барчаси кураш олиб бормаётган жойда, уларга қарши бош кутариш ғоят қийин бўлади. Оқибатда айрим шахслар ҳам муҳит таъсирида ҳуқуққа хилоф бўлган ҳаракатни содир этишга қодир бўлиб қоладилар.

Айрим вояга етмаганларнинг муайян ҳаёт тарзи ва ижтимоий фаолиятининг дастури бўлмайди. Бундайлар, уларнинг фикрига кўра қаерда осонроқ бўлса, ўзини ўша ерга урадиганлардан ҳисобланади. Шундан бўлса керак, булар қисқа фурсат ичида уч-тўрт марта иш жойларини ўзгартиришга улгурадилар. Касб танлашда ҳам улар энг аввало, "манфаатдорлик" томонини кўзлайдилар. Такси ҳайдовчиларидан сўраб текширишнинг натижаларига кўра, уларнинг кўпчилиги "бу ишга ўтишимга боис — кун бўйи назоратнинг йўқлиги ва чўнтакка четдан келадиган даромаднинг борлиги" — деб жавоб берганлар.

Шаҳар жойларида қишлоқ жойлардагига нисбатан содир этиладиган жиноятлар миқдорининг кўпчилигини шаҳар жойларидаги урбанизация билан боғлиқ деб тушунтириш мумкин. Лекин урбанизация ижтимоий ҳодиса бўлиб, ҳозирги даврдаги тараққиётни усиз тасаввур қилиб бўлмайди. Агарда урбанизация жиноятчилик сабабларидан бири деб ҳисобланадиган бўлса, унда жиноятчилик абадий деган нотўғри хулосага келиши мумкин. Аслида жиноятчиликнинг сабаби урбанизация эмас, балки, жамиятнинг ривожланиши жараёнида пайдо бўладиган ва алоҳида шахсларнинг хулқларига таъсир қиладиган айрим салбий ҳодисалар бўлиши мумкин.

Шаҳар жойларида қишлоқ жойларидагига нисбатан ижтимоий алоқалар ва муносабатларни тартибга солиш ва назорат қилишдаги қийинчиликлар ниҳоятда кўп учрайди. Сабаби шаҳар жойларида маълумоти, касби, билим даражаси, оилавий шароити ҳар хил бўлган жуда кўп аҳоли зич ҳолда яшайди. Ҳатто шахсларнинг яшаш тарзи ҳам турлича, биров ҳовлида, биров уйда яшайди. Булар ичида жамиятга хилоф унсурлар ҳам учрайди, албатта. Кишилар улар билан муносабатда бўладилар.

Қишлоқ аҳолисининг эса тараққиёт даражаси, оилавий аҳволи кўп жиҳатдан бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлади. Қишлоқдаги ҳар бир ўсмир ўз-ўзидан қишлоқ аҳолисининг назоратида бўлади. Қишлоқ жойларида содир қилинган ҳар бир номатлуб қилмиш атрофдагилар эътиборига, муҳокамасига сабаб бўлади ва баҳоланади. Шаҳарда эса одатда, ҳатто қўшничилик алоқалари ҳам кўнгилдагидек

бўлавермайди. Агарда қишлоқ жойларида оилалар кўп аъзолардан — ака-укалар, буви, бобо, айрим ҳолларда амакилар, тоғалардан иборат бўлса, шаҳар жойларида оилалар кичик-кичик бўлиб, кўпроқ ота-она ва фарзандлардан иборат бўлади. Ота-она иш билан банд бўлганлиги туфайли кўп ҳолларда бола ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Натижада улар хулқини назорат қилиш бўшашади. Бекор қолган ўсмир турли таъсирлар остига тушиб қолиши мумкин.

Лекин ташқи муҳитда жиноятга таъсир қиладиган шароитлар қанча миқдорда бўлмасин, ташқи муҳитнинг ўзи жиноятни ҳам, жамият учун хавfli бўлган шахсни ҳам келтириб чиқармайди. Ташқи муҳит шахснинг онгида шаклланиб қолган жиноят содир қилиш эҳтимоли билан характерланадиган комплекс мазмунга эга бўлган жинoий хулқни амалга ошириш учун шарoит яратади холос¹.

Кишининг шахсини характерловчи объектив шарoитлар турли-тумандир. Киши шахсига криминоген таъсир қилиш йўли билан жиноят содир этишга олиб келадиган турли-туман шарoитлар жиноят учун баҳонадир холос. Криминологияда жиноят содир қилиш учун "баҳона" деб ижтимоий хавfli ҳаракат содир қилиш учун шахсда журъат туғдирувчи, объектив ҳисобланган ҳолатлар тушунилади. Ижтимоий хавfli ҳаракат содир қилишга қарор қилиш жинoий қасднинг шаклланиш босқичини ташкил қилади. Аммо жиноят содир қилиш йўлида қатъий шаклланган қасд ҳар доим ҳам дарҳол амалга оширилавермайди. Шунини эътиборга олиб баҳона шахснинг жинoий ҳаракат содир қилишига ундовчи қасднинг шаклланиш жараёнида ҳам, қасдини амалга оширишга ундовчи шаклланиб бўлган босқичида ҳам ўз ифодасини топади дейиш мумкин.

Ҳар бир жиноятчи шахс сифатида алоҳида бўлиб, унинг шахсини ифодаловчи сифатларининг йиғиндисидан иборат бўлган мазмуни эса кўп қиррали ва турли-тумандир.

Шахснинг алоҳидалик тушунчаси, муайян бир шахсдаги турли-туман белгиларни яхлитликда олиш имкониятини берибгина қолмасдан, балки шахсдаги бошқаларда қайтарилмайдиган алоҳидаликни аниқлаш учун қулайлик ҳам туғдиради. Зеро, шахсдаги бу белгилар у содир қилган жиноятда ҳам, унинг хулқида ҳам, турмуш тарзида ҳам

1

Механизм преступного поведения, под редакцией Кудрявцева В.Н. 1981., с. 94.

Ўз аксини топиб, шахс жиноий фаолиятининг сабабларини аниқлаштириб беради. Шахснинг содир қилган жиноятида, бошқаларда қайтарилмайдиган сифатлар, ўзига хослик ва мустақиллик, ўзлигини намоён қила олиш қобилияти ва ҳоказолар ўз ифодасини топади. Унинг ўзлигини намоён қила олиш қобилияти — унинг ҳаётда мустаҳкам турганлиги — унга муҳитнинг оиланинг, меҳнат жамоасининг, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг таъсири натижасидир.

Узоқ муддат давомида жиноий фаолият билан шуғулланган шахсларда аксинча шахснинг ўз мустақиллигига эга бўла олмаганлиги, барқарор эмаслиги жиноий хулқни юзага келтиради.

Кишидаги бошқаларда такрорланмайдиган алоҳида сифатларни эътиборга олиш орқалигина нима сабабдан муайян бир хил ташқи таъсир кишиларда турлича акс таъсир қўзғатади? — деган саволга жавоб олиш мумкин. Киши шахсидаги жамиятга хилоф йўналишнинг шаклланиб қолишига шахснинг ўзигагина хос бўлган сифатларнинг ижтимоий ҳодисаларга алоқадорлиги сабаб бўлади. Бу биринчи навбатда кишининг ҳаётий фаолиятидаги муайян ахлоқий-руҳий шароит билан изоҳланади. Шахсдаги алоҳидалик хусусиятлари аксарият вазиятга боғлиқ ҳолда содир қилинадиган жиноятларнинг содир этилишини вужудга келтиради. Бошқача қилиб айтганда, ташқи таъсирнинг фақат ўзигагина жиноят содир қилинишига олиб келмайди, айти пайтда ташқи таъсир киши шахсининг хавфлилигига ҳам таъсир қилмайди.

Шахснинг хавфлилиги — бу унинг характери, одатлари, қизиқишлари, ақлий даражаси, йўналишлари, ижтимоий қонунлар ва турмуш тарзига ижобий (ёки салбий) муносабатлари каби сифатлардан иборат эмасдир. Балки, шахснинг хавфлилиги — фақат унинг хулқий хатти-ҳаракатидагина намоён бўлади. Бунда ҳам ҳар қандай хулқий хатти-ҳаракатларида эмас, балки маълум турдаги ижтимоий зарарли қилмишларида, яъни қонун чиқарувчи органлар томонидан жиноятнинг тегишли тури деб ҳисобланиб, жиноят қонунида жавобгарлик, белгиланган ижтимоий номатлуб қилмишида ифодаланади¹. Бундай

¹ Қаранг: Ляпунов Ю. И. Общественная опасность деяния как универсальная категория советского уголовного права., ВЮЗИ МВД СССР, 1989, с. 103.

ҳолат бир ёки бир неча энг муҳим белгиларнинг муш- тараклигига қараб барча жиноятчилар таркибини гу- руҳларга ажратишни истисно қилмайди.

Олиб борилган тадқиқотлар жиноятчилар шахсининг жамиятда ўрнатилган ва шаклланган нормалардан фарқ қилувчи жиҳатларига кўра турларга ажратиш мумкинли- гини кўрсатмоқда. Зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилган шахсларни текширишлардан маълум бўлишича, уларда ижтимоий фойдали алоқалардан узялиб қолганлиги, ижобий сифатларини йўқотганлиги, айниқса меҳнат фаолиятига бўлган қизиқишини йўқотган- лиги каби жамиятга хилоф сифатлар устувор экан.

Бундай турдаги жиноятчиларнинг ҳаммаси учун онгли равишдаги жамиятга хилоф хатти-ҳаракатлар хос бўлмаса- да, аммо уларда ахлоққа зид салбий йўналиш, ижобий сифатларнинг ўз қимматини йўқотганлиги, шахсинг инқироzi, ичкиликбозлиги каби хусусиятлар кузатилган.

Зўрлик ишлатиш, ғаразли мақсад ва эҳтиётсизлик билан боғлиқ бўлган жиноят ишларини танлаб ўрганишдан маълум бўлишича, бундай жиноятларнинг кўпчилиги учун (55,7 фоизи) жамиятга хилоф йўналиш, қолганлари учун эса ахлоққа зид йўналиш характерли бўлган¹.

Жиноятчилар шахсини турларга ажратиш: а) Жазо- лашни ташкил қилиш; б) қайта тарбиялаш воситаларини танлаш; в) тарбиявий чораларнинг изчиллигини аниқлаш; г) ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш мезонини аниқлаш; д) ҳуқуқбузарларнинг индивидуал жиноий хулқини башорат қилишни мақсадга мувофиқ равишда ташкил этиш учун ёрдам беради.

Криминологияда турли асосларга биноан жиноятчилар таснифланади. Жиноятчиларни тасниф қилишнинг энг содда тури уларни содир қилинган жиноятларнинг турига қараб тасниф қилишдир. Лекин бундай гуруҳларга ажра- тиш, содир этилган жиноят анча оғир бўлишига қарамас- дан жиноятчи шахсини белгилувчи ягона хусусият бўл- маганлиги учун ҳар доим ҳам унинг шахс хусусиятларига тўғри келавермайди. Жумладан, йўналишлари, ахлоқий хусусиятлари ва ҳоказолари бир хил бўлган шахслар турли шароитларда турли жиноятларни содир қилишлари мумкин.

¹ Номоконов В. А. Преступление поведение: детерминизм и ответственность, Владивосток, 1989. с. 28.

Жиноятчиларни турларга ажратиш ва таснифлаш

Жиноятчиларни қайси мезонларга кўра тасниф қилиш масаласи, тасниф қилишнинг қандай мақсадларга хизмат қилишига қараб белгиланади. Жиноят ҳуқуқида тасниф қилиш қонунчилик техникасига хизмат қилади. Қонун чиқарувчи орган жиний жавобгарликни белгилаш вақтида, жиноят содир қилган шахсларнинг ижтимоий, руҳий ва бошқа шахсий сифатлари жиҳатидан фарқ қилишларини эътиборга олади. Ҳар бир жиноят алоҳида ва ўзига хосдир: жиноятни содир қилган шахслар эса янада кўпроқ даражада индивидуал сифатларга эга. У ёки бу жиноят учун жавобгарликни белгилашда жиноят содир қилган ҳар бир субъектнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда жиний жавобгарлик белгилашнинг ҳаммиша ҳам иложи йўқ. Иккинчи томондан, қонун бундай индивидуал хусусиятларни эътиборга олмасдан ҳам қўя олмайди. Қонун чиқарувчи орган ҳар бир жиноятнинг хусусиятларини тегишли жиноят таркиби тузилишини ишлаб чиқишда ҳамда жазонинг тури ва миқдорини белгилашда эътиборга олиши керак. Ҳар бир содир қилинган жиноятни тасниф қилиш қонунда маълум гуруҳга мансуб субъектлар учун характерли бўлган белгиларни эътиборга олиши лозим. Шундай йўл билан тадқиқ қилинаётган гуруҳни ажратиб олиш мумкин. Бундан барча жиноят содир қилган шахсларни улар учун хос бўлган турли белгиларига қараб, алоҳида-алоҳида гуруҳларга ажратиш, яъни субъектларни тасниф қилиш зарурати туғилади.

Жиний жазони ижро этиш иккита мақсадни, яъни маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашни назарда тутганлиги учун ҳам жиноятчиларни турларга ажратишнинг мезон ва асосларини белгилашда ана шу мақсадлар эътиборга олиниши керак.

Жиноятчиларни тасниф қилиш жиноят қонунини амалда қўллаш учун ҳам беқиёс аҳамият касб этади. Жазо қўллаш жазони индивидуаллаштириш қоидасига бўйунсиндирилган бўлиши керак. Жиний жазо жиноятчини ва жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларига мос келиши, жиноятчининг ижтимоий хавфлилигини акс эттириши керак. Агарда суд маълум гуруҳдаги жиноятчиларнинг энг муҳим белгилари (ижтимоий, психологик ва ҳоказо) ҳақида етарли даражада маълумотларга эга бўлса, бу масалани муваффақият билан ҳал қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам жиноятчиларни жиноят — ҳуқуқий, ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқий ва криминологик аспектларда тасниф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Жинойятчининг шахсини турларга ва синфларга ажратиш муаммосига, афсуски, кейинги вақтларда етарлича аҳамият берилмади. Ваҳоланки, бу масалага биринчилардан бўлиб, К.Е. Игошев аҳамият берган эди. У "Таснифномага нисбатан турларга ажратиш, абстракциянинг анча юқори даражаси ҳисобланади... Улар умумий тараққиёт қонуниятига асосланган, сифат жиҳатидан бир хил бўлган барча белгилар мажмуини эътиборга олади" — деб тўғри ёзади¹.

Жинойятчи шахсининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун аввало жинойий қилмиш ўрганилиши керак, зеро, жинойятчи шахсини ўрганиш ҳар доим жинойятни ўрганиш билан боғлиқдир.

Жинойятчиларни гуруҳларга бўлганда содир қилинган жинойят характери гуруҳлашнинг асосий мезони сифатида олиниб, унда турли ёшдаги жинойятчилар шахсининг ўзига хос хусусиятлари ўз ифодасини топиши керак.

Юридик адабиётларда жинойятчиларни таснифлашнинг содир қилинган жинойят характерига кўра турли кўринишларини учратиш мумкин, уларнинг гуруҳларга ажратишнинг аниқ бир мезони йўқ. Айрим муаллифлар ҳуқуқбузарликларнинг ўхшашлиги ва мотивларининг бир хиллигига кўра бир гуруҳга бирлаштирадилар. Жумладан В.Н. Кудрявцев зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жинойятларни шундай белгиларига қараб таснифлаш кераклиги тўғрисида ёзади².

П.Ф. Гришанин содир қилган жинойятларининг турига қараб рецидивистларни қуйидагиларга ажратади: шахсий мулкни ўғирлаш, безорилик, ижтимоий мулкни талон-торож қилиш, талончилик, босқинчилик, номусга тегиш, баданга оғир шикаст етказиш³.

К. Е. Игошев эса ўғрилик ва талон-торож қилиш жинойятини содир қилган шахсларнинг барчасини битта гуруҳга киритади.

Бу масалаларда Ю.И. Битконинг содир қилинган жинойятлар мотивларининг, бевосита объектларининг, мотив-

¹ Игошев К. Е. Типология личности преступления и мотивация преступного поведения. Горький, 1974, с. 55.

² Кудрявцев В. Н. Структура преступности и социальные изменения. Советское государство и право, 1971, № 6.

³ Гришанин П. Ф. Ответственность преступников — рецидивистов по советскому уголовному праву. М., 1974, с. 37.

ларнинг ташқи белгиларини характерловчи сифатларининг ўхшашлигига қараб таснифлашни тўғри деб ҳисоблаймиз. Жиноятчиларни бундай гуруҳлаш турли жиноятчилар шахсини чуқурроқ тадқиқ қилиш имконини беради. Бу биринчидан — маълум ёшдаги ва руҳий ҳолатдаги шахслар қатнашаётган ижтимоий муносабатлар тизимини тадқиқ қилиш имконини берса, иккинчи томондан, инсон руҳиятида ўз таъсирини қолдираётган салбий сифатларни тадқиқ қилиш учун имконият туғдиради.

Жиноятчилар ёшининг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий муносабатлар кишининг маълум ёшида маълум мотивларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Айнан ёш хусусиятлари ана шу мотивларни амалга оширишнинг у ёки бу шаклини танлаш имконини беради. Демак, кишининг маълум бир ёшдаги руҳий хусусиятлари жиноятнинг мотиви ва мақсадини қай йўсинда амалга оширишга таъсир қилади.

Тез-тез содир бўлиб турадиган воқеа ва ҳодисалар учун бир хил бўлган хусусиятлар умумийдир. Айрим ҳолларда эса умумийлик махсус ёки алоҳидалик қиёфасига кириши мумкин. Масалан, ғаразли жиноятлар гуруҳига ўғирлик, талончилик, босқинчилик, жиноятини содир қилган шахслар кириши мумкин. Бу гуруҳ ғараз билан жиноят содир қиладиган умумий турдаги махсус гуруҳни ташкил қилади ва умумий гуруҳда алоҳида синфни ташкил этади. Аммо бу гуруҳларнинг бир-биридан фарқлантириб турувчи белгилар ҳам мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида уларни янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида тасниф қилишни давом эттиришни тақозо қилади. Шундан сўнг таснифлашни яна давом эттириб, уни юқори даражаси ҳисобланган типларга ажратиш (типологияга) ўтилади. Шундай қилиб, ижтимоий ҳодисаларни тор доирадаги умумий белгиларига қараб фарқлаш процессларни типларга ажратиш (типология) учун хизмат қилса, кенг доирада умумий белгиларга эга бўлган ҳодиса ва процессларни тасниф қилиш учун ҳам хизмат қилади¹.

Таснифлашни методологик жиҳатдан олганда у тасвири-лаш аҳамиятига эга, турларга ажратиш (типология) эса тушунтириш аҳамиятига эга. Таснифлаш умумлаштиришнинг қуйироқ даражаси бўлиб, объектларнинг алоҳида

1

Қаранг: Миненок М. Г. Личность расхитителя. Криминологическая характеристика и типология КГУ. 1980. стр. 49.

белгиларига қараб тадқиқ қилинмайдиган ва ҳар бири қатъий белгиланган ўрнига эга бўлган гуруҳ ва кичик гуруҳ белгиларининг қатъий мезони асосида қурилади. Бунда шуни ҳам эътиборга олиш керакки, диалектик материализм алоҳиданинг махсусга, махсуснинг умумийга боғланганлик категориясидаги предмет ва ҳодисалар инъикосини ўзида акс эттириб, бири — иккинчисига айланиши ҳам мумкин деб ўргатади. Маълум бир умумийлик бир қанча воқеа-ҳодисалар учунгина умумийдир. Бундай умумийлик ўз навбатида катта доирадаги умумийлик учун махсус ёки алоҳидалик аҳамиятига эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ғараз шаклланиб қолган жиноятчининг шахси ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик ва талон-торожнинг бошқа турларини содир қилган шахслар гуруҳининг сифатларини ўз ичига олади. Аммо, бу гуруҳларнинг ҳар бири бир-биридан жиддий фарқ қиладиган белгиларга ҳам эга ва бу белгилар таснифлашни янада чуқурроқ давом эттириш имконини беради. Шундай қилиб ижтимоий ҳодисаларни махсус белгиларига қараб табақалаштириш воқеа, ҳодисаларнинг торроқ доирадаги умумий белгиларига қараб турларга ажратиш имконини беради. Таснифлаш эса катта доирадаги воқеа-ҳодисаларнинг умумийлигини кўзда туттади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, турли асосларга биноан жиноятчиларни криминологик тасниф қилиш мумкин. Криминологияда жиноятчиларни таснифлашнинг муҳим хусусияти шундаки, бунда тасниф учун асос бўладиган бир қанча белгиларни гуруҳларга ажратиш бирваракай эмас, балки босқичма-босқич, поғонама-поғона жойлаштирилади. Тасниф қилиш учун асос бўладиган ҳар бир белги ўз ижтимоий хусусиятининг аҳамиятига ёки гуруҳига қараб ажратиб олинади. Лекин жиноятчи шахсига хос хусусиятларнинг алоқадорлиги бу билан тамом бўлмайди.

1. Жиноятчиликни таҳлил қилишда одатда жиноят содир қилган шахсларни алоҳида ижтимоий демографик белгилари бўйича, яъни жиноятчиларнинг жинси, ёшига қараб тасниф қилишга мурожаат қилинади.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарларни таснифлаш қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) биринчи марта оғир бўлмаган жиноятни содир қилганлар;

б) биринчи марта алоҳида оғир жиноятни содир қилганлар;

в) жинойй фаолиятга жалб қилиниб бир қанча жинойтларни содир қилганлар; милицияга ушлаб келтирилганлар;

г) олдин судланиб яна шундай жинойтни ёки қасддан бошқача жинойт содир қилган рецедивистлар.

д) озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган вақтда, қасддан оғир жинойт содир қилганлар¹.

1. Жинойтчилар маълумотининг даражасига қараб, қуйидаги гуруҳларга бўлинади: бошланғич маълумотга эга бўлганлар: 8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлганлар; ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганлар; олий ва тўлиқсиз олий маълумотларга эга бўлганлар.

2. Ижтимоий аҳволи, бажарадиган ишининг турига кўра жинойтчилар ишчиларга, колхозчиларга, хизматчиларга, пенсионерларга, ишламайдиганларга ва ўқимайдиганларга бўлинади.

3. Жинойтчиларнинг яшаш жойига биноан гуруҳларга бўлиш, шунингдек, турли тоифадаги аҳолининг ижтимоий-руҳий хусусиятларини характерловчи белгиларига қараб таснифлаш кенг тарқалган. Бу биринчидан — турли типдаги шаҳарларда яшайдиганлар, иккинчидан — жинойт содир этган жойда яшаган вақтининг кўп ёки қисқалиги (туб жойда яшаган жинойтчилар, кўчиб келган жинойтчилар), учинчидан — миллий хусусиятларга эга бўлган регионда яшайдиганлар (иттифоқдош ёки автоном жумҳурият, ўлка, вилоят)дан иборат.

4. Жинойт содир қилинган вақтдаги жинойтчи шахсининг ҳолатига қараб тасниф қилиш. Бунга кўра турли-туман ҳолатлар: мавжуд жинойтчининг мастлик ҳолати, наркотик восита истеъмол қилганлиги: жинойт гуруҳ таркибида эканлиги; ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида эканлиги; меҳнат жамоалари тарбияси остида эканлиги; маъмурий назорат остида эканлиги ва ҳоказо.

5. Жинойт фаолиятнинг изчиллигини белгилашда такоран жинойт содир қилиш, рецидив жинойт (шунингдек кўп марта, махсус, умумий рецидив) алоҳида хавфли рецидивистлик кабилар эътиборга олинади.

6. Жинойт хулқнинг характерига қараб таснифлашда турли гуруҳга кирувчи жинойтчилар ажратилади. Буларга:

1

Сахаров А. Б. Правонарушение подростка и закон. М., 1967, с. 31.

давлатга қарши жиноят содир қилганлар, зўрлик ишлатиб жиноят содир қилганлар, ғараз билан жиноят содир қилганлар. Бу ҳар бир гуруҳ ичидаги жиноятчилар таркиби ҳам турли асосларга кўра табақалаштирилади¹.

Совет криминологияси курсида жиноятчилар учта асосий турга ажратилади. Булар: изчил криминоген типидогилар; вазиятли криминоген типидогилар; вазиятнинг ўзи типидогилар.

Криминоген турларнинг характери қуйидаги белгиларга қараб таснифланади:

— Шахснинг шаклланиши изчил ҳуқуққа хилоф ва ноахлоқий муҳит доирасида юз берган (масалан, оилада, ўртоқлари таъсирида).

— Ижтимоий жавобгарликни ҳис қилмаслик ўзининг ёмон ахлоқига нисбатан атрофдогиларнинг салбий муносабатига бефарқ муносабатда бўлиш.

— Жиноят содир қилиш вақтида хулқнинг изчиллиги ва ташқи баҳоналарсиз жиноят содир қиладиганлар. Бундай турдагиларга асосан рецидивистлар кирадилар.

Вазиятли — криминоген типидоги жиноятчилар кўпроқ учрайди. Улар асосан қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлган микромуҳитда шаклланадилар. Ана шундай шахслар томонидан содир қилинадиган жиноятлар маълум даражада шахснинг ўзига хос сифатлари ва нобоп ҳаётий вазиятнинг биргаликдаги таъсири натижасида содир қилиниши мумкин. Бундай шахсларнинг хулқига ахлоқ нормаларини муттасил равишда бузиш, жиний характерда бўлмаган ҳуқуқбузарликларни содир қилиш хос бўлиб, улардаги шу хусусиятлар жиноят содир қилиш учун сабаб бўлади.

Вазият туфайли жиноят содир қиладиган шахслар асосан шахсий, оилавий ёки хизмат шароити туфайли жиноят содир қилишга қўл урадиган кишилардир. Бунда жиноят асосан вазият таъсиридагина содир қилинади. Улар асосан биринчи марта жиноят содир қилган шахслардир.

Юридик адабиётларда тасодифан жиноят содир қилиб қўядиган шахслар ҳақида ҳам айтилади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, тасодифан жиноят содир қилиб қўядиган кишиларни криминоген типидоги шахслар гуруҳига киришиш мумкин эмас².

1

Курс Советской криминологии. М., 1985, с. 303.

2

Курс Советской криминологии. М., 1985, с. 303.

Жиноятчиларни юқоридагидек таснифлаш нисбатан шартли бўлиб, уларни шу гуруҳлар ўртасидаги турларга ҳам бўлиш мумкин. Лекин, шунга қарамасдан, жиноятчи шахсининг бузилганлиги даражаси ва жинойий хулқининг қандайлигини аниқлаш учун мазкур таснифлаш маълум бир йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Жиноятчиларни ижтимоий-ҳуқуқий таснифлаш — таснифлашнинг иккинчи тури ҳисобланиб, жиноятчининг маълум ҳаракатларни содир қилишни тақиқловчи ижтимоий нормаларни бузишга бўлган муносабатини аниқлашга асосланади.

Бундай таснифлаш, субъект ижтимоий-нормаларни тан олган, лекин бу нормаларни бузиш жиноят ҳисобланган ҳодисаларни ўрганишдан бошланади. Бу ҳолда ижтимоий норма ва хулқий ҳақиқат ўртасидаги қарама-қаршилик тасодифий ва юзаки тарзда бўлади. Масалан, жанжаллашиб қолиб ёки кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир қилиб қўйиш ҳодисасини олайлик. Бундай ҳолда айбдор жинойий жазодан озод қилинмайди, зеро, ундаги ўз-ўзини назорат қила олиш қобилиятининг пасайиб кетганлиги, вазиятга тўғри баҳо бера олмаслик, ўз ҳаракатининг оқибатларига эътиборсизлик ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган хулқий камчилик жавобгарликдан озод қилиш учун етарли асос бўла олмайди.

Жамият манфаатларига мос келадиган ижтимоий ва ҳуқуқий нормаларни тан олмайдиган кишилар шахси анча мураккабдир. Бундай ҳолда киши шахсиятидаги йўналиш билан жамият манфаатларига мос келадиган ижтимоий нормалар ўртасида тўғридан-тўғри қарама-қаршилик юзага келади. Лекин бу қарама-қаршилик кенг доирада бўлмай, балки, ижтимоий манфаатларнинг маълум бир йўналишигагина тегишли бўлади. Масалан, безорилик қилиш ёки фуқароларнинг мулкани талон-торож қилиш бошқача жамиятга хилоф ҳодисалар билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Бундай субъектларнинг қатъий шаклланган хулқий нормаси бўлмасида улар одатда ижтимоий нормаларга беқарор муносабатда бўладилар. Масалан, айрим сотувчилар савдода бир неча грамм ёки бир неча сантиметр кам тортиш ёки кам ўлчаш жиноят ҳисобланмайди, ҳатто ахлоққа хилоф ҳам эмас деб ҳисоблашади. Бунда улар "бир неча тийин билан харидор камбағал бўлиб қолмайди" — деган ақидага амал қиладилар.

Жиноятчиликни касб қилиб олган шахсларнинг асосан тўрт белгиси мавжуддир:

1. Жиноий фаолиятнинг турғунлиги;
2. Жиноят содир қилиш учун маълум бир кўникма, малака ва билимни эгаллаганлиги;
3. Жиноий йўл билан олган даромад уларнинг доимий яшаш манбаи эканлиги;
4. Уларнинг жамиятга хилоф гуруҳлар билан алоқада бўлиши¹.

Бу белгилар уюшган жиноий гуруҳ аъзоларига ҳам тегишлидир. Бундай гуруҳларга кенг доирадаги жиноятчилар жалб қилиниб, жиноий гуруҳнинг фаолияти махфийлаштирилган, уларнинг ҳар бирини ҳаракат усули ишлаб чиқилган, гуруҳга кирувчи шахслар махсус текширувдан ўтказилган бўлади. Улар алоқанинг ва ахборот алмашишнинг махсус усулларида фойдаланадилар.

Ю.М. Антонян, В.П. Голубев, Ю.Н. Кудрявцев ғараз мақсадларда жиноят содир қиладиган шахсларни турларга ажратишнинг бошқачароқ усуллари, яъни жиноий сифатлар мустақкам ўрнашиб қолган шахслар; қўғирчоқлар; дезадаптациялашганлар (ижтимоий турмушдан безганлар), алкоғоллар.

Юқориди айтилганидек, жамиятга хилоф бўлган хатти-ҳаракатлар аксарият жиноятчилар учун хосдир. Бу тушунча комплекс ва мураккаб тушунча бўлиб, у шахсдаги жамиятга хилоф хулқнинг манбаи ҳисобланган хулқий ҳолатни бутунлай қамраб олади.

Жамиятга хилоф йўналиш — бу ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг маълум ижтимоий манфаатларига нисбатан шахснинг позициясидир. Жамиятга хилоф бўлган йўналиш айрим ҳолларда жамиятга хилоф бўлган йўл деб ҳам аталади. Бунинг мазмуни шундаки, буяда шахс хулқи жамиятга хилоф ҳаракатлар қилиш учун тайёрдир.

Жамиятга хилоф бўлган йўналиш деган тушунча нисбий характерга эга бўлиб, умуман улардаги йўналишларни жамиятга хилоф йўналишда эканлиги ёки комплекс ижтимоий муносабатларга хилофлиги ва маълум жиноий ҳаракатни содир этишга йўналтирилганлигини билдиради.

Айниқса уюшган гуруҳдаги жиноятчиларнинг шахси жамият учун хавфлидир. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари томонидан қисқа вақт

¹

Гуров А.И. Профессиональная преступность. М., 1990, с. 40.

ичида анчагина уюшган жиний гуруҳлар фoш қилинди. Бу уюшган гуруҳлар мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўзларининг ташкилий гуруҳларига ва улар билан ўрнатилган барқарор алоқаларга эга бўлган. Улар томонидан одам ўлдириш, бoсқинчилик ва талончилик, минглаб ўғирлик ва бoшқа жиноятлар содир қилинган. Улардан жиний йўл билан қўлга киритилган 17 миллион сўм пул ва бoшқа қимматбаҳо нарсалар тортиб олинган. Шунингдек 65 автомобиль, юзлаб ўқотар ва совуқ қуроллар, 150 килограмм наркотик модда, Совет Армияси ва Ички ишлар офицерларининг формалари, давлат ва жамоат ташкилотларининг махсус бланкалари тортиб олинган.

Ана шундай жиноят ишларини тергов қилишдан маълум бўлишича, уюшган жиноятчилик, ҳокимият идоралари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, партия ва совет органларининг айримларидаги жуда кўп миқдорда талон-торож қилувчи "ишбилармонлар" билан қўшилиб, ҳатто битта жумҳурият доирасидан чиқиб, бoшқа жумҳуриятдагилар билан ҳам боғланиб кетган эди.

Жамиятга хилоф йўналишли шахсларнинг фаолияти ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан боғлиқ бўлса, уларнинг шахси янада хавфли тус олади. Улар, зарур бўлиб қолса, ҳар қандай жиноят ва қабихликлардан қайтмайдилар.

Турғун бўлиб қолган жамиятга хилоф йўналиш ижтимоий салбий мақсадни белгилайдиган жиний хулқнинг шахсда чуқур илдиз отганлиги билан боғлиқ. Бундай хусусият анча хавфли рецедивистларга, узоқ вақт ва сурункали равишда жиний фаолият билан шуғулланадиган шахсларга хосдир. Уларнинг ниятлари бузуқ, манфаатлари чекланган, ахлоқ ва ҳуқуқнинг талабларига нисбатан салбий муносабатларда бўладилар, улар кўпроқ жамиятга хилоф бўлган турмуш тарзини, ҳуқуққа хилоф хулқни афзал кўрадилар. Бундай шахслар учун жиноят ички ахлоқий руҳий мазмунларининг қонуний оқибати бўлиб ҳисобланади.

Жиноятчи шахсининг алоҳида, жамиятга хилоф йўналишларининг турғунлигини ва чуқурлигини эътиборга олиб, бир неча гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

а) Инсон шахси ва унинг муҳим манфаатларига: ҳаётига, соғлиғига, бадан дахлсизлигига, қадр-қимматига, тинчлигига ва ҳоказоларга нописанд муносабатда бўлиш. Шахсга қарши тажовузкорлик билан зўрлик ишлатиб

содир этиладиган жиноятларни қасддан содир қиладиган шахсларга нисбатан: одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, зўрлаб номуста тегиш, туҳмат ва ҳақорат қилиш.

б) Ҳар кимнинг меҳнатига яраша деган тақсимот қондасини менсимай, ғаразли хусусий мулкчилик кайфийтида бўлувчилар.

Бундай тоифадаги шахслар орасида ғараз билан жиноят содир қиладиганларини алоҳида ўрганиш керак. Буларга ўзлаштириш ва камомад қилиш, мансабини суиистеъмол қилиш йўли билан ижтимоий мулкни талон-торож қилувчиларни, порахўрларни, харидорларни ва буюртмачиларни алдаш жиноятини содир қилганларни киритиш мумкин. Моддий қадриятлар уларнинг яшаш воситаси, мақсадига айланади. Бу тоифадаги талон-торож қилувчилар ичида савдо ходимлари анчагинани ташкил қилади. Масалан, 1985 йили талон-торож қилганлиги учун ҳукм қилинганларнинг 13 фоизи савдо ходимлари (матлубот кооперацияси ходимлари қўшиб ҳисобланганда) ташкил қилган. Буларнинг $\frac{1}{4}$ қисми жуда кўп миқдордаги мулкни, яъни 10 минг сўмдан ортиқ миқдордаги мулкни талон-торож қилганлиги учун ҳукм қилинган¹.

Бундай типдаги талон-торож қилувчилар кенг тарқалганлигини М.Г. Миненокнинг келтирган маълумотларидан ҳам билиш мумкин. Мансабини суиистеъмол қилиш, ўзлаштириш ва камомад қилиш жинояти учун ҳукм қилинганларнинг 20—30 фоизини шундай шахслар ташкил қилган².

в) ўзининг гражданлик, хизмат, оилавий мажбурияти ва бошқа турли идоралар талаблари юзасидан ўз мажбуриятларига нисбатан ўта манманлик билан муносабатда бўлувчилар. Жиноятчиларни бу жиҳатдан ўрганиш айрим хўжалик жиноятларининг (жумладан, сифатсиз маҳсулотлар чиқариш, идора қилишга қарши, одил судловга қарши, ҳарбий жиноятларни ва ҳоказоларни) содир этилиши мумкинлигини аниқлаш имкониятини беради.

г) эҳтиётсизликдан жиноят содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ижтимоий шароитлар ва талаблар юзасидан ўз мажбуриятларига жавобгарликни ҳис қилмаслик.

¹ Қаранг. Тяжова И.М. Охрана социалистической собственности. М., 1987, "Знание", с. 56.

² Миненок М.Г. Личность расхитителя.

Юқорида айтилган жамиятга хилоф жиноятларни таснифлаш қатъий эмас, балки бу жиноят содир қилган турли-туман жамиятга зид жиноятчиларни тасниф қилишнинг тахминий тавсиясидир холос. Таснифлашдаги хусусиятлар ҳаммиша ҳам мутлақ ҳақиқат бўлавермайди. Масалан, босқинчилик ва ғаразли мақсадларда одам ўлдириш жиноятини содир қилган жиноятчилар биринчи ва иккинчи гуруҳнинг оралиғидаги шахслардир. Хусусий соҳибкорлик билан шуғулланиш, самогон тайёрлаш иккинчи ва учинчи гуруҳнинг оралиғидаги шахслардан иборат. Бироқ барча ҳолларда шахс хусусиятларидан бири унинг ҳаракатида намоён бўлади (масалан, босқинчиликда ҳужум қилиш), бошқа хусусиятлари эса биринчиси билан биргаликда унинг мақсад ва ниятларида кўринади. Бундай ҳолат эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятларда ҳам бўлиши мумкин.

Ҳозирги даврда жиноятларнинг мотиви жинойи хулқ субъектив асослари негизи ҳисобланмоқда. Бу мотивлар қуйидагилардан иборат:

1) Давлатга қарши мотивлар: а) синфий нафрат, б) қўшни давлатларга душманлик, в) миллий ёки ирқий душманлик; г) жабрланувчининг давлат ёки жамоатдан ўч олиши ва ҳоказолар.

2) Тубан шахсий мотивлар: а) ғараз; б) безорилик ниятлари; в) қасд қилиш; г) сексуал ниятлар; д) рашк; е) қўрқоқлик ёки иродасизлик; ж) шафқатсизлик; з) мансабпарастлик ёки ҳасад ва ҳоказолар.

3) Диний ва бидъат туфайли пайдо бўлган мотивлар: а) диний фанатизм; б) диний ақидаларни бажаришдан келиб чиқадиган мотивлар; в) динга ишонмайдиганларга ёки бошқа динга эътиқод қилувчиларга душманлик; г) бидъат; д) маҳаллий эскилик қолдиқларидан келиб чиқадиган мотивлар ва ҳоказолар.

4) Тубан характерда бўлмаган шахсий мотивлар: а) ачиниш; б) қариндошлик ва дўстлик ҳислари; в) жабрланувчи ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатидан норозилик; г) уялиш; д) қандайдир нарсага ёки фаолиятга нисбатан нафрат, қизиққонлик ва ҳоказолар¹.

¹ Самовичев Е.Г. Анализ преступного поведения в системе методов уголовно-правовой науки, "Методические проблемы уголовно-правового регулирования общественных отношений". М., ВНИИ МВД СССР 1989, с. 83.

Жиноят содир қилиш, шахсда шаклланиб қолган жамиятга хилоф мотив ва мақсадларнинг юзага чиқиши бўлиб, бу ўз-ўзидан киши шахси структурасида мотив ва мақсадлар қай даражада ўрнашиб қолганлигини, шахснинг ижтимоий хавфлилигини, ҳақиқий ахлоқий моҳиятини кўрсата олмайди. Чунки бир хил жамиятга хилоф кишиларда, масалан, ғаразли мақсад, тажовузкорлик, зўрлик ишлатишга мойиллик чуқур илдиз отган бўлса, бошқаларида ҳали бу иллатлар етарли даражада шаклланмаган бўлиб, улар фақат ташқи муҳитнинг салбий таъсири натижасидагина жиноят содир этишлари мумкин. Амалда иккита типдаги жиноятлар, яъни "ашаддий" ва "тасодифий" жиноятлар кўпроқ маълумдир. Шунингдек, "ўртача" жиноят вариантлари ҳам йўқ эмас.

Юқорида айтилган таснифда жиноятчиларнинг ижтимоий муносабатлардаги энг муҳим хусусиятлари эътиборга олинган холос. Бунда яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, у ёки бу турга кирадиган жиноятчи шахснинг хусусиятлари доимий характери динамик хусусиятга эга бўлиб, у ташқи муҳит билан алоқадорликда сифат жиҳатдан ўзгариб боради. Шунинг учун шахс ривожланиш жараёнининг маълум бир босқичида унда бошқа турдаги шахсларга хос хусусиятлар ва сифатлар ҳам шаклланиб қолиши мумкин. Ижтимоий хавфли ҳаракатларни содир қилган шахсларнинг ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш имкониятлари ҳам ана шулардан келиб чиқади.

Шахснинг жамиятга хилоф хатти-ҳаракатларининг чуқурлигини кўрсатувчи мезон содир этилган жиноятнинг оғирлиги билан бирга уни содир қилиш шароитлари, шахснинг жиноятдаги роли ва хулқини ҳам қамраб олади.

Юқорида гуруҳларга ажратиб кўрсатилган, қасддан жиноят содир қилган шахслар хусусидаги фикрларга асосланиб, уларни қуйидагича фарқлаш мумкин:

а) тасодифан рўй берган ҳолатлар туфайли ўзининг хулқий ҳолатидаги барча қарама-қаршиликлар қўшилиши натижасида биринчи марта оғир жиноят содир қилган шахслар;

б) шахснинг шаклланиши жойларида (масалан, меҳнат жамоаларида, турмушда) мавжуд бўлган ёмон ҳолатлар ва муносабатлар таъсирида биринчи марта оғир жиноят содир қилганлар;

в) олдин ҳам ноахлоқий ва ҳуқуқга хилоф ҳаракатлар қилгани ҳолда жиноят содир этган шахслар;

г) олдин ҳам судланган, бир неча марта жиноят содир қилган шахслар;

д) алоҳида хавfli рецидивистлар.

Жиноий гуруҳларнинг раҳбарларини, жиноятчиликни касб қилиб олган шахсларни ва алоҳида хавfli рецидивистларни ҳам умумий шахсий хусусиятларига қараб таснифлаш керак бўлади.

Ана шулар ичида "эски" раҳбарларнинг, яъни 40—50-йилларда жиноятчилар дунёсида мавжуд бўлган анъаналар ва одатларни ўзида ҳозиргача сақлаб келаётганлари диққатни ўзига жалб қилади. Булар одатда катта ёшдаги (40 ёшдан ошганлар), жиноий тажрибага эга бўлган, кўп марта судланган, жиноятчилар нуқтаи назаридан қараганда ўз мавқеини ҳам йўқотмаган, маҳкумлар ва жиноятчилар муҳитида катта обрў-эътиборга эга бўлган шахслардир. Улар ҳаётий фаолиятининг асосий қондаси — фақат жиноий фаолият туфайли ва бир-бирини қўллаш ҳисобига яшашдан иборатдир. Улар асосан яширин равишда талон-торож қилиш, айрим ҳолларда талончилик қилиш ҳисобига кун кўрадилар.

Бундай тоифадаги жиноятчилар кўпроқ фирибгарлик, чайқовчилик билан шуғулланадилар. Товламачилик орқали жиддий даромадга эга бўлганлар ҳам шу жумлага киради. Моддий қадриятларни эгаллаш учун товламачилик энг кам куч сарф қилишни талаб қилганлиги учун уни афзал кўрадилар. "Эскилар" асосан "ўғрилар адолати" принципига риоя қиладилар. Маҳкумларнинг тенглиги ва улар ўртасидаги "ҳалоллик", ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси маъмуриятига қарши барча маҳкумларни бирлаштириш, "ўғрилик" қонунларини бузадиганларга қарши кураш олиб бориш кабиларни "эски бошлиқлар" тартибга солиб турадилар.

"Янги" алоҳида хавfli бошлиқлар яна бир гуруҳни ташкил қилади. Буларнинг кўпчилиги ҳали ёш бўлиши билан бирга жиноят содир қилиш усули жиноий фаолият ва жиноий хулққа бошқача қарайдиган шахслардир. Булар одатда турли-туман талон-торож қилишлар авж олган, чайқовчилик, порахўрлик ва бошқа жиноятлар кенг тарқалган вақтда пайдо бўлади. Жиноятчилар муҳитидаги айрим нуфузли кишилар катта миқдордаги моддий қадриятларни ўзлаштириб олиб ҳам жазодан қутулиб қолиш имкониятларини топган эдилар. Бунинг оқибатида кўпгина жиноятчилар уларни шантаж қилиш, қўрқитиш, сирни фош қилиш, жисмоний зўрлик ишлатиш ва ҳоказолар

орқали қўрқитиб талон-торож қилувчилардан меҳнатсиз олинган мулкнинг бир қисмини сурункали равишда бериб туришни талаб қилар эдилар. Меҳнатсиз даромад олувчиларга бундай ҳолат қўл келарди ҳам. Чунки алоҳида хавфли "бошлиқ"лар талон-торож қилинган мулкни ташиш, қўриқлаш ва сотишда меҳнатсиз даромад олувчиларга ёрдам берар эдилар¹. 1981—1987 йиллар давомида шундай йўл билан Ўзбекистонга етказилган зарар қарийб 8 миллиард сўми ташкил қилган².

Ўша вақтдаги ижтимоий тузум ҳақиқатни ёлғондан, тухматни ҳақиқатдан аниқ ажратиб олиш имконини бермас эди. Бунинг оқибатида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идора ходимларидан юзлаб тажрибали мутахассислар ишдан бўшатилди, ҳатто уларнинг айримлари озодликдан маҳрум қилинди. Масалан, 1987—1988 йиллар давомида ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг биридан ҳукм бекор қилиниб 200 га яқин, собиқ ички ишлар идоралари ва прокуратура ходимлари озод қилинди. Уларнинг кўпчилиги 5, 8, 10 йил ва ундан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Бу ишларни ўрганишдан маълум бўлишича уларнинг жиноий жаобгарлик билан жазоланиши суд иш юритишининг хатоси эмас, балки уюшган жиноятчилар ўч олишининг натижаси бўлган³.

Бу гуруҳга ажратилган жиноятчиларни шартли равишда "тасодифан" жиноят содир қилганларга; "вазият тақозоси билан" жиноят содир қилганларга; "беқарор" жиноятчиларга; "ашаддий" ва алоҳида хавфли" жиноятчиларга ҳам бўлиш мумкин⁴.

Демак, жиноятчиларни турларга ажратиш, гуруҳларга ажратишга, таснифлашга нисбатан жиноятчилар шахсини чуқурроқ урганиш имкониятини беради. Жиноятчиларни тўғри тасниф қилиш ва турларга ажратиш жазо чорасини тўғри қўллаш ва жазони ижро этиш вақтида уларга нисбатан қўлланиладиган тарбия воситаларини индивидуаллаштириш имконини беради.

1 Особо опасные лидеры в ИТУ и воспитательные воздействия на них. Коллектив авторов. М., В НИИ МВД СССР, 1989, с. 78.

2 "Ташкентская правда", 1989, 2 февраля.

3 Организованная преступность. Коллектив авторов. М., 1989, с. 203.

4 Криминология. М., Юрид. лит. 1979, с. 121.

Рецидив жиноятчиликнинг криминологик тавсифи ва унинг олдини олиш

Рецидив жиноятчилик муаммоси криминологиянинг энг муҳим, шунинг билан бирга энг мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу масала юзасидан криминологияда анчагина илмий ишлар ёзилган бўлиб, мазкур ишларда рецидив жиноятчиликнинг ҳозирги даврдаги ҳолати, унда содир бўлаётган ўзгаришлар, рецидивистларнинг шахсини характерловчи муҳим белгилар кенг равишда олиб борилган криминологик тадқиқотлар асосида таҳлил қилиб берилган. Лекин бу борада Ўзбекистонда ўзбек тилида илмий ишлар ҳозиргача ёзилган эмас. Қуйида рецидив жиноятчиликнинг криминологик характеристикаси ва унинг олдини олиш юзасидан Ўзбекистонда олиб борилган тадқиқотларимиз асосида ушбу муаммони таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Криминологик адабиётларда рецидив жиноятчилик тушунчаси, рецидив жиноятчиликнинг криминологик тушунчаси ва жиноят-ҳуқуқий тушунчаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Айрим муаллифлар рецидив жиноятларни учта турга бўладилар: жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва ахлоқ тузатиш (пенитенциар).

Бундан рецидив жиноятчиликнинг учта тушунчаси: яъни жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва ахлоқ тузатиш рецидив тушунчалари вужудга келади.

Жиноят-ҳуқуқий рецидивни тан олувчи олимлар ўртасида бундай рецидивнинг ўзига хос белгилари мавжудлиги тўғрисида ягона фикр йўқ. Улар олдинги жинояти учун судланганлик муҳлати ўтиб кетмасдан янги жиноят содир қилиш жиноят-ҳуқуқий рецидив эканлиги тўғрисида ягона фикрда бўлсалар-да, аммо такроран жиноят содир қилишга тегишли бўлган ҳолатларни баҳолашда бир хил фикрга эга эмаслар. Олимларнинг айримлари жиноятчи олдинги жинояти учун судланиб суд томонидан тайинланган жазонинг ҳаммасини ёки бир қисмини ўтаганидан кейин янги жиноят содир қилсагина, рецидив жиноятни содир қилади деб ҳисоблайдилар. Айримлари эса фақат қасддан жиноятлар содир қилингандагина рецидив жиноятни содир қилади ва бунда олдинги ва кейинги жинояти учун айбнинг шакли ҳеч бир аҳамиятга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Яна бирлари

жиноятчининг олдин ҳар қандай жинояти учун жазони ўтаб чиқиб, қайтадан содир қилган жинояти қасддан қилинган бўлсагина, рецидив жиноятни ташкил қилади деб ҳисоблайдилар. Яна бошқалари эса 18 ёшга тўлгунча содир қилинган жиноятлар рецидив жиноятни ташкил қилмайди деб ёзадилар.

Бизнинг фикримизча, юридик адабиётларда кенг тарқалган рецидив жиноятчиликни жиноят-ҳуқуқий, криминологик ва ахлоқ тузатиш (пенитенциар) рецидив турларига бўлиш унча тўғри эмас. Рецидив жиноятчиликни бошқа барча жиноятлардан ажратиб тушунтиришдан мақсад, унинг жамият учун алоҳида хавfli эканлигини кўрсатишдан иборатдир. Чунки ижтимоий хавfliлик — объектив категориядир. Шунинг учун уни тушуниш ва рецидив жиноятнинг муҳим белгиси сифатида яна унинг ижтимоий хавfliлиги белгисига қараб ажратиш, фарқлаш тўғри бўлмайди. Бундан ташқари рецидив жиноятчилик тушунчасини турли-туман талқин қилиш рецидив жиноятчилик тўғрисидаги ҳақиқий ҳолатни бузиб кўрсатади.

Турли вақтларда жиноят содир қилган шахслар ўзларининг иродаси, қатъиятлилиги, жиноят содир қилишни ташкил қилишда маълум тажрибага эга эканлиги билан ажралиб туради. Улар бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашиб ўтирмайдилар, ҳар қандай фикр ва қаршиликни бартараф қилиш учун ҳатто жисмоний зўрлик ишлатишдан ҳам қайтмайдилар. Айниқса талончилик ва босқинчилик жиноятини содир қилишда мотив уларнинг зўрлик ишлатиб ҳаракат қилишида асосий омил бўлиб қолади¹.

Рецидив жиноятчиликка таъриф берилар экан, энг аввало, унга жиноят ҳуқуқий тушунчаси нуқтаи назардан ёндашиш керак. Рецидив сўзининг ўзи — бирон бир ҳодисанинг содир бўлиб тугаши ва яна янгидан такрорланишини билдиради. Рецидив жиноятчиликнинг жиноят ҳуқуқий тушунчаси фақат судланганлик факти билан боғлиқ бўлиб, унда айбдорнинг олдинги жинояти учун судланганлик муҳлати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этиши тушунилади.

¹ См: *Бытко Ю.И.* Рецидив, отдаленной во времени. Саратов 1984 г., с. 74.

Бунда шуни таъкидлаш керакки "айбдорнинг шахсида жиноят содир қилишга бўлган турғун интилиш мавжудлигини исботловчи белгилар борлиги билан характерландиган бу жиноятлар ўртасида маълум даражада боғлиқлик бўлади.

Бундай жиноятчиликнинг ана шу иккита тушунчасининг мазмунидан кўришиб турибдики, рецидив жиноятчиликнинг криминологик тушунчаси, жиноят-ҳуқуқий тушунчасига нисбатан кенгроқ бўлиб, фақат судланганлик факти билан боғлиқ бўлган такроран жиноят содир этишни ўзинигина қамраб олмасдан, балки бир қанча жиноятлар тушунчасини ҳам қамраб олади.

Рецидив жиноятчиликнинг содир бўлиши шундан далолат берадики, айбдорга нисбатан биринчи марта содир қилган жинояти учун жиноий жазо қўлланган бўлиб, бу жазо уни тўғри йўлга ўтиб олишига олиб келиши учун старли бўлмаган. Шахснинг ўз жиноий фаолиятини давом эттириши унинг бундай фаолиятини тўхтатиб, тўғри йўлга ўтиб олиши учун давлатнинг қўшимча мажбурий чораларини унга нисбатан татбиқ этишни талаб қилади. Рецидив жиноят учун айбдорнинг олдинги жинояти билан кейинги содир қилган жинояти ўртасида қандайдир алоқадорликнинг борлиги муҳимдир. Агарда дастлабки жинояти учун жазони ўтаб чиққан шахс жазодан озод қилинганидан кўп вақт ўтмай янги жиноят содир қилса, демак бу унинг содир қилган ҳар икки жинояти ўртасида боғлиқлик борлигидан ва у ўз жиноий фаолиятидан ҳали воз кечмаганлигидан далолат беради. Шахснинг дастлабки жинояти учун жазони ўтаб чиққанидан бошлаб янги жиноят содир қилингунча анча вақт ўтиб кетган ва ана шу муддат ичида судланганлик муддати ўтиб кетган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, ўз-ўзидан маълумки, бундай ҳолда олдинги жиноят билан кейинги содир қилинган жиноятлар ўртасида боғланиш бўлмайди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, олдин судланган шахслар томонидан янги жиноят содир этилиши бу борадаги барча масалаларни қамраб ололмайди. Маълумки жиноят қонунининг инсонпарварлик принципларига асосланиб оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган айрим шахсларга нисбатан жиноий жазо ўрнига мажбурий характердаги бошқача тарбиявий чоралар қўлланади. Агарда жиноий жазо ўрнига бошқача тарбиявий характердаги мажбурий чоралар қўлланган шахслар, шундай чора қўлланганига қарамай янги жиноят содир қилган

бўлсалар, демак, бу қўлланган чоралар шахснинг жиноий фаолиятидан воз кечишига олиб келиши учун ҳеч қандай таъсир қила олмаган, яхши самара бермаган бўлиб қолади ва бундан ташқари бу жиноятчининг унга нисбатан берилган имтиёзга менсимаслик билан муносабатда бўлиб ишончни оқламаганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам рецидив жиноятчиликнинг криминалогик тушунчаси олдин жиноят содир қилган шахслар томонидан яна янги жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлган жиноий омиллар йиғиндисини ҳам қамраб олиши керак.

Яъни:

а) судланганлик муҳлати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир этилган рецидив жиноятларни;

б) жиноят қонунида кўзда тутилган тартибда жиноий жазо ўрнига давлатнинг бошқача мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларнинг янги жиноят содир этиш омилларини ҳам қамраб олиши керак.

Рецидив жиноят энг аввало шахснинг қайси жиноятни олдин ёки кейин содир қилганлигидан қатъи назар, икки ёки ундан ортиқ жиноятларни кетма-кет содир қилинганлигини билдиради. Бунда содир қилинган жиноятнинг характери, оғир ёки оғир эмаслиги, бу жиноятларнинг бир-бирига муносабати кабилар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Шахсни рецидивист деб топишни содир қилинган жиноятнинг оғирлиги билан боғлаш мумкин эмас. Кетма-кет содир қилинган жиноятларнинг характери рецидив жиноятнинг ижтимоий хавфлилик характерини белгилайди холос. Шунинг учун ҳам қонун чиқарувчи орган алоҳида хавфли рецидивист тушунчасини (Ўзбекистон Республикаси ЖҚ нинг 23¹-моддаси) алоҳида ажратиб берган. Шунингдек, рецидив жиноят тушунчасини оғирлиги бир хил бўлган жиноятлар содир қилиш билан, бир хил ёки ўхшаш жиноятларни содир қилиш билан ҳам боғлаш мумкин эмас. Чунки содир қилинган жиноят ижтимоий хавфлилигининг даражаси, айбдор томонидан содир қилинган жиноятларнинг объектив ёки субъектив белгиларига кўра бир-бири билан ўхшашлиги шахсни рецидивист деб ҳисоблашга эмас, балки, жиноятчини рецидив жиноятнинг жамият учун ижтимоий хавфлилик характерини белгилайдиган рецидив жиноятчиликнинг у ёки бу турига киритиш учун муҳимдир холос.

Шахсни рецидивист деб ҳисоблаш учун айбдорнинг жиноят содир қилишдаги айбининг шакли ҳам ҳеч қандай

аҳамият касб этмайди. Чунки амалдаги жиноят ва ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунларига кўра (Жиноят қонунлари Асосларининг 14-моддаси) такроран эҳтиётсизликдан жиноят содир қилганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ учун қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясига юборилади. Айбдор томонидан такроран содир қилинган жиноят у қандай жиноят бўлмасин, қасддан қилинганми ёки эҳтиётсизликдан содир қилинганми, бир хил жиноятларми ёки бир қанча жиноятлар кўринишидами, булардан қатъи назар, шахсни рецидивист деб ҳисоблаш (қонунда белгиланган бошқа белгилари мавжуд бўлса) учун асос бўлаверади. Бундан ташқари шахсни рецидивист деб ҳисоблаш учун унинг иштирокида содир қилинган жиноятларда у бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи сифатида қатнашганлигининг ҳам, шунингдек, жиний фаолиятнинг охирига етказилганлиги, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилганлигининг ҳам, жиний фаолият узилишлар билан содир қилинганлигининг ҳам ҳеч қандай таъсири йўқ. Буларнинг барчаси рецидив жиноятнинг жамият учун ижтимоий хавфлилиги даражасини жиноят қонуни талаблари асосида (Ўзбекистон Республикаси ЖКМ нинг 15 ва 17-моддалари) белгилаш имконини беради холос.

Рецидив жиноятчиликни ўрганишни осонлаштириш ҳамда рецидивистларнинг шахсий қонуниятлар билан боғлиқ масалаларини таҳлил қилишни осонлаштириш мақсадида рецидив жиноятчиликни умумий (ҳар хил жиноятлар рецидиви) рецидивга ва махсус рецидивга (бир хил жиноятлар рецидиви) бўлиб таҳлил қилиш қабул қилинган. Судланганликнинг миқдорига қараб бир мартали ва кўп мартали рецидивга ҳам бўлиш мумкин. Рецидив жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигига қараб, кам аҳамиятли жиноятлар рецидиви, унча ижтимоий хавfli бўлмаган жиноятлар рецидиви, унча оғир бўлмаган жиноятлар, оғир жиноятлар рецидивларига ҳам бўлиш мумкин. Алоҳида хавfli рецидивистлар томонидан содир этиладиган жиноятлар (Ўзбекистон Республикаси ЖКМ нинг 23¹-моддаси) алоҳида хавfli рецидив гуруҳини ташкил қилади.

Олдин судланган шахслар томонидан яна янги жиноят содир қилиш ҳоллари МДҲ миқёсида анчагинани ташкил қилмоқда. Эълон қилинган статистик маълумотларга кўра СССР да олдин судланган шахслар томонидан яна жиноят

содир қилиш 1985 йили — 440587 тани, яъни судланганлар умумий миқдорининг 34,7 фоизини; 1986 йили — 38733 тани, яъни 31,8 фоизни, 1987 йили — 292193 тани, яъни 32,2 фоизни; 1988 йили — 251476 тани, яъни 37,0 фоизни; 1989 йили — эса 260320 тани, яъни 38,1 фоизни ташкил қилган¹.

Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 1990 йили 34629 тани ташкил қилган².

1989 йили Ўзбекистонда жиноят содир қилганларнинг 10,3 фоизини аёллар ташкил қилган эди (ўша йили ҳаммаси бўлиб 27161 киши ҳукм қилинган эди)³. Аёллар ўртасидаги жиноятчиликнинг жуда тез ўсаётганлигини ва эркалар томонидан содир қилинадиган жиноятчиликнинг кўрсаткичларига яқинлашиб бораётганлигини Ю.М. Антоняннинг тадқиқотлари ҳам тасдиқламоқда. Айниқса рецидив жиноят содир қилган аёлларнинг ахлоқан тубанлашуви тезлашиб кетди⁴.

Рецидивистларни социологик тадқиқ қилишдан маълум бўлишича, улар турли-туман жиноятларни содир қилган, шахсида салбий сифатлар кўпроқ мужассамлашиб қолган кишилардир. Тадқиқ қилинган шундай шахсларнинг 70 фоизи такроран жиноят содир қилгунига қадар текинхўрлик билан кун кўрган салбий тавсифга эга бўлган кишилар экан⁵.

Рецидивистларнинг жамият учун ўта хавфлилиги шундаки, улар қайта-қайта жиноят содир қилиш билан жамият манфаатларига ва граждандарнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларига катта зарар етказишларидан ташқари, иродаси ва ахлоқи бўш, хулқи ҳали қатъий шаклланмаган шахсларга, айниқса ёшлар ва вояга етмаганларга ўзларининг салбий таъсирларини ўтказишлари мумкин, уларни ичкиликбозлик, наркотик воситаларни истеъмол қилишга жалб қилиши, қимор ўйинлари ва киши

¹ Қаранг: Преступность и правонарушение в СССР статистический сборник. М., Юридическая литература. 1990, с. 96.

² Қаранг: "Халқ сўзи". 1991 йил 8 январь.

³ Қаранг: "Ўзбекистан-контакт". 1991, № 6, с. 3.

⁴ Қаранг: Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. М., Российское право. 1992, с. 79.

⁵ Горян Н.К. Назначение наказания по делом о насильственных преступлениях. Кишинёв, 1991г., с. 103.

шахсининг бузилишига олиб келадиган бошқа ишларга жалб қилиши мумкинлиги билан ҳам хавфлидир. Кишиларни айниқса бундай ишларга жалб қилиш ва ўргатиш улар шахсида ёмон хусусиятларнинг шаклланишига олиб келиши ва қулай вазият юз берса, жиноятга қўл уришдан ҳам қайтмайдиган қилиб қўйиши мумкин. Рецидивистларнинг кишиларни бундай ишларга жалб қилиши маълум даражада жинойи микромуҳитнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши, руҳий ҳолат ва жинойи намунанинг таъсири туфайли жиноятчиларга хос бўлган жинойи хулқнинг тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Рецидивистлар томонидан содир қилинаётган жиноятларнинг ўзидан ҳам маълумки, жамиятимизда жиноятчиликнинг тобора кучайиб боришида рецидивистларнинг ҳиссаси каттадир.

Рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш вазифаси асосан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар зиммасига юклатилган. Бу органлар ихтиёрида рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш учун комплекс чораларни қўллана оладиган зарур куч ва воситалар бор.

Қуйида ана шу вазифаларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Рецидив жиноятнинг биринчи зарурий белгиси шахсининг икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир қилганлигидир. Лекин ана шу содир этилган жиноятнинг аввалгиси учун айбдор судланган бўлиши керак. Яъни рецидив жиноятнинг ҳуқуқий тушунчасига кўра, шахс янги жиноятни содир қилган пайтда олдинги жинояти учун судланган бўлиши керак. Судланганлик — олдин содир қилган жинояти учун суд шахсни айбдор деб ҳисоблаб, жиноят қонунида кўзда тутилган жинойи жазолардан бирига ҳукм қилинганликни билдиради. Бунда жазонинг тури, муддати, жинойи жазони қаерда ўтаганлигининг аҳамияти йўқ. Шунингдек, айбдор биринчи марта озодликдан маҳрум қилинганлигининг, озодликдан маҳрум қилинмасдан ахлоқ тузатиш ишларига, сурғунга, жарима жазосига жиноят қонунида кўзда тутилган бирон бир жазога ҳукм қилинганлигининг ҳам аҳамияти йўқ. Муҳими жинойи жазолардан бирига ҳукм қилиниб, янги жиноят содир қилиш пайтида олдинги жинояти учун судланган бўлиши керак. Шундагина унинг жинояти рецидив жиноятни ташкил қилади.

Рецидив жиноятда судланганликни асосий белги қилиб олишнинг асосида қуйидаги ҳолатлар ётади. Бунда жиноят содир қилинганлиги учун давлат томонидан жинойи жа-

зога ҳукм қилинган ва жиноий жазога ҳукм қилинганлиги факти юзасидан тегишли хулоса чиқариб олиши керак бўлган шахс хусусида гап боради.

Агарда шахс икки ёки ундан ортиқ жиноятларни содир қилиб, бу жиноятларнинг бирортаси учун судланмаган бўлса, айбдорга нисбатан қўлланган жиноий жазога нисбатан у қандай муносабатда бўлиши мумкинлигини ҳеч ким билмайди. Эҳтимол, у ўзига нисбатан қўлланган биринчи жиноий жазолашдаёқ тегишли хулоса чиқариб, ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олиши ва ўзининг жиноий ўтмишидан бутунлай юз ўгириши мумкин. Шунга кўра жиноят қонунида кўзда тутилган жиноий жазога ҳукм қилмасдан туриб, шахсни кетма-кет содир этган бир неча жинояти учун рецидивист деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Рецидив жиноятнинг иккинчи муҳим белгиси айбдорнинг олдин содир қилган жинояти учун ҳеч бўлмаганда муҳлатлари ўтиб кетмаган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган битта жинояти учун судланганлиги бўлиши мумкин. Шахс олдинги жинояти учун суд томонидан тайинланган жиноий жазонинг бир қисмини ёки ҳаммасини ўтаб чиққанлигидан қатъи назар рецидивист деб ҳисобланаверади. Шахс содир қилган жинояти учун жиноий жазога ҳукм қилиниб, жазони ўташ вақтида янги жиноят содир қилган тақдирда ҳам рецидив жиноят содир қилган ҳисобланади. Бундай ҳолдаги рецидив жиноят содир қилишга айбдор ҳукм қилинган вақтдан унча кўп муддат ўтмаганлиги туфайли жазони ижро этувчи органлар маҳкумни етарли даражада ўрганиб олмаганлиги, унга нисбатан якка тартибда тарбия чораларини қўллашга улгурмаганликлари ва ёки бу айбдорнинг ўзи унга нисбатан татбиқ қилинаётган ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш чораларини ўзига қабул қилмаётганлиги сабаб бўлади. Қонун чиқарувчи орган ана шу ҳолатни эътиборга олиб, шахсни алоҳида хавfli рецидивист деб таниш учун албатта озодликдан маҳрум қилиш жазосини ҳеч бўлмаганда бир қисмини ўтаб чиққанлигини асос қилиб олиши керак.

Айбдор рецидив жиноятни ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясига келганидан бир неча кун ичида содир қиладимми, жазони маълум миқдорини ўтаганидан кейин содир қиладимми ёки жазодан озод қилинганидан кейин содир қиладимми, бундан қатъи назар жамиятимиз учун бир хилда ижтимоий хавfliдир. Айниқса, жазони ўтаётган

вақтда янги жиноятни содир қилган бўлса, бундай рецидивистлар яна янги жиноятларни содир қилиши мумкин. Чунки, у ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида улар устидан қаттиқ назорат ўрнатилган бир шароитда, уларнинг турмуш шароити маълум бир режимга солиб қўйилган ҳолда ҳам жиноят содир қилишга журъат қилибдими — демак, бундай шахс озодликда жамият учун яна ҳам хавфлироқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, қамоқхоналардан озод бўлиб келаётганларнинг ҳар учтадан биттаси янги жиноят (одатда қасддан) содир қилмоқда¹. Демак, бу шахслар қайта тузалиш ўрнига жамият учун янада хавфли бўлиб чиққанлар. Бизнинг мамлакатимиздаги рецидив жиноятларнинг кўрсаткичи халқаро ўртача кўрсаткичдан уч баробар кўпни ташкил қилмоқда².

Рецидив жиноятнинг учинчи белгиси айбдорнинг олдинги жиноятларидан бири учун тайинланган жазонинг ҳаммасини ёки ҳеч бўлмаганда бир қисмини ўтаганлигидир.

Шундай қилиб, олдинги жиноятларидан бири учун тайинланган жазонинг ҳаммасини ўтаб чиққанидан кейин ёки унга нисбатан тайинланган жазонинг бир қисмини ижро этиши биланоқ, ёхуд олдин содир қилган жиноятларининг ҳеч бўлмаганда биттаси учун судланганлик муҳлати ўтиб кетмасдан, ё қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир қилган шахслар рецидивистлар деб ҳисобланади. Бундай ҳолда содир қилинган жиноятлар эса рецидив жиноятлар дейилади.

Рецидив жиноятчилик худди уюшган жиноятчиликдек, жиноятчиликнинг ғоят хавфли кўринишларидан ҳисобланиб, булар жамиятда вужудга келган, бир-бири билан боғланиб кетган турли-туман мураккаб шароитларнинг натижаси бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида батафсил таҳлил қилишни талаб қилади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, кўп вақт мобайнида биз ҳаётда юз бераётган айрим салбий воқеа-ҳодисаларнинг содир бўлаётганлигини тан олишни истамадик, бундай ҳодисалар бизда содир этилмайди деб ўзимизни ишонтиришга уриндик. Тўғри, шундай ишончни шакл-

¹ Қаранг: Союз 1991, № 27 с. 27.

² Пятков Г., Соловев Н. Снять проклятие гулага. "Литературная Россия" 1990, № 45, с. 16.

лантиришга мажбур қилинган эдик. Бунга мисол тариқасида яқин кунларгача ўқув қўлланмаси бўлиб келган китобда айтилган фикрларни келтириш мумкин. "Социалистик жамиятда олдинги формацияга (тузумга) ҳос бўлган гангстеризм, рэкэт каби жиноятчиликнинг ўта хавфли формалари йўқ; жиноят ҳисобига бойлик орттирадиган бутун бир аҳоли қатлами жиноятчиликдан манфаатдор бўлган кишилар гуруҳи йўқ; жиний усуллар орқали ҳокимият учун кураш, катта-катта мансабларга интилиш йўқ"¹.

Ваҳоланки бу китоб яқиндагина, яъни 1985 йили нашрдан чиқди. Бу даврда бизнинг жумҳуриятимизда СССР Прокуратурасининг бир нечта тергов бригадаси бизнинг жамиятимизда "содир этилмайдиган" давлат олий ҳокимияти органларидаги жиноятларни тергов қилаётган бўлиб, "Краснодар иши", "Ростов иши", "Соколовский иши" деган йирик гуруҳлар устидан тергов олиб борганлиги ҳаммага маълум эди.

Жиний жазолаш, жазолаш ва тарбиялаш унсурларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, у жиний жазони ижро этиш жараёнида маҳкумни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш жараёнидан иборатдир. Жиний жазони ижро этиш ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар зиммасига юклатилган бўлиб, у орқали маҳкумлар ахлоқан тузатилади ва қайта тарбияланади.

Жиний жазолаш ичида жазолаш элементлари кўпроқ бўлган жазо озодликдан маҳрум қилиш ҳисобланиб, жазони ўташ режимида ва қисман маҳкумни мажбуран меҳнатга жалб қилишда ўз ифодасини топган. Айрим ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида ахлоқни тузатиш ва қайта тарбиялаш воситаларидан старли даражада фойдаланмаслик оқибатида маҳкумларнинг жуда кам қисми қайта тарбияланади.

Ана шундай ҳолатнинг мавжудлигини эътиборга олиб, маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш воситалари қандай самара бераётганлигини ўрганиш мақсадида ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари сўраб текшириш орқали тадқиқ қилинганда, уларнинг 77,2 фоизи рецидив жиноятларнинг содир бўлишида жазолаш таъсирининг бўшлиги ҳақида фикр билдирганлар, 70,4 фоизи эса, маҳкумларга нисбатан қўлланаётган жазо воситалари жуда кам самара бераётганлигини айтганлар.

¹

Қаранг: Курс Советской криминологии. М., 1985, стр. 145.

Маълумки, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидан озод бўлиб келаётган шахсларни ишга жойлаштириш ва уларга турмушда ёрдам бериш, улар устидан назорат олиб бориш рецидив жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Кейинги ўттиз йил давомида собиқ СССР аҳолисининг 35 миллиони ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларидан ўтдилар¹.

1991 йил октябрь ойининг охиридаги ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистон республикасида 23541 — маҳкум озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтамоқда².

Ўзбекистонда ҳуқуқ тартиботни қўриқлаш идораларининг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидан озод бўлиб келаётганлар устидан назорат олиб бориш борасидаги ишларида жиддий камчиликлар бор. Тўғриси айтиш керак, улар фаолиятининг самарасизлигининг сабабларидан бири, бу — пункт ходимларининг ҳаммаси ҳам ўзларига бириктириб қўйилган ҳудуддаги оператив шароитни яхши билмаслигидир. Жамоат тартибини сақлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар айрим ҳолларда кўркўрона амалга оширилади. Содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш учун тезкорлик билан қатъий чоралар кўрилмайди. Улар ўзларига бириктириб қўйилган ҳудудда яшовчи жиноят содир қилиши мумкин бўлган кишилар ҳақида ҳам, ўзининг ёмон хулқи билан атрофдагиларга ёмон таъсир қилиши мумкин бўлган кишилар тўғрисида ҳам етарли даражада маълумотга эга бўлмайдилар.

Профилактика ишлари фақатгина тушунтириш, суҳбатлар ўтказиш, маслаҳатлар беришнинг ўзи билангина чекланмасдан, Давлат қонунлари талабларига риоя қилишни хоҳламайдиган шахсларга нисбатан қонун талаблари доирасида мажбурий чораларни қўллашни ҳам тақозо қилади. Лекин шуни айтиш керакки, ҳозирги даврда ахлоқ тузатиш, меҳнат муассасаларидан озод бўлиб келаётганлар устидан жамият етарли даражада ғамхўрлик қилмоқда деб бўлмайди. Шахснинг бу муассасалардан озод бўлиб кел-

¹ Ерёмин В. Преступная женщина. Қаранг: "Неделя" 1990. № 49, с. 10.

² Система ИТУ: вчера, сегодня, завтра — "Вечерный Ташкент", 1991, 3 ноября.

ганининг дастлабки вақти улар учун энг оғир давр ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган 10 та ахлоқ тузатиш, меҳнат муассасасида олиб борилган социологик тадқиқот шуни кўрсатдики, такроран жиноий жазога ҳукм қилинганларга улар биринчи жинояти учун жазони ўтаб келгандан кейин кўп ҳолларда жамоатчилик томонидан етарли аҳамият берилмаган. Тўғри, жазодан озод бўлиб келаётган шахсларнинг ахлоқи уларнинг атрофидагилар фикрича, идеал тоза бўлмайди деган нуқтаи назар бундай шахсларда кишилар ҳақида нотўғри тасаввур ҳосил қилиши мумкин. Шу боисдан ҳам ўқитиш, билим бериш тарбия ишларининг ажралмас қисмидир. Шундан бўлса керак сўраб кўрилган шахсларнинг 94,9 фоизи такроран жиноят содир қилишнинг асосий шариқатларидан бири рецидивистларнинг паст маданий ва билим савиясидир деб жавоб берганлар. Рецидив жиноят содир қилганларнинг 77,2 фоизи атроф муҳитнинг салбий таъсири туфайли шундай жиноят содир қилганлар. Иш жойида ва турмушдаги носоғлом муҳит, ишга жойланишдаги қийинчиликлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ходимлари назоратининг етарли даражада олиб борилмаслиги, жамоатчилик, корхона, муассасалар маъмуриятининг бефарқлиги ва ҳоказо.

Кейинги вақтларда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар фаолияти борган сари мукамаллашиб мазкур органларнинг ходимларининг малакаси ҳам ортиб бормоқда. Кейинги йилларда уюшган жиноятчиликка ва рецидив жиноятчиликка қарши кенг доирада кураш олиб боришга қодир бўлган малакали ходимлар сони кўпаймоқда. Аммо бу ишлар ҳозирча рецидив жиноятчиликка қарши ғоят тез ва кескин кураш олиб бориш учун етарли эмас. Шу боисдан айрим ҳудудларда очилмай қолаётган жиноятларнинг миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бундай ҳолат ўз-ўзидан маълумки, жиноятчиликка қарши, айниқса рецидив жиноятчиликка қарши самарали кураш олиб боришга тўсиқ бўлиб қолмоқда. Шу кунгача очилмай қолган жиноятларнинг 73,1 фоизини давлат, жамоат ва граждандарнинг шахсий мулкни ўғирлаш йўли билан талон-торож қилиш ташкил қилмоқда (ҳозирги кунда ечилмай қолган жиноятларнинг умумий миқдори 1 миллиондан ортиқни ташкил қилмоқда). 1990 йилнинг 6 ойи ичида қидирувда бўлган шахсларнинг 67,481 таси милиция

органи ходимлари томонидан қўлга олинган. Бу миқдор қидирилаётган жиноятчиларнинг 62,9 фоизини ташкил қилади¹.

Рецидив жиноятчиликка қарши курашнинг ҳозирги ҳолати, содир қилинган жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципининг ҳам етарли даражада бажарилмаётганлигини билдиради. Айрим ҳолларда жиноят содир қилган шахсларга нисбатан асоссиз равишда маъмурий ёки жамоат таъсир чораси қўлланилмоқда. Жиноят содир қилган шахсни асоссиз равишда жиноий жавобгарликдан озод қилиш ёки унга берилган жазони маъмурий жавобгарлик билан алмаштириш, баъзан унинг айрим ҳаракатларини яшириш, одил судлов органларини алдаш ҳоллари юз бермоқда. Бундай ҳолат айбдорнинг жиноий фаолиятини яна давом эттираве-риши ва янги жиноят содир этишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам жиноят содир қилган шахсга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод қилиб, маъмурий ёки жамоат таъсир чорасини қўллаш вақтида айбдорнинг шахси ва ишнинг бошқа барча ҳолатлари эътиборга олиниши лозим бўлади. Жиноий жавобгарлик ва жиноий жазодан озод қилиб бошқача тарздаги таъсир чорасини қўллаш ишига фақат ана шундай ёндашиш керак. Бундай ёндашиш, энг аввало, жиноятчиликка ва рецидив жиноятчиликка қарши кураш талабларидан келиб чиқади.

Яна шуни ҳам тан олиш керакки, жиноят қонуни олдида ҳамманинг тенглиги принципидан чекинишлардан ҳали тўла фориғ бўлингани йўқ. Ўз-ўзидан маълумки, бундай чекинишлар охир-оқибатда кенг аҳоли оммасига албатта маълум бўлиб қолади, маълум бўлганда ҳам бўрттирилиб ёки ҳақиқий ҳолат бузилган ҳолда маълум бўлади. Ана шундай фактларнинг мавжудлиги, ўз-ўзидан маълумки, рецидив жиноятчиликнинг ҳолатига таъсир қилмай қолмайди.

Давлат жамоат ҳаётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосидан қонун талабларини сўзсиз бажаришни ва ҳуқуқ тартибига риоя қилишни, давлат қонунларини билиш ва уни ҳурмат қилишни талаб қилади. Гражданларни қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбияламаслик айрим ижтимоий

¹ Қаранг: Спустя пол года. "Правда" 17 июля, 1990г.

бўғинлар орқали рецидив жиноятчиликнинг қолатига таъсир қилувчи шартлардан бири бўлиб қолиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган рецидив жиноятларнинг содир бўлиш шартлари ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг иш фаолиятида кўпроқ учрайдиганлари холос.

Жиноят Қонунининг Рецидив Жиноятчиликка қарши курашдаги вазифалари

Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида жиноятчиликка қарши кураш иши ижтимоий ва ташкилий тарздаги барча чора ва воситаларни қатъиятлилиқ билан қўлланишни талаб қилади. Жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг оқил, тажрибада ўзини оқлаган йўли унга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда ҳаётга татбиқ қилишдир.

Жиноятчилик профилактикаси системасида жиноят — ҳуқуқий воситалар билан жиноятчиликка қарши кураш масаласига алоҳида аҳамият берилади ва бу мустақил йўналиш сифатида ўрганилади.

Маълумки, жиноят ҳуқуқида жиноятчиликнинг олдини олишнинг иккита тушунчаси мавжуд бўлиб, булар жиноятчиликнинг умумий олдини олиш ва жиноятчиликнинг махсус олдини олиш тушунчаларидан иборат. Бу тушунчалар жиноят қонунининг мазмунидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси ЖҚ нинг 20-моддасида жазолашнинг учта мақсади қўйилган. Булар:

- 1) Маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш;
- 2) Маҳкумлар томонидан янги жиноятлар содир қилинишининг олдини олиш (махсус олдини олиш);
- 3) Бошқа шахслар томонидан қилиниши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш (умумий олдини олиш).

Жиноий жазонинг мақсади ҳисобланган, жиноятчиликнинг махсус ва умумий олдини олишни жиноят қонунининг ўзида кўрсатилганлигини сабаб қилиб кўп вақтдан бери унинг таъсир доирасини фақат жиноий жазонинг ўзигагина боғлаб, тор доирада тушуниб келинди. Лекин жиноятчиликнинг олдини олишни таъминлашга комплекс равишда ёндашиш, бу жараённинг барча механизмлари даражасидаги ишларни юқори кўтариш жиноят ҳуқуқига жиноятчиликнинг олдини олиш нуқтаи

назаридан қарашга имкон беради ҳамда жиноятчиликнинг махсус ва умумий олдини олиш тушунчаларини кенгроқ доирада тушунишга ва жиноят ҳуқуқининг жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасининг муҳим омиллари деб қарашга асос бўлади.

Шунинг натижасида жиноят ҳуқуқини жиноят содир бўлиш сабаб ва шароитларига таъсир қилиши нуқтаи назаридан туриб тушуниш мумкин бўлади.

Ана шу айтилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, ҳуқуқ рағбатлантириши иқтисодиётга, демографияга, ижтимоий-маданий шароитларга ва жиноят содир бўлиш шароитларига таъсир қилиши мумкин. Бундай ҳолат жиноят ҳуқуқига ҳам тўла тааллуқлидир. Жиноят қонуни нормаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унинг жуда кўп нормалари жиноят содир бўлиш сабаб ва шароитларини бевосита бартараф қилишга қаратилган. Жиноят қонуни кишиларнинг онгига таъсир қилиб, улар томонидан жиноят содир қилинишининг олдини олишни; жиноят содир қилган шахсларнинг яна янги жиноят содир қилиши мумкинлигининг олдини олишни таъминлайди. Бу билан у жиноятчиликнинг олдини олишнинг асосларини ўзида мужассамлаштирган.

Жиноий жазо қўллаш жиноят ҳуқуқида ва ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқида рецидив жиноятчиликни олдини олишнинг муҳим қуроли деб ҳисобланади. Шунинг билан бирга жиноят ва ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи назариясида ҳамда қонунчилик ва суд практикасида рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда жиноий жазонинг аҳамиятини ошириб кўрсатиш, озодликдан маҳрум қилишни кенг равишда қўллашнинг салбий оқибатлари инкор қилиб келинди.

Ҳозирги кунда рецидив жиноятнинг мавжудлиги ва унинг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги сабабларидан бири жиноят ҳуқуқининг етарли даражада ишламаётганлигидир. Рецидив жиноятчилик сабабларини ўрганишдан шу нарса маълум бўлмоқдаки, жиноят ҳуқуқи рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда ўз вазифасини бажара олмаяпти. Чунки рецидив жиноятчиликнинг сабаби мустақил равишдаги алоҳида бир сабабдан иборат эмас, балки у жамиятнинг қатор ижтимоий муносабатларида ётади. Айнан ана шу комплекс ижтимоий муносабатлардаги салбий ҳолатлар ва уларнинг бир-бири билан боғланиб кетганлиги бундай жиноятларга қарши кураш ишларини ғоят қийинлаштириб юборади. Кўп ҳолларда рецидив

жиноятларнинг сабаблари жиноят ҳуқуқи доирасидан ташқарига чиқиб, ҳатто бу сабаб жазони ижро этиш вақтида ҳам вужудга келади.

Аммо шуни таъкидлаш керакки, жиноят ҳуқуқи жиноят содир қилган шахсга ҳуқуқий таъсир қилишнинг дастлабки босқичи бўлиб, жиноятчиликнинг махсус олдини олишни бевосита амалда татбиқ қилади.

Янгитдан жиноят содир қилган шахсларга жиноятчиликнинг махсус олдини олиш аспектида таъсир қилишнинг воситалари бир қанчадир. Биринчидан — шахснинг янги жиноят содир қилиши мумкинлиги имкониятидан маҳрум қилиш. Бу, энг аввало, унинг жиноят содир қилишини рағбатлантирадиган муҳитдан олиб, жамиятдан ажратиб қўйиш; ёки, муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш; озодликдан чеклаш; озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган шахслар устидан назорат олиб бориш ва жазони ўзида мужассамлаштирган бошқа воситалардан фойдаланиш кабилардир.

Иккинчидан — жиноятчиликнинг махсус олдини олиш жазони ижро этувчи органларнинг маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаши билан жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларининг маҳкумлар билан тарбиявий ишлар олиб бориши билан амалга оширилади.

Учинчидан — жиноятчиликнинг махсус олдини олиш маҳкумлар янги жиноят содир қилганлари тақдирда оғир жазо чораси қўлланиши мумкинлиги билан уларни қўрқитиб маҳкумлар руҳий ҳолатига таъсир қилиш орқали ҳам олиб борилади.

Жиноятчиликнинг махсус олдини олишнинг бу воситалари рецидив жиноятларнинг олдини олишдаги аҳамияти нуқтаи назаридан таҳлил қилинса, шуларнинг энг муҳими маҳкумларнинг жазони ўташ вақтида уларга нисбатан татбиқ қилинадиган ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш чораларидир. Лекин бу воситалар жиноят ҳуқуқи доирасидан ташқарида туради. Бу ерда жазони ўташ жараёнида маҳкумларга таъсир қилиш механизми асосий ўринга кўтарилган. Лекин шунга қарамасдан ушбу жараённинг асоси, жазо тайинлашнинг умумий асосларида, яъни жиноят ҳуқуқининг асосий қоидаларидан ҳисобланган, ижтимоий қонунчилик, адолатлилик, жинсий жавобгарликни яқка тартибда ҳал қилиш, инсонпарварлик қоидаларида ётади. Амалдаги Ўзбекистон Жиноят Қонунчилигида бу

қоидалар ҳақида тўғридан-тўғри айтилмаган бўлса-да, жиноят қонуни асосан ана шу қоидаларга таяниб иш кўради.

Жиноий жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий характердаги чоралар қонунчилик фаолияти орқали ривожлантирилиб, уларнинг жиноятчиликни олдини олишдаги ақамиятининг, бутун мамлакатимиз миқёсида судлар жамоллаш фаолиятининг тубдан ўзгаришига олиб келади. Бир неча йил олдиндан бошлаб суд фаолиятида кенг қўлланадиган жазо тури ҳисобланган озодликдан маҳрум қилишни қўллаш доирасининг қисқарганлиги кузатилмоқда. Суд фаолиятида озодликдан маҳрум қилиш жазосини кенг қўлланилганлиги қуйидаги сабаблар билан характерланади. Биринчидан — амалдаги жиноят қонуни моддалари санкциясининг деярли кўпчилигида озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган. Жумладан Ўзбекистон Республикаси ЖК моддаларининг 40 фоизида озодликдан маҳрум қилиш ягона асосий жазо сифатида кўрсатилган. 40 фоизида эса бошқа жазолар билан биргаликда муқобил жазо сифатида кўрсатилган, 4 фоизида эса олий жазо — ўлим жазоси билан муқобил жазо сифатида назарда тутилган. Шундай қилиб, жиноят Кодекси Махсус қисми моддалари санкциясининг 80 фоиздан ортироғида озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган (ҳарбий жиноятларни ҳисобга олмаганда). Иккинчидан — озодликдан маҳрум қилишни қўлланишнинг кенг тарқалганлигига ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар бу жазонинг самара беришига юқори баҳо берганликлари ҳам сабаб бўлди. Ҳозирги кунда ҳам ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг бир қисми, жиноятларни очиш ва жиноятчиларни тарбиялашдаги яхши натижа берадиган восита — озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо деб ҳисоблайдилар.

Учинчидан — озодликдан маҳрум қилиш бошқа жазоларга нисбатан кўпроқ қўлланилганлиги туфайли ҳам унинг аҳамияти ошириб кўрсатилган.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ўз мазмуни, ижро этиш тартиби ва ушбу жазога ҳукм қилинганликнинг оқибатлари жиҳатидан бошқа жазо турларидан шунчалик фарқ қиладики, бу жазони ижро этишни тартибга солувчи алоҳида қонун ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир деган масала устида ҳам ўйлаб кўриш керак. Ҳозирча биз озодликдан маҳрум қилиш жазосидан

тамоман воз кечолмас эканмиз, унда жамиятга ва кишиларга зарар етказмайдиган ижро этиш усуллари ишлаб чиқилиши керак.

"Озодликдан маҳрум қилиш жуда хавfli заҳарли дори бўлганлиги учун уни қўллашнинг алоҳида қоидалари керак" — деганда Г. Ф. Хохряков ҳақ¹.

1982 йилдан бошлаб қонун чиқарувчи орган бундай ҳолатни бир оз тўғрилади, бу асосан озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишлари, жарима жазоларининг жазолаш хусусиятларини кучайтириш ҳамда ҳукмнинг ижросини кечиктириш ва шартли ҳукм қилишнинг родини кучайтириш орқали амалга оширилди.

Бундан ташқари, мамлакатимиздаги жиноят сиёсатининг йўналишини Давлат юқори суд органлари белгилар эди, жумладан СССР Олий Суди Пленумининг 1979 йил 29 июндаги "Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисида" ги қарори судларга оғир жиноят содир этган, олдин судланган, ҳалол меҳнат йўлига ўтишни истамаётган шахсларга нисбатан қонунда кўрсатилган оғир жазо чораларини қўллашни таъминлашлари кераклиги тўғрисида ҳамда унча хавfli бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини кенг қўллаш кераклиги тўғрисида кўрсатма берди². Агарда икки йил олдин озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида бир ярим миллион маҳкум сақланган бўлса, 1990 йил 1 майда бу кўрсаткич 762 минг кишини ташкил қилган³. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, кейинги йилларда суд фаолиятида озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш анча қисқарган. 1987 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллаш собиқ СССР миқёсида умумий жазоларнинг ўртача 33,7 фоизини ташкил қилган, Ўзбекистонда эса 29,4 фоиз атрофида бўлган. Фақат айрим жумҳуриятлардагина озодликдан маҳрум қилишни қўллаш мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичидан юқорироқдир. Жумладан 1987 йили Қирғизистонда 39,6 фоизни, Қозоғистонда 41 фоизни ташкил қилган.

¹ Парадоксы тюрьмы. М., Юридическая литература, 1991, с. 217.

² СССР Олий Судининг бюллетени, 1979 йил, 4-сон.

³ "Комсомольская правда", 1990 йил, 27 май.

Шунга мувофиқ равишда суд фаолиятида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашнинг нисбати кўпайди. Озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаш собиқ СССРда ўртача 25,3 фоизни, жарима жазосига ҳукм қилинганлар 17,1 фоизни ташкил қилди. Ўзбекистонда шу вақтда шартли ҳукм қилинганлар 3,6 фоизни, озодликдан шартли равишда маҳкум қилиб, маҳкумни мажбуран меҳнатга жалб қилиш 13,3 фоизни, ҳукмнинг ижросини кечиктириш 13,1 фоизни ташкил қилди. 1990 йили бу чоралар умуман собиқ СССРда 30,0 фоизни ташкил қилган эди. Бундан ташқари 1990 йили Ўзбекистон бўйича жазога ҳукм қилинганларнинг 24,4 фоизи шартли ҳукм қилиш ва ҳукмни ижро этишни кечиктириш орқали кенг жамоатчиликка қайта тарбиялаш учун топширилган¹. Жиноий жазо қўллашнинг мукаммал эмаслигини кўп йиллардан бери шаклланиб қолган жиноят сиёсати ҳам аниқ характерлайди. 1980 йили жиноий жазога ҳукм қилинган, вояга етмаганларнинг 34,1 фоизи озодликдан маҳрум қилишга, 3,1 фоизи озодликдан маҳрум қилинмасдан ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган, 8,9 фоизи шартли ҳукм қилинган, 51,3 фоизига ҳукмнинг ижросини кечиктириш қўлланган.

1990 йили 89 та тарбия-меҳнат колонияларида 27 минг вояга етмаган ўғил ва қиз жазони ўтаган. Шу йили 100 мингдан ортиқ вояга етмаганларга нисбатан ҳукмнинг ижросини кечиктириш қўлланилган².

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг берган маълумотларига кўра, жумҳуриятимизда бу кўрсаткич қуйидагича: Озодликдан маҳрум қилиш — 28,9 фоиз, озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишлари — 47 фоиз, шартли ҳукм қилиш — 13 фоиз, ҳукмнинг ижросини кечиктириш — 54,3 фоизни ташкил қилди.

1977 йилдан 1989 йилгача халқ хўжалиги қурилишларига 3 миллион 35 минг киши мажбурий равишда юборилган. Собиқ СССР да йилига ўртача 230—240 минг киши шартли ҳукм қилинган ва шартли озод қилинган. 1990 йилнинг биринчи сентябрида халқ хўжалиги қури-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Судидаги бюллетени. Тошкент, 1990. № 3. 20-бет.

² Залекая. Преступность в военном мундире. Қаранг: "Неделя", 1990, № 43, с. 4.

лишларига 119,5 минг киши мажбурий равишда юборилган бўлиб, шундан 85 минги — шартли ҳукм қилинганлар, 44,5 минги — шартли равишда озод қилиниб мажбуран меҳнатга жалб қилинганлардир. Шундан маълум қисми Ўзбекистон республикаси судлари томонидан мажбуран меҳнатга жалб қилинган кишилардир.

Жиноий жазо тайинлаш практикаси, жиноят қонунида кўзда тутилган жазолар тўғрисида айрим мулоҳазаларни келтириб чиқаради. Амалдаги Ўзбекистон жиноят қонунлари мажмуаси анча кенг доирадаги жиноят-ҳуқуқий характердаги жазоларни кўзда тутди. Шунга кўра қонун чиқарувчи орган, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга жиноятчиликнинг олдини олиш жумладан рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда бу жазо чораларидан фойдаланишнинг кенг имкониятларини яратган. Жиноий жазо турларини бундай кенг доирада белгиланганлиги, жиноий жавобгарликни яқка тартибда белгилаш принципларига риоя қилиш ҳамда жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун катта имкониятларга эга бўлиши керак эди. Аммо амалиёт бошқача йўл билан кета бошлади, яъни амалда фақат бир неча жазо турларигина қўлланила бошланди, бошқа жазоларни қўллаш эса жуда қисқарди. Ана шу шаклланиб қолган жазо қўллашнинг амалдаги ҳолатини эътиборга олиб, юридик адабиётларда жиноий жазоларнинг айримларини жазо системасидан чиқариб ташлаш таклиф қилинмоқда (сурғунни, бадарға қилишни, жамоат иззаси жазоларини). Кўпчилик юристлар озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб, маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб қилишни жазо системасига юритишни таклиф қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикасидаги судлов амалиётини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирча жазолаш сиёсати олтига турдаги жиноят ҳуқуқий характердаги мажбуриловни кенг қўллашга асосланмоқда. Булар, озодликдан маҳрум қилиш, озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиш, жарима, шартли ҳукм қилиш, озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб маҳкумни мажбуран меҳнатга жалб қилиш, ҳукм ижросини кечиктириш. 1990 йили бу жазолардан бошқасини тайинлаш 13,3 фоизни ташкил қилди¹.

¹

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Бюллетени. 1990, 3-сон.

Амалда бўлган жиноят-ҳуқуқий чораларининг барчасидан фойдаланиш, жамият ижтимоий қоидаларини амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Жиноят содир қилган шахсга нисбатан тайинланган жазони у қандай қабул қилади, ўзига нисбатан тайинланган жазо адолатли бўлдики ёки йўқми, худди шундай жиноят содир қилган бошқа шахсга тайинланган жазо билан унинг қандай фарқи бор, жиноят учун жазонинг муқаррарлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги қоидаларига қандай риоя қилинмоқда, бу масалаларни ўрганиш ва шу асосда жазо қўллашни ташкил қилиш рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирги кунда олимлар ўртасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашда бошқа турдаги жазоларга нисбатан камроқ самара бермоқда, деган фикр пайдо бўлиб, қолди.

Маълумки, СССР Ички Ишлар Вазирлиги қошида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш Бош Бошқармаси ишлаган бўлиб, унинг ихтиёрида 1047 махсус комендатуралар мавжуд эди, 1977 йилдан 1989 йилгача бу комендатуралар ихтиёрига 3 миллион 35 минг шартли ҳукм қилиб мажбуран меҳнатга жалб қилинган шахслар юборилган эди. Ҳозирги даврда йилига ўртача 230—240 минг киши шартли ҳукм қилиниб, мажбуран меҳнатга жалб қилинмоқда. 1990 йилнинг 1 сентябри маълумотларига кўра, халқ хўжалиги қурилишларида 129,5 минг мажбуран меҳнатга жалб қилинганлар ишлаган. Шулардан 85 мингтаси шартли ҳукм қилинган шахслардир, 44,5 мингга эса шартли озод қилиниб, мажбуран меҳнатга жалб қилинганлардир.

Мажбуран меҳнатга жалб қилинганларни қаттиқ назорат қилиш, режимни ўзгартириш, яъни ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясига ўтказиш билан қўрқитиб, қаттиқ интизомни ушлаб туриш, бундай шахсларни ишлашга мажбур қилишнинг асосий воситасидир. Шундан бўлса керак, махсус комендатуралар назорати остида бўлган бундай шахслар томонидан содир қилинадиган рецидив жиноятчилик жами рецидив жиноятчиликнинг 2 фоизини ташкил қилади холос. Шунинг билан бирга шундай махсус комендатуралар мавжуд бўлганидан бери мажбуран меҳнатга жалб қилинганлар томонидан бирорта ҳам оммавий тартибсизликлар рўйхатга олинмаган. Ҳатто мисол

тариқасида шуни қайд қилиш керакки, Озарбайжон, Арманистон, Молдова, Ўзбекистон жумҳуриятларида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлар вақтида ҳам бу жумҳуриятлар ҳудудидаги махсус комендатураларда тартибсизликлар содир бўлмади¹. Шунинг учун айрим криминалогларнинг "озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинганлар ўртасида рецидив жиноятнинг кўрсаткичлари юқори" — деган фикрлари асоссиздир.

Ана шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, тегишли давлат органлари ва жамоатчилик озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини ўтаётган маҳкумларга нисбатан бўлган эътиборни заррача бўшаштирмасликлари керак. Ана шу юқоридаги маълумотлардан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар тегишли хулоса чиқариб олишлари керак ва шартли ҳукм қилинган, жарима, ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини ўтаётган шахслар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларни янада кучайтиришлари керак.

Амалдаги жиноят қонунида рецидивистларга нисбатан қаттиқ жазо чораларини қўллаш йўлидан борилмоқда. Бундай ҳолат Жиноят Кодексининг умумий қисмида, жазо тайинлашнинг умумий асосларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси ЖКМ 23-моддасида алоҳида хавфли рецидивистларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин дейилган. Бундай маҳкумлар озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони махсус режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида ёки турмада ўтайдилар. Ушбу моддада алоҳида хавфли рецидивистлар ва олдин озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққан шахслар борки, буларга жазо тайинлаш ва ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясининг алоҳида-алоҳида режимдаги турлари тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 23¹-моддасида алоҳида хавфли рецидивист тушунчаси берилган. Жиноят қонунида бундай шахсларга нисбатан у ёки бу жиноят-ҳуқуқий институтларни (муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилиш ва жазони енгилроқ тури билан алмаштириш; озодликдан маҳрум қилиш жойларидан шартли равишда озод қилиб, маҳкумни мажбуран

¹ Решетников В. Условия содержания условно осужденных. Қаранг: "Известия", 1990, 13 сентябры.

жалб қилиш; тарбия-меҳнат профилакториясига юбориш) қўллаш тақиқланади. Буларга нисбатан судланмаган деб ҳисоблашнинг алоҳида тартиби белгиланган. Шунингдек, Жиноят Қонунининг бошқа нормаларида ҳам рецидивистларга нисбатан оғирроқ чоралар белгиланган.

Муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилиш ёки жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришнинг асосларини қонун жазони ўтаб бўлинган қисми ва рецидив билан боғлайди.

Жумладан, қасддан қилган жинояти учун жазони озодликдан маҳрум этилганлар сақланадиганлар жойларда илгари ўтаб чиққан ва судланганлиги бекор бўлмасдан ёки олиб ташланмасдан яна қасддан жиноят қилиб озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганларга нисбатан — жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш чораси, шу шахслар белгиланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганларидан кейин қўлланилиши мумкин.

Рецидивистларга нисбатан шартли ҳукм қилишни, озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб қилишни, ҳукмнинг ижросини кечиктиришни қўллаш чекланган. Уларга нисбатан бундай чораларни қўллашнинг шarti озодликдан маҳрум қилишга биринчи марта ҳукм қилинаётганлиги бўлиши (қонунда белгиланган бошқа асослар мавжуд бўлса) мумкин.

Қонунда рецидивистларга нисбатан бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлашда ҳам қаттиқ талаблар қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ЖҚМ нинг 39-моддасида илгари ҳам бирон жиноят қилган шахс томонидан жиноят содир қилиниши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб кўрсатилган.

Жиноятчиликнинг махсус олдини олишни, шу жумладан рецидив жиноятчиликка қарши курашни, жиноят қуқуқи судланганлик институти билан ҳам таъминлайди. Судланганлик институтига юристлар турли муносабатда бўлиб келадилар. Айрим юристлар судланганлик институтини умуман йўқ қилишни таклиф қилганлар. Аммо қонун чиқарувчи орган олимларнинг бу таклифларини қонунда акс эттирмади ва судланганлик институти сақлаб қолинмоқда. Аммо амалда судланганлик ёки судланмаганлик факти айрим ҳолларда назардан четда қолмоқда.

Бунга мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, кўп ҳолларда шахснинг судланганлик муҳлати ўтиб кетган ёки кетмаганлигидан қатъи назар, айблаш фикрида ва суднинг ҳукмида олдин судланганлиги айтиб ўтилади. Тўғри, судланганлик муҳлати ўтиб кетган бўлса бирон бир жиноят-ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди (амалдаги қонунда режим турини тайинлашдан бошқа), лекин олдин судланганлик суднинг ҳуқуқий онгига таъсир қилади. Ҳақиқатан ҳам олдин судланган шахсни судланганлик муҳлати ўтиб кетган бўлишига қарамасдан, олдин умуман жиноят содир қилмаган шахс билан бир хил ҳолатга қўйиб бўлмайди. Бундай ҳолат суд томонидан жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олаётган вақтида ҳам ҳуқуқий онгига таъсир қилади. Шунга кўра судланганлик қонун йўли билан судланган кишининг шахсини ҳам эътиборга олган ҳолда тартибга солиниши керак.

Жиноят қонунининг Умумий қисмида юқорида айтилган нормаларнинг ифодаланганлиги, рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жавобгарликни асоссиз равишда кучайтиришнинг олдини олишни ҳам таъминлайди.

Жиноят Кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида рецидив жиноят ўша жиноят составининг мураккаб тури сифатида кўрсатилганлиги ҳам худди шундай мақсадни кўзда тутаяди.

Жиноят қонунининг махсус қисми умумий рецидив тушунчасидан деярли фойдаланмайди. Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 23-моддасида махсус рецидив учун, 23¹-моддасида алоҳида хавfli рецидивистларнинг жавобгарлиги алоҳида кўзда тутилган холос. Шунга кўра ЖК да бундай моддаларнинг миқдори кўп эмас, шунинг учун ҳам жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни белгиловчи нормада олдин судланган шахс томонидан янги жиноят содир қилинганлик кўрсатилса мақсадга мувофиқдир. Амалдаги жиноят қонунинида олдин судланганлик жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхатида кўрсатилмаган. Тўғри, илгари ҳам жиноят қилган шахс томонидан янги жиноят содир қилиш ушбу рўйхатда кўрсатилган, бунда ҳам шундай ҳолатни суд жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисобламаслиги ҳам мумкин.

Жиноятчиликнинг ўсишини яна шу билан ҳам тушунтириш мумкинки, умумий афв йўли билан одатда ижобий

характеристикага эга бўлганлар озод қилинади. Колонияларда эса расмий ҳужжатлар тили билан айтганда "Тарбияси қийинлар" қолади. 1990 йил ҳисобидан олинганда собиқ СССР даги колония ва турмаларда 310 минг нафар уч ва ундан ортиқ марта судланган шахслар бўлган¹.

Жиноят қонунининг нормаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, рецидивистларнинг жамият учун ижтимоий хавфлилиги ҳозирча қонунда етарли даражада белгиланмаган. Буни олдин судланган шахслар учун жавобгарликни белгиловчи нормалар санкциясидан билиш мумкин. Яъни шуни ҳам айтиш керак...¹, жиноят кодекси Махсус қисмининг такроран жиноят содир қилиш учун жавобгарликни белгиловчи нормаларида ўша жиноятнинг мураккаблаштирувчи белгиси сифатида кўрсатилганлиги ҳам илмий асосларга қурилмаган. Ана шу моддалар санкцияларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, такроран жиноят содир қилишнинг турли-туманлигини эътиборга олган ҳолда жавобгарликни белгиловчи қатъий қоидалар йўқ (такроран, бир неча марта, муттасил, касб сифатида). Бундан ташқари, жиний жавобгарликка тортилгунча такроран жиноят содир қилинган шахсларга ҳам, олдинги жинояти учун судланган шахсларга ҳам деярли тенг даражада жавобгарлик белгиланган. Албатта, бундай ҳолатни жуда ҳам тўғри деб бўлмайди. Чунки, олдин судланган шахслар томонидан янги жиноят содир этилиши бир қанча жиноятларнинг анча оғир шаклидир ва қонун чиқарувчи орган такроран жиноят содир этиш билан рецидив жиноятга бир хилда ёндашмаслиги керак.

Бундан ташқари, қонунда такроран содир қилинадиган жиноятларнинг миқдорига қараб содир қилишнинг турли кўринишлари қабул қилинган (муттасил, касб сифатида). Олдин судланган шахсларнинг жиноят содир қилиши миқдорига қараб эса фақат уларни алоҳида хавфли рецидивист деб топиш вақтидагина ҳисобга олинади. Бунда ҳам жиноятларнинг доираси оғир ва алоҳида оғир характердаги жиноятлар эканлиги ва муддати билан чегаралаб қўйилган (озодликдан маҳрум қилиш камида беш йилдан кам бўлмаган ёки уч йилдан ортиқ). Демак, олдин судланган шахслар томонидан содир қилинган жиноятлар миқдори, агар уни алоҳида хавфли рецидивист деб то-

¹ Хохряков Г. Зона антивоспитания. "Человек", 1991г. , № 1.

пишга асослар бўлмаса жавобгарликка таъсир қилмайди. Бундай ҳолатни рецидив жиноятчиликка қарши кураш нуқтаи назаридан қаралса, тўғри деб бўлмайди. Такроран содир қилинган жиноятлар, айниқса, рецидив жиноятлар шахснинг жамият учун хавфлилиги мезонини аниқлашда жиддий ўлчов ҳисобланади ва бу мезон қонунда ўз ифодасини топиши керак.

Гуруҳ бўлиб содир қилинган жиноятларнинг ташкилотчилари ва иккинчи даражали иштирокчиларига тури ва муддати жиҳатидан ҳар хил жазоларни тайинлаш маҳкумларни фақат ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш вазифасинигина бажариб қолмасдан, балки, гуруҳ бўлиб жиноят содир қилинишининг олдини олиш вазифасини ҳам бажаради.

Айрим олимларнинг тадқиқотларига кўра такроран жиноят содир қилишда айбланган рецидивистларнинг 10—11 фоизи кейинги жиноятни, олдин гуруҳ бўлиб жиноят содир қилган шахслар билан биргаликда содир қилганлар¹.

Гуруҳ бўлиб жиноят содир қилган шахсларнинг айби даражасини эътиборга олмай бир хил жазо тури ва муддатининг белгиланиши, жазони битта ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасида ўташи бунга сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу китобнинг муаллифлари қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида рецидивистлар билан тадқиқот ишлари олиб борган вақтларида гуруҳ бўлиб жиноят содир қилган шахсларнинг битта колонияга юборилганлиги, ҳатто битта отрядда жазони ўтаётганлиги ҳолларини ҳам учратди.

Гуруҳ бўлиб жиноят содир қилган шахсларни битта ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясига юбориш ҳоллари бўлмаслиги учун гуруҳ бўлиб жиноят содир қилган шахслар бошқа-бошқа колонияга юборилиши кераклиги қонунда кўрсатилиши керак.

Демак, рецидив жиноятчиликка қарши кураш учун, бундан манфаатдор бўлган барча тармоқлар биргаликда ишлаб чиққан ва кенг жамоатчиликка мақбул комплекс чораларни татбиқ қилиш ва жиноят ҳуқуқи нормаларини ҳозирги давр талаблари даражасида ривожлантириш зарур.

¹ Зелинский А. Ф. Рецидив преступлений, структура, связи, прогнозирование. Харьков, 1980, с. 62.

Рецидивист шахсининг криминологик тавсифи

Рецидивист — бу рецидив жиноят содир қилган шахсдир, яъни олдинги жинояти учун судланганлик муҳлати ўтиб кетмасдан ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмасдан янги жиноят содир қилган шахсдир. Рецидивистлик — жиноятчининг шахси, умуман жиноятчининг шахсини характерловчи умумий белгилар билан характерланади. Уларнинг ёш жиҳатидан характерли хусусияти шунда бўлмоқдаки, тобора рецидивистларнинг ўртача ёши ёшармоқда. Рецидивистларнинг аксарият қисмини 40 ёшгача бўлган шахслар ташкил қилмоқда (1970 йилдаги аҳоли рўйхатига кўра 74,9 фоиз). Бундай хулосани 1979 йилдаги аҳоли рўйхатининг маълумотлари ҳам кўрсатиб турибди. Уша маълумотларга кўра 18—29 ёшда бўлган рецидивистлар 36,2 фоизни ташкил қилган.

Рецидивистларнинг ижтимоий-демографик белгилари борасида шунини таъкидлаш керакки, рецидив жиноятчилик кўпроқ жиноятчиларнинг эркак қисмига хосдир. Рецидивистлар таркибида аёл рецидивистларнинг ҳиссаси 2—3 баравар камдир. Лекин аёл рецидивистлар ўзида жамиятга хилоф қарашларининг турғунлиги билан ижтимоий ва ахлоқий бузилиш жиҳатидан эркак рецидивистлардан фарқ қилади. Аёллардаги рецидивнинг изчиллиги эркакларникига нисбатан юқорироқдир. Бундай ҳолат аёлларнинг руҳий ҳолати билан ҳам боғлиқ. Бундан ташқари аёлларда эркакларга нисбатан олдинги йўқотилган ижтимоий алоқаларни тиклаш анча қийинроқдир.

Рецидивистларнинг маълумот даражаси ўрганиб кўрилганда, уларнинг маълумоти мамлакатимиз аҳолисининг ўртача маълумоти даражасидан анча паст эканлиги маълум бўлди. Тошкент, Бухоро, Навоий вилоятлари ҳудудида жойлашган тўртта қаттиқ ва битта махсус режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида жазони ўтаётган шахсларнинг маълумоти ўрганилганда қуйидагилар аниқланди. Уларнинг 15 фоизи — саводсиз, 78 фоизи — тўртинчи синф маълумотига эга, 40,6 фоизи — саккинчинчи синф маълумотига, 25 фоизи — ўнинчи синф маълумотга, 9,3 фоизи — ўрта махсус маълумотга, 1,5 фоизи — олий маълумотга эга бўлган. Аммо кейинги йилларда ўрта маълумотга эга бўлган рецидивистларнинг миқдори ортиб бормоқда. Бундай ҳолат ўз навбатида улар жазони ўтаётган вақтида ва жазони ўтаб бўлганидан кейин ҳам

рецидивистлар билан олиб бориладиган иш усулларини такомиллаштиришни тақозо қилади. Ишлаш усулларини такомиллаштириш деганда рецидивистлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг ўзини яхшилашгина эмас, балки, ички ишлар идоралари ходимларининг жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари ва иш усулларини ҳам такомиллаштириш назарда тутилади.

Рецидивистларнинг маълумоти даражаси ва уларнинг жамиятга хилоф, шунингдек, жинойий хулқининг боғлиқлиги мураккаб диалектик характерга эга. Улар ўртасида тўғридан-тўғри ва қарама-қарши алоқа мавжуд. Рецидивистнинг билимлилиги аввало жамият учун фойдали бўлиши ҳам мумкин, жамиятга зарарли ҳам бўлиши мумкин. Лекин билимга интилиш, маълумот шубҳасиз шахснинг дунёқараши, талаб ва манфаатларининг кенгайишига, онгининг ўсишига, шахсининг мукамаллашишига олиб келади.

Оиласи бўлмаган шахсларда жамиятга хилоф қарашларнинг ва хулқнинг шаклланиши анча тез юз беради. Айниқса, шахсдаги бундай хусусият такрор-такрор озодликдан маҳрум қилинган кишиларда турғунлашиб, уларнинг ахлоқий бузилиши эса тубанлашиб боради. Рецидивистларнинг оилавий аҳволини ўрганишдан маълум бўлишича, уларнинг фақат 38 фоизининг оиласи бор, бевалари — 42 фоиз, 18,4 фоизи — оиласи билан ажрашган. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолдаги жинояти учун ҳам жазони ўтаётган 350 рецидивист ўрганиб кўрилганда, уларнинг 63,3 фоизи тўла бўлмаган оилада ўсган, 26,6 фоизининг жиноят содир қилиш пайтида ота-онаси бўлмаган, 7,8 фоизининг ота-онаси ажрашиб кетган. Умуман рецидивистларнинг ўртасида никоҳда бўлганларнинг ўртача миқдори, умуман никоҳда бўлган аҳолининг ўртача миқдордаги кўрсаткичларидан анча пастдир. Рецидивистларнинг оилалари бузилиши, биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар оиласининг бузилишига қараганда анча юқорини ташкил қилмоқда. Бунда эркак рецидивистлар оиласининг бузилишига нисбатан аёл рецидивистлар оиласининг бузилиши тезроқ юз бермоқда.

Рецидивистларнинг аксарияти фақатгина оиласиз бўлибгина қолмасдан, балки доимий яшаш жойига ҳам эга бўлмаган. Биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган маҳкумларнинг доимий яшаш жойига эга бўлган қисмига нисбатан эркак рецидивистларда шундай

шахслар уч марта, аёл рецидивистларда эса тўрт марта кўпроқдир.

Рецидивистларнинг меҳнат фаолияти ўрганиб кўрилганда, уларда ижтимоий фойдали меҳнатдан бош тортишга, текинхўрлик билан кун кўришга мойиллик хусусиятлари кўпроқлиги маълум бўлди. Шундан бўлса керак, рецидивистларнинг ўрганиб кўрилган жиноят ишларининг 54,5 фоизида иш жойидан уларга берилган тавсифнома йўқ эди. Тавсифномаси борларининг 19,7 фоизи ижобий, 25,8 фоизи салбий мазмунда экан. Жиноят содир қилиш пайтида бирон бир доимий иш билан шуғулланмайдиган рецидивистларнинг миқдори, биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлардагига нисбатан икки марта кўпни ташкил қилади. Бундай ҳолат рецидивистларнинг судланганлиги миқдорининг кўпайиши билан янада ошиб боради. Жиноят содир қилиш пайтида ишлаб турган рецидивистларнинг кўпчилиги, ўз хоҳиши билан тез-тез иш жойини ўзгартириб, меҳнат интизомини ҳам тез-тез бузиб турган.

Шундай қилиб, рецидивистларнинг шахси, судланганлик миқдорининг ошиб бориши ишдаги ва турмушдаги ижтимоий алоқаларининг йўқолиб бориши билан характерланади. Уларда содир бўлаётган ана шу жараёнларни тўхтатиш, улардаги ижтимоий фойдали хислатларни мустаҳкамлаш ғоят муҳимдир.

Ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган рецидивистлар билан доимий яшаш жойига эга бўлмаган рецидивистларга муносабат бир хил бўлмаслиги керак. Биринчи тоифадаги маҳкумларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилишнинг ишонтириш усулларидагина эмас, балки мажбурлаш усулларида ҳам кенг фойдаланиш керак. Иккинчи тоифаларида эса, оилавий алоқаларни йўқотганлиги уларнинг айбигина эмас, балки бахтсизлиги ҳамдир. Шунинг учун бундайларга биринчи навбатда жазодан озод этилганларидан кейин турмушда ёрдам бериш чоралари кўрилиши керак.

Рецидивистлар шахсининг муҳим хусусиятлари уларга ахлоқий-руҳий нуқтаи назардан қаралганда янада ойдинлашди.

Рецидивистлар учун характерли хусусиятлар уларнинг билим савияси ва маданий даражасининг пастлиги, ижтимоий-сиёсий билимларининг чекланганлиги, тафаккур тарзининг ва манфаатларининг торлиги ижтимоий фойдали ҳаётий тажрибасининг чекланганлигидан ҳам иборат-

дир. Кўпчилик рецидивистларнинг меҳнат қилиш борасида етарли тажрибага эга эмаслиги уларни жиноий фаолиятга етаклайди. Текширишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, ўғрилиқ жинояти учун жазони ўтаётган рецидивистлар биринчи марта шундай жинояти учун жазони ўтаётганларга нисбатан жиноят содир қилиш учун тайёргарлик кўриш, жиноят изларини яшириш, жиноят содир қилишнинг турли усуллари икки баробар кўпроқ қўллаганлар.

Рецидивистларнинг шахсини баҳолашда уларнинг дунёқарашининг тор ёки кенглигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Рецидивистлар жамиятда ҳукмрон бўлган ижтимоий муносабатлар билан қизиқмайдилар ёки бундай муносабатларни тамоман писанд қилмайдилар. Улар учун ижтимоий мажбуриятларга, меҳнатга, оилага, бошқа шахсларга бўлган муносабатлар мутлақо аҳамиятсиздир. Айрим рецидивистлар ёки рецидивистлар гуруҳида жамиятга хилоф бўлган бир қанча нуқтаи назар, баҳолаш мезонлари шаклланиб қолади. Текинхўрлик билан ҳаёт кечириш, қаҳри қаттиқлик ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Жамият учун жиддий хавfli бўлган рецидивистлар бошқа шахсларни жиноят содир қилишга жалб қилишга интиладилар, улар далолат қилиш, ташқи кўринишда ўзаро бир-бирига ёрдам, бир-бирини қўллаш деган гапларни кўпроқ гапирса-да, буларни улар ўзларича тушунадилар ва ўз мезонлари билан ўлчайдилар.

Рецидивистлар учун хос бўлган хусусиятлар — бошқалар билан муносабатда бўлганда улар шахсини ҳурмат қилмаслик, фақат ўзинигина ўйлаш, унинг шаънига айтилган арзимаган танқидий гапларни қабул қилишни истамаслик, арзимаган гаплар учун қизишиб кетиш, ўзининг қилмишларига танқидий нуқтаи назардан баҳо бермаслик, худбинлик кабилардир.

Жиноятчиларни қайта тарбиялаш улар томонидан ўзларининг қилмишларига, содир қилинган ўтмишга холис баҳо берилиб қилмишига пушаймон бўлишисиз мумкин бўлмайди. Фақат ўзининг, ўтмишини теран англаб олиш орқалигина, улар ўз ўтмишига баҳо бера оладилар ҳамда бу йўл нотўғри эканлигини тушуниб оладилар. Рецидивистларнинг ўз қилмишларига муносабатлари қандай эканлиги сўраб кўрилганда уларнинг 70 фоизи содир қилган жинояти учун афсусланишини билдирган. Рецидивист маҳкумларнинг 25 фоизи содир қилган жинояти учун афсусланмаётганлигини, айримлари эса очикдан-очик со-

дир қилган жинояти учун фахрланишини айтганлар. Судланганлик миқдори кўп бўлган рецидивистларнинг ичида эса қилмишига пушаймон бўладиганлари янада камроқ.

Рецидивистларнинг шахсида ўз талаблари ва қобилиятларини нотўғри тасаввур қилиш, уларни қондириш усулларининг қобилияти билан мос келмаслиги ҳам кузатилади. Улар кўпинча ўз шахсий қобилияти ва имкониятларидан юқори бўлган моддий қадриятларга эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Ана шунинг натижасида келиб чиққан зиддият жиноят йўлини тавлашга сабаб бўлади.

Рецидивистларнинг руҳий-ҳиссий ва иродавий хусусияти ҳам ўзига хос хусусиятлар билан фарқланиб туради. Ҳатто улар биринчи марта озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларга нисбатан юқори даражадаги қизиққонлиги, ўзини назорат қила олмасликлари, хулқининг ўзгарувчанлиги билан ҳам фарқ қиладилар. Рецидивистларнинг анчагина қисмига ўзини иродавий тайёрлаш, қийинчиликларни енгиб ўтиш қобилиятларининг чекланганлиги, ўз олдига қўйган мақсадга эришишга интилмаслик ҳам хосдир. Айрим ҳолларда уларнинг иродавий кучи салбий йўналишда бўлиб, қайсарлик, тарбиявий таъсир чораларига қатъий қаршилик кўрсатиш каби хусусиятларга эга бўлади. Шундай қилиб, рецидивистларнинг маънавий-руҳий ҳолати ўзининг жамиятга килоф йўналишидалиги билан ажралиб туради. Рецидивистларни тарбиявий жиҳатдан ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашнинг изчил усуллари қўллаш керак бўлган кишилар гуруҳига киритиш мумкин. Дастлабки жинояти учун жазони ўтаётган вақтда уларга нисбатан Ахлоқ тузатиш меҳнат Қонуни доирасида бундай қайта тарбиялаш чоралари қўлланилган эди. Уша қайта тарбиялаш жараёнида уларнинг қай даражада қайта тарбияланганлиги уларнинг хулқи ва ҳатто жазони ўтаб бўлгандан кейинги турмуш ва ишдаги хулқидан маълум бўлади. Яна шу нарса ҳам аниқландики, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташдан озод қилинаётган вақтда ижобий тавсифнома олганларга нисбатан, салбий тавсифнома олганлар ўртасида рецидив жиноятнинг нисбати икки марта кўпдир.

Рецидивистлар шахсининг бузилганлиги даражаси ва улардаги жамиятга килоф йўналишда шаклланиб қолган хусусиятларнинг чуқурлиги ва турғунлигини аниқлаш мақсадида улар гуруҳларга бўлиб ўрганилади ва шунга

мувофиқ равишда уларга нисбатан профилактика чоралари ҳам ишлаб чиқилади.

Ҳозирги даврда рецидивистлар уч турга бўлиб ўрганилмоқда. Булар: жамиятга хилоф йўналишдаги рецидивистлар; асоциал йўналишдаги (ўрнатилган қонун-қоидаларни тан оладиганлар) рецидивистлар; вазият рецидивистлари; жамиятга хилоф йўналишга қараб, зўрлик ишлатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларни содир қилишга, ғараз билан ва бошқа мотивларда жиноят содир қилишга қараб ҳам улар гуруҳларга бўлиниши мумкин.

Жамиятга хилоф йўналишдаги рецидивистлар рецидивистларнинг энг ижтимоий хавфлиси ва изчили бўлиб, улар ўз хулқини рад қиладиган жамиятга ўзларини қарама-қарши қўядилар. Улар ҳар доим жиноят содир қилишга тайёрлиги, арзимаган сабаб ва шароитлар тўфайли энг оғир жиноятларни содир қилиши мумкинлиги, жиноят содир қилиш учун шароит мавжуд бўлмаганда ҳам асло иккиланмай жиноятга қўл ураверадиган эканлиги билан ажралиб туради. Улар ўзларининг эҳтиёжи ва манфаатлари йўлида кескин қаракатлар қилиши, ўз манфаати учун ҳар қандай қабиҳлик қилишдан қайтмайдиган шахслар эканлиги билан ҳам характерланади.

Бундай рецидивистлар озодликдан маҳрум бўлиш жойларида узоқ муддат бўлганлиги учун ҳам ижтимоий фойдали жиҳатларини йўқотади. Улар шахсининг жамиятга хилоф йўналишда шаклланиши, чекланган, маданий даражаси паст бўлган, эмоционал қолоқ бўлган муҳитда яшаши уларни жамият учун хавfli шахсларга айлантиради.

Ҳозирги даврда асоциал йўналишдаги рецидивистлар ҳам анчагинани ташкил қилмоқда. Буларнинг жамиятга хилоф йўналишдаги рецидивистлардан фарқи шундаки, буларда тузумга қарши онгли равишдаги йўналиш бўлмайди, улар ўзларининг шахсий манфаатларини жамият манфаатларига қарши қўйиб, онгли равишда жинoий турмуш тарзида яшашга ҳаракат қилади. Бу рецидивистлар ўзларининг яхши ижтимоий алоқалари ва муносабатларини йўқотиб, ижтимоий таназзулга учрагани учун ҳам жиноят содир қиладилар.

Бу шахсларнинг ахлоқий-руҳий хусусиятлари алкогoлизмга, бангиликка, руҳий четга чиқишларга мойил бўлиб, интеллектуал чекланган, руҳий тушкунлик хусусиятларига эга, улар бефарқлик, ўзининг камчиликларидан нафратланиш, келажак ҳаётига ишончсизлик кайфиятида юрадилар. Бундай гуруҳдаги рецидивистлар ҳаётга

гоят энгил қарайдилар, жиноят содир қилишнинг энг содда усулларида фойдаланади. Улар рецидивистларнинг аксариятини ташкил қилиб, кўпроқ уича оғир бўлмаган жиноятларни содир қиладилар. Уларда ўғрилиқ, дарбадарлик, паспорт қоидаларини қасддан бузиш жиноятларини содир қилиш кўпроқ кузатилади. Шунга қарамасдан бу гуруҳга кирувчи рецидивистлар текинхўрлик билан кун кечиришга интилиши, такроран содир қиладиган жиноятларининг кўплиги, социал-педагогик характердаги чораларга қаршилиқ кўрсатиши туфайли жамиятга жиддий хавф туғдиради.

Вазият билан боғлиқ ҳолда жиноят содир қиладиган рецидивистлар ҳам рецидивистларнинг анчагина қисмини ташкил қилади. Булар жиний ҳаракатни вазиятдан келиб чиқиб содир қиладилар. Шунинг учун ҳам уларга вазият рецидивистлари дейилади. Рецидивистларнинг юқорида айтилган икки гуруҳидан уларнинг фарқи шундаки — уларда жамиятга хилоф йўналиш етарли даражада аниқ шаклланмаган, ижтимоий бойликка бўлган муносабат аниқ ва қатъий эмас. Улар қатъий ахлоқий принципларга эга эмас. Салбий ижтимоий характердаги алоқалари мустаҳкам эмас. Бу гуруҳга кирувчи рецидивистларда улар бир неча марта жиноят содир қилган бўлишларига қарамай, ўзларининг эҳтиёжларини ҳуқуққа хилоф йўл билан қондириш одати йўқ. Улар одатда олдин содир қилган жиноятлари учун пушаймон бўладилар, аммо шахсдаги руҳий бўшлиқ, жавобгарликни ҳис қилишнинг етарли эмаслиги ёки умуман йўқлиги, ташқи салбий таъсирларга қаршилиқ кўрсата билмаслик, уларни яна суднинг қора курсисига олиб келади.

Салбий ахлоқий-руҳий хусусиятига қараб бундай рецидивистлар икки йўналишда бўладилар. Уларнинг айримлари ноқулай шароитда ижтимоий хилоф ва асоциал йўналишдаги рецидивистлар сафини тўлдирса, бошқа бирлари биринчи марта жиноят содир қиладиган шахсларга қўшилиб олади. Вазият рецидивистлари билан тегишли органлар томонидан етарли равишда профилактика ишлари олиб борилса, яхши натижалар бериши мумкин.

Рецидив жиноятчиликнинг сабаблари

Рецидив жиноятчиликнинг мавжудлиги икки тоифа омиллар билан белгиланади. Биринчидан — умуман жиноят содир бўлиш сабаб ва шароитлари. Иккинчидан —

рецидив жиноятнинг содир бўлишига олиб келадиган бевосита ҳолатлар. Рецидив жиноятчилик содир бўлишининг алоҳида сабаблари умуман йўқ.

Биринчи марта содир қилинган жиноят ва рецидив жиноятчиликнинг объектив ва субъектив сабабларининг мазмуни деярли бир хилдир. Рецидив жиноятчиликнинг сабаблари устида гап борадиган бўлса, мазмун нуқтаи назаридан эмас, балки мяқдор нуқтаи назаридан гапириш мумкин, холос. Рецидив жиноят дейилганда, одатда, киши шахсида шаклланиб қолган жамиятга хилоф қарашларнинг у ёки бу хусусиятлари ва белгиларининг ривожланиш даражаси тушунилади.

Лекин шунга қарамай, рецидив жиноятчилик ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Жамиятга хилоф қарашларнинг турғунлиги рецидивистларда ҳам атроф муҳитнинг таъсири натижасида рўй беради. Аммо рецидивистларнинг шахсида шаклланадиган турғун жамиятга хилоф хусусиятлар икки тоифа шароитлар — субъектив ва объектив шароитларнинг таъсирида рўй беради. Биринчи тоифадаги шароитларга ҳуқуқ бузувчининг шахсини характерловчи шароитлар киради. Булар — унинг демографик ва ахлоқий-руҳий хусусиятлари (жинси, ёши, маълумот даражаси, характери, темпераменти ва ҳоказблар). Принцип жиҳатдан бу шароитлар рецидив жиноятларнинг ўзи учунгина хос бўлмасдан, булар рецидивистларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Объектив шароитлар тушунчаси кенг доирадаги турли-туман ҳуқуқий, ташкилий, тарбиявий ва бошқа характердаги объектив шароитларни ўз ичига олади.

Рецидив жиноятчилик асосий жиноий жазонинг қай даражада самара беришининг улчови ҳисобланади. Айнан жиноий жазонинг етарли даражада самара бермаганлиги, рецидив жиноят сабаблари занжирининг бир бўғинидир, холос. Ана шу туфайли маҳкумларнинг бир қисми янги жиноят қилиб яна жазони ўтайдиган жойларга қайтиб келадилар. Шу муносабат билан қўйидаги фикрларни баён қилишни лозим топдик.

Биринчидан — жиноий жазо ижтимоий-педагогик таъсир қилишнинг махсус воситаси эканлигини, унда зиддиятлар мавжудлигини ва, энг аввало, жиноий жазони ижро этишдан келиб чиқадиган ижобий ва салбий оқибатларни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бундай хусусият айниқса озодликдан маҳрум қилиш жазосига хосдир. Озодликдан маҳрум

қилишнинг муқаррар салбий хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин: маҳкумнинг оддий жамият ҳаётидан ажратилиши, олдинги ижтимоий фойдали фаолиятдан қисман ёки тўла ажралиб қолиши, махсус равишда тартибга солинган режимга ва озодликдан маҳрум қилиш шароитига риоя қилиш ва кўникишга мажбурлиги, озодликдан маҳрум қилишдан келиб чиқадиган руҳий ҳолатдаги ўзгаришлар, жазони ўтаб бўлганидан кейинги ижтимоий мослашиш билан боғлиқ бўлган руҳий ҳолатдаги қийинчиликлар ва шунга ўхшаш қатор оқибатлар.

Иккинчидан — рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда қонунларнинг етарли самара бермаётганлиги, амалдаги Қонунларнинг давр талабига жавоб бера олмаслиги, жамият тузумининг ҳозирги, янги ижтимоий шароитларда ниҳоятда мураккаб ва зиддиятлилиги ҳамдир. Ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги, қонундаги камчиликлар ва ҳоказо ҳодисалар қамбунга сабаб бўлмоқда.

Масалан, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош жумҳуриятлар Жиноят Қонунлари Асосларини қабул қилиш вақтида (1958 йил), рецидив жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги жиддий камчиликларни билмасликка, кўрмасликка ҳаракат қилинди. Худди шундай ҳолат уюшган жиноятчиликнинг онгли равишда тан олинмаслиги оқибатида яна қайтарилди. Ваҳоланки, уюшган жиноятчиликнинг рецидив жиноятчиликдаги ҳиссаси ҳам салмоқлидир. Кейинги йилларда Қонунлар тизими ривожлантирилди, жиноятчиликнинг сабаб ва шароитларини бартараф қилишда яхши самара берадиган нормалар ишлаб чиқилди. Лекин, шунга қарамасдан, бу соҳада қилинган ишлар рецидив жиноятчиликни камайтириш имкониятини бермаяпти. Шунинг учун рецидивистлар жавобгарлигини белгиловчи қонунлар бундан кейин ҳам ривожлантириб борилаверади.

Учинчидан — жазонинг етарли самара бермаётганлигининг сабабларидан бири — уларни амалда қўллашдаги хато ва камчиликлардир. Ўз навбатида бу камчиликлар рецидив жиноятчиликда ҳам ўзини кўрсатмоқда. Жазонинг самарали таъсирига эришиш учун яхши қонунларнинг ўзигина етарли эмас, балки, жамият тараққиётининг ушбу босқичида уларнинг суд томонидан амалда қўлланишини ҳам яхшилаш керак. Яъни жазо тайинлашда ҳар бир турдаги жиний жазонинг энг кам қисми ва энг кўп қисми доирасида содир қилинган жиноятнинг ижтимоий

хавфлилиги, жиноят натижасида келтирилган зарар, жиноятчининг шахси ва жиноят ишидаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиш керак. Амалда бу иш ҳар доим ҳам тўғри ҳал қилинмоқда деб бўлмайди. Масалан, кўп йиллардан бери озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга кўпроқ ҳаракат қилиниб, бошқа турдаги жазоларни тайинлашга етарли аҳамият берилмади. Бу ҳақда биз юқорида айтган эдик.

Тўртинчидан, жазонинг самарадорлигини тушириб юборадиган ва рецидив 'жиноятчиликнинг олдини олишга салбий таъсир қиладиган омиллардан бири, жазони ижро этишдаги турли-туман камчиликлардир. Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш, уларнинг онгида шаклланиб қолган жинсий одат ва қарашларни ювиб ташлаш учун анча ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг билан бирга маҳкумни ўраб турган муҳитдан унга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган, унинг шахси таназзулга учрашига сабаб бўладиган ҳолатлардан ҳам қочиб қутулиб бўлмайди. Бундай шароитда жазонинг мақсадига эришиш қийинлашади. Маҳкум жинсий жазога ҳукм қилинганидан кейин ҳам ўзининг жинсий фаолиятидан воз кечмаган бўлса, унинг шахсидаги жамиятга хилоф хусусиятлар, озодликдан маҳрум қилиш шароитида янада мустаҳкамланади ва ривожланади. Бу борада уларга жамият учун хавфли бўлган ва тузатиш йўлига ўтиб олишни хоҳламайдиган ашаддий рецидивистлар жиддий таъсир кўрсатади. Айниқса, жазони ўташ вақтида ҳам жиноят содир қилган, режим қоидаларини муттасил равишда бузиб келадиганларнинг таъсири хавфлидир.

Маҳкумларнинг шахсига салбий таъсир қиладиган ҳолатлар турли-туман бўлиб, булар, маҳкумларнинг ижтимоий фойдали меҳнатга тўла жалб қилинмаганлиги; уларни ўқитишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги; ҳунар ўргатишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги; сиёсий-тарбиявий ишларнинг қониқарсиз олиб борилиши; қонунда кўзда тутилмаган чораларнинг қўлланилиши; режим талабларининг асоссиз равишда бўшаштирилиши ёки кучайтирилиши; режим қоидаларини бузувчиларга нисбатан чора кўрмаслик, маҳкумни асоссиз равишда бир отряддан иккинчи отрядга ўтказавериш, яшаш зоналарига жойлаштириш вақтида хатога йўл қўйиш ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида бундай камчиликлар етарли.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари системасини тубдан ўзгартириш ҳозирги куннинг долзарб талабидир. Жазони ўташи керак бўлган режимдаги колониялардан қайси бирида жазони ўташ ва ишлаб чиқаришнинг қайси турида ишлашдаги ихтиёрийлик ҳуқуқини ҳам маҳкумларда қолдириш керак. Қурилишга, ўрмон кесишга маҳкумларни мажбурий юбормасдан, ана шулардан қайси бирида ишлашни уларнинг ўзлари танласалар, улар ўзи танлаган ишни сидқидилдан ва онгли тарзда бажаради. Уларни рағбатлантириш чораларини кенгайтириш, иш ҳақи тўлашдаги ўзини оқламаган чеклашларни бекор қилиш керак. Ҳозирги кунда маҳкумларнинг иш ҳақининг 50 фоизи давлат фойдасига ўтказилади (бунга уларнинг кийган кийими ва еган овқати учун ушлаб қолинадиган ҳақ кирмайди). Фикримизча, маҳкумнинг ҳар ойда ишлаган иш ҳақининг фоизи эмас, балки қатъий белгиланган сумма давлат ҳисобига ўтказилиши керак. Бу уларни янада яхшироқ меҳнат қилиш учун рағбатлантиради. Ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида жиноят содир қилиш 84 фоизга, тергов изоляторлари ва турмаларда 62 фоизга ўсганлигининг боиси ҳам шундан бўлса керак. Даволаш-меҳнат профилакторияларида эса икки марта ошган. Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ходимларига ҳужум қилиш, уларни гаровга олиш ҳоллари кўпайди. Фақат 1989 йилнинг ўзида 177 гаровга олиш ҳодисаси (бундан 83 таси аёллар) содир бўлди. Қамоқдан қочишлар, гуруҳ бўлиб бўйсунмаслик, ишдан ва овқатлардан бош тортиш ҳоллари кўпайди.

Фикримизча, колонияда бўлаётган ишларга ошкоралик тусини бериш керак. Колонияларда ҳам ҳунарманд, қўли гул йигитлар топилади. Маҳкумлар томонидан ясалган ҳунармандчилик буюмлари намойиш қилинганда кўпчиликнинг диққатини ўзига тортди. Агар бу буюмлар кооперативлар орқали сотилса, катта муваффақиятга эришиш мумкин. Колонияларда меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклини, ҳатто пудрат шартномаси асосидаги меҳнатни йўлга қўйиш яхши натижалар бериши мумкин. Буни маълум маънода маҳкумларнинг эркин меҳнати деса ҳам бўлаверади. Колонияда маҳкумларнинг меҳнати озод меҳнат бўлиши керак. Озод бўлмаган меҳнат ҳар доим ҳам самарасиз бўлади.

Озодликдан шартли равишда маҳрум қилиб маҳкумни меҳнатга мажбуран жалб қилишдаги айрим камчиликлар ҳам рецидив жиноятчиликка ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Бу камчиликлар, энг аввало, шартли ҳукм қилиш ва шартли озод қилишни қўллашда кўзга ташланади.

Ҳозирги кунда шартли ҳукм қилиб мажбуран меҳнатга жалб қилинганлар ва шартли озод қилиниб мажбуран меҳнатга жалб қилинганлар томонидан ўзбошимчалик билан улар учун белгиланган жойдан чиқиб кетиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб, анчагина ташвишлар келтирмоқда. Тахминан 3,5—4 минг ана шундай кишилар муттасил қидирувда бўлади. Бундай қочиб кетишларнинг сабаблари нимада? Ваҳоланки, жазо оғир эмас, зеро, шартли ҳукм қилиниб, мажбуран меҳнатга жалб қилинган шахслар озод қилинган кундан бошлаб судланмаган ҳисобланадилар. Иш ҳақлари анча юқори, касаба уюшмасининг аъзоси бўла оладилар, сайловда қатнашадилар, дам олиш кунлари уйларига бориб келишлари ҳам мумкин. Намунавий хулқли, оилалиларига эса ижарага уй олиб оиласини олиб келишга рухсат берилиши мумкин. Лекин шунга қарамай юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, қочиб кетаётганлари уларнинг анчагина қисмини ташкил қилмоқда. Демак, бу уларга ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш имкони ҳаммиша ҳам берилмаётганлигидан далолатдир.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш, ижро этишдаги камчиликлар ҳам рецидив жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин. Масалан, озодликдан маҳрум қилмасдан ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинганларнинг фақат иш ҳақидан суд ҳукмида кўрсатилган фоиздаги сумма ушлаб қолинишининг ўзи билан чекланиб, маҳкум билан бошқа тарбиявий ишлар олиб борилмайди. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни янада такомиллаштириш, уларнинг тарбиявий кучини янада ошириш зарур.

Муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиш ва жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришни қўллашдаги камчиликлар ҳам айрим ҳолларда рецидив жиноятчилик содир бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Ўзини қатъий тузалганлигини исбот қила олмаган маҳкумларга нисбатан шундай йўл тутиш кўп ҳолларда рецидив жиноятнинг содир бўлишига сабаб бўлмоқда. Муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилишни такроран озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан қўллашда маҳкумнинг қатъий тузалганлигини исботловчи барча ҳолатлар батафсил ва аниқ текшириб кўрилиши керак. Чунки бундай

шахслар катта тажрибаси туфайли ички дунёсини яшира олади, ўзини тузалган қилиб кўрсата олади.

Ошкоралик туфайли олдин сир сақланган маълумотлар кенг халқ оммасига эълон қилинмоқда. Бу ҳақда энди бемалол айтиш мумкин бўлиб қолди. Агар 1986 йили ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида 2 миллион 600 минг маҳкум сақланган бўлса, 1991 йилнинг ўрталарига келиб 700 мингга яқин маҳкум жазони ўтамоқда. Ана шу қисқа вақт ичида 900 мингдан ортиқ киши жазодан озод қилинди. Ана шу шахсларнинг барчаси қатъий тузалган-лигини исбот қилганлиги учун озод қилинган деб бўлмайди. 1989—1990 йилларда жиноятчиликнинг ўсганлиги шундан бўлса керак¹.

Жазодан озод бўлиб келаётган шахсларни олдинги яшаган жойида рўйхатга олишни асоссиз равишда рад қилиш шахснинг яна жинойий фаолиятга қайтишига сабаб бўлиши мумкин. Яна шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларида прописка қилиш чекланган. Шунинг учун бўлса керак, 1989 йили жазодан озод бўлиб келган юз минг киши ишга жойлаша олмаган. Пудрат, кооператив муносабатларининг ривожланиши, хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш системасига ўтилиши бундай ҳолатни янада кескинлаштирди.

Жазодан озод бўлиб келган шахсни яна янги жиноят содир қилишида унинг шахсий турмушидаги, оиласидаги ва қариндош-уруғчиликдаги салбий муносабатлар, оилада бир-бирига иззат-ҳурматнинг йўқлиги, носоз муҳитнинг мавжудлиги, жанжалли вазиятларнинг тез-тез бўлиб туриши, қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғлар билан яхши муносабатлар ўрнатилмай, арзимас ишлар учун уриш-жанжал қилиш ва ҳоказолар ҳам рол ўйнайди. Айниқса, унинг атрофидагилар жамиятга хилоф тарзда ҳаёт кечираётган бўлсалар, шахснинг яна жиноят йўлига кириб кетиши оддий ҳолдир.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар ва жамоат ташкилотлари фаолиятидаги кўпгина камчиликлар, уларнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари билан яхши алоқалар ўрнатмаганлиги, профилактика хизмат қисмининг милициянинг бошқа хизмат қисмлари билан келишиб ягона

1

Бакатин В. В. Новый импульс взаимного сотрудничества. "Шит и меч". М., 1990, № 4. с. 14.

фронт асосида ишни ташкил қилмаганлиги, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг корхона, муассаса, ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатмаганликлари, яшаш жойларида маҳалла қўмиталари ва активларининг фаолиятини маълум бир йўналишга солинмаганлиги, уларга раҳбарлик қилинмаганлиги рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда салбий ҳолатларни туғдиради.

Айниқса, рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда яхши самара бериши мумкин бўлган маъмурий назорат ўрнатишдан самарали фойдаланилмайди. Тошкент шаҳрининг Миробод ва Яккасарой районлари ички ишлар бўлими, Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимларининг маъмурий назорат ўрнатишдаги иш фаолиятини ўрганишимиздан маълум бўлишича, қонун бўйича маъмурий назорат ўрнатиш мумкин бўлган жазодан озод бўлиб келаётган шахсларнинг 33,3 фоизи, айрим жойларда эса 66,4 фоизи устидан маъмурий назорат ўрнатилмоқда.

Рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш

Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш, рецидив жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Маҳкумларнинг ахлоқан тузалганлиги даражасини белгиловчи кўрсаткичлардан бири уларнинг меҳнатга муносабатидир. Ахлоқ тузатиш ишлари Бош Бошқармасининг маълумотларига кўра, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ҳам худди бошқа вазирлик тармоқларидек турли-туман маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ҳар йили улар ана шу ишлаб чиқариш фаолиятдан бир миллиард юз миллион сўм даромад олади. Ҳар бир маҳкумнинг йилига ўртача берадиган маҳсулоти 13 минг сўмни ташкил қилади¹. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра кўпчилик маҳкумлар меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмоқдалар (74,3 фоиз). Шунинг билан бирга меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмайдиган маҳкумлар (20 фоиз) ва умуман меҳнатдан бўйинтовлайдиган маҳкумлар (0,8 фоиз) ҳам анчагинани ташкил қилади. Тадқиқ қилинган маҳкумларнинг 4,9 фоизига нисбатан бирон бир хулоса

¹ "Комсомольская правда", 1990, 27 мая.

айтиш иложи бўлмади. Рецидивист маҳкумлар ичида режим қоидаларини қасддан доимий равишда бузадиганлари ҳам анча миқдорни ташкил қилади. Текширишлардан маълум бўлишича, бундайлар 17,9 фоизни ташкил қилади. Кўпчилик рецидивистларни назорат қилиш шароитида мажбуран меҳнатга жалб қилиш натижасида улар яхши хулқ билан ишламоқдалар. Рецидивистларнинг 39—46 фоизи ўзларининг ишлари юзасидан бирон бир танбеҳ ҳам олмай ишламоқдалар.

Текширишларимиз натижаларига кўра ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасида жазони ўташнинг охириги йилида маҳкумларнинг интизомий жавобгарликка тортилган қисмининг 49,4 фоизини рецидивистлар ташкил қилмоқда. Булардан 41,4 фоизи фақат бир марта, 26 фоизи икки марта интизомий жавобгарликка тортилган. Бошқача қилиб айтилганда, интизомий жавобгарликка тортилган рецидивистларнинг 67,4 фоизи жазони ўташнинг охириги йилида икки мартагача, 32,4 фоизи — уч ва ундан ортиқ марта интизомий жавобгарликка тортилган.

Рецидивистларнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасидаги маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотларда қатнашиш даражаси ўрганилганда қуйидаги ҳолат аниқланди: Маҳкумларнинг ташаббускор ташкилотларида рецидивистларнинг учдан бир қисмигина қатнашмоқда. Бундай ташкилотларда изчил қатнашадиганлар — 14,1 фоиз, қатнашган ҳолда ўзининг изчил қатнашаётганлигини кўрсата олмаганлар — 16,9 фоиз, олдин қатнашган, аммо тадқиқ қилиш вақтида қатнашмаётганлар — 4,2 фоизни ташкил қилган. Қолган 65,2 фоиз рецидивист маҳкумлар ташаббускор ташкилотларда умуман қатнашмаганлар ва қатнашмаяптилар ҳам.

Маҳкумлар ўзларига нисбатан тайинланган жазога қандай муносабатда бўладилар, уларга нисбатан татбиқ қилинаётган ахлоқ тузатиш тарбия воситаларини қандай қабул қиладилар, деган савол ҳам жиддий қизиқиш туғдиради. Айниқса маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари қандай самара бераётганлиги ҳам жиддий тадқиқ қилишни талаб қилади. Рецидивист маҳкумлардан сўраб кўрилганда, уларнинг 59 фоизи олдинги жазони ўташ ўзларига ижобий таъсир қилганлигини айтганлар. Демак, маҳкумларни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш воситалари жуда ҳам паст самара бермоқда. Бундай ҳолатнинг сабаби кўп ва турли-туман, аммо энг асосийси жиноий жазони ижро этиш савиясининг пастлиги ҳамда ахлоқ тузатиш-меҳнат

муассасаларида маҳкумлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг етарли даражада яхши ташкил қилинмаслигидир. Қолаверса, бу соҳада ишлаётган ходимлар етарли малакага эга эмаслар.

Ачинарлиси шундаки, Чимкент шаҳридаги милиция мактабини тугатган мутахассислар ишлаш учун Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларига ишга юборилади.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг самарали фаолияти кўп жиҳатдан бу муассасаларда ишлаётган шахсларнинг ўз вазифасига, эгаллаб турган мансабига ҳалоллик билан муносабатда бўлиши ва ўз мутахассислигини яхши эгаллаб олганлигига боғлиқдир.

Кейинги вақтларда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари тармоғи бўйича мутахассислар тайёрлаш борасида Олий ва Ўрта махсус ўқуғ юртлари системаси ташкил қилинганига қарамай, яхши мутахассис ходимларни тайёрлаш масаласи ғоят муҳим бўлиб қолмоқда. Бу соҳада ишлаётган ходимларнинг иш шароити ғоят оғир, кўп ҳолларда уларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавф остида. Бизнинг мамлакатимизда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидаги ҳар 100 та маҳкумга битта ходим тўғри келади, Швецарияда эса ҳар 2 та маҳкумга битта ходим тўғри келади.

БМТ томонидан қабул қилинган маҳбуслар билан муомала қилиш қоидаларида айтилишича, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларининг ходимлари учун белгиланадиган иш ҳақи, тажрибали ходимларни ушбу ишга жалб қилиш ва шу жойда муқим ишлаб қолишини кўзда тутган ҳолда белгиланиши керак. Уларнинг меҳнат шароитининг мураккаблиklarини эътиборга олиб ташкил қилиниши керак.

Бухоро вилоятида жойлашган бешта ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида босқинчилик жинояти учун такроран жазони ўтаётган маҳкумлар билан олиб борилган тадқиқотларимиздан қуйидагилар аниқланди: режимни кучайтириш керакми? деган саволга — 31,5 фоиз киши "ҳа" деб жавоб берган; режим қоидаларини бузувчиларга талабни кучайтириш керакми? деган фикрни — 27 фоиз киши қўллаган; ёзишмаларни кенгайтириш керак дегувчилар — 22 фоиз; режим талабларини бўшаштириш керак деб ҳисобловчилар — 6,1 фоиз, тўла тузалмагунча озод қилишни тақиқлаш фикрини — 5,1 фоиз киши маъқуллаган.

Рецидив жиноятлар олдини олишнинг муҳим қисми, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари ва махсус комендатуралар фаолиятида маҳкумларни жазодан озод қилишга тайёрлаш ҳисобланади. Маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш жараёни ахлоқ тузатиш меҳнат қонунида ҳам ўз ифодасини топган. Қонун нормаларида белгиланган талабга кўра маҳкумларни озод қилишга тайёрлаш кўп жиҳатдан озод бўлаётган шахс тақдирини ҳал қилади. Уларни озод қилишга тайёрлаш жараёнида маҳкум билан суҳбатлар ўтказилади, келажакда унинг қаерда яшамоқчи эканлиги, нима билан шуғулланмоқчи эканлиги, мўлжаллари аниқланади. Шунингдек, ана шу суҳбат давомида уларни ишга жойлаштириш учун ёрдам берадиган қонунлар, уларнинг иши ва турмушини яхшилаш учун кимларга ва қайси идораларга мурожаат қилиши мумкинлиги, паспортини ва ҳужжатларини қаердан олиши мумкинлиги тушунтирилади.

Озодликдан маҳрум қилиш муассасаларидан, махсус комендатуралардан, дарбадарлар учун мўлжалланган қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларидан ва даволаш-меҳнат профилакторияларидан йилига, ўртача ҳисобда ярим миллион шахс озод бўлиб келмоқда¹.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунида ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидан озод бўлган шахслар ўз касби бўйича иш билан таъминланиши зарурлиги қайд этилган. Жазодан озод бўлиб келаётган шахсларни ишга жойлаштириш вазифаси халқ депутатлари Кенгаши ижроия комитетига юклатилган. Ижроия комитет жазодан озод бўлиб келаётган шахсларни ўн беш кундан кечиктирмасдан ишга жойлаштиришлари шарт. Бунда халқ депутатлари Кенгаши ижроия комитетининг озод бўлиб келган шахсни иш билан таъминлаш тўғрисида корхона, муассаса, маъмурият раҳбарларига юборган фармойишни улар сўзсиз бажариши мажбурийдир. Шунингдек, Қонунда зарур бўлса, озод бўлиб келган шахс яшаш жойи билан ҳам таъминланиши кўрсатилган.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари раҳбарлари маҳкумларнинг жазодан озод бўлганларидан кейин иш ва турмушда ёрдам беришини сўраб қилган мурожаатларига

¹ Қаранг: Коментирует пресс-центр МВД СССР. "Человек и закон", 1991, № 3. с. 27.

этибор билан қарашлари керак. Ахлоқ тузатиш меҳнат қонунига мувофиқ маҳкумни жазодан озод қилишга тайёрлаш у озод бўладиган кундан анча олдин бошланади ва озод бўлишига камида икки ой қолганда ҳал қилиб қўйилган бўлиши керак.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси маъмурияти ва махсус комендатура маъмурияти маҳкум озод бўлганидан кейин яшайдиган ўзи танлаган жойдаги район ички ишлар бўлимига, Халқ депутатлари Кенгаши ижроия комитети орқали ҳамда кузатув комиссиялари ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар ёрдамида, жазодан озод бўлиб келадиган шахсни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришни сўраб хат жўнатади.

Маҳкумни жазодан озод қилишга тайёргарлик кўриш ишлари, унинг шахсига хос хусусиятларни ҳамда жазодан озод бўлганидан кейин қандай муҳитга бориб тушишини этиборга олиб юритилади. Бундай масала ҳар бир маҳкумнинг тузалганлик даражасига холис баҳо берган ҳолда унинг ҳалол турмуш тарзига киришиб кетиш имкониятларини ҳам назарда тутиб, якка тартибда ҳал қилиниши керак. Айниқса, I, II гуруҳ ногиронлари, вояга етмаганлар, ўзининг олдинги яшаган жойига қайтиб бормайдиган шахсларни озод қилишга тайёрлаш масаласига катта аҳамият берилиши керак. Алоҳида хавfli рецидивистлар, уч ва ундан ортиқ марта судланган шахсларни, қасддан қилган оғир жинояти учун жазони ўтаётган шахсларни, дарбадарлик, тиламчилик ва текинхўрлик билан кун кўриш жиноятлари учун жазони ўтаётганларни, жазони ўташ вақтида тузалиш йўлига ўтиб олмаган, маъмурий назорат ўрнатишни тақозо қиладиган маҳкумларни жазодан озод қилишга ҳамда жазодан озод бўлганидан кейин ҳам жинойий фаолиятини давом эттириш мақсади бор маҳкумларни жазодан озод қилишга тайёрлашнинг махсус йўлларини қўллаш керак бўлади. Бу шахслар жазодан озод бўлганидан кейин уларга иш ва турмушида ёрдам бериш ишлари, улар бундай ёрдамни рад қилган тақдирда ҳам, озод бўлишидан анча олдин ҳал қилиб қўйилмоғи лозим.

Маҳкумни жазодан озод қилинганидан кейинги оддий турмуш шароитида яшашга тайёрлаш ишида, маҳкум жазодан озод бўлиб боришни танлаган жойдаги ички ишлар идоралари, меҳнат жамоаларининг вакиллари ва жамоатчилик фаол қатнашади. Жумладан, ички ишлар идоралари ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясидан ёки махсус

комендатурадан озод бўлиб бораётган шахсни олдинги иш жойига ишга жойлаштириш имкониятларини кўриб чиқади, оила аъзоларининг озод бўлиб келаётганга нисбатан муносабатини аниқлайди. Зарур бўлса, милиция ходимлари маҳкум олдин ишлаган корхона, муассаса, ташкилотларга бориб, раҳбарлари билан ва меҳнат жамоалари билан суҳбат ўтказади. Бунда озод бўлиб келаётган шахсни иш билан таъминлаш, турмушида ёрдам бериш, озод бўлиб келаётган шахсни оталиққа олиш масалаларини ҳам ҳал қилади. Ишга жойлаштириш ва турмушида ёрдам бериш юзасидан қилинган ишлар ҳақидаги маълумотларни милиция органи ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясига ёки махсус комендатурага юборади. 18 ёшга тўлмаган маҳкумлар ота-онасининг ихтиёрига юборилади. 16 ёшга тўлмаган маҳкумларни озод қилиш вақтида уларнинг ота-онаси ёки яқин қариндош-уруғига хабар берилади. Агар уларнинг олиб кетишга имконияти бўлмаса, тарбия-меҳнат колониясининг вакили ўсмирни уйига олиб бориб қўяди.

Озод бўлган шахсни ўзи танлаган яшаш жойига етиб олишини таъминлашни назорат қилиш мақсадида ва етиб келганидан кейин турмуш ва ишида ёрдам бериш, прописка масалаларини ҳал қилишни назарда тутиб, ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияси маъмурияти маҳкум бораётган райондаги ички ишлар идораларига жазодан озод бўлганлар ҳақидаги маълумотларни юборади. Шу маълумотлар билан бирга улар билан қандай профилактика ишларини олиб бориш кераклиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам жўнатади.

Жазодан озод бўлиб келган шахслар билан милиция органи вакили суҳбат ўтказади. Шу суҳбат чоғида унга ишида ва турмушида қандай ёрдам кераклиги, пропискадан ўтиш ва бошқа масалалар тушунтирилади.

Шуни таъкидлаш керакки, 1983 йилгача жазодан озод бўлиб келаётган рецидивистларни марказлаштирилган ҳолда рўйхатга олиш тартиби ўрнатилган эди. Шунинг учун ҳам ҳар йили қанча рецидивист жазодан озод бўлиб келаётганлиги ва қайтадан жиноят содир қилаётганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлар, бу жиноятни улар жазодан озод бўлганидан кейинги биринчи йилини, иккинчи йилини ёки учинчи йилда содир қилганлиги аниқ бўлар эди. Бундай тартиб айрим камчиликларга эга бўлишига қарамай ҳар қалай рецидив жиноятчиликнинг аҳволи ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилар эди. 1983 йили, бундай рўйхатга олиш бекор қилинганидан кейин

бу ишда жиддий камчиликлар туғилди. 1989 йилдан бошлаб жазодан озод бўлиб келаётган рецидивистларни рўйхатга олиш яна жорий қилинди. Бунда 1983 йилгача бўлган камчиликлар бартараф қилинди. 1991 йилдан бошлаб рецидив жиноят тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлинди.

Берилаётган маълумотларга кўра, жазодан озод бўлаётганларнинг 80 фоизи ишга ўзлари жойлашмоқдалар. 20 фоизи махсус ёрдамсиз ишга жойлаша олмаяптилар. Айнан ана шу шахслар рецидив жиноятчиликнинг асосий резерви ҳисобланади. Жазодан озод бўлиб келаётган шахсларнинг оддий турмуш шароитига қўшилиб кетишига тўсқинлик қиладиган ҳолат, биринчидан — асосланмаган паспорт чеклашлари, уларнинг паспортини қайд қилишни рад қилиш, иккинчидан — корхона, муассасаларнинг бундай шахсларни ишга қабул қилишдан бўйин товлаши.

СССР Прокуратураси илмий тадқиқот институтининг берган маълумотларга кўра 1990 йили жазодан озод бўлиб келган 33 минг кишининг ўзи фақат бир йилнинг ичида рецидив жиноятчилик ўсишини 10 фоизга кўтарган¹.

Бу масаланинг яна ҳам муҳимлиги шундаки, озод бўлиб келаётганларнинг кўпчилиги оғир сурункали касаллик билан оғриганлар ёки пенсия ёшидагилардир. 13—15 минг озод бўлаётганларнинг фақат 3—3,5 мингинигина даволаш муассасаларига ва қариялар уйига жойлаштиришнинг иложи бўлмоқда холос.

Собиқ СССРда 1985—1991 йиллар мобайнида 200 ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияси ёпилди. 1991 йилнинг 1 июли ҳисобидан олинса, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари Бош Бошқармаси тизимида 1053 колония бўлиб, шундан 71 — махсус режимли, 176 — кучайтирилган режимли, 129 — умумий режимли, 230 — манзил колониясидан иборат бўлиб, уларда сақланаётган маҳкумларнинг миқдори 765 минг атрофида бўлган. Шундан 200 мингтаси тергов изоляторларида сақланган, 61 мингтаси алоҳида хавfli рецидивистлар бўлган, 4 мингтасини қонундаги ўғрилар ташкил қилган.

Ана шу вақт ичида, 12 минг гиёҳванд, 112 минг алкоголиклар қамоқда сақланган. 40 мингдан ортиқ маҳкум сил касали билан касалланган бўлган².

¹ "Советская культура", 1990, 20 декабра.

² "Юридическая газета", 1991, № 14, с. 19.

СССР Ички Ишлар Академиясининг маълумотларига кўра, маҳкум эркаклар 85 фоизни, маҳкум аёллар 15 фоизни ташкил қилган. Кейинги 15 йил мобайнида мамлакат миқёсида 180—200 минг аёллар жиноят содир қилганлар¹. Шундан 16 фоизи 14—17 ёшдагилар, 41 фоизи 18—29 ёшдагилар, 30 ёшдан ошганлар 42—43 фоизни ташкил қилган.

Ижтимоий таркиби бўйича ишчилар — 53 фоиз, колхозчилар — 6 фоиз атрофида, хизматчилар 9 фоизгача, ўқувчилар (мактаб ва ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари) тахминан 11 фоиз, Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари — 11 фоиз, ишламайдиган ва ўқимайдиганлар — 16 фоиз бўлган.

СССР Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 24 майдаги 424-сонли, ижтимоий таъминот тизимида қариялар ва ногиронлар учун махсус интернат уйлар, дарбадарлар учун қабул қилиш-тақсимлаш муассасалари очиш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши қониқарли эмас. 1989—1990 йилларда очиш мўлжалланган 40 та шундай муассасалардан бир нечаси очилди холос.

Маҳкумлар нуқтаи назаридан қараганда уларнинг турмушида ёрдам беришни корхона, муассаса маъмурияти қониқарли ҳал қилмаяпти. Бу масалани ҳал қилиш 50,1 фоизга бажарилмоқда холос. Бу ишда ҳозирча жиддий бурилиш йўқ. Фақат озод бўлаётганларнинг ярмигагина турмуш ва ишида ёрдам берилмоқда холос. Ваҳоланки, ҳар бир маҳкумнинг шахсий делосида уларни ишга жойлаштириш ва турмушида ёрдам бериш юзасидан қилинган ишлар тўғрисидаги маълумотлар бор. Шундан бўлса керак, жазодан озод бўлиб келганларнинг 43,7 фоизи ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасидан озод бўлганидан кейин ишга киришга қийналганлиги ҳақида айтган. Кўп ҳолларда уларни ишга қабул қилишни тўғридан-тўғри рад қиладилар ёки бундай шахслардан қутулиш йўлини қидирадилар. Бир йил ичида ишга қабул қилиш тўғрисида мурожаат қилган бундай шахсларнинг 45 фоизига рад жавоби берилган бўлса, 76,8 фоизи ишдан бўшатилган².

¹ "Мир женщины", 1992, № 1, с. 18.

² Жбанов Е. У злобы есть корни. "Известия", 1990, 11 сентябрь.

"Судланганман. Бир неча йил тиканли сим ортида ўтирдим — ўз айбимни ювдим. Тирик қолдим. Озод бўлдим. Оддий ҳаётга қайтиш, оилали бўлиш, болали бўлиш учун қандай қийинчиликлар бор-а? Собиқ маҳкум — эгасиз итдан бадтар. Бунинг бари мени пропискага қўйишдан бош тортганларидан бошланди. Пропискасиз эса ишга жойлашиш умуман мумкин эмас. Мен аҳмоқ яна ижроия қўмитага, шаҳар қўмитасига, прокуратурага шикоят билан мурожаат қилиб юрибман. 11 кун давомида қайси идора остоналарида бўлмадим, қаерларда тунамасдик!" — деб ёзади Иван Мураев¹. Ҳа, жиноятчилар ҳам жамият аъзосидирлар ва жамият улардан воз кечмаслиги керак, тиканли сим ортидан чиққанларидан кейин жамият рад қилган ташландиқ бўлиб қолмасликлари керак. Рад қилинган киши ғазабнок, жоҳил, бадният бўлиб қолади. Бундай ҳолатдаги киши ҳеч нарсадан қайтмайди ва жамият учун янада хавfli бўлиб қолади.

Ҳозирги кунда МДҲга кирувчи давлатларнинг 70 та шаҳрида прописка қилиш расмий равишда тақиқланган. Жазодан озод бўлиб келганларни қайд қилиш масаласи ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон республикасида ҳам олдин судланган шахсларнинг такроран жиноят содир қилиши анча юқоридир. 1986—90 йиллар мобайнида олдин судланган шахслар томонидан такроран жиноят содир қилиниши ўртача 14 фоизни ташкил қилган бўлса, маъмурий назорат остидаги шахсларнинг жиноят содир қилиши 6,1 фоизни ташкил қилган.

Бу масалада шуни таъкидлаш керакки, айрим хориж мамлакатларида, жазодан озод бўлиб келаётган шахсларнинг маиший мослашуви масаласини комплекс равишда ҳал қилиш учун тегишли қонун актлари қабул қилинган. Масалан, Польшада маҳкум иш ҳақининг 5 фоизи шу мақсадлар учун ажратилади. Мамлакатимиз учун ғоят оғир бўлган 1924 йилда ҳам ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаси ишлаб чиқариш фаолияти фойдасининг 15 фоизи жазодан озод бўлганларга ёрдам мақсадларига ажратилган. Шундай мақсадда Юстиция халқ комиссарлиги қошида маҳкумларга ва жазодан озод бўлган шахсларга ёрдам Бутунроссия қўмитаси ташкил қилинган эди.

¹ "Советская культура", 1990, 20 январь.

1928 йилдан бошлаб бу вазифани ҳал қилиш маҳаллий советлар ихтиёрига берилган эди. Бундай тартиб 1933 йилгача мавжуд бўлди. Шундан кейин бу масала умумдавлат миқёсида ҳал қилинмади¹.

Бундай шахсларга ёрдам бериш учун ҳозирги кунда озодликдан маҳрум бўлиш жойларидан озод бўлиб келган шахсларнинг ижтимоий мослашуви марказлари очилган. Албатта ҳозирча бу марказлар рецидив жиноятчиликнинг камайишига жиддий таъсир қила олгани йўқ. Аммо маҳкумларнинг ўз тақдирлари учун жамият бефарқ эмаслигини ҳис қилиши муҳимдир.

Бу марказлар иш бошлаганидан бери (1989 йил апрель ойидан) жазони ўташ вақтида оилавий алоқаларини узган, уйи йўқ 600 га яқин киши бошпана топди. Бухородаги ана шундай марказ анча яхши ишламоқда.

1990 йил ноябрь ойининг 3 куни давомида Бухоро шаҳрида жазодан озод бўлиб келганларнинг ижтимоий мослашуви муаммоси бўйича халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Бу симпозиумда Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой халқаро жамиятининг Австрия, Германия, Испания, Норвегия, Туркия, шведиялик вакиллари, мутахассислар, жамоат арбоблари, бир гуруҳ юрист олимлар қатнашдилар. Бухоро вилоятида ана шу марказ ишлай бошлаганидан буён юзлаб собиқ маҳкумлар ишга жойлашиш борасида, япаш жойи, моддий аҳволи жиҳатидан ёрдам олдилар. Рецидив жиноятчилик эса вилоятда 26 фоизга камайди².

Бухородаги озод бўлган маҳкумларнинг ижтимоий мослашуви маркази кенгашида 23 аъзо бўлиб, улар олдин судланган, ҳалол турмуш тарзини танлаб олган шахслар ҳамда Бухоро ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларининг вакиллари дидир. Бу кенгаш банкда ўзининг ҳисобига эга бўлиб, юридик шахс ҳисобланади. Бу банкдаги ҳисоб ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида жазони ўтаётган шахсларнинг ўз иш ҳақларидан ихтиёрий равишда ўтказадиган маблағлари, тузатиш-меҳнат муассасаларининг ишлаб чиқаришдан оладиган фойдаси ва алоҳида фуқаролар ўтказадиган пуллар ҳисобидан тўлдирилади. Шунингдек, бу кенгашнинг ёрдамчи хўжалигидан ҳам даромадлар тушади. Маҳкумларнинг жавобларига асосла-

¹ Қаранг: "Человек и закон", 1990, № 8, с. 22.

² "Правда Востока", 1990, 28 ноябрь.

надиган бўлсак, шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар, рецидивистларнинг доимий яшаш жойига ўз вақтида етиб келиши, пропискадан ўтишини ҳар доим ҳам талаб даражасида амалга оширмақдалар деб бўлмайди. Бу соҳада уларнинг иш фаолияти янада ривожлантирилиши зарур. Энг аввало, қаттиқ ва махсус режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларидан озод бўлиб келаётган шахсларга ҳамда собиқ Иттифоқнинг бошқа жумҳуриятлари ҳудудида жойлашган ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларидан жазони ўтаб келаётганларга жиддий аҳамият берилиши керак. Чунки айнан ана шу шахслар ўртасида рецидив жиноятчиликнинг нисбати юқори. Бизнинг текширувларимиз маълумотларига кўра, қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясидан бўшаб келганлар томонидан содир этилган жиноятлар рецидив жиноятчиликнинг 28,5 фоизини, бошқа жумҳуриятлар ҳудудидаги ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларидан бўшаб келаётганлар томонидан содир қилинган жиноятлар эса 34,9 фоизни ташкил қилмоқда.

Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод бўлиб келган шахслар устидан милиция органларининг маъмурий назорати катта самара беради. Маъмурий назорат мажбурий-тарбиявий характердаги чора бўлиб, фақат қонунда кўрсатилган шахсларга нисбатангина, улар томонидан янги жиноят содир этилиши мумкинлиги хавфи бўлсагина қўлланади. Маъмурий назорат тўғрисидаги Низомнинг 2-моддасига мувофиқ:

а) суд томонидан алоҳида хавфли рецидивист деб танилган шахслар;

б) оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ёки икки ва ундан ортиқ марта ҳар қандай жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, жазони ўташ вақтида, тузалиш йўлига ўтиб олишни хоҳламайдиган шахслар;

в) оғир жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққан ва ҳар қандай қасддан қилган жинояти учун икки ва ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққан, ёки муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилинган, милиция органининг огоҳлантиришларига қарамай жамоат тартибини муттасил равишда бузиб, жамиятга хилоф тарзда яшаётган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатилади.

Маъмурий назорат мажбурий характердаги чора бўлиб, ҳокимият вакиллари шахснинг ҳуқуқий ҳолатини чеклаш билан улар устидан мажбурий равишдаги назорат ўрнатадилар.

Маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан "Маъмурий назорат тўғрисида"ги Низомнинг 3-моддасига мувофиқ қуйидаги чеклашлар қўлланади:

а) маълум вақтларда уйдан чиқиб кетишни тақиқлаш;
б) районнинг алоҳида жойларида бўлишини тақиқлаш;
в) район (шаҳар) ҳудудидан ўзининг шахсий ишлари билан чиқиб кетишни тақиқлаш;

г) ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача рўйхатдан ўтиб туриш учун милиция органига келиб туриш. Булардан ташқари юқорида айтилган Низомнинг 15-моддасига мувофиқ милиция органининг чақируви билан дарҳол бу ерга етиб келиш; маъмурий назорат қоидаларига қандай риюя қилаётганлиги ҳақида оғзаки ёки ёзма равишда тушунтиришлар бериш, иш ёки яшаш жойлари ўзгариб қолган тақдирда ҳам хизмат юзасидан район ҳудудидан чиқиб кетиши лозим бўлиб қолса, бу ҳақда дарҳол унинг устидан назорат олиб борувчи милиция органига хабар беришга ҳамда бошқа районга бир суткадан ортиқ вақтга борган бўлса, ўша жойдаги ички ишлар органидан рўйхатдан ўтишга мажбурдир. Агарда назорат остидаги шахс ана шу талабларни бажармаса, унга нисбатан маъмурий назорат қоидаларини бузганлиги учун, дастлаб маъмурий, кейин эса, жинойий жазогача бўлган мажбурий чоралар қўлланади. Тошкент шаҳрининг Миробод, Яккасарой районларида, Андижон, Наманган, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида маъмурий назорат ўрнатишнинг амалий тажрибасини ўрганишимизнинг натижасида, маъмурий назорат ўрнатилганларнинг 23 фоизи устидан озод бўлганининг биринчи ойида, 25,0 фоизи устидан икки ой ичида, 14,0 фоизи устидан уч ой ичида, 20,0 фоизи устидан олти ой ичида, 18,0 фоизи устидан эса олти ойдан кечроқ муддатда маъмурий назорат ўрнатилганлиги маълум бўлди. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, озод бўлганидан кейин икки ой ва ундан ортиқ муддат ичида маъмурий назорат ўрнатилганларнинг миқдори 77 фоизни ташкил қилмоқда.

Маъмурий назорат жинойий жазонинг давоми ҳам эмас, жазолаш ҳам ҳисобланмайди, балки назорат остига олинган шахслар устидан мажбурий равишда мунтазам назорат олиб бориш йўли билан, улар томонидан содир қилиниши

мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик ёки янги жиноят содир қилинишининг олдини олишга қаратилган профилактика чораси ҳисобланади холос. Шунингдек, назорат остидаги вақт давомида уларда оддий турмуш шароитига кўникма ҳосил қилиш, уларга иш ва турмушида ёрдам бериш, турли жинойий унсурлар билан алоқа ўрнатишнинг олдини олиш, қисқа қилиб айтганда, ҳалол изчил ҳаёт йўлига тушиб кетиши учун шароит яратишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам рецидивистлар устидан ўз вақтида маъмурий назоратнинг ўрнатилиши, улар томонидан содир қилиниши мумкин бўлган жиноятнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Бунинг учун ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасининг маъмурияти ва ички ишлар органлари ўртасида барқарор алоқалар ўрнатиш, ушбу ички ишлар органи ҳудудига келаётган маъмурий назорат ўрнатилган ёки қонун бўйича ўрнатиш мумкин бўлган шахсларни тўла рўйхатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Айрим ҳолларда маъмурий назорат ўрнатилган вақт билан маъмурий назорат остига олиш ўртасидаги вақт, бу ҳақдаги ҳужжатлар ички ишлар органига жуда ҳам кечикиб келганлиги туфайли анчагина чўзилиб кетади.

Маъмурий назорат остига олинган шахсларга нисбатан, уларнинг хулқи, одатлари, қизиқишлари ва ҳоказоларга қараб, маъмурий назорат тўғрисидаги Низомнинг 3-моддасида кўрсатилган чекланишларнинг бир қисмини ёки ҳаммасини қўллаш мумкин. Ҳар қандай ҳолда ҳам маъмурий назорат ўрнатиш вақтида бу ишга якка тартибда ёндашилади.

Маъмурий назорат тўғрисидаги қонун нормаларининг амалда қўлланишини ва тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, унинг у ёки бу чеклаш қоидаларини қўллаш юзасидан айрим мулоҳазаларни қуйида баён қиламиз.

Назорат остидаги шахснинг шаҳар ёки районнинг айрим жойларида бўлишини тақиқлашдан асосий мақсад унинг шахсидаги айрим жамиятга хилоф хусусиятларнинг яна қўзғалишига, ёмон одатларини яна ишга солишга (ичкиликбозлик, қимор ўйинлари, наркотик воситаларни истеъмол қилиш, чайқовчилик ва ҳоказоларни) йўл қўймасликдан иборат. Бундан ташқари район (шаҳар)нинг айрим жойларида жамиятга хилоф хулққа эга бўлган шахслар кўпроқ йиғиладиган бўлса, ана шундай жойларда бўлишни ҳам тақиқлаш орқали, унинг жинойий унсурлар билан алоқа ўрнатишининг олди олинади.

Чеклашларни мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини билмасдан туриб ўйламасдан қўллаш, назорат остидаги шахсни оддий турмуш тарзида яшашга кўникма ҳосил қилиш ўрнига, ижтимоий мослашувини қийинлаштириб юборади. Жумладан назорат остидаги шахснинг уйдан чиқиб кетишини тақиқлаш вақтини белгилашда албатта унинг иш жойи (бориш-келиш учун кетадиган вақт), иш вақтининг бошланиш ва тамом бўлиш вақтлари, иш сменаси кабилар эътиборга олинishi керак. Агарда ўрнатилган чеклашлар ҳақиқий ҳолат билан қарама-қарши бўлиб қолган бўлса, у бекор қилиниши керак.

Назорат остидаги шахснинг маъмурий қоидаларни бузмаётганлиги, унинг аста-секин ҳалол турмуш кечириш бошлаганлигини билдиради. Шахснинг маъмурий назорат қоидаларига риоя қилаётганлигини фақат милиция органлари ходимларининг ўзлари бажармасдан, балки назорат остидаги шахс яшаётган жойдаги ҳурматли, ёши улуғ маҳалла активлари амалга оширсалар ҳам бўлаверади. Милиция ходимлари томонидан бўлар-бўлмасга вақт-бевақт текширавериш назорат остидаги шахсларнинг асабига тегади. Агарда тегишли йўллар орқали назорат остидаги шахснинг маъмурий назорат қоидаларини бузмаётганлиги, ижтимоий турмуш қоидаларига риоя қилаётганлигига қатъий ишонч ҳосил қилинаётган бўлса, ундаги бу ижобий ўзгаришлар рағбатлантирилиши керак. Бу рағбатлантириш айрим чеклашларни олиб ташлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

Маъмурий назорат қоидаларига риоя қилишни талаб қилишнинг ўзи билан шахснинг одатлари, манфаатлари, қарашларни ўзгартириб бўлмайди. Маъмурий назорат ўрнатишдан мақсад, энг аввало, ана шу вақт ичида унинг хулқидаги ёмон одатларни яна янгидан қўзғатмаслиги ва атрофдаги салбий ҳодисаларнинг унга таъсир қилмаслиги учун, айрим ҳуқуқий чеклашларни қўллаб, у билан тарбия ишларини олиб боришдан иборат.

Қонунларни такомиллаштириш рецидив жиноятчилигининг олдини олишнинг муҳим шартларидан биридир. Аммо қонун қанчалик мукамал, жозибадор бўлмасин, у ўзидан-ўзи жиноятчилиكنи йўқотиб юбора олмайди. Аммо жиноятчилиكنинг олдини олиш юзасидан бўлган қонунлар киши шахсининг шаклланишига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни тақиқлаш орқали уларнинг илдиз отишини тўхтатишда фоят муҳимдир.

Жамиятдаги фойдали ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини таъминлай оладиган, салбий ҳодисаларнинг пайини қирқишга қодир бўлган мукамал қонунларни ишлаб чиқиш ва амалда самарали татбиқ қилиш рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда ҳам катта аҳамиятга эга.

Ҳуқуқий давлат шакллантирилаётган ҳозирги даврда, хўжалик юритишнинг янгича усулларига ўтиш, жамият ҳаётини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, қонунларни ривожлантириш асосий талабдир.

Маълумки, рецидив жиноятчиликнинг анчагина қисмини дарбадарлик ёки тиламчилик қилиб юриш ёхуд бошқача тарзда текинхўрларча кун кечириш жинояти ташкил қилмоқда. Кейинги 5 йил ичида олдин судланган шахслар томонидан 1,5 миллион жиноят содир қилинди. Милиция ходимлари томонидан йилига ўртача 100 минг дарбадар ушланмоқда¹.

Ўзбекистон Республикаси ЖҚ нинг 220-моддасида шундай жиноят учун жиной жавобгарлик белгиланган. Ушбу модда бўйича жиной жавобгарликка тортишнинг амалдаги тартиби, рецидив жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш учун яхши самара бермайди. Чунки 20-модда асосан ахлоқий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан тубанлашган шахсларга нисбатан қўлланиб, улар жиной жавобгарликнинг тўраларча тизимига шунчалик мослашиб олинганки, жавобгарликдан қутулиб қолиш учун бирор жойга бир-икки ҳафтага номигагина ишга кирадилар-да, яна ишдан бўшаб кетаверадилар. 220-модданинг 1-қисми санкцияси икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш иши беришни назарда тутди. Судлар амалда бундай жиноят учун кўпроқ йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлайди. Ўз-ўзидан маълумки, бундай шахсларга ахлоқ тузатиш иши жазосини тайинлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди ва яхши самара ҳам бермайди. Уларга нисбатан тайинланадиган бир йилгача бўлган қисқа муддатли озодликдан маҳрум қилиш ҳам яхши натижаларга олиб келмайди. Чунки қисқа вақтда ахлоқан тубанлашган, текинхўрликка ўрганган шахсни қайта тарбиялаб бўлмайди. Муддатнинг қисқалиги бунга имкон бермайди. Худди ана шу ерда жазонинг мақсади

¹ "Комсомольская правда". 1990, 28 ноябрь.

билан уни тайинлаш ўртасида қарама-қаршилиқ вужудга келади. Қонун нормаси шахсни қайта тарбиялаш мақсадини қўяди, аммо жазони ўташ самара бермайди. Ҳар қалай ҳозиргача 220-модда билан ҳукм қилиш яхши самара бериш ўрнига репидив жиноятнинг кўпайишига олиб келмоқда холос. Шунини эътиборга олиб, бундай шахслар учун маъмурий тартибда тайинланадиган жазо чоралари ривожлантирилиши мақсадга мавофиқдир. Маъмурий тартибда тайинланадиган жазо ахлоқан тузатиш-меҳнат таъсири билан боғлиқ бўлган жазо чораси бўлиши керак. Шунга мувофиқ равишда ахлоқ тузатиш-меҳнат марказлари ташкил қилиниши мумкин. Бундай марказларга жиноятчилар суд томонидан икки йилдан уч йилгача юборилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Ахлоқ тузатиш-меҳнат марказига юбориш учун, шахс 4 ой давомида, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод бўлиб келган шахслар эса 2 ой давомида ишламай дарбадарлик ёки тиламчилик қилиб юрган ёхуд бошқача тарзда текинхўрлик билан кун кўриб юрганлиги маълум бўлиши керак. Бунда шахснинг текинхўрлик билан кун кўриб юрганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ички ишлар органи судга тақдим қилади. Суд маъмурий тартибда ахлоқ тузатиш марказига юбориш масаласини ҳал қилиши керак.

Қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларидан бирида олиб борилган текширишлардан маълум бўлишича, унда сақланаётганларнинг 35,3 фоизи бирон бир иш топишдан умуман умидини узган. Булардан қайси бири маъмуриятнинг ташаббуси билан ишдан бўшатишган, қайси бири ўзлаштира олмаганлиги туфайли ўқув юртларидан чиқарилган. Ўз-ўзидан маълумки, булар умумий яшаш уйларида қайдаланган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда умумий яшаш уйлари деб номланадиган каталакларда 10 миллиондан ортиқроқ ёш ишчилар ва талабалар яшамоқда. Дарбадарларнинг катта бир гуруҳи дарбадарликни ўзининг асосий машғулоти қилиб олган шахслар бўлиб, мамлакатимиз йўлларида қанчадан-қанча пойафзалларини синовдан ўтказганлар. Дарбадарларнинг кичикроқ иккинчи гуруҳи — ахлоқ тузатиш колониясининг дарвозасидан ташқарига чиқиши биланоқ жамиятга керак бўлмай қолган ортиқча кишилардир. Булар озод бўлганларнинг 28,9 фоизини ташкил қилмоқда. Қабул қилиш ва тақсимлаш муассасалари орқали йилига ўртача 100—125 минг дарбадар ўтмоқда. Айрим маълумотларга кўра мамлакатимиз

бўйича саёҳатчи дарбадарлар бундан беш марта кўпни ташкил қилади¹.

Жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш тажрибаси шуни тақозо қилмоқдаки, ҳозирги кунда ахлоқ тузатиш-меҳнат таъсири билан боғлиқ бўлган маъмурий-ҳуқуқий таъсир чораларини ишлаб чиқиш учун вақт етилди. Бундай чора шахсга, у айрим хулққа хилоф ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортилмасдан олдин қўлланиши керак. Агарда у шундай ҳаракатни такроран содир қилсагина, уни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Ёки маъмурий тартибда тайинланган ахлоқ тузатиш ишидан, ёки жазонинг қолган қисмидан қасддан бош тортса, жазо жиноий жазо билан алмаштирилиб ҳукм қилиниши керак. Бунда бир томондан жиноий жавобгарликка тортишнинг миқдори ва ундан келиб чиқадиган оқибатлар (масалан, судланганлик) ва шунга мувофиқ рецидивистларнинг ҳам ҳиссаси камаяди. Иккинчи томондан эса шахсни ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш жараёни у жиноий жазога ҳукм қилинмасдан анча олдин бошланади.

Жиноий жазога ҳукм қилинмасдан олдин қўлланиладиган маъмурий тартибдаги ахлоқан тузатиш-меҳнат таъсири бир томондан, жиноий жазодан озод бўлганидан кейин қўлланиладиган маъмурий назорат рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда яхши самара бериши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖҚМ нинг 220-моддасининг амалдаги 2-қисмини шу модданинг 1-қисми ҳисоблаб, унинг таҳрири қуйидагича берилса, мақсадга мувофиқ бўлади: "Дарбадарлик ёки тиламчилик қилиб юриш ёхуд бошқача тарзда текинхўрларча ҳаёт кечириш олдин тузатиш-тарбия марказига юборилган шахс томонидан қилинса — икки йилдан тўрт йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

Бошқа иттифоқдош жумҳуриятлар ҳудудида жойлашган ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида жазони ўтаб келган шахслар, умумий режимли, қаттиқ режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларидан ҳамда тарбия-меҳнат колонияларидан озод бўлиб келаётган рецидив жиноятчилик-

¹ Факин В. Бродяги. Қаранг: "Рабочая трибуна". 1990, 16 ноябрь.

нинг аксарият қисмини содир қилмоқдалар. Маҳкумлар ҳукм қилингунча қаерда яшаган ва ишлаган бўлсалар, ўша регионда жазони ўташлари керак. Ҳозирги кунда кўпчилик ёғоч тайёрлаш билан шуғулланадиган колониялардагиларнинг таркиби Кавказорти ва Ўрта Осиёдан ҳукм қилинганлардир¹.

1991 йил январь ойи ҳисобидан олинганда МДҲга кирувчи давлатлар ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган 15 минг киши жазони ўтамоқда².

Шунинг учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш борасидаги таклифларимиз қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда ҳукм қилинган рецидивистларни бошқа жумҳуриятлардаги ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларига ва махсус комендатураларига юборишни тўхтатиш керак. Бизнинг фикримизча, озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар жазони ўзлари яшаб турган жойдаги ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида ўташлари керак. Ана шунда шу жойдаги раҳбарларда жазога ҳукм қилинган шахснинг тақдирига бефарқлик билан қараш ҳисси баргараф этилиб, жазодан озод бўлганидан кейин уларни иш билан таъминлаш жавобгарлигини улар ҳис қиладилар. Бундан ташқари маҳкумнинг жазони ўз яшаш жойида ўташига эришилса, уни қайта тарбиялаш ишида унинг қариндош-уруғлари, ишлаган жойидаги меҳнат жамоаси, жамоат ташкилотлари кучидан фойдаланиш мумкин бўлади. Шунингдек, уларни бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб у ёқдан-бу ёққа олиб бориш ташвишидан ҳам қутулиш мумкин бўлади.

Рецидив жиноятчилик сабаблари кўп ҳолларда шу региондаги бир-бири билан боғланиб кетган қатор ижтимоий муносабатларнинг ўзида бўлади. Рецидив жиноятлар регионда мавжуд бўлган сабаб ва шароитлар нуқтаи назаридан қараладиган бўлсагина, регионда мавжуд бўлган салбий шароит ва сабабларни баргараф қилиш мумкин бўлади.

Янги рабўл қилинадиган ахлоқ тузатиш қонунида "Рецидивистларни бошқа жойларда яхшироқ тузатадилар"

¹ Травин И. В. Елецком центрапе "Труд" 1990, 11 декабрия.

² "Халқ сўзи", 1991, 21 февраль сони.

деган нотўғри тушунчадан воз кечиш ва жазони фақат судланган жойда ўташ принципини қарор топтириш керак.

Ана шундай ўзгаришлар рецидивистларга нисбатан тайинланган жазони ижро этиш системасида амалга оширилиши керак. Уларга нисбатан ишлаб чиқилган жазо системаси маҳкумни қатъий тузалиш йўлига ўтиб олиши учун имконият яратадиган бўлиши керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг ахлоқ тузатиш-меҳнат қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бу лойиҳада жазони ижро этишни табақалаштиришга жиддий аҳамият берилган. Бунда озодликдан маҳрум қилиш жазоси маҳкумни жамиятдан ажратиб, унинг устидан қаттиқ назорат ўрнатиш билан боғлиқ бўлади. Маҳкумлар ҳеч бўлмаганда жазонинг дастлабки қисмини (қанча қисми эканлиги ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияси режим турига боғлиқ) қаттиқ назорат қилинган ҳолда ўтайдилар. Жазонинг дастлабки қисмида бундай қаттиқ назорат ўрнатилишидан маҳкумни қўрқитиш ва унинг руҳий ҳолатига шундай йўл билан таъсир қилиш назарда тутилмоқда. Маҳкумнинг тузалиш йўлига ўтиб олиш даражасига қараб, назорат қилиш ва уларни сақлаш шароити аста-секин ўзгартириб борилади. Улар оладиган посилка, ва бошқа нарсалар олиш миқдорини ҳам шунга мувофиқ ўзгартириб бориш керак. Шунингдек, сарф қилинадиган пул суммасини ҳам шунга мувофиқлаштириш лозим. Аммо маҳкумларнинг ёзишмалари миқдорига бўлган чеклашлар бекор қилиниши керак.

Тузалиш йўлига ўтиб олмаган маҳкумлар учун эса махсус ижтимоий мослашув марказлари ташкил қилиниб, улар жазо муддатини ўтаб бўлганларидан кейин ана шу марказга ўтказилиши, мазкур марказда бўлиш муддати эса суд томонидан белгиланиши керак. Рецидивистнинг мослашув марказида бўладиган муддатини қисқартириш ёки узайтириш масаласини махсус комиссия ҳал қилиши керак.

Қатъий тузалиш йўлига ўтиб олган рецидивистларни эса жазонинг маълум қисмини ўтаб бўлганидан кейин меҳнат-манзил колониясига ўтказиш ва бу манзил колонияси маҳкум доимий яшайдиган жумҳурият ҳудудида бўлиши керак.

Озодликдан маҳрум қилишни ўташнинг бундай системаси ҳам, ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида жазони ўтаётган ва режим қоидаларини муттасил равишда бузётган маҳкумларни турмага ўтказиш тартибини қайта

кўриб чиқиш ва чеклаш масаласи ҳам ўрганиб чиқилиши керак..

Маҳқумларни оддий ҳаёт шароитига тайёрлаш учун уларни мослаштириш учун муайян бир комплекс чоралар ишлаб чиқилиши керак. Ҳеч бўлмаганда жазонинг қолган ярим йилида улар оддий ҳаёт шароитига имкони борича яқинлаштирилган шароитда яшашлари, оддий кийим кийиб юришлари зарур, уларга фойдали алоқалар ўрнатишга рухсат берилиши керак.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, озодликдан маҳрум бўлиш жойларидан озод бўлиб келган шахслар билан иш олиб бориш ғоят мураккабдир. Олдин судланган шахслар билан иш олиб борадиган ходимлар жуда кўп қонун нормаларини яхши билишлари ва амалда қўллаш олишларидан ташқари педагогик билимларга ҳам эга бўлишлари керак. Айниқса, кишилар шахсини характерловчи хусусиятларни ўрганадиган, шу жумладан, олдин судланган кишилар шахсини ўргатувчи фанлардан яхши хабардор бўлишлари керак. Лекин ички ишлар органларида бу ишлар кўпинча ана шу билимларга эга бўлмаган ходимларга юкланади. Ваҳоланки, олдин судланганлар билан олиб бориладиган профилактика ишлари асосан ана шу ходимларга бевосита боғлиқдир. Чунки инсондаги энг яхши фазилатлар колонияда ёки турмада эмас, балки, оддий ҳаёт шароитида шаклланади. Шунинг учун ҳам тузалиш йўлига ўтиб олган маҳқумларнинг оддий ҳаёт шароитида яшашлари учун уларга зарур хусусиятларни шакллантириш керак. Ҳозирги кунда рецидив жиноятнинг борган сари ўсиб бораётганлигига ана шундай ишларнинг жуда ҳам паст савияда эканлиги сабаб бўлмоқда.

Бу соҳадаги амалий ишларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, олдин судланган шахслар билан олиб бориладиган ишлар ички ишлар органининг икки-учта ходимига (жамият қидирув бўлими инспекторига, участка инспекторларига, ахлоқ тузатиш инспекцияларига) юклатиб қўйилади. Бу, биринчидан — мазкур ходимларнинг бундай ишни қўшимча вазифа деб ҳисоблаганликлари ва шунга мувофиқ муносабатда бўлганликлари туфайли самара бермаса, иккинчидан — олдин судланган шахслар билан олиб бориладиган ишлар фақат уларнинг доимий яшаш жойига етиб келишини, пропискаси, ишга жойлашишини назорат қилиш билан чекланиб қолади. Учинчидан — махсус тайёргарлиги бўлмаган ходимлар олдин судланган шахслар билан олиб бориладиган ишларни кўнгилдагидек

базара олмайдилар. Айрим ҳолларда уларнинг ҳаракати бундай шахслардан тезроқ қутулишга қаратилади.

Шунинг учун ҳам ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларидан озод бўлиб келган шахслар билан иш олиб борадиган махсус хизмат қисми ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ички ишлар органининг бу хизмат қисмига жазони ўтаб келаётган шахслар ҳамда рецидивистлар билан олиб бориладиган комплекс вазифалар юклатилиши мумкин.

Дийдор кўришувларнинг миқдори (айниқса аёлларга нисбатан) кўпайтирилиши керак. Шунингдек, ёзишмаларни чеклаш бекор қилиниши; айрим маҳкумларга қисқа муддатли отпускаи бериб уйига бориб келишга рухсат берилиши; қариндош-уруғларининг дийдор кўришувига кела олмаганлиги учун дийдор кўришувни телефонда гаплашиш билан алмаштириш; жазодан озод бўлганидан кейин қўлланиши мумкин бўлган прописканинг чекланиши бекор қилиниши керак.

Узоқ муддатли дийдор кўришувни колония ҳудудидан ташқарида ўтказиш лозим, қариндош-уруғлари ва танишлари билан ўтказиладиган қисқа муддатли дийдор кўришувларни эса махсус кабиналар ва гапириш қурилмаларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилишдан воз кечмоқ даркор.

Маҳкумлар кийимидаги уларни таҳқирловчи рақамлар ёзилган махсус белги бекор қилиниши керак. Унинг ўрнига ҳар бир маҳкумнинг шахсий "ҳисоб варақаси" (карточка) жорий қилиниб, улар авайлаб сақланиши керак. Барча маҳкумларнинг сочини бирваракай қириб ташлаш ҳам шарт эмас. Маҳкумларга спорт кийими сақлашга рухсат берилиши, уйи билан телефонда гаплашишига, маъмурий жарима изоляторига юборилганда ўзи билан бирга кўрпа-ёстиғини олишга рухсат берилиши керак. Хуллас, ушбу айтилган таклифлар олдин судланган шахслар томонидан янги жиноят содир қилинишининг олдини олиб, уларни оддий турмуш шароитига тезроқ кўникишига имконият беради деб ўйлаймиз. Албатта, бу таклифлар жиноят қонуни ва ахлоқ тузатиш-меҳнат қонунида жиноятчиликнинг ва рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш нормаларини тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Лекин барибир, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумларнинг маркази ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларидаги отряд системаси бўлиб қолаверади.

Айнан ана шу жойда маҳкумларни қайта тарбиялаш соҳасидаги куч ва вазифалар йиғилган бўлади.

Вояга етмаганлар томонидан жазони ўташ режимини ҳам ривожлантириш керак. Амалдаги ахлоқ-тузатиш меҳнат қонунида вояга етмаган маҳкумларнинг посилка, передача, бандерол олиш тартиби ҳам ўз ифодасини топган. Тарбия-меҳнат колонияларида посилка, передача, бандерол олиш миқдорининг кўп белгиланганлиги, жиноят содир қилган шахсларни ҳалол меҳнат қилиб, ўзини-ўзи таъминлашга интилишини эмас, балки ота-она ҳисобидан яшашга бўлган интилишини янада кучайтиради. Бундан ташқари тарбияланувчилар ўртасида ҳам носоғлом муҳит пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Яъни, у ерда ҳам ижтимоий тенгсизликни келтириб чиқаради, режим қоидаларининг бузилишига олиб келади. Чунки, яхши таъминланган оилалар посилка, передачаларни қонунда белгиланган имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда беришга ҳаракат қиладилар. Кўпчилик вояга етмаган маҳкумларда бундай ҳолат адолатнинг бузилиши деб баҳоланади. Вояга етмаганларнинг таъсирчанлиги ҳисобга олинса, бундай ҳолатнинг уларга қандай таъсир қилиши ўз-ўзидан маълум бўлади.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тарбия-меҳнат колонияларида жазони ўтаётганларнинг посилка, передача олишларини бекор қилиб, бунинг ўрнига уларнинг овқатланиш нормасини яхшилаш, ўзи ишлаб топган шахсий ҳисобидаги пулдан сарф қилишга кўпроқ рухсат бериш каби нормаларни ишлаб чиқиш керак. Агарда маҳкумнинг шахсий ҳисобида пул бўлмаса, ҳар ойда маълум миқдорда сарф қилишга рухсат этилиши мумкин (масалан, муддатли ҳарбий хизматдагиларга бериладиган пул миқдорида). Бу суммадаги пулни маҳкумнинг ота-оналаридан перевод билан олиш мумкин. Посилка, передача ва бошқаларга нисбатан бундай йўл тутиш ҳам арзон, ҳам қулай, ҳам мақсадга мувофиқ.

Лекин, тарбия меҳнат колонияларидаги режим қоидалари, энг аввало, маҳкумни ҳалол меҳнат қилишга ўргатиши ва меҳнати туфайли топган даромади ҳисобига яшашга тайёрлаши керак.

Вояга етмаганларга нисбатан тайинланган жазони ижро этиш тизими мустақил равишда ижро этилиши ва тарбия-меҳнат колониясидан ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясига ўтказиш умуман тақиқланиши керак. Яъни тарбия-меҳнат колониясида жазосини ўтаётган шахслар билан

ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясида жазони ўтаётганлар ўртасида ҳеч қандай учрашув бўлмаслиги керак.

Вояга етмасдан жиноят содир қилганлар озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ҳаммасини жазони ўташ учун мўлжалланган махсус муассасаларда ўташлари керак. Бундай тизимга халқаро пенитенциар тажрибаси XIX асрдаёқ ўтган эди.

Тарбия-меҳнат колониясида жазони ўтаётган 18 ёшдан ошган маҳкумлар режим қоидаларини муттасил бузиб келаётган бўлса, қонунда белгиланган муддатга камера типидagi хоналарга ўтказиб қўйилиши керак. Бу чора ҳозирги кунда амалда бўлган ахлоқ тузатиш-меҳнат колониясига ўтказиш чорасини маълум даражада қоплайди.

Амалдаги қонунларга биноан вояга етмаганларга нисбатан муддатидан илгари шартли равишда жазодан озод қилиб, маҳкумни мажбуран меҳнатга жалб қилиш ва меҳнат-манзил колонияларига ўтказиш татбиқ қилинмайди. Шу боисдан вояга етмаганларда оддий ҳаёт шароитига кўникма ҳосил қилдирадиган муассасалар йўқ. Аммо ҳар бир ахлоқ тузатиш режимининг моҳияти, шахсни ҳалол меҳнат йўлига қайтариш, яъни оддий ҳаёт шароитидаги ғоят мураккаб, турли-туман ижтимоий муносабатларни бажаришга ўргатишдан иборатдир.

Ана шундай ҳолатни эътиборга олиб бизнинг фикримизча маҳкумларни оддий ҳаёт шароитига иложи борича яқинроқ бўлган, ярим озод шароитда сақлаш мумкин бўлган ахлоқ тузатиш-тарбия марказларини ташкил қилиш керак. Бу марказларга қатъий тузалиш йўлига ўтиб олган маҳкумлар тарбия-меҳнат колониясида ўтаётган жазонинг энг камида уч ойи қолганда ўтказилиши керак.

Тузалиш йўлига ўтиб олишни умуман хоҳламайдиган маҳкумларга нисбатан ҳам шундай марказларни ташкил қилиш лозим. Лекин улар бундай марказга суд томонидан тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин юборилиши керак. Бундай марказга юбориш масаласини тарбия-меҳнат колонияси маъмуриятининг ва вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг биргаликда берган тақдимномасига мувофиқ суд ҳал қилиши мумкин. Маҳкумлар бу марказларга кўпи билан уч йилгача бўлган муддатга юборилса мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шундай марказлар ҳар бир тарбия-меҳнат колонияси қошида ташкил қилиниши керак.

Маълумки, маҳкумларга меҳнат дафтарчаси ёзилмайди, жазони ўташ вақтида ишлаган иш муддати уларнинг иш стажига кирмайди ва ўз-ўзидан уларга қариллик пенсияси тайинлашда бу вақт эътиборга олинмайди. Нимага шундай? Бунга жавоб бериш қийин, шундай тартиб ўрнатилган. Жазодан озод бўлиб келаётганларни ишга жойлаштириш ҳиссаси (квота)ни ўрнатиш уларни ишга қабул қилган ва яхши иш олиб борган корхоналарни рағбатлантириш (масалан, солиқни камайтириш) жорий қилиниши керак.

Ишсиз ва бошпанасиз қолган одамнинг йўли битта — у ҳам бўлса яна колонияга олиб борувчи йўлдир. Бу таклифлар, қилинаётган чоралар, жазонинг жиноятчиликни олдини олиш вазифасини янада кучайтириши, тарбия-меҳнат колонияларида режимни янада мустаҳкамлаши, энг муҳими тарбия-меҳнат колониясидаги ҳаёт шароитидан оддий ҳаёт шароитига ўтиш жараёнига ёрдам бермоғи лозим.

Рецидивистлар билан профилактика ишларини ташкил қилиш вақтида, энг аввало, уларнинг жиноят содир қилишга мутахассислашганини эътиборга олиш керак. Рецидивистлар ҳар сафар янги жиноят содир қилган вақтда жиноят содир қилишнинг янги-янги усуллари, қуролларини қўлайдилар. Аммо ғараз мақсадларда зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳолда жиноят содир қилиш (одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, босқинчилик, зўрлик ишлатиб талончилик қилиш) рецидивистларнинг асосий жиноят тури бўлиб қолаверади. Шунинг билан бирга фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш, талончилик, босқинчилик жиноятларида ҳам рецидив жиноятчилигининг улуши юқори. Чунки ана шу жиноятларни содир қилишда мутахассислашган жиноятчиларнинг малакаси лозим бўлади. Кейинги йилларда фуқароларнинг шахсий мулкни ва ижтимоий мулкни ўғирлаш йўли билан талон-торож қилишга мутахассислашган жиноятчиларнинг салмоғи жуда тез кўпайди. Бундай ҳолат шуни кўрсатиб турибдики, ўғрилиқ жиноятига қарши кураш ва бу курашнинг самардорлигини ошириш, шунингдек, рецидив жиноятчиликка қарши кураш ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларнинг ҳамма вақтда ҳам энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

ХОТИМА ЎРНИДА

Криминология фани ўтган асрнинг охирида шаклланиб, кўпгина илғор мамлакатларда жиноятчиликнинг сабаблари ва уларнинг олдини олиш масалалари чуқур ўрганила бошланган бўлса-да, собиқ СССРда узоқ вақтлар жиноятчилик ва унинг сабаблари фақат синфий қарама-қаршиликнинг натижаси деб ҳисобланиб, уни ўрганишга етарли аҳамият берилмаган эди. Ҳатто XX асрнинг биринчи ярмида жаҳондаги кўпгина мамлакатларда криминология мустақил фан сифатида юридик ўқув юртларида ўқитилгани ҳолда, бизларда фақат 1964 йилдан кейингина бу фан Олий юридик ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитила бошланди.

Лекин шунга қарамасдан собиқ СССРнинг 60-йиллардан кейинги тараққиётида криминологияга аҳамият берила бошланди ва натижада бу соҳадаги бир қатор илмий тадқиқотларнинг натижалари, монографиялар, ўқув қўлланмалари ва дарсликлар чоп қилинди. Аммо олимлар ўртасида криминология фанига муносабат ҳануз хилма-хил эди. Зеро бу ҳол ўша даврдаги ижтимоий ҳаёт, тузумга хос жиноят сиёсати, марксизм-ленинизм ғояларининг устуворлиги билан изоҳланади. Бу ўз навбатида криминология фанини ривожлантириш, уни мустақил фан сифатида ўқитиш, жиноятчиликнинг сабаблари тўғрисидаги муаммолар юзасидан тадқиқотлар ўтказиш, уларга объектив баҳо беришга имкон бермасди. Айниқса, криминологияни жиноят ҳуқуқининг бир қисми деб қараш, ушбу фанни мустақил фан сифатида ўқитиш ишларига жиддий тўсиқ бўлган эди.

Кейинги йигирма йил ичида, жиноятчиликнинг ўсишини қонун орқали тўхтатишнинг иложи бўлмаганлиги туфайли жиноятчилик ва унинг сабабларини ўрганишга аҳамият берила бошланди ва криминология мустақил фан сифатида Олий юридик ўқув юртларида ўқитила бошланди.

Криминология фақатгина назарий фан бўлмасдан, балки амалий фан ҳамдир. У жуда қийин ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Уни ҳатто айрим жиҳатларига кўра генетика ёки кибернетика фанлари билан қиёслаш мумкин. Бу фан ҳам дастлаб мустақил фан сифатида тан олинмади, аввалига жиноят ҳуқуқининг бир қисми, сўнгра бир қанча фанларнинг ўртасидаги фан, кейинчалик эса, жуда катта тортишувлардан кейингина мустақил фан деб тан олинди.

Криминологияни ўрганиш орқали жиноятчилик ва унинг сабаблари, жиноятчиликка қарши кураш ва уларнинг олдини олиш муаммолари тадқиқ этилади ва бу борадаги илмий асосланган чоралар ишлаб чиқилади.

Жиноятчиликнинг ўзи нима, унга қарши курашса бўладими, бу курашда бирон бир ижобий натижага эришиш мумкинми, жиноятчиларнинг ўзлари ким, уларни одамларми ёки жамиятнинг ўзи келтириб чиқарадими, жиноятчиликка қарши курашни энг аввало нимадан, қаердан бошлаш керак, жиноятчиликка қарши курашда қонун бирламчими ёки жазоми, иқтисодий-ижтимоий, тарбиявий чораларнинг қай бири энг муҳим деган муаммоларни фақат ушбу фанни чуқур ўрганиш орқалигина билиш мумкин. Таниқли олим И. И. Карпец шундай деб ёзади: "Криминология кишиларни жиноят статистикасини тўғри ўқишга, ўқиб бўлгач эса умумий хулосалар чиқаришга ўргатади". Бинобарин, шундай. Криминологиянинг асосларинингина ўрганиб олган киши ҳам жиноятчилик муаммоларига ҳеч қачон юзаки қарамайди, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолияти бу борадаги ишларнинг бир қисмидир холос. Жиноятчилик муаммоси комплекс равишдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий муаммолар билан боғлиқдир. Бу муаммолар жамият ва давлат миқёсида ҳал қилинсагина етарли даражадаги ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Криминология фани бўйича собиқ СССР даврида катта-катта дарсликлар ва криминология курси китоблари чоп этилган бўлса-да, ўзбек тилида ҳозирги кунгача бир нечта кичик-кичик мақолалар эътиборга олинмаса, деярли бирон бир ўқув қўлланмаси, дарслик чиқарилган эмас, ёки ҳеч бўлмаганда мавжуд қўлланмалар ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасида Юридик институту, учта юридик факультет, Олий милиция мактаби, учта ўрта махсус ўқув юртлари бор ва уларда минглаб

талабалар таълим олмоқда. Уларнинг қўлида криминология фанини ўрганиш учун ҳозиргача деярли ҳеч нарса йўқ.

Ушбу ўқув қўлланмасини ёзиш ғоят мураккаб бўлган шароитга, яъни собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши ва унинг ўрнида бир қанча мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва бу мураккаб даврда жиноятчиликнинг ғоят кўпайиб жамият учун жиддий ташвишлар туғдирган даврига тўғри келди. Бундан ташқари ушбу ўқув қўлланмасининг муаллифлари Ўзбекистонда биринчи марта мустақил равишда криминология соҳасида ўзбек тилида қўлланма ёзишга ҳаракат қилиб кўрдилар ва криминология фанининг бир нечта мавзуларининг мазмунинигина очиб беришга ҳаракат қилдилар. Бир сўз билан айтганда, ушбу ўқув қўлланмаси — илк тажриба, илк қадамлар маҳсулидир. Бинобарин, ундан криминология соҳасининг ҳар томонлама теран ва мукамал изоҳини талаб қилиш ноўриндир. Шубҳасиз, ушбу китоб муаллифлари бу борадаги ўз изланишларини давом этказадилар ва Сиз азиз ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазаларингиз китобнинг кейинги нашрлари учун муҳим аҳамият касб этади деган умиддамиз. Китоб ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирган ўртоқларга муаллифлар ўз миннатдорчилигини билдиради.

МУНДАРИЖА

Криминология нимани ўрганади?	3
Йчкиликбозлик, заҳарвандлик, гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг ўзаро боғлиқлигининг криминологик тавсифи	12
Алкоголизм ва гиёҳвандликнинг ижтимоий хавфлиги	12
Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг криминологик тавсифи ва уларнинг олдини олиш	38
1-§. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг криминологик тавсифи	38
2-§. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб жиноят содир қилган шахсларнинг криминологик тавсифи	43
3-§. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг шароит ва сабаблари	57
4-§. Ғаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш	73
Жиноятчининг шахси тушунчаси	81
Жиноятчи шахсида ижтимоий ва биологик муносабатлар	96
Ижтимоий муҳит ва жиноятчилар шахсининг шаклланиши	130
Жиноятчиларни турларга ажратиш ва таснифлаш	149
Рецидив жиноятчиликнинг криминологик тавсифи ва унинг олдини олиш	163
Жиноят Қонунининг рецидив жиноятчиликка қарши курашдаги вазифалари	176
Рецидивист шахсининг криминологик тавсифи	189
Рецидив жиноятчиликнинг сабаблари	195
Рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш	202
Хотима ўрнида	226

Йулдош Каракетов
Мамажон Усмоналиев,

**КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ МЕРЫ БОРЬБЫ
С ПРЕСТУПНОСТЬЮ**

На узбекском языке

· Издательство "Ўзбекистон" — 1995
700129, Ташкент, Навои, 30.

Кичик муҳаррир *Ш. Соибназарова*
Рассом *О. Бородина*
Бадий муҳаррир *Х. Меҳмонов*
Техник муҳаррир *А. Горшкова*
Мусахҳиҳ *Ў. Қодирова*

Теришга берилди 16.08.93. Босишга рухсат этилди 06.03.95.
Бичими 84x108¹/32 №2 босма қоғозига "Таймс" гарнитурада
офсет босма усулида босилди. Шартли бос.т. 12,18. Нашр. т. 12,89
5000 нусхада чоп этилди. Буюртма № 77
Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 163—93.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий
ва программавий воситалар базасида тайёрланиб,
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси Тошкент китоб-
журнал фабрикасида босилди. 700194, Тошкент, Юнусобод даҳаси,
Муродов кўчаси, 1.

Каракетов Й. М., Усмоналиев М. У.
К 24 Жиноятчиликка қарши курашнинг криминалогик
чоралари: Олий ўқув юрт. талабалари учун ўқув
қўлланма. (Масъул муҳаррир Г. А. Аҳмедов).—
Т.: Ўзбекистон, 1995.— 229 б.
I. Автордош.
ISBN 5-640-01318-4

67.99(2)8я73

№ 191-95
Алишер Навои номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси

К 1201000000—26 95
М 351 (04) 95

